

SF
C ✓

И. САИФНАЗАРОВ, Б. ҚОСИМОВ,
А. МУХТОРОВ, Г. НИКИТЧЕНКО


**ФАННИНГ
ФАЛСАФИЙ
МАСАЛАЛАРИ**



**И. САИФНАЗАРОВ, Б. ҚОСИМОВ,
А. МУХТОРОВ, Г. НИКИТЧЕНКО**

ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан олий ўкув юртлари магистратураси
учун ўкув қўлланма сифатида тавсия этилган**



ТОШКЕНТ – 2007

**И. Саифназаров, Б. Қосимов, А. Мухторов, Г. Никитченко.
Фаннинг фалсафий масалалари. – Т., «Fan va texnologiya». 2007,
240 бет.**

Ушбу ўкув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган намунавий ўкув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўкув қўлланмада фаннинг фалсафий муаммоларини муайян фанларнинг ривожланаётган билим тизими сифатида кўриб чиқишга асосий эътибор қаратилиб, фан амалиёти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилган.

Қўлланмада жамият, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига ҳам эътибор берилган. Марказий Осиёда ўрта асрларда илмий билимларнинг шаклланиши муаммоси, шунингдек, мустакил Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муаммолари ёритилган.

Ўкув қўлланма иқтисодий йўналишга ихтисослашган магистрлар учун мўлжалланган.

Илмий муҳаррирлар: Н.ШЕРМУҲАМЕДОВА – ф.ф.д.;
М.АБДУРАШИДОВ – ф.ф.н., доц.

Тақризчилар: А. ҚОДИРОВ – ф.ф.д., проф.;
Н. МАҲМУДОВ – и.ф.д., проф.;
Б. АЛИЕВ – ф.ф.д., проф.

ISBN 978–9943–10–037–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007.

К И Р И Ш

Учинчи минг йилликка қадам қўйган инсоният бу давр фан ва илмий билимнинг мисли қўрилмаган тарзда ўсиши, ахборотлашган жамият шаклланиши даврининг ўзига хос муаммоларига дуч келмоқда. XXI асрда фан нафақат илмий тараккиёт, балки жамият тараккиёти, ижтимоий тараккиётнинг ҳал қилувчи кучига айланади, бу қонуният Узбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро дунёқарashi ва маънавиятини кенгайтириш ва чукурлаштириши тақозо этади.

«Ўйлайманки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабхаларига тобора чукур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларининг жамиятимиз учун накадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳақида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ», деб қайд этди Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидағи маъруzasida.

«Фаннинг фалсафий масалалари» деб номланган ушбу ўкув қўлланма магистрантлар, аспирантларга, шунингдек олий ўкув юртларининг ўз фалсафий-эпистемологик билим даражасини оширишга, мустакил фикрининг фалсафий равонлиги ва методологик изчиллигини шакллантиришга интилган бакалавриат талабаларига мўлжалланган. Қўлланма муайян ихтисосликлар бўйича иомзодлик минимуми имтиҳонларини топширишга тайёргарлик кўраётган талабгорларга ҳам жиддий ёрдам беради. Бу китоб иқтисодий мутахассисликлар бўйича ихтисослашётган илм толиблари учун айникса зарур, чунки мазкур ўкув қўлланмаси иқтисодий ихтисосликлар магистратураси учун мўлжалланган намунавий ўкув дастури асосида ёзилган.

Ўкув қўлланмасида асосий эътибор, муайян фанларнинг фалсафий масалаларини ёритиш билан бир қаторда, фаннинг ўсаётган, ривожланаётган билим тизими, ўзига хос ижтимоий институт, ҳозирги замон постиндустриал ахборот цивилизациясининг ажralmas таркибий қисми сифатидаги назарий муаммоларига ҳам қаратилди. Унда фан фаолияти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилди.

Қўлланмада илмий билим ривожланишининг турли концепциялари, фан шаклланиши ва ривожланишининг манбалари ва асослари ҳам қўриб чиқилади. Муаллифлар, қўлланма иқтисодий фанлар соҳасига ихтисослашган магистратура тингловчиларига мўлжалланганидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ҳамда ҳозирги жамият иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Ўкув қўлланмада Марказий Осиёда ўрта асрларда (IX–XV асрларда) илмий билимларнинг шаклланиши муаммосига, Шарқ ёки ислом ислоҳ-

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир – Т., «Ўзбекистон», 2005. 56-б.

**И. Саинфназаров, Б. Қосимов, А. Мухторов, Г. Никитченко.
Фаннинг фалсафий масалалари. – Т., «Fan va texnologiya». 2007,
240 бет.**

Ушбу ўкув кўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тасдиқлаган намунавий ўкув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ўкув кўлланмада фаннинг фалсафий муаммоларини муайян фанларнинг ривожланаётган билим тизими сифатида кўриб чиқишига асосий эътибор қаратилиб, фан амалиёти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилган.

Кўлланмада жамият, шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти ва иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига ҳам эътибор берилган. Марказий Осиёда ўрта асрларда илмий билимларнинг шаклланиши муаммоси, шунингдек, мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иктисодий ривожланиши муаммолари ёритилган.

Ўкув кўлланма иқтисодий йўналишга ихтисослашган магистрлар учун мўлжалланган.

Илмий муҳаррирлар: **Н.ШЕРМУҲАМЕДОВА – ф.ф.д.;
М.АБДУРАШИДОВ – ф.ф.н., доц.**

Тақризчилар: **А. ҚОДИРОВ – ф.ф.д., проф.;
Н. МАҲМУДОВ – и.ф.д., проф.;
Б. АЛИЕВ – ф.ф.д., проф.**

ISBN 978–9943–10–037–4

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2007.

КИРИШ

Учинчи минг йилликка қадам қўйган инсоният бу давр фан ва илмий билимнинг мисли қўрилмаган тарзда ўсиши, ахборотлашган жамият шаклланиши даврининг ўзига хос муаммоларига дуч келмоқда. XXI асрда фан нафакат илмий тараққиёт, балки жамият тараққиёти, ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи кучига айланади, бу конуният Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фукаро дунёкараши ва маънавиятини кенгайтириш ва чуқурлаштиришни тақозо этади.

«Ўйлайманки, ҳозирги ахборот, коммуникация ва компьютер технологиялари асрида, интернет кундан-кунга ҳаётимизнинг барча жабхаларига тобора чукур ва кенг кириб бораётган бир пайтда, одамларнинг онги ва тафаккури учун кураш ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир вазиятда бу масалаларнинг жамиятимиз учун нақадар долзарб ва устувор бўлиб бораётгани ҳакида гапириб ўтиришга ҳожат йўқ», деб қайд этди Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида.

«Фаннинг фалсафий масалалари» деб номланган ушбу ўкув қўлланма магистрантлар, аспирантларга, шунингдек олий ўкув юртларининг ўз фалсафий-эпистемологик билим даражасини оширишга, мустақил фикринийг фалсафий равонлиги ва методологик изчиллигини шакллантиришга интилган бакалавриат талабаларига мўлжалланган. Қўлланма муайян ихтисосликлар бўйича номзодлик минимуми имтиҳонларини топширишга тайёргарлик қўрайётган талабгорларга ҳам жиддий ёрдам беради. Бу китоб иқтисодий мутахассисликлар бўйича ихтисослашаётган илм толиблари учун айниқса зарур, чунки мазкур ўкув қўлланмаси иқтисодий ихтисосликлар магистратураси учун мўлжалланган намунавий ўкув дастури асосида ёзилган.

Ўкув қўлланмасида асосий эътибор, муайян фанларнинг фалсафий масалаларини ёритиш билан бир қаторда, фаннинг ўсаётган, ривожланаётган билим тизими, ўзига хос ижтимоий институт, ҳозирги замон постиндустриал ахборот цивилизациясининг ажralmas таркибий қисми сифатидаги назарий муаммоларига ҳам қаратилди. Унда фан фаолияти ва ривожланишининг манбалари, асосий фалсафий, методологик ва эпистемологик тамойиллари очиб берилди.

Қўлланмада илмий билим ривожланишининг турли концепциялари, фан шаклланиши ва ривожланишининг манбалари ва асослари ҳам кўриб чиқилади. Муаллифлар, қўлланма иқтисодий фанлар соҳасига ихтисослашган магистратура тингловчиларига мўлжалланганидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ҳамда ҳозирги жамият иқтисодий ҳаётининг фалсафий масалаларига алоҳида эътибор бердилар. Ўкув қўлланмада Марказий Осиёда ўрта асрларда (IX–XV асрларда) илмий билимларнинг шаклланиши муаммосига, Шарқ ёки ислом ислоҳ-

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005. 56-б.

чилиги йўналишларининг ўзига хос томонлари, фан ва техника тарак-
киётига давр ўтиши билан ислом уйгониши тушунчаси мохиятан ҳам
ўзгариб бораётганлигига катта эътибор берилган.

Фан фалсафаси муаммолари, унинг фалсафий, методологик ва
эпистемологик таҳлили, «фаннынг фалсафий масалалари» тушунчаси
мохиятининг ўзи ҳозирги табиий ва ижтимоий фанлар айрим соҳалари
фалсафий жиҳатларининг таҳлили билан боғлик. Ўкув кўлланмада
асосий эътибор ана шундай муаммоларга қаратилган. Бу ерда муал-
лифлар фан фалсафаси ва методологиясининг ўзаро алоқасига эъти-
борни қаратадилар. Кўлланмада фан фалсафаси илмий билимнинг
алоҳида кисми сифатида XX аср ўрталарида шаклланганлиги қайд
этиласди. Фан фалсафаси илмий билимнинг асосий манбаларини, ил-
мий эпистемологияянинг ошиб бораётган аҳамиятини, ҳозирги фал-
сафий мактаблар ва йўналишлар таъсирида унинг кучайиб бораёт-
ганини кўриб чиқади.

Кўлланманинг алоҳида бўлими илмий башорат килишининг фал-
сафий муаммоларига ва унинг ижтимоий-маданий ва назарий фао-
лиятнинг ўзига хос шакли сифатидаги методологик аҳамиятига бағиш-
ланган. Фан ва диннинг ўзаро нисбати масаласига алоҳида мавзуу
ажратилганки, бу ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

Ҳозирги дунёнинг фалсафий ва методологик муаммоларини ту-
шуниш, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланиш
қонуниятларини чуқурроқ англашга эришиш мақсадида мамлака-
тимизда фуқаролик жамияти барпо этиш дастурини назарий жиҳатдан
асослаб берган ва амалга оширилаётганлигини Ўзбекистон Президенти
И.А.Каримов асалари ва маърузаларида таъкидланганлигига эътибор
қаратилади.

Мазкур кўлланма шу соҳадаги изланиш ва тадқиқотларнинг ilk
натижаси бўлганлиги боис ҳам, баъзи мавзуларга янгича ёндашув-
ларнинг ўзига хослиги, жузъий камчиликлардан мустасно бўлмаслиги
мумкин.

Шу сабабли ҳам хурматли китобхон, Сиз ўз фикр-мулоҳазала-
рингизни билдириш билан ушбу кўлланманинг келгусидаги нашрини
тайёрлашга ва уни янада мукаммал бўлишига муносиб ҳисса қўшган
бўлур эдингиз.

1-мавзу. «ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ» КУРСИННИГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1.1. Фалсафа, унинг хозирги илмий билим тизимидағи ўрни

Инсоният учинчи мингйилликка кадам қўйиши тарихдан индустриал жамият сифатида ўрин олган цивилизациянинг иккинчи тўлкинидан постиндустриал электрон-аҳборот жамияти деб ном олган учинчи тўлкинга ўтиш даврига тўғри келди. Бу даврда фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро нисбати муайян тарзда ўзгаради.

Агар индустриал жамият (иккинчи тўлкин) ва ундан ҳам олдинги аграр жамият (биринчи тўлкин) даврида илмий қашфиёт билан унинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига татбиқ этилиши ўргасида юзлаб йиллар ўтган бўлса, хозирги аҳборот жамияти (учинчи тўлкин) да ишлаб чиқариш фаннинг ривожланиш суръатларига етиб улгуролмаяпти. Хозирги даврда фан иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиётнинг ҳал қўлувчи кучига айланди ва ўз ривожланиш суръатларини тинимсиз ошириб бормоқда.

Ўз-ўзидан равшанки, янги шароитда фан тизимининг ўзи, унинг таркибий қисмлари тузилиши ва уларнинг ривожланиш жўшқинлиги ҳам мураккаблашади, билишнинг эмпирик методларидан назарий методларга, тавсифдан тушунтиришга ўтиш содир бўлади. Натижада, илмий билим ютуқларини ва унинг ривожланиш истиқболларини фалсафий-назарий, эпистемологик жиҳатдан таҳлил қилишга катта эҳтиёж туғилади, бошқа томондан эса – хозирги даврни, шу жумладан, дунёнинг хозирги илмий манзарасини фалсафий таҳлил қилишда хозирги замон фанининг ютуқларидан фойдаланиш зарурияти юзага келади.

Бинобарин, бугунги кунда фан ва фалсафа ўргасидаги алоқа ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаси долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, фалсафа кишилик тараққиётидаги ҳар бир тарихий вазият, ҳар бир боскич, ҳар бир цивилизациянинг маънавий мағзидир. Фалсафа ўз даври ва ўз ҳалкининг ютуқларини мантикий, асбтракт-назарий шаклда акс эттиради. Фалсафа инсон тафаккурининг кучи ва қудратига таянади, дунёнинг мантикий манзарасини ва инсоннинг ундаги ўрнини «барча нарсалар мезони» (Протагор) сифатида кўрсатиб беришга ҳаракат қиласи. Шу боис қадим замонлардан фалсафа донишмандликка муҳаббат ифодаси деб тавсифланади. Фақат Кант ва Гегель даврига келиб фалсафа факат донишмандликка муҳаббат эмас, балки донишмандликнинг ўзи деган фикр одат бўлди.

«Донишмандлик билимга ва илмга таянади, лекин унга боғлиқ бўлмайди, зоро, билимдонликни ўзи донишмандлик эмас. Донишмандлик билимни англаб етиш, уни таҳлил қилиш натижасидир», деган эди Гераклит. У билишдан тушунишга ўтилганини ифода этади. Шу боис Б. Спиноза фалсафанинг вазифаси йиглаш, кулиш эмас, балки тушунишdir, деб кайд этган эди.

Фалсафанинг шаклланиши дунёқарашнинг шаклланиши, дунёнинг бирламчи асосини, унинг субстанциясини ва мохиятини тушуниб етиш жараёнидир. Шунинг учун фалсафа бутун борликни билишнинг дунёқарашлик ва методологик асоси хисобланади. Агар ҳар бир фан табиат, жамият ёки инсоннинг муайян жиҳати, киррасининг юзага келиши, ривожланиши ва англаб етилиши қонуниятларини ўрганса ва борлик ривожланишининг умумий қонунлари ҳақида билим бера олмаса, фалсафа бизга бутун борлик ҳақида эмас, балки борликнинг умумий жиҳатлари ҳақида билим беради..Шу маънода у барча муайян фанларни бирлаштиради, синтез қилади. Шу боис факат муайян ёки алоҳида фанлар умумий қонунларининг чексиз йигиндишигина нарсалар ва ҳодисаларни тұлақонли, муайян тарзда ва бутун ранг-бараппенги билан тушуниб етиш имконини беради. Ранг-бараппенгийн бирлигини ана шундай талқин килиш мумкин.

Фалсафа умуман дунё ҳақидаги фан деган қарашдан фарқли үлароқ, у бутун дунёни тушуниб етишни даъво қилмайди, чунки чексизликни қамраб олиш, чегаралаш мумкин эмас. Фалсафани умумийлик ҳақидаги фан деб таърифлаш мумкин. Аммо умумийлик, айримлик, хусусийлик диалектикаси шундаки, айримлик – умумий ва хусусийликнинг бирлиги, умумийлик эса – айримликнинг бир жиҳатидир. Бундай қарашлар шунга олиб келдики, фалсафадан муайян фанлар ажралиб чикишига караб, унинг амал қилиш соҳаси тинимсиз торайиб борди. Айни вактда, фалсафанинг бошига ўз кироллигини қыздарига булиб бериб, ўзи ҳеч нарсасиз қолған қирол Лир қисмати тушди, деб айтиш ҳам тұғри булмайди. Фалсафа бугунги кунда ҳам ҳозирги фанларнинг ривожланишида ва илмий билимнинг янги тармоклари шаклланишида фаол методологик рол үйнашда давом этмоқда.

Маълумки, XIX ва XX асрларда аксарият позитивист-файласуфлар агар илгари муайян фанлар фалсафа таркибига кирган бұлса, әндилікда фалсафа муайян фанлар ичига сингиб кетди ва ўз мустакиллігини ійқотди, деган гояни илгари сурдилар. Буни айрим мисолларда күриш чиқамиз. Аристотелдан бошлаб, фалсафани таркибий қисмларга ажратылған жараёни содир бұлды. Бу элинизм даврида айникса сезила бошлады: фалсафий таълимоптарда фалсафанинг онтология (борлик ҳақида таълимот), гносеология (билиш ҳақида таълимот) ва мантиқ (фикрлаш қонунлари ва шакллари ҳақида таълимот) каби таркибий қисмларини аниқ күриш мумкин эди.

XVII–XIX асрларда табиатшуносликнинг деярли барча тармоклари фалсафадан ажралиб чиқди ва фалсафа таркибий қисмларининг ажралиш жараёни давом этди. И. Кант фалсафасыда бу қарама-каршилик мутлақ даражага күтарилди, зеро, Кант билиш инсонни табиат билан, субъектни объект билан бирлаштырайдай, балки уларни бир-биридан ажратади, деб хисоблар эди. Онтология, гносеология ва мантиқи мутлақ даражага күтариш, уларни бир-биридан ажратып ҳамда бир-бирига карши қўйишнинг салбий томонлари билан бир қаторда, ижобий томонлари ҳам бор эди.

Кант эпистемологик муаммолар фалсафанинг ўзагини ташкил қилади, деган гояни биринчи бўлиб асослаб берди.

Кантдан кейин фалсафий тафаккурнинг ривожланиши фалсафанинг таркибий қисмлари – диалектика, мантиқ ва билиш назариясини бирлаштириш йўлидан кетди. Гегель фалсафа муаммоларида диалектика ёки мантиқ, онтология ёки гносеология, умумий ёки ягона масаласини кўйиш мумкин эмас, деган гояни биринчи бўлиб илгари сурди. У ҳамма жойда, табиат оламида ҳам, маънавият оламида ҳам «ёки – ёки» ўрнига «ва – ва» кўйилиши лозимлигини кўрсатиб берди. Мазкур ёндашувни асослар экан, Гегель: «Мантиқ метафизика билан, тафаккурда англаб етиладиган нарсалар ҳакидаги фан билан мос келади», деб қайд этди¹. Гегель қоидаларидан фалсафий тафаккургагина хос бўлган мухим, чукур гоялардан бири – диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг бирлиги гояси келиб чиқади.

Гегель шу нуқтаи изазардан уч сўзнинг кераги йўқ, чунки бу айни бир нарсадир. Яъни, диалектика, билиш назарияси ва катта ҳарфда мантиқ демакдир деб хисоблар эди. Тўғри, Гегелнинг фалсафа фанлар фанидир, у ҳаётнинг барча ҳолатларида мутлак, бокий ва ўзгармас ҳақиқатни ифодалайди, чунки тугалланган метафизик системалар тузиш, сўнгги инстанцияда ҳақиқатни ифода этиш фалсафанинг вазифасидир, деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Ашаддий диалектик бўлган Гегель ўз асарларида факат фангина ҳақиқий билим беришга қодир, фалсафа эса тушунчаларга асосланиб фикр юритиш, илмий тушунчаларни ишлаб чикиш ва улардан фойдаланиш зарурлигини белгилайди, зоро, борлиқнинг ҳақиқати унинг моҳиятидадир, моҳиятнинг ҳақиқати эса тушунчаларда ифодаланади, деган гояни илгари сурди. Гегель фикрига кўра, инсон, фикрловчи субстанция сифатида, акл билан фикрлашнинг чекланганлигидан ошиб ўтиши ва тушунчаларга асосланиб фикрлаш даражасига этишга ҳаракат қилиши керак. Ҳақиқат, қоида тарикасида, юзада ётмайди, у ўз моҳиятини факат уига чукур кириб боришга қодир бўлган журъатли тафаккургагина намоён этади. Ҳақиқат факат изчил илмий системада мавжуд бўлади ва уни мана шу система доирасида тушуниб этиш мумкин.

Хозирги файласуфлар ҳақиқий фалсафа муайян фанларга таянмасдан мавжуд бўла олмаслигини яхши тушунадилар. Файласуфлар ва табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар бир-бирларисиз ишлай олмасликларини ниҳоят тушуниб етдилар. Бугунги кунда табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар ҳам, файласуфлар ҳам Исаак Ньютоннинг: «Физика, метафизикадан кўрккин», деган шиорига амал килган, файласуфлар эса, ўз навбатида, бунга генетика, кибернетика, информатика каби ҳозирги фанларни тўла инкор этиш билан жавоб бердилар. Қарама-қаршилик зиддиятлар ўрнига фалсафа ва табиатшунослик иттифоқи вужудга келди ва мустаҳкамланмоқда. Ўз даврида Гегель «тушунча ҳақида ҳар хил bemaza нарсаларни гапиришни, тафаккурнинг бу олий нуқтасига нисбатан нафрат уйготишни, тушуниб бўлмайдиган нарсаларни

¹ Гегель. Сочинения. Т. I. – М., 1959. с. 52.

Фалсафанинг шаклланиши дунёкарашнинг шаклланиши, дунёниг бирламчи асосини, унинг субстанциясини ва мохиятини тушуниб етиш жараёнидир. Шунинг учун фалсафа бутун борликни билишнинг дунёкарашлик ва методологик асоси хисобланади. Агар хар бир фан табиат, жамият ёки инсоннинг муайян жиҳати, қирғасининг юзага келиши, ривожланиши ва англаб етилиши қонуниятларини ўрганса ва борлик ривожланишининг умумий қонунлари ҳақида билим бера олмаса, фалсафа бизга бутун борлик ҳақида эмас, балки борликнинг умумий жиҳатлари ҳақида билим беради.. Шу маънода у барча муайян фанларни бирлаштиради, синтез қиласди. Шу боис факат муайян ёки алоҳида фанлар умумий қонунларининг чексиз йигиндисигина нарсалар ва ҳодисаларни тұлаконлы, муайян тарзда ва бутун ранг-барапглиги билан тушуниб етиш имконини беради. Ранг-барапгликнинг бирлигини ана шундай талкин килиш мумкин.

Фалсафа умуман дунё ҳақидаги фан деган қарашдан фарқли үлароқ, у бутун дунёни тушуниб етишни даъво қилмайди, чунки چексизликни қамраб олиш, чегаралаш мумкин эмас. Фалсафани умумийлик ҳақидаги фан деб таърифлаш мумкин. Аммо умумийлик, айримлик, хусусийлик диалектикаси шундаки, айримлик – умумий ва хусусийликнинг бирлігі, умумийлик эса – айримликнинг бир жиҳатидир. Бундай қарашлар шунга олиб келдіки, фалсафадан муайян фанлар ажralиб чикишига қараб, унинг амал қилиш соҳаси тинимсиз торайиб борди. Айни вактда, фалсафанинг бошига ўз қироллигини қизларига бўлиб бериб, ўзи ҳеч нарсасиз қолган қирол Лир қисмати тушди, деб айтиш ҳам тўғри бўлмайди. Фалсафа бугунги кунда ҳам ҳозирги фанларнинг ривожланишида ва илмий билимнинг янги тармоклари шаклланишида фаол методологик рол ўйнашда давом этмоқда.

Маълумки, XIX ва XX асрларда аксарият позитивист-файлласуфлар агар илгари муайян фанлар фалсафа таркибига кирган бўлса, эндилиқда фалсафа муайян фанлар ичига сингиб кетди ва ўз мустакиллигини йўқотди, деган ғояни илгари сурдилар. Буни айрим мисолларда кўриб чиқамиз. Аристотелдан бошлаб, фалсафани таркибий қисмларга ажратиш жараёни содир бўлди. Бу эллинизм даврида айниқса сезила бошлади: фалсафий таълимотларда фалсафанинг онтология (борлик ҳақида таълимот), гносеология (билиш ҳақида таълимот) ва мантиқ (фикрлаш қонунлари ва шакллари ҳақида таълимот) каби таркибий қисмларини аниқ кўриш мумкин эди.

XVII–XIX асрларда табиатшуносликнинг деярли барча тармоклари фалсафадан ажralиб чиқди ва фалсафа таркибий қисмларининг ажратиш жараёни давом этди. И. Кант фалсафасида бу қарама-каршилик мутлақ даражага кўтарилиди, зеро, Кант билиш инсонни табиат билан, субъектни обьект билан бирлаштиirmайди, балки уларни бир-биридан ажратади, деб хисоблар эди. Онтология, гносеология ва мантиқни мутлақ даражага кўтариш, уларни бир-биридан ажратиш ҳамда бир-бирига қарши қўйишнинг салбий томонлари билан бир қаторда, ижобий томонлари ҳам бор эди.

Кант эпистемологик муаммолар фалсафанинг ўзагини ташкил килади, деганояни биринчи бўлиб асослаб берди.

Кантдан кейин фалсафий тафаккурнинг ривожланиши фалсафанинг таркибий кисмлари – диалектика, мантиқ ва билиш назариясини бирлаштириш йўлидан кетди. Гегель фалсафа муаммоларида диалектика ёки мантиқ, онтология ёки гносеология, умумий ёки ягона масаласини кўйиш мумкин эмас, деганояни биринчи бўлиб илгари сурди. У ҳамма жойда, табиат оламида ҳам, маънавият оламида ҳам «ёки – ёки» ўрнига «ва – ва» кўйилиши лозимлигини кўрсатиб берди. Мазкур ёндашувни асослар экан, Гегель: «Мантиқ метафизика билан, тафаккурда англаб етиладиган нарсалар ҳақидаги фан билан мос келади», деб қайд этди¹. Гегель қоидаларидан фалсафий тафаккурга хос бўлган муҳим, чукуроялардан бири – диалектика, мантиқ ва билиш назариясининг бирлигиояси келиб чиқади.

Гегель шу нуқтаи назардан уч сўзнинг кераги йўқ, чунки бу айни бир нарсадир. Яъни, диалектика, билиш назарияси ва катта ҳарфда мантиқ демақдир деб ҳисоблар эди. Тўғри, Гегелнинг фалсафа фанлар фанидир, у ҳаётнинг барча ҳолатларида мутлақ, бокий ва ўзгармас ҳақиқатни ифодалайди, чунки тугалланган метафизик системалар тузиш, сўнгги инстанцияда ҳақиқатни ифода этиш фалсафанинг вазифасидир, деган фикрига кўшилиб бўлмайди. Ашаддий диалектик бўлган Гегель ўз асарларида фақат фангина ҳақиқий билим беришга қодир, фалсафа эса тушунчаларга асосланиб фикр юритиш, илмий тушунчаларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш зарурлигини белгилайди, зоро, борликнинг ҳақиқати унинг моҳиятидадир, моҳиятнинг ҳақиқати эса тушунчаларда ифодаланади, деганояни илгари сурди. Гегель фикрига кўра, инсон, фикрловчи субстанция сифатида, акл билан фикрлашнинг чекланганилигидан ошиб ўтиши ва тушунчаларга асосланиб фикрлаш даражасига этишга ҳаракат қилиши керак. Ҳақиқат, қоида тариқасида, юзада ётмайди, у ўз моҳиятини фақат унга чукур кириб боришига қодир бўлган журъатли тафаккургагина намоён этади. Ҳақиқат фақат изчил илмий системада мавжуд бўлади ва уни мана шу система доирасида тушуниб этиш мумкин.

Хозирги файласуфлар ҳақиқий фалсафа муайян фанларга таянмасдан мавжуд бўла олмаслигини яхши тушунадилар. Файласуфлар ва табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар бир-бирларисиз ишлай олмасликларини ниҳоят тушуниб етдилар. Бугунги кунда табиат ҳодисаларини тадқиқ қилувчи олимлар ҳам, файласуфлар ҳам Исаак Ньютоннинг: «Физика, метафизикадан кўрккин», деган шиорига амал қилган, файласуфлар эса, ўз навбатида, бунга генетика, кибернетика, информатика каби ҳозирги фанларни тўла инкор этиш билан жавоб бердилар. Қарама-каршилик зиддиятлар ўрнига фалсафа ва табиатшунослик иттифоқи вужудга келди ва мустаҳкамланмоқда. Ўз даврида Гегель «тушунча ҳақида ҳар хил бемаза нарсаларни гапиришни, тафаккурнинг бу олий нуқтасига нисбатан нафрат уйготишини, тушуниб бўлмайдиган нарсаларни

¹ Гегель Сочинения. Т. I. – М., 1959. с. 52.

ва тушунишнинг мавжуд эмаслигини эса, аксинча, илмийлик ва маънавиятнинг олий нуктаси деб хисоблаш»ни ўз бурчи деб хисоблаган мутафаккирларни қаттиқ танқид килган эди¹.

1.2. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси

Оlam жуда кенг ва ранг-барагдир. Уни тушуниш учун билимлар керак. Билимлар эса муайян даражада турғун бўлади. Маълум даврда вужудга келган ва ўз даври маълумотларига асосланган билимлар муайян шаклга эга бўлади. Ана шу шакл дунёга қарашнинг муайян усуллари, Олам ва одам образлари, уларнинг бир-бирини тақозо этиши ва ўзаро боғлиқлиги, уларни тадқик қилишга нисбатан ёндашувлар ва бошқа шаклланадиган дунёнинг манзарасини хосил қиласди.

Бошқача қилиб айтганда, дунёнинг манзараси бу инсоннинг универсум – дунё билан ўзаро алокасини тушуниб этиш асосида ва шу билан бирга, билишининг фалсафий, эпистемологик асослари табиати билан кизиккан ҳолда турли-туман билимларни синтез қилувчи тартибга солинган яхлитликдир.

Бошлангич асос ақидасига кўра дастлаб дунёнинг ilk манзаалари тартибсиз, анча ноаник хусусиятга эга бўлган ва муайян тарихий даврда хукмрон бўлган мифологик ёки диний дунёқарашга асосланган.

Дунёқараш шаклларига кўра қуйидагича фарқланади:

Дунёга мифологик қараш. У жамият тараққиётининг дастлабки боскичларида вужудга келган бўлиб шахс, жамият ва табиатнинг уйғунлигига асосланади. Бунда инсонга космогоник нуктаи назардан ёндашилади, дунёни тушунириш эса асосан унинг келиб чиқиши ва яралиши ҳакидаги фикрлар, афсоналар ва ривоятларга асосланиб баён этилади. Шу билан бирга, дунёга мифологик қарашда – дунёни бўлинмаган, синкетик бирлик деб тушунишда диний ва фалсафий дунёқарашлар куртаклари мавжуд эди.

Бу қадимги диний ва фалсафий системалар вужудга келиши жараёнининг ilk боскичларида айникса, ёркин намоён бўлди. Мазкур системаларда мифология улар дунёқарашининг бирламчи асоси бўлиб хизмат килди. Қадимги Хитой натурфалсафий гоялари – «беш бирламчи асос» ҳакидаги таълимот, афсонавий «илк инсон» – Пуруша образида олам, Коинот ва инсоннинг яралишини кўрувчи қадимги хинд «Ведалари», Марказий Осиёда яшаган қадимги ҳалқларнинг икки афсонавий қаҳрамони – Ҳурмўз ва Ахримон, яъни эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳакидаги диний-фалсафий таълимоти – Зардуштийлик шулар жумласидан.

Дунёга мифологик қараш Қадимги Юнонистон фалсафасида ҳам, айникса, унинг ривожланишини дастлабки боскичида (мил. ав. VII–V асрларда) ўз аксини топган.

¹ Гегель. Сочинения. Т. 1 – М., 1959. с. 12.

Диний дунёкарааш. Дунёни Худо яратган деган гояга асосланади. Инсоннинг дунёкараши ва дунёни сезиши, шунингдек унинг хулк-авори ва ҳатти-ҳаракатлари оламни яратган, одамлар моддий ҳамда маънавий ҳаётининг барча жабҳаларини иерархия босқичли кўринишида тартибга соглан ягона ва қудратли Ҳудонинг мавжудлигига бўлган қатъий ишончга асосланади.

Мифологик ва диний дунёкараашлар ўрнига келган фалсафа дунёга янгила қараш моделини ишлаб чиқди.


2500 йил муқаддам вужудга келган фалсафа дунёни ва инсонни тушунишни сифат жиҳатидан янги даражага кутарди, воқеликни билишнинг тушунчаларга асосланган шаклини ишлаб чиқди, дунёга яхлит нарса деб қараш билан боғлик ёндашувларни тартибга солди. Ягона бирламчи асосни, борликнинг негизини излаш, олам қонуни ва тартибининг келиб чиқиши айнан фалсафада билим мақомини олади, ўз тамойилларини оқилона асослаб беради, дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига нисбатан ёндашувларнинг умумлаштирилган системасини ишлаб чиқади.

Фалсафа курсидан маълумки, унинг предмети тарихан жамият, унинг моддий ва маънавий ҳаётининг барча томонлари ўзгариши, шу жумладан, фалсафий билимнинг ривожланиши билан узвий боғликликда ўзгариб борган. Бу ўз навбатида, дунёга фалсафий қарашнинг табиатига нисбатан ёндашувлар муттасил ўзгаришини белгилаб берган.

Агар дунёнинг ilk фалсафий манзаралари антик фалсафа доирасида илгари сурилган ва натурфалсафий хусусият касб этган бўлса, кейинчалик, фалсафий билимнинг ривожланишига қараб, дунё ва инсон манзаралари янги шакллар ва кўринишлар касб эта бошлади. Бу жараёнда фалсафий дунёкарааш етакчи регулятив-ижодий рол ўйнади, дунёнинг умумий манзарасини тузиш методологияси сифатида амал килди.

Дунёнинг фалсафий манзараларини тушуниб етиш жараёнда бир мухим ҳолатни кайд этиб ўтиш керак: фалсафий билимлар тарихий ривожланишига қараб, уларнинг замирида кейинчалик мустакил фанларга ажrala бошлаган илмий билимларнинг куртаклари пайдо бўлди. Дунёнинг илмий манзараси вужудга келди. Тарихан шаклланган дунё манзараларининг ривожланиш жараёнини куйидаги чизма кўринишида ифодалаш мумкин:

1-чизма



Бу ерда биз дунё манзарасининг ўзгаришида муайян изчилликни кўрамиз. Унинг замирида инсон билимлари кенгайиши ва чуқурлашишининг қонуний жараёни, билимсизликдан билимга, ногўлиқ билимдан

тұлғырок билимга аста-секин үтиш ётади. Дунёнинг муайян манзааси мохиятниң ёритищда биз уларнинг ҳар бири дунёга қарашиңнинг сифат жиҳатидан ҳар хил, үзига хос шаклини ифодалашидан келиб чиқишимиз керак. Масалан, дунёга диний қарашиңнинг негизини борликнинг табиий ва гайритеңгиси соҳаларга ажратилиши ётади. Бунда уларнинг биринчиси иккинчисига боғлиқ деб хисобланади.

Дунёга фалсафий қарашиңнинг «дунё ва инсон» муаммосини белгиловчи шакллари айникса ранг-барапандыр. Бу муносабатларга фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихида турли нұктай назардан, چончы: материалистик ёки идеалистик; диалектика: ёки метафизик; объективистик ёки субъективистик нұктай назарлардан ёндашилган.

Дунёнинг илмий манзааси мазмуни масаласига келсак, унинг жиҳатларига құра ажратилишига қараб дунёнинг умум илмий ва табиий илмий манзааралари фарқланади.

Дунёнинг манзааралари бир-биридан ажралған ҳолда мавжуд булмайды. Уларнинг барчаси, бир-бирини тақозо этади әз үзаро боғлиқтықда, шу жумладан, илмий билимда ҳам вакуум-бүшілік мавжуд булмайды. Айрим фанларнинг исталған бири доирасида фалсафий умумлаштиришларнинг турли даражалари мавжуд.

Дунёнинг ҳозирги умумий манзааси, умуман олғанда, дунёнинг күп сонли муайян шакллари ва йұналишлари мажмудидир. Улар орасида дунёнинг илмий, диний ва фалсафий манзааралари айникса мухим ахамиятта зға. Буни қуйида көлтирилған чизмада күриш мүмкін.

2-чизма

ДУНЕНИНГ ҲОЗИРГІ УМУМИЙ МАНЗААСИ

<p>Дунёнинг илмий манзааси – бордоғынған умумий хоссаларынан әз конунғаттары ҳақидагы умумий қарашларнинг илмий түшүнчелар, тамошлар әз назариялар синтезінде асосланған жолын системасы</p>	<p>Дунёнинг фалсафий манзааси – дунёнинг инсон тафаккуридагы инициосы бүлілді, дунё ва инсон муносабатларын атрофида тузылады</p>	<p>Дунёнинг диний манзааси – яғона Худонинг Олам ва инсон артатувчысы деб зерттеңдірілген асосланади</p>
--	---	--

1.3. Илмий муаммоларни билишда фалсафанинг роли

Ҳозирги замон фанини фалсафа билан үзаро таъсир натижасида фалсафа Ш мінгіллікнинг бош муаммоси – инсоннинг жамият ва табиат билан янгича муносабатларини шаклантириш асосида инсониятнинг дунё миқәсида яшаб қолиши муаммосини англаң етишини тақозо этмокда. Фан фалсафасида тадқиқотлар ривожланишининг янги манбандар пайдо бүлмокда. Бунда унинг муаммолари табиат ҳақидаги фанлар соҳасида амалға оширилған муайян қашfiётлардан ҳам құра, ижтимоий-табиий алоқаларнинг үрганышига күпрөк боғлиқ бүләди. Фалсафада әз умуман фанда ривожланиш жараёнларини таҳлил қилишга нисбатан ижтимоий-табиий (ижтимоий-иктисодий) ёндашув шакланади, барқарор ривожланишга үтишша мақсадлы мүлжыл олинганида әса муаммоларни

ҳал қилишга нисбатан системали ёндашувнинг янада юқори даражаси – ноосфера нұқтаи назаридан ёндашув шаклланади.

Келажақда баркарор ривожланишга үтилганида фан фалсафасыда асосий зертебор ижтимой-іктисодий ва техник-технологик тәдқиқоттардан табиатни, табиат ва жамиятни (экология қонууларини) үрганишга қаратылса керак. Фаннинг экологиялашуви жараёни умуман олғанда унинг энг аввало, табиий фанлар соҳасыда фундаментал тәдқиқоттарни ва билишнинг умумий илмий-интегратив шакллари ва воситаларини илдам ривожланиширишни тақозо этувчи мақсадларни амалга оширишга йұналтирилиши билан боглик бұлади. Бу илмий билимларни техника ва ишлаб чиқариш, бошқариш ва таълим соҳаларига жадал тәтbiк этиш учун замин хөзирлайди. Илдам ривожланиш системасини бир хилда тушуниш астасекин шаклланади. Мазкур тушуниш ноосферавий тафаккурда ва аклидров соҳасининг қоидаларыда мужассамлашған инсонпарварлық рухи билан сугорылған маънавий кадриятларга, интеллектуал салохиятта ва маънавий-аҳборот ресурсларига асосланади¹. Мазкур жараённинг шаклланишида фан фалсафаси, шубхасиз, мұхим методологик, әпистемологик ва эвристик рол үйнайды.

Маълумки, ноосфера ҳақидағи ҳозирги концепцияларнинг бир қанчасыда фан фалсафаси янги йұналишига асос соглан табиат ҳодисаларини тәдқиқ қылувчи олимлар мұхим рол үйнадилар. Бу йұналиш фан ривожланишида унинг ҳозирғи, баъзан постноклассик деб номланувчи босқичидан кейин янги босқич бошланаёттанидан дарап беради. XXI асрда ана шу талаблар бажарылиши зарурлиги муносабати билан фанда ҳам, жамиятнинг табиат билан үзаро алоқада ривожланишида ҳам фалсафа ролининг кучайишини башорат килиш мүмкін.

Күпинча экология ва ноосферогенез муаммоларининг ҳал қилиниши илмий жиҳатдан таъминланмаганлығи натижасыда фалсафа уларни илмий ишлаб чиқища нафакат тәдқиқоттар стратегиясини шакллантиришнинг дастлабки босқичида, балки қарорлар қабул қилишда ҳам катта ёрдам беруവchi ижобий силжишга эришишнинг ягона назарий-методологик воситаси бұлиб қолаёттир. Бугунғи кунда фалсафа фаннинг бутун методологиясы таъсир күрсатмокда. Фан методологияси, фалсафа томонидан қўйилған инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш ва табиий мұхитни сақлаш мақсадларига қараб тобора күпроқ мұлжал олиб, янги системали яхлитлик ва прогностик йұналиш касб этмоқда.

Шу муносабат билан фаннинг фалсафий муаммоларини ёритища ҳозирғи замон фанининг назарийлашуви ва узвий bogliқлиғи диалектикалашуви масалалари мұхим ахамият касб этмоқда.

Мазкур жараён, масалан, назарий билимлар юксак даражага етиши натижасыда уларнинг айрим натижаларини күз билан күриб бұлмайдиган квант механикаси ёки ҳозирғи замон физикаси каби фанларнинг ривож-

¹ Ноосфера – табиат ва жамиятнинг үзаро алоқаси соҳаси бұлиб, унинг доирасыда инсоннинг оқилюна фаолияти Ер күрраси ривожланишининг асосий ҳал қылувчи омилига айланади.

ланишида мураккаблик ва абстрактликнинг ўсишида намоён булаётир. Абстракт, мантикий-математик ва белгили формаллаштирилган моделлар тобора мухим аҳамият касб этиб бормокда.

А.Эйнштейн фан ривожланиши жараёнида «унинг мантикий негизи тажриба натижаларидан тобора узоклашиб боради ва ҳиссий тажрибларда синаалган асослардан тортиб улардан келиб чиқадиган теоремаларгача бўлган фикрий йўл тобора оғирлашиб ва узайиб боради», деб кайд этган эди. Фаннинг ривожланишига караб, унинг назарий кисмининг аҳамияти ортиб боради, лекин бу эмпирия, тажриба, кузатиш ролининг камайиши учун асос бўлаолмайди. Фан назарийлашувининг чукурлашиши фан ривожланишининг ҳар бир босқичида доим ўзига хос шаклга эга бўлади. Мазкур жараён математика, физика, кимёда ва бошқа табиий фанлар ва соҳаларда айниқса яккол кузга ташланади. У ижтимоий-гуманитар билишда ҳам тобора мухим аҳамият касб этиб бормокда.

«Абстрактликка мойиллиюни В. Гейзенберг ҳам қайд этади. У мазкур жараённи ҳозирги илмий билишнинг ривожланишига хос ва ҳозирги замон фанида етакчи рол ўйнайди, деб ҳисоблайди².

Ҳозирги замон фанининг диалектикашуви унинг ривожланишининг мухим жиҳатларидан биридир. Фаннинг диалектикашуви ҳозирги даврнинг мухим қонуниятги айланмоқда ва илмий билимнинг барча соҳаларига, фақат «тарихий фанлар» – геология, биология, астрофизика, тарихга эмас, балки барча фанларга тобора кенг кириб бормокда. В. Паули қайд этганидек, «физика кундалик ҳаётининг ўзи физикада ривожланиш, шаклланиш жиҳатини биринчи ўринга чиқармоқда»³. Бинобарин, фаннинг диалектикашуви (унинг назарийлашуви сингари) муайян тарзда тарихий бўлиб, фаннинг предмети, унинг айни ривожланиш босқичининг ўзига хос хусусиятлари, замон ва бошқа омиллар билан белгиланади.

Ҳозирги замон фанининг ривожланишидаги мазкур жараённи сез-маслик ёки четлаб ўтиш мумкин эмас. Бугунги кунда дунёнинг аксарият олимлари, қоида тарикасида, диалектик тарзда фикрлайдилар, Бунда улар диалектика қонуларини тилга олмасалар ва таърифламасаларда, соглом фикр ва илмий интуицияга амал қиласалар.

Ниҳоят, дунёнинг ҳозирги манзараларидан яна бири бу диний манзарадир. И. Каримов кайд этиб ўтганидек, «ХХ аср ажойиб илмий кашфиётлар асли, инсон Коинот сирлари кўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва гоят улкан техникавий имкониятлар асли бўлди. Шу билан бирга бу асрнинг охири диний қадрияларнинг уйғониш даври, вазмин, бехуда уринишлардан холи диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди»⁴.

Дин ва фалсафа, эътиқод ва билимнинг ўзаро муносабатларини кўриб чиқар экан, таникли рус файласуфи Н.А. Бердяев улар бир-бирига халакит

¹ Эйнштейн А. Физика и реальность. – М., 1965. с. 59.

² Гейзенберг В. Шаги за горизонт. – М., 1997. с. 260.

³ Паули В. Физические очерки. – М., 1975. с. 31.

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳлид, баркарорлик шартлари, тараккиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 33-б.

бермайди ва уларнинг бирортаси бошқасининг ўрнини боса ёки уни йўк кила олмайди, деб кайд этган эди. Файласуф билим ва эътиқод чексиз, улар бир-бирини мутлақо чекламайди, деб кўрсатади. Илмий билим ҳам, эътиқод сингари, реал, лекин муайян даражада чекланган борликка кириш демақдир. Гарчи фан табиатни тушунишга тўғри ўргатса-да, у эътиқод, вахий, гоя масалаларини ҳал кила олмайди, деб кайд этади Бердяев.

Хозирги жамиятда дин ролининг кучайиши фан билан дин, билим билан эътиқоднинг ўзаро нисбати масаласига тадқиқотчилар эътиборини янада кучайтирди. Эътиқод тушунчаси икки маънода: айни пайтгача текширилмаган, исботланмаган нарсага ишонч ҳамда диний эътиқод маъноларида келади. Билим ва диний эътиқод тортишуви куйидаги уч асосий ёндашувдан бирига келиши мумкин: билимнинг мутлаклаштирилиши ва эътиқоднинг тўла инкор этилиши; билимнинг зарарига эътиқоднинг ўсиши; иккала кутбни туташтиришга уриниш – бу, айнича, хозирги замон дин фалсафасида ўзининг ёрқин аксини топган.

1.4. Курс предмети ва унинг ҳозирги замон фалсафий билим тизимидағи ўрни

Фан ривожланишининг ҳозирги босқичи дунёкарашларнинг муайян мўлжалларини ишлаб чиқишини назарда тутади. Мазкур мўлжалларнинг шакланишида фалсафий тафаккур муҳим рол ўйнайди. Фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабатлари муаммоси ана шундай муаммолардан биридир. Мазкур муаммонинг ҳал қилиниши ҳозирда жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. У энг аввало, шунда намоён бўладики, фанда, илмий билишда доим фалсафий, назарий-маърифий ва умумий методологик хусусиятта эга бўлган муаммолар юзага келади.

Шу муносабат билан мазкур курсни ўрганиши жараёнида муҳим ўрин тутадиган «муаммо» ва «масала» тушунчаларининг табиатига қисқача тўхталиб ўтмоқ зарур.

Маълумки, тадқиқотчи учун муҳим амалий ёки назарий аҳамиятта эга бўлган муайян вазифани ҳал қилиш учун у маълум тўсик, қийинчиликни енгигб ўтиши талаб этилади. Аммо бир вазифанинг ҳал қилиниши доим ҳам кутилган натижани беравермайди, балки қоида тариқасида янги вазифанинг пайдо бўлишига олиб келади. Мазкур вазифа ўз навбатида, кейинги вазифага ўтиш босқичи бўлиб хизмат қилади. Бу ҳолат фалсафий ва илмий билиш жараёнида айнича ёрқин намоён бўлади. Бунда бир мақсадга эришилиши муқаррар тарзда навбатдаги, қоида тарқиасида, янада юқорироқ мақсаднинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бинобарин, билишининг ривожланиш жараёнини тафаккурнинг бир муаммодан бошқа муаммоларга ҳаракатланишидан иборат диалектик жараён деб таърифлачи мумкин.

Шунга кўра, муаммо – объектив тарзда юзага келувчи, ҳал қилиниши қўйилган мақсадга эришишда муҳим, баъзан ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлган масала ёки масалаларнинг яхлит мажмуи. Бунда ҳақиқий

муаммони «сохта» муаммолардан, яъни мухимга ўхшаш туюлган масалалардан ажратса билиш керак.

Шу муносабат билан фан ва илмий билимнинг ривожланиш жараёнида юзага келувчи масалаларни тушуниб етиш ва ҳал қилишда фалсафанинг ролини аниклаш ушбу курснинг мухим вазифаларидан биридир.

Маълумки, фалсафа илмий муаммоларни ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Аммо у илмий билишга методологик, эпистемологик, эвристик ва маънавий замин ҳозирлайди.

Шу боис ҳозирги даврда Табиат ва Инсон умумий асосларининг биронга ҳам муаммоси, ҳам глобал илмий, техник ёки технологик муаммо ўз-ўзидан, уни фалсафий жиҳатдан тушуниб етмасдан, дунёга эскича қарашлардан воз кечмасдан ва шу асосда янгича тафаккур, янгича дунё-қарашни ишлаб чиқмасдан ҳал қилиниши мумкин эмас. «Ҳозирги замон одамлари, И.А. Каримов таъбири билан айтганда, инсоният тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлако янги тизимга ўтиш силлик кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян қийинчиликларни бошидан кечириши табий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур»¹.

Бинобарин, ҳозирги замон фалсафий муаммоларининг моҳиятини тушунишда табиат ва умуман дунё масаласи эмас, балки уларга инсоннинг муносабати масаласи мухим аҳамиятга эга.

Фалсафий муаммолар ёки бошқача айтганда, фалсафий масалалар инсон, унинг тақдирни, вазифаси, табиатта, жамиятга, ўзига нисбатан муносабати ҳакидаги масалалардир.

Бинобарин, фалсафий масалалар дунёкараш масалалари деб тушунишлини керак. Бу масалаларга ечимларни биз ақл-тафаккур келтирган ақл далилларда, мушоҳадаларда топамиз. Бу ерда фалсафа ҳозирги замон фани муаммолари ва жараёнларини англаб етишда ҳам жуда мухим рол ўйнайди. Бу шундан келиб чиқадики, биринчидан фалсафа ва фан борликни билишнинг икки томони сифатида намоён бўлади, оқилоналил эса уларнинг билиш моҳияти негизи бўлиб хизмат қиласди, иккинчидан, фалсафа ҳозирги илмий билимларни муайян даражада тартибга солади.

Хуллас, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, фаннинг фалсафий масалалари бу фалсафа ва фаннинг диалектик алоқаси ҳамда ўзаро боғланишини ёритувчи предмет бўлиб, унда фалсафа фан ва илмий билимларнинг методологик, эпистемологик ва аксиологик негизи ҳисобланади.

Бошқача қилиб айтганда, фаннинг фалсафий масалалари бу фалсафа ва фаннинг синтези, бирлиги демакдир. Мазкур бирлик умумий методологик асосда намоён бўлади ва билишнинг фалсафий асослари фанга уйғун қўшилиб, ҳозирги илмий билимларни ўзига хос тарзда тартибга солувчи ривожланиш боскичида туради.

Шу муносабат билан ушбу курсда биз илмий билим ривожланишининг турли жабхаларини кўриб чиқамиз. Бунда ҳозирги фанларнинг бир канча тармоқларида фалсафий масалаларга алоҳида эътибор бери-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999. 9-б.

лади. Бироқ, муайян фанларнинг фалсафий муаммоларини баён этиш билан бир каторда, фалсафа ва фаннинг тарихий ривожланиши, бирликдан ҳар хиллик, ҳар хилликдан қарама-қаршилик сари ва ниҳоят, ундан фалсафа ва илмий билим ривожланишининг ҳозирги босқичида уларнинг яқинлашуви зарурлигини тушуниб этишга ҳаракатланиши жараёнида уларнинг ўзаро муносабати масалаларига эътибор берилмаса, ушбу курс тўлиқ бўлмас эди, деб ўйлаймиз.

Шу боис мазкур масалаларга навбатдаги икки мавзуу багишланади. Уларда, биринчидан – фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабати ёритилади, иккинчидан – фалсафий муаммоларнинг табиати ва уларнинг ҳозирги замон фанида намоён бўлиш хусусиятлари аниқланади.

Кисқача хулосалар

1. Биз бутун ҳаёт фан ва фан-техника тараққиёти ютуклари билан чамбарчас бўлган ҳозирги замон постиндустриал, ахборот жамиятида яшаемиз.

2. Фалсафа – ўз даври ва ўз ҳалқининг ютукларини мантикий, асбактракт-назарий шаклда акс эттирувчи даврнинг маънавий мағзидир. Фалсафа бутун борлиқни билишнинг методологик асосидир.

3. Фан ривожланишининг ҳозирги босқичи дунёкараштарнинг муайян мўлжаллари ишлаб чиқилишини назарда тутади. Мазкур мўлжалларнинг шаклланишида фалсафий тафаккур мухим рол ўйнайди. Бу нуқтаи назардан И. Каримов, В. Вернадский, К. Поппер, Т. Кун ва бошқаларнинг асарлари диккатга сазовордир.

Асосий тушунчалар

Дунёнинг манзараси – дунё ривожланишининг умумий хоссалари ва конуниятлари ҳақидаги қарашларнинг яхлит системаси.

Фан – билиш фаолиятининг янги, объектив, системали тарзда ўюшган билимлар ишлаб чиқишига йўналтирилган алоҳида тури.

Муаммо – объектив тарзда юзага келувчи, ҳал қилиниши қўйилган мақсадга эришишда мухим ёки ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган масала.

Фан фалсафаси – дунёни илмий-фалсафий тушуниб этишининг ҳозирги тармоғи.

Эпистемология – билим, унинг тузилиши, тузилмаси ва ривожланишини тадқиқ килувчи фалсафий-методологик таълимот.

Саволлар

1. «Фаннинг фалсафий масалалари» курси нимани ўрганади?
2. Мазкур курс ҳозирги фалсафий ва илмий билим тизимида қандай ўрин эгаллайди?
3. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси қандай қўринишга эга?
4. Илмий билищда фалсафа қандай рол ўйнайди?
5. Фан ривожланиши ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусияти нимадан иборат?

Адабиётлар

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократ-пашириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараккӣёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Алексеев П.В., Панин А.В. Философия. – М., 1998.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва -Воронеж, 2002.

Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Ракитов А.И. Философские проблемы науки. – М., 1997.

Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.

Фалсафа асослари. Дарслик. М.Аҳмедова таҳририда. Т., 2005

Философия и методология науки: Учебник / Под ред. В.И. Кутцова. – М., 1996.

Шермуҳамедов Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.

Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.

2-мавзу. ФАЛСАФА ВА ФАН, УЛАРНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

2.1. Фан ва илмий билимлар келиб чиқишининг фалсафий масалалари

Фан борликнинг табиий, ижтимоий қонунларини, шунингдек фикрлаш ҳамда билиш қонунларини топишга йўналтирилган билимларни ишлаб чиқиш ва ривожлантириш демакдир. Фан инсон фаолиятининг муайян соҳаси булиб, унинг мақсади тушунчалар, назариялар, гипотезаларнинг яхлит системаси ҳамда илмий билимнинг бошқа шакллари асосида объектив оламдаги нарсалар ва ҳодисаларни ўрганишдан иборат.

Ўз тузилиши, предмети ва билиш методига кўра фанлар табиий ва ижтимоий бўлади. Техник ва иқтисодий фанлар алоҳида гурухларни ташкил этадики, улар тўғрисида биз кейинги мавзуларда батафсилоқ ва муфассалроқ фикр юритамиз.

Фаннинг вужудга келиши ва ривожланиши, пировард натижада, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш, жамият тараккӣ эти, эҳтиёjlари билан белгиланади.


Бизга фалсафа курсидан маълумки, тарихан фалсафа ва фан дастлаб антik натурфалсафа, онтология ва гносеология доирасидаги ягона таълимотнинг икки томони сифатида шаклланган. Шу даврда фалсафий ва илмий билимлар деярли ажратилмаган. Дастлабки юонон файласуфлари илк олимлар ҳам бўлганлар.

Фан ва илмий билимларнинг келиб чиқиши ва шаклланишини тушунишда фан тарихи ва фалсафасида икки хил ёндашув – экстерналистик ва интерналистик ёндашувлар вужудга келди.

Биринчи ёндашув – *экстернализм* фаннинг пайдо бўлишини факат ташки омиллар – ўша давр ижтимоий, иқтисодий ва маданий хаётининг шарт-шароитлари билан белгиланувчи жараён деб тушунтиради.

Иккинчи ёндашув – *интернализм* эса, аксинча, фаннинг келиб чиқишини факат билим ривожланишининг ички эҳтиёjlари билан боғлайди, билиш жараёнларини тавсифлаш масалаларига алоҳида эътибор беради.

Мазкур тушуниш, бизнинг назаримизда, илмий билим ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайдиган бир ёқлама тушунишdir. Бу ерда муҳим омил, фан генезисининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи – жамият эҳтиёjlари хисобга олинмаган. Замирида одамларнинг амалий фаолияти ётuvчи жамият эҳтиёjlари фаннинг вужудга келиши ва ривожланишини белгилайди. Экстернализм ва интернализм каби омиллар масаласига келсак, улар фаннинг келиб чиқиш генезисида, шубҳасиз, фаол намоён бўлади, лекин замирида жамият фаол ривожланишининг амалий эҳтиёжи ётuvчи фан ва илмий билим шаклланиши ягона жараёни-



нинг диалектик жиҳатдан бир-бирини истисно этувчи ва бир-бирига боғлиқ бўлган икки томони сифатида амал қиласди.

Тадқиқотчилар одатда фан Қадимги Юнонистонда мил. ав. I минг йиллик ўрталарида вужудга келган ва фалсафий таълимотларда билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ деб қайд этадилар.

Илмий билимнинг айрим унсурлари милоддан бир неча минг йил олдин қадимги жамиятлар (шумер маданияти, майя маданияти, Қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиё ва бошк.)да шаклланган бўлсада, бўлажак фаннинг илк асослари, куртаклари Қадимги Юнонистонда вужудга келди. Фан ҳали таркибий қисмларга ажралмаган, яхлит, бир бутун, анъанавий тарзда фалсафа деб номланган билим доирасида шаклланди. Мантиқ алоҳида муҳим фан эканлигини таъкидлаган таърифини Платоннинг (мил. ав. V аср) диалогларида (Платондан 30 га яқин кичик ва катта диалоглар бизгача етиб келган) ўқишимиз мумкин. Аристотель (мил. ав. V–IV асрлар) формал мантиқнинг яхлит системасини яратди, диалектик методни таърифлаб берди ва табиатшунослик, физика, социологиянинг жуда кўп соҳаларида фаннинг вужудга келишига замин хозирлади.

Бироқ, фаннинг пайдо бўлишини фақат Ғарбий Европа билангина боғлаш тўғри эмас. Жаҳон цивилизацияси, фан европаликлар томонидан яратилган деган гояни илгари фақат «европоцентризм» тарафдорлари олға сурғанлар.

Фан тарихининг таникли тадқиқотчилари (Ж.Ниддам, А.Койре, В.И.Вернадский ва бошк.), Ғарбда XVI–XVII асрда содир бўлган илмий инқилобни инкор этмаган ҳолда, фан ва илмий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланишига Шарқ буюк цивилизациялари қўшган катта хиссага муносиб баҳо берилмаслиги ва ҳатто инкор этилишига қарши чиқадилар. А.Койре ўрта асрлар араб (шу жумладан, Марказий Осиё) фалсафаси Европа фани ва маданияти ривожида ўзига хос кўприк сифатида муҳим рол ўйнаганини, унинг ёрдамида Қадимги дунё илмий тафаккури арабийзабон файласуфлар томонидан ўрганилиб, Ғарбий Европага узатилганини эслатади. У «лотин Ғарбининг ўқитувчилари ва тарбиячилари араблар эди» деб қайд этади. Бироқ, кўпгина машҳур арабийзабон файласуф ва олимлар Марказий Осиёдан чиққанидан бехабар бўлган А. Койре уларни араблар деб атайди ва Форобий, Ибн Сино ёки Ибн Рушдсиз Ғарбий Европа ўша даврда Платон, Аристотель ва қадимиятнинг бошка буюк мутафаккирлари таълимотларини ҳеч качон тушунмаган бўларди, деб таъкидлайди. Зоро, Аристотель ва Платонни тушуниш учун қадимги юонон тилини билишнинг ўзи кифоя килмайди, фалсафадан ҳам хабардор бўлиш керак. Қадимги лотин тили дунёси эса фалсафадан бехабар эди¹.

Фан ижтимоий институт, яъни билимнинг мустакил тармоғи сифатида XVII асрнинг бошларида шаклланди. Бу даврда Европанинг бир канча мамлакатларида ижтимоий инқилоблар содир бўлди, улар саноат,

¹ Философия и методология науки. Под ред. В.И. Купцова. – М., 1996. с 48– 50.

савдо-сотик, қурилиш, ҳарбий иши, денгизчиликнинг ривожланишига катта турткি берди. Янги давргача фан билим системаси сифатида шаклланиши учун шарт-шароит бўлмай, фаннинг ўзи эмас, балки фан унсурларигина мавжуд эди.

Ҳақиқий билимни тизимга солиш ва ундан самарали фойдаланишнинг янги шакли бўлган фан анча мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Маълумки, фан дастлабки даврда фалсафий тадқиқот доирасидан четга чиқмас, муайян фалсафий қоидалар ва хуласаларни далиллашнинг мухим, баъзан эса – асосий шакли хисобланар эди. Айни вактда, фан, фалсафий билимнинг таркибий қисми сифатида, борликни мувофиқ тарзда акс эттиришнинг ўзига хос изланиш шаклларини, ҳақиқатни, топиш ва исботлашнинг шакл ва методларини аста-секин ишлаб чиқа бошлади.

Бу жарабён илмий тафаккурнинг эркинлиги мухитини вужудга келтирган Ўйғониш даврида айниқса, ёрқин намоён бўлди. Илоҳий схоластика ва Птолемейнинг геоцентрик системасига асосланган ўрга асрлар ноилмий ва соҳта илмий қарашлари таъсиридан аста-секин кутулиш айниқса мухим аҳамият касб этди. Бу жиҳатдан Н. Коперник (1473–1543) таълимоти фанда бурилиш ясади. У ўзининг гелиоцентрик системасини илгари сурди ва асослаб берди. Ўша давр табиатшунослиги (Бруно, Телезио, Галилей ва бошк.) ютуқлари таъсирида дунё ҳақидаги гайриилмий қарашлар инкор этилиб дунёларнинг кўплиги, уларнинг чексизлиги, табиатнинг ўз-ўзини ривожлантириши ҳақидаги гоялар илгари суриди. Улар XVII асрда табиатшуносликда содир бўлган инқилобга замин ҳозирлади. Бу инқилоб фалсафа ва фаннинг узил-кесил ажралишига, фан билимнинг мустақил тармоғига ва ижтимоий институтга айланишига олиб келди.

Шу даврда ва кейинги даврларда илмий билимнинг шаклланиши муаммоларини ёритища фалсафа ва фан узоқ вакт бир-бирига жиддий таъсир кўрсатмасдан, ёнма-ён (параллел) ривожланганини эътиборга олиш керак. Шу боис Американи қайта кашф этишга, темир йўл бўлган жойда фалсафадан фанга сўкмоқ очишга уринишлар кўп бўлди. Гегель таъбири билан айтганда, Ф. Бэкондан бошлаб, янги давр файласуфларининг хизмати шундан иборатки, улар эмпирик ва назарий билимлар орасидаги узилишни бартараф этиш мақсадида эмпиризм фанга олиб келмаганидек, эмпиризмсиз фан ҳам мавжуд эмас, деган гояни илгари сурдилар¹. Таъжиба ва абстракт фикр юритиш – ягона, лекин зиддиятли билиш жараёнининг икки томонидир. Анализ синтезиз ва синтез анализиз ҳақиқатга олиб келмаганидек, улар ҳам бир-бirisiz ҳақиқатга олиб келмайди.

Эмпирия, судралувчан эмпиризм ва фалсафий дилетантлик муаммоси ана шундан келиб чиқади: агар, мажозий маънода айтганда, олим дунёни микроскопдан қараб билса, файласуф уни телескопдан қараб билади. Рационалистларнинг заиф жойи яъни Ахиллес тўпуғи шундаки,

¹ Гегель Г. Т. IV. – М., 1959 с. 12.

улар тажрибага ман-манлік ва беписандлық билан қарайдилар. Агар файласуфлар күпинча умумийдан хусусийга, абстрактдан аникликка үтишга мајбур бўлган, ўрмон дараҳтлардан ташкил топганини тушунмаган бўлсалар, табиат ҳодисаларини тадқиқ қылувчи олимлар умумийни тан олмасдан хусусий ҳолатларни ўрганишга берилдилар, дараҳтлардан ўрмон ҳосил бўлишини тушунмадилар.

Тажрибага асосланган, эмпирик билимлар олимга маълумот, «хом» материал, фактлар, мисоллар беради. Бироқ улар, коида тариқасида, эмпириядан нарига ўтмайди, чукур назарий тушунтиришларга ҳожат сезмайди, ривожланиш жараёнидаги конуниятларни очишига, илмий тушунчаларни, нарсалар ва ҳодисаларнинг объектив алоқалари ва муносабатларини акс эттирувчи абстракцияларни аста-секин, лекин изчиллик билан таърифлашга ҳаракат кильмайди.

Фаннинг кучи хиссий маълумотлар ва ақлий билимларнинг бирлиги ва бир-бирларига киришишлари дадир. Шу боис ҳам уларни тушунтириш ва қарама-қарши қўйиш ўрнига, уларни бирлаштириш йўлларини қидириш керак. Бу вазифани ақл-акллилик муваффакиятли бажаради. Ақл хиссиётдан устун туради, у биз сезги органларимиз ёрдамида олуви чилимларга фаол ва талабчаник билан ёндашади. Муайян фанлар ва фалсафа ўргасида содир бўлган узилиш XX асрда муваффакият билан бартараф этила бошланди.

Агар XIX асрда фалсафа билан табиатшунослик ўргасида қарама-қаршилик мавжуд бўлган бўлса, ҳозирда улар ўргасида тобора мустахкамланиб борувчи алоқалар ўрнатилмоқда.

Бу ҳолат кўпроқ ҳозирги замон фани мезон ва идеаллари ҳақидаги тасаввурларни асословчи фалсафий гоялар ва ақидалар (тамойиллар) тизимини таҳлил килиш жараёнида намоён бўлади. Айнан фалсафа, фанларнинг фалсафий асослари илмий билишларнинг замон маданиятига қўшилишини таъминлаш билан бирга тадқиқотчи – олимдан ўзига хос фалсафий ва илмий иқтидорни фалсафий ва илмий билиш билан қўшишини талаб этади.

Дифференциация ва интеграция жараёnlарининг диалектик уйғунлиги бутун фан тарихини қамраб олади. Ҳар бир босқичда илмий билиш фундаментал категориялар ва тушунчаларни билиш шаклларининг, тушунтириш методлари, тамойиллари ва чизма-тасвир чизмаларининг муайян мажмуидан фойдаланади. Мисол учун, антик давр илмий тафаккурига билим олишнинг асосий усули сифатида кузатилиш бўлган бўлса хос; янги давр шароитида фан экспериментга ва аналитик фикрларининг устуворлигига таянади; ҳозирги замон фани ўрганилаётган объектларни яхлит ва ҳар тарафлама қамраб олишга интилади. Умуман олганда, фанга ривожланишининг экстенсив ва интенсив даврлари алмашиши хосдир.

Бу ерда фан ва фалсафа ўргасидаги алоқа анча мураккаб хусусиятга эга эканини кайд этиб үтиш ўринлидир. Фалсафа доим фанга нисбатан методологик ва дунёқарашни шакллантириш вазифасини муайян даражада бажаради. Аммо уни фан билан билимни назарий шаклда тузишга, мантикий далиллашга интилиш ҳам бирлаштиради. Бошқа томондан,

фанда ҳам, фалсафада ҳам мазкур ёндашувга нисбатан қарама-карши фикрлар ва ёндашувлар мавжуд. Позитивизм, сиентизм ва шунга үхаш айrim концепциялар фалсафанинг илмий билишдаги ролини инкор этади, фалсафани фанга сингдириб юборишга ҳаракат килади.

2.2. Фанларни таснифлаш ва даврийлаштириш

Фанларнинг дастлабки муайян даражада изчил таснифини биз Аристотель фалсафий меросида кўришимиз мумкин. У ўша даврда фалсафага мос келган барча билимларни уч кисмга: назарий, амалий ва ижодий билимларга ажратади.

Ўз навбатида, назарий билимларни Аристотель «биринчи фалсафа» – метафизика, математика ва физикага ажратади, бунда у метафизикага ақлий мушоҳада юритиш орқали англаб етиладиган олий асослар ҳакидаги фан деб қарайди.


Аристотелдан сўнг энг изчил фанлар таснифини таклиф қилган олимлар Марказий Осиёдан чиккан буюк мутафаккирлар – Форобий ва Ибн Синодир.

Биринчи мавзуда қайд этиб ўтганимиздек, Форобий Платон ва Аристотел таълимотига таяниб, фанларни туркумлашнинг ўз таснифини таклиф қилди: 1) тил ҳақидаги фан; 2) мантиқ; 3) математика; 4) физика (метафизика); 5) сиёсат; 6) хукукшунослик; 7) илохиёт. Аристотелдан фарқли ўлароқ, Форобий метафизикани «назарий тафаккур фанлари» билан «амалий тафаккур фанлари» ўртасидаги боғловчиси деб кўрсатди.


Форобийнинг издоши Ибн Сино (980–1037) ўзи таклиф қилган фанлар таснифида назарий ва амалий фанларнинг алоқасига ўзига хос тарзда ёндошли, назарий фанларда бирламчи фанларни, яъни олий фан – метафизикага буйсунувчи «соғоф» фанларни ажратди. Метафизика эса, ўз навбатида, «универсал» ва «илохий»га ажралади. Агар универсал метафизика табиий фанларнинг асосларини ўрганса, илохий метафизика эманация, яъни амалий фанларга ўтиш вазифасини бажаради.

3-чизма


Аристотель таклиф қилган фанлар таснифи (мил. ав. IV аср)



Форобий таклиф килған фанлар таснифи (IX аср)



Ибн Сино таклиф килған фанлар таснифи (XI аср)



Узок үтмиш ва кейинчалик, янги даврда жамулжам ҳолда фанларнинг бутун тизимини ҳосил қылувчи фан соҳалари шартли равишда учта катта гурухга (кичик тизимга) – табиий, ижтимоий ва техник фанларга бўлина бошланди.

Бу гурухларнинг ҳар бири ўз предметлари ва методларига кўра фарқ қиласди. Шу билан бирга, улар ўз тор доирасида бикиниб қолмасдан, бир-бири билан аюла қиласди, айрим фан соҳаларида гурухлар ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайди. Бундан ташқари, мазкур кичик тизимларнинг ҳар бири бир-бири билан боғланган муайян фанларнинг алоҳида тизимини ҳосил қиласди. Бу уларни муфассал таснифлаш муаммосини тўла ҳал қилиб бўлмайдиган даражада мураккаблашириади. Ҳозирги табиий фанлар предмети ва билиш методига кўра механика, физика, кимё, биология, геологияга бўлинади. Жамият-шунослик фанлари гуманитар ва ижтимоий фанлар (тарих, фалсафа, социология, иқтисодий назария, сиёсатшунослик ва ш.к.)га бўлинади.

Бирок, шунга қарамай, В.И.Вернадский таъбири билан айтганда, «фан якка ва ягонадир». Чунончи, фанларнинг сони муттасил кўпайиб бораётгани, янги фанлар вужудга келаётганини қарамай, уларнинг барчаси ягона илмий тизимли боғланган ва мантиқан бир-бирига зид бўла олмайдилар¹.

Фанни кўриб чиқишига нисбатан бошқа бир ёндашув *даврийлаштириши*, яъни фанларни кетма-кет келувчи муайян тарихий даврлар ёки босқичлар шаклидаги «вертикал», замон ўқи бўйлаб жойлаштиришдир.

¹ Вернадский В.И. О науке. Сочинения Т. 1 – Дубна, 1997. с. 401.

Шу муносабат билан россиялик файласуф В.П.Кохановский фанларни даврийлаштиришнинг икки асосий кўринишини ажратиб кўрсатади:

а) формал даврийлаштириш. Бунда фан тарихини ажратиш замираиди муайян «белги» (ёки гуруҳ) ётади;

б) диалектик даврийлаштириш. Бунда тадқиқ қилинаётган фандаги барча зиддиятлардан ажратиб блиниши лозим бўлган асосий қарама-қаршилик даврийлаштириш негизи (мезони)ни ташкил ётади¹.

В.П.Кохановский фан ривожланишининг уч асосий босқичини кўриб чиқади²:

а) *классик фан* (XVII–XIX асрлар). У объектив фикрлаш тарзи оркали, дунёнинг субъект томонидан үрганилиши шартисиз, дунё ҳақида объектив-ҳақиқий билимлар олишни назарда тутади. Бу даврга қатъий белгиланган йўналтирилган изчил (чиликли) ривожланиш мос келади: ўтмиш ҳозирги даврни белгилайди, ҳозирги давр эса, ўз навбатида, келажакни белгилайди. Дунёнинг ривожланиш жараёнларини олдиндан мўлжаллаш ва башорат қилиш мумкин. Дунёнинг мумтоз (классик) манзараси объектларни ўз ҳолича мавжуд иарсалар сифатида тавсифлайди;

б) *ноклассик фан* (XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярми). У классик фан объективизмини инкор килувчи, объект билимлари билан субъект фаолиятининг воситалари ва операциялари хусусияти ўртасидаги алоқани англаб етувчи релятивистик ва квант назариясининг ишлаб чиқилиши билан боғлиқ. Фанда ноклассик фикрлаш тарзига ўтилиши табиатшуносликдаги янги кашфиётлар, айниқса, А. Эйнштейн ишлаб чиқкан нисбийлик назарияси, шунингдек буюк физиклар – Н. Бор, Л. де Бройль ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган квант механикаси таъсирида амалга оширилди. Мазкур фан шаклининг моҳияти назариядан «статистик қонуният» номи билан ўрин олган детерминациянинг мослашувчанроқ чизмаси юзага келиши билан боғлиқ;

в) *постноклассик фан* (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср боши). У объект ҳақида олинувчи билимлар хусусияти фақат билувчи субъект фаолияти воситалари ва операцияларига эмас, балки унинг кадриятлари ва мақсадларига ҳам боғлиқлигини хисобга олади. Тарақкиёт муайян томонга қараб кетиши учун унга озгина таъсир кўрсатишнинг кифоялиги постноклассик ривожланишининг муҳим жиҳатидир. Мазкур ёндашувни И. Пригожин ва унинг мактаби ишлаб чиқкан.

Ҳозирги замон постноклассик фанида тартиблилик ва хаос, структуравийлик, стохастиклик объектив ва тенг деб эътироф этилади. Бунда хаос ва стохастикликка деструкция деб эмас, балки ҳолат деб каралади. Билимга субъектив фаолиятнинг муттасил аралашуви постноклассик фаннинг муҳим белгисидир.

¹ Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999. с. 40.

² Ўша ерда.

Хозирги постноклассик босқичга фаннинг шаклланиш ва ўз-ўзидан ташкил бўлиш парадигмаси мос келади. Фан янги қиёфасининг асосий жиҳатларини *синергетика* ифодалайди. Синергетика ҳар хил табиатли системаларда кечадиган фаннинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш жараёнларининг умумий тамойилларини ўрганади. «Синергетик характер»га караб мўлжал олиш борлиқнинг муҳим хусусиятлари – тарихий давр, системалик (яхлитлик) ва ривожланишга қараб мўлжал олиш демакдир.

Шу билан бирга, фан ривожланишидаги мазкур уч давр ўртасида хитой девори йўклигини ҳам эътиборга олиш керак. Фан тарихида улар ўртасида тўғридан-тўғри қарама-қаршилик мавжуд деган иодиалектик ёндашувдан келиб чикиш ярамайди. Бу ерда олдинги босқичларнинг ҳар бири қайта тузилган, такомиллашган кўринишда диалектик инкор этиш механизмига кўра кейинги босқич таркибидан ўрин олишини билиш керак. Масалан, ноклассик фан классик фанни тутатмади, балки ундан хозирги фаннинг ривожланишига имконият яратган барча билимларни олиб, унинг амал қилиш соҳасини чеклади, холос. Ноклассик фан ўрнини постноклассик фан эгаллаши жараёни ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Фан тарихини яна икки асосга кўра даврийлаштириш мумкин:

а) *аналитик* босқич. Уига классик ва ноклассик табиатшунослик киради. Бу ерда эмпирик билимлар назарий билимлардан очик-оидин устун бўлган шароитда фанларнинг узлуксиз табақалашуви содир бўлади;

б) *синтетик*, интегратив босқич. У постноклассик табиат-шуносликка мос келади. Фанлараро илмий муаммоларнинг юзага келиши ва ўзаро яқин фанлар бағрида вужудга келган (астрофизика, биокимё, психофизика ва бошк.)нинг шаклланиши унинг ўзига хос хусусияти-дир.

2.3. Фан – билимлар ривожланишининг умумий шакли сифатида

Маълумки, хозирги шароитда фанни ва унинг ривожланиши жараёнини бошқаришни оқилона ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2002 йилнинг марта ғарбий килинган «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тұғрисида»¹ ги Фармонида айнан шу хақда таъқидланади¹.

Ижтимоий онг шаклларидан бири ҳисобланган фан унинг бошқа шакллари билан чамбарчас боғлик. Ижтимоий онг шаклларининг умумий жиҳати шундаки, улар борлиқни абстракт тушунчалар, гипотезалар, назарияларда акс эттиришнинг ҳар хил усувлариридир.

¹ «Халқ сўзи» газетаси, 15 март 2002 й 53-сон.

Фаннинг жамиятни бевосита ишлаб чиқарувчи қучига айланиши фаннинг ўзида содир бўлган сифат ўзгаришлари билан чамбарчас боғлик. Классик фан ўрнини алоҳида олимлар ёки олимлар кичик гурухларининг «катта фан» деб номланган қудратли ижтимоий организм эгаллади.

«Катта фан» мураккаб организмининг шаклланиши ҳозирги замон фанига хос бўлган тадқиқотларнинг ривожланишига туртки беради. Ҳозирда жамият хаёти ва фаолиятига тобора фаолроқ кириб бораётган аралашаётган фанлар айниқса эътиборга молиқдир ҳамманинг дикқат марказидадир. Ижтимоий организм хисобланган фан доирасида одамлар ўртасидаги муносабатларнинг ҳам мураккаблашуви уни ижтимоий-психологик таҳлил қилиш муаммоларини илгари сурмоқда.

Ўз моҳиятига кўра илмий билимни шакллантириш воситаси бўлган фан айни вактда ижтимоий институт сифатида энг аввало, инсонни, олимни, унинг билими, қўнинка-малакаси ва тажрибасини қамраб олади. Шу боис илмий билимнинг шаклланиши муайян меъор-мезон ва қоидаларни назарда тутадики, уларга риоя қилиниши фаннинг маънавий ишлаб чиқаришнинг муайян кўриниши ва маълум турдаги ижтимоий онг шакли сифатидаги ўзига хосликларини белгилайди.

Табиий ҳодисаларни тадқиқ қилган машҳур табиатшунос файласуф олим В.И.Вернадский ўз даврида фаннинг инсондан ва олимдан четда мавжуд эмаслигига алоҳида эътиборни қараттан эди. Илмий тафаккур индивидуаллик билан бир қаторда ижтимоий ҳодиса ҳамдир. У инсондан ажралмасдир. «Шахс энг чукур абстракция ҳолатида ҳам ўзи яшайдиган майдондан чиқа олмайди, деб қайд этади олим. Фан реал ҳодиса булиб, инсоннинг ўзи каби ноосфера билан чамбарчас боғлик»¹.

Бинобарин, фан факат билим, бойликлар манбаи эмас. У шундай бир касб турини намойиш этадики, унда ҳалоллик ва холислик касбий ахлоқнинг муҳим унсурлари ифодаланади. Тўғри, олимларни идеаллаштириш ярамайди, чунки улар орасида ҳам нопок, худбин одамлар ҳам йўқ эмас. Шу боис фанга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига беминнат хизмат қиласидиган соҳа деб қарамаслик керак. Фанда ҳам ҳамма нарса учрайди. Шу маънода буюк Эйнштейн қўйидаги сўзларини айтганда ҳақ эди: «Фан қасри мураккаб курилмадир. Унга ташриф буюрувчи одамларни, бу ерга ҳар хил маънавий кучлар бошлаб келади. Айримлар фан билан ўз интеллектуал салоҳияти, тафаккурининг даъватига кўра шуғулланади; улар учун фан тўлаконли ҳаёт кечириш ва ўз иззат-хурматини, нафсини қондиришдан лаззатланиш, завқ олишга имкон берувчи спорт хисобланади. Бу ерда бошқа тоифадагиларни холи кўриш мумкин. Улар ўз тафаккури меваларини факат манфаатдорлик нуқтаи назаридан курбонликка келтиради. Агар Худо элчиси фаришта бу ерга келиб, ундан мазкур икки тоифага

¹ Вернадский В.И. О науке Сочинения. Т. 1. – Дубна, 1997. с. 464.

мансуб шахсларни қувиб чикарганида, фан олами тамомила хувиллаб колган бүлүр эди»¹.

Шундай килиб, вазифаси борлық ҳақидаги билимларни түзиш ва тизимга солищдан иборат бүлгән инсон фаолиятининг үзига хос соҳаси – фан үз ривожланишининг ҳозирги шароитида илмий билим идеаллари ва нормаларини тартибга солиш ва шакллантиришга, унинг тузилишини қадриятлар, мұлжаллар ва ижтимоий анъаналар билан бойитишга қодир алохидә механизмларга жуда мұхтож булиб қолмокда. Бу вазифани ҳозирги босқичда фаннинг фалсафий асослари бажармоқда. Улар воситасида фан идеаллари ва нормалари ҳақидаги ҳозирги қарашлар шу жумладан, муайян тарихий даврнинг илмий билимлари ва маданияти асосланмоқда.

Дүнёнинг умум илмий манзараси ва илмий тәдқикот мезонлари үринини аралаштирамай, фаннинг фалсафий асослари, айни вақтда, дүнёнинг илмий манзараси илмий-фалсафий дүнекараш билан мувофикалашувини таъминловчи, фан ва фалсафани үзига хос бирлаштирувчи асос булиб хизмат қылмокда.

Ҳозирда фан билимларнинг жуда катта соҳасини қамраб олган. В.И.Купцов маълумотларига күра, у бир-бири билан алоқадор бүлгән 15 мингга яқин фан соҳаларини қамраб олади. Олимлар сони ҳам кескин күпайди. XX аср охирига келиб уларнинг сони 5 млн. кишидан ошиб кетди. Улар сони ҳар 10–15 йилда икки баравар ошмокда. Ҳозирда бу күрсаткіч Ер куррасида ҳамма замонларда яшаган барча олимларнинг қарий 90 %ни ташкил этади².

Ҳозирда жамият ҳаёти ва фаолиятига тобора фаолроқ аралашаёттан фанлар ҳамманинг диккәт марказидадир, уларнинг инсон фаолияти воситалари билан яқин алоқасыга эса табиий бир ҳол деб қаралмокда. Ижтимоий организм ҳисобланған фан доирасида одамлар үргасидаги муносабатларнинг мураккаблашуви уни ижтимоий-психологик таҳлил қилиш муаммоларини илгари сурмокда. Бу эса фан фалсафасидан методологияк аниқликни, фикрнинг мантикий изчилигини, илмий ижодға эклектикалық дағындықтың мунисабатдан чекинишини, ошкораликни, танқидий фикрлашының майилликни тақозо этади.

Қисқача холосалар

1. Фан – борлиқнинг қонуниятларини үрганиш, билим олиш, олинган билимларни үрганиш, сақлаш ва улардан ижодий фойдаланишга йүналтирилған, ривожланувчи, мунтазам үсіб борувчи билимлар системасидир.

2. Илмий билишни (эпистемологияни) таҳлил қилишга нисбатан икки хил ёндашув – фан үсішининг ташки омилларини күриб чикувчи экстернализм ва илмий билим ривожланишининг ички сабабларини

¹ Иктибос қуйидаги китобдан олинди: Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999. 14-15 б.

² Философия и методология науки. Под ред. В.И. Купцова. – М., 1996. с. 58.

урганувчи интернализм мавжуд. Иккала ёндашув ҳам диалектик бирлиқда булиб, бир-бирини тұлдирағы.

3. Фан хозирги талқиндаги ижтимоий институт сифатида Янги даврда, иқтисодиётда бозор муносабатлари шаклланған, жамиятда буржуа инқилоблари содир бұлған даврда шаклланди.

Асосий түшүнчалар

Билим – инсон онгіда акс эттан объектив борлық.

Билиш – билим олиш ва унинг ривожланиши, муттасил чукурлашуви жараёни.

Илмийлик мезони – борлықнинг объектив қонууларини билиш.

Сциентизм – жамият тараққиётида фан энг мухим рол үйнайды деган фикрга асосланған таълимот.

Антисциентизм – жамият тараққиётида фаннинг аҳамиятини инкор этувчи таълимот.

Стохастиклик – тасодиғ, әхтимоллик.

Саволлар

1. Фан нима? У қаңон ва нима учун вужудға келди?
2. Фалсафа ва фаннинг үзаро нисбати қандай?
3. Фаннинг вужудға келиши ва ривожланишининг асосий боскичларини айтиб беринг.
4. Фанларнинг хозирги таснифи нимага асосланади?
5. «Фан – ижтимоий институт» деган түшүнча нимани англаради?

Адабиётлар

Бернал Дж. Наука в истории общества. – М., 1958.

Вернадский В.И. О науке. – Дубна, 1997.

Гайденко П.П. Эволюция понятия науки. – М., 1980.

Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Наука в зеркале философии XX в. – М., 1992.

Поппер К. Логика и рост научного знания. – М., 1983.

Психология науки. – М., 1998.

Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосымов Б.У. Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.

Фалсафа асослари. Дарслік. М.Ахмедов таҳририда. Т., 2005.

Философия и методология науки: Учебник / Под ред. В.И. Купцова. – М., 1996.

Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.

Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.

З-мавзу. ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАР ТАБИАТИ ВА УЛАРНИНГ ФАНДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Фалсафий муаммолар тушунчаси

Олдинги мавзудан бизга маълумки, фан ва илмий билим инсоннинг билимларини ишлаб чиқиш, тизимга солиш ва ҳаёт, амалиётда, текшириш борасидаги инсон фаолиятининг натижасидир. Бошқача килиб айтганда, фан борлиқ жараёнларини, ҳодисаларини тавсифлаш, тушунтириш, ва башорат қилишга йўналтирилган билимларни ишлаб чиқариш ҳамда ривожлантириш демакдир. Унинг куртакларига қадимги фалсафий таълимотлар ва назариялардаёқ дуч келиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай билим шу жумладан, фалсафий билим ҳам нафақат ташки дунёнинг инсонга таъсири натижаси, балки унинг муайян билиш фаолияти натижаси ҳамdir. Бу ерда бир хилда асосли бўлган икки фикр ўртасида ўзига хос қарама-қаршилик кўзга ташланади. Шу нуктаи назардан биз ўзининг вужудга келиши ва дастлабки ривожланиш жараённада фалсафа мазкур икки томоннинг диалектик бирлигини акс эттирган, нафақат билим, балки уни билиш мето-дологииси, усули ҳам бўлган деб дадил айта оламиз. Қадимда уни қизиктирган ҳар қандай масала шу жумладан, муайян илмий жиҳатларга эга масалалар ҳам фалсафий жиҳатдан англаб етилган.

Фалсафий билиш, билимнинг ўзига хослиги ўз борлигининг асосий саволларига жавоб топишни мақсад килиб қўйганлигидадир. У инсон ҳатти-ҳаракатлари кечинмалари, мазмунини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ўзининг амалий имкониятларини амалга оширишда стратегик мақсадларни шакллантиради. У инсоннинг дунёкараши ва методологик маданиятининг шаклланиши ва камолотида мухим аҳамиятга эга, шу билан бирга у ўз муаммоларини мушоҳада килиб, унинг ҳал этиш йўлларини топади.

Шу муносабат билан фалсафий билимнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни айни вақтда уни билиш методлари ва усулларининг шаклланиши жараёни ҳам хисобланади. Фалсафий билимнинг асосий қоидаларидан бири – «Нима бор?» доим «Нима учун бор?» деган бошқа бир мухим қоида билан бирга келади. Бу ўз навбатида, уни аниқлаш учун зарур билимларнинг шаклланишига олиб келади. Дунёкарашлик хусусиятга эга бўлган масалалар шу тарика юзага келади. Фалсафа эса ана шу масалаларни нафақат ўртага ташлайди, балки ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ҳақиқатни билишга интилиши жараённада уларни тушуниб етишга ҳам ҳаракат киласди.

Бу ўринда инсон билими тарихий тараққиётининг ўзига хос бир хусусиятини қайд этиб ўтиш керак, яъни, инсон билими аниқ ва абстрактликнинг бирлиги тарзида шаклланган. Бу икки жиҳат доимо бир-бири билан, айниқса, фалсафа ривожланишининг қадимги даври

билан яқин боғлиқ бўлса-да, бу уларни фарқламаслик учун асос бўла олмас эди. Мазкур билиш антиномик хусусиятга эга деган Гегель ўз фикрини асослар экан, «қадимги ёки янги фалсафий таълимотларда илк асос – сув ёки материя ёки атомлар – нарсанинг эмас, балки фикрнинг умумий, идеаллаштирилган моҳиятидир…, ҳатто фалсафий сув ҳам ана шундай нарса эмас; зеро, у айни вактда эмпирик сув ҳам хисобланса-да, у «ўзида» мавжуддир ёки бошқа барча нарсаларнинг моҳиятидир», деб қайд этади¹.

Билишнинг фалсафий масалалари ана шу тариқа юзага келади. Уларга жавобни инсон дастлаб ўз тафаккурининг далиллари ва мушоҳадаларидан излаган.

Шу билан бирга, фалсафа доим, вужудга келган пайтидан бошлаб, тизимга солинган, далилли ва текшириладиган изчил билим сари интилади, аммо бунга фақат фалсафий мулоқотга илмий мақсадлар жорий этилган тақдирдагина эришиш мумкин. Аникроғи, илмий билимнинг аксарият унсурлари, чунончи: қоидалар ва хулосаларнинг далилланганилиги, системалилиги ва текширилганлиги фалсафанинг ўзида шаклланади ва аста-секин илмий қоидалар ва хулосаларга айланади. Бошқача қилиб айтганда, фалсафий билим шаклланишининг дастлабки босқичида, шунингдек қолган тарихий босқичларда ҳам фалсафий ва илмий билимлар ўзаро бир-бирини тақозо этган ва тўлдириб борган.

Илк фалсафий муаммолар, яъни билишнинг ўз борлиғи асосий жумбокларига жавоб излаш ва топишга (онтологик жиҳат), дунёни ва унинг қонуниятларини билиш имконияти муаммосига (гносеологик, эпистемологик жиҳатлар), дунёга қадрият деб ёндашиш муаммосини аниглашга (аксиологик жиҳат), инсон ҳаётининг моҳияти ва мазмунини аниглашга (антропологик жиҳат) йўналтирилган масалалари аста-секин шаклланди ва расмийлашди.

Ўзининг намоён бўлиш шаклига кўра фалсафий бўлган бу муаммолар аста-секин илмий билимлар билан бойиб борди ва фалсафа метафанга, яъни илмий билимни англаб етишнинг негизига айланиши учун замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, фалсафий муаммолар, биз биринчи мавзуда қайд этиб ўтганимиздек, кўйилган фалсафий-дунёқарааш вазифаларининг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган масалалар тизимиdir.

Шу муносабат билан «муаммо» ва «масала» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти масаласини аниглаш мухим аҳамиятга эга.

Фалсафий муаммоларнинг табиати ҳақида сўз юритар эканмиз, биз фан билимнинг мустақил тармоғи ва ижтимоий институтга айлангунга қадар (XVI–XVII асрлар) фалсафий ва илмий билимлар ўртасида аниқ тафовут мавжуд бўлмаганини, улар борлиқни объектив тарзда акс эттириб, бир умумий муаммо сифатида бирликда намоён бўлганини ёдга олишимиз керак. Масалан, фалсафанинг дунё моҳияти,

¹ Гегель Г. Соч., Т. 5. – М., 1937. с 159.

3-мавзу. ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАР ТАБИАТИ ВА УЛАРНИНГ ФАНДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

3.1. Фалсафий муаммолар тушунчаси

Олдинги мавзудан бизга маълумки, фан ва илмий билим инсоннинг билимларини ишлаб чиқиши, тизимга солиш ва хаёт, амалиётда, текшириш борасидаги инсон фаолиятининг натижасидир. Бошқача қилиб айтганда, фан борлик жараёнларини, ҳодисаларини тавсифлаш, тушунтириш, ва башорат қилишга йўналтирилган билимларни ишлаб чиқариш ҳамда ривожлантириш демакдир. Унинг куртакларига қадимги фалсафий таълимотлар ва назариялардаёқ дуч келиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай билим шу жумладан, фалсафий билим ҳам нафақат ташки дунёнинг инсонга таъсири натижаси, балки унинг муайян билиш фаолияти натижаси ҳамдир. Бу ерда бир хилда асосли бўлган икки фикр ўртасида ўзига хос қарама-қаршилик кўзга ташланади. Шу нуткаи назардан биз ўзининг вужудга келиши ва дастлабки ривожланиш жараённада фалсафа мазкур икки томоннинг диалектик бирлигини акс эттирган, нафақат билим, балки уни билиш мето-дологияси, усули ҳам бўлган деб дадил айта оламиз. Қадимда уни қизиқтирган ҳар қандай масала шу жумладан, муайян илмий жиҳатларга эга масалалар ҳам фалсафий жиҳатдан англаб етилган.

Фалсафий билиш, билимнинг ўзига хослиги ўз борлигининг асосий саволларига жавоб топишни мақсад қилиб кўйганлигидадир. У инсон ҳатти-ҳаракатлари кечинмалари, мазмунини ишлаб чиқиш билан бир қаторда ўзининг амалий имкониятларини амалга оширишда стратегик мақсадларни шакллантиради. У инсоннинг дунёкараши ва методологик маданиятининг шаклланиши ва камолотида мухим ахамиятга эга, шу билан бирга у ўз муаммоларини мушоҳада қилиб, унинг ҳал этиш йўлларини топади.

Шу муносабат билан фалсафий билимнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёни айни вақтда уни билиш методлари ва усулларининг шаклланиши жараёни ҳам хисобланади. Фалсафий билимнинг асосий қоидаларидан бири – «Нима бор?» доим «Нима учун бор?» деган бошқа бир мухим қоида билан бирга келади. Бу ўз навбатида, уни аниқлаш учун зарур билимларнинг шаклланишига олиб келади. Дунёқарашлик хусусиятга эга бўлган масалалар шу тарика юзага келади. Фалсафа эса ана шу масалаларни нафақат ўртага ташлайди, балки ўзининг мазмун-моҳиятига кўра ҳақиқатни билишга интилиши жараёнида уларни тушуниб етишга ҳам ҳаракат қиласди.

Бу ўринда инсон билими тарихий тараққиётининг ўзига хос бир хусусиятини қайд этиб ўтиш керак, яъни, инсон билими аниқ ва абстрактликнинг бирлиги тарзида шаклланган. Бу икки жиҳат доимо бир-бира билан, айникса, фалсафа ривожланишининг қадимги даври

билан яқин боғлиқ бўлса-да, бу уларни фарқламаслик учун асос бўла олмас эди. Мазкур билиш антиномик хусусиятга эга деган Гегель ўз фикрини асослар экан, «қадимги ёки янги фалсафий таълимотларда илк асос – сув ёки материя ёки атомлар – нарсанинг эмас, балки фикрнинг умумий, идеаллаштирилган моҳиятидир…, ҳатто фалсафий сув ҳам ана шундай нарса эмас; зоро, у айни вактда эмпирик сув ҳам хисобланса-да, у «ўзида» мавжуддир ёки бошқа барча нарсаларнинг моҳиятидир», деб қайд этади¹.

Билишнинг фалсафий масалалари ана шу тариқа юзага келади. Уларга жавобни инсон дастлаб ўз тафаккурининг далиллари ва мушоҳдаларидан излаган.

Шу билан бирга, фалсафа доим, вужудга келган пайтидан бошлаб, тизимга солинган, далилли ва текшириладиган изчил билим сари интилади, аммо бунга факат фалсафий мулоқотта илмий мақсадлар жорий этилган тақдирдагина эришиш мумкин. Аниқроги, илмий билимнинг аксарият унсурлари, чунончи: қоидалар ва хulosаларнинг далилланганилиги, системалилиги ва текширилганлиги фалсафанинг ўзида шаклланади ва аста-секин илмий қоидалар ва хulosаларга айланади. Бошқача қилиб айтганда, фалсафий билим шаклланишининг дастлабки босқичида, шунингдек колган тарихий босқичларда ҳам фалсафий ва илмий билимлар ўзаро бир-бирини тақозо этган ва тўлдириб борган.

Илк фалсафий муаммолар, яъни билишнинг ўз борлиғи асосий жумбокларига жавоб излаш ва топишга (онтологик жиҳат), дунёни ва унинг конуниятларини билиш имконияти муаммосига (гносеологик, эпистемологик жиҳатлар), дунёга қадрият деб ёндашиш муаммосини аниқлашга (аксиологик жиҳат), инсон ҳәётининг моҳияти ва мазмунини аниқлашга (антропологик жиҳат) йўналтирилган масалалари аста-секин шаклланди ва расмийлашди.

Ўзининг намоён бўлиш шаклига кўра фалсафий бўлган бу муаммолар аста-секин илмий билимлар билан бойиб борди ва фалсафа метафанга, яъни илмий билимни англаб етишнинг негизига айланиши учун замин ҳозирлади.

Шундай қилиб, фалсафий муаммолар, биз биринчи мавзуда қайд этиб ўтганимиздек, кўйилган фалсафий-дунёқараш вазифаларининг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган масалалар тизимиدير.

Шу муносабат билан «муаммо» ва «масала» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти масаласини аниқлаш мухим аҳамиятга эга.

Фалсафий муаммоларнинг табиати ҳакида сўз юритар эканмиз, биз фан билимнинг мустақил тармоғи ва ижтимоий институтга айланунга қадар (XVI–XVII асрлар) фалсафий ва илмий билимлар ўргасида аник тафовут мавжуд бўлмаганини, улар борлиқни объектив тарзда акс эттириб, бир умумий муаммо сифатида бирликда намоён бўлганини ёдга олишимиз керак. Масалан, фалсафанинг дунё моҳияти,

¹ Гегель Г. Соч., Т. 5. – М., 1937. с 159.

унинг келиб чиқиши, тузилиши ва ривожланиши ҳақидаги онтологик муаммолари айни вактда илмий масалалар ҳам хисобланган.

Бу Уйғониш даврида илмий билимларнинг ривожланишида айникса аниқ намоён бўлди. Мазкур давр олдинги фалсафий билим натижаларини кўриб чиқди ва янги, илмий билимнинг ривожланиш йўлларини белгилади.

Бу даврни, таъбир жоиз бўлса, фалсафа ва фаннинг тенглиги даври деб тавсифлаш мумкин. Уйғониш даврининг атоқли вакиллари (Н. Коперник, И. Кеплер, Ж. Бруно ва бошк.) «соф» (анъанавий талқиндаги) файласуфлар эмасди, лекин ҳали «соф» олимларга ҳам айланмаганди, чунки уларнинг илмий кашфиётлари ва таълимотларида фалсафий рационализм ва фалсафий анъаналар таъсири ҳали катта эди.

Польшалик буюк олим ва астроном *Николай Коперник* (1473–1543) Птолемейнинг фан ва динда ҳукмрон бўлиб келган геоцентрик системасини рад қилувчи гелиоцентрик системани таклиф қилди. Коперник ўз системасида Ерни оддий сайдерлардек Куёш атрофида ва ўз ўки атрофида айланади деган фикрни илгари сурди.

Иоганн Кеплер (1571–1630) ижоди ҳам эски ва янги белгиси ва таъсири остида кечди. Ўз кузатишлари ёрдамида Кеплер Коперникнинг Куёш системаси тузилиши ҳақидаги моделига аниқлик киритди. Кейинчалик Коперник ва Кеплер моделлари ривожланаётган табиатшунослик кашфиётлари билан илмий исботланди.

Шундай қилиб, Уйғониш даврида фалсафий билим тарақкиётдан тўхтаб қолмади, балки ўша даврнинг буюк материалист файласуфлари *Ф. Бэкон* (1561–1626), *Р. Декарт* (1596–1650), *Б. Спиноза* (1632–1677), *Г. Лейбниц* (1646–1716) ҳамда Уйғониш даври ва Янги давр фалсафий материализми ва классик рационализмининг ривожланишида ўчмас из қолдирган бошқа олимлар ижодида ривожланди.

Европада Уйғониш даври шундай бир босқич бўлди, ундан кейин фанда, айникса, табиатшуносликда содир бўлган буюк илмий кашфиётлар инқилоб фан муаммоларнинг ривожланишига янги туртки берди. Табиатни билиш фалсафани пешқадамлиқдан иккинчи ўрнинг суриб кўйди. Фалсафа ўзининг етакчи материалистик ўрнини ҳам бой берди, ўз ўрнини табиий фанларга бўшатиб беришга мажбур бўлди. Уйғониш даврига келиб, фалсафий материализм айрим ҳолларда табиатшуносликдаги муаммоларни ҳал қилишдан жамиятшунослик ва ижтимоий фанлар соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишга ўтди.

Биз «муаммо» тушунчасини фалсафада, фанда ҳам кенг қўлланила бошлаганини кўришимиз мумкин. Фалсафа ва фаннинг ўзаро нисбати мавзумиз учун алоҳида аҳамият касб этади. Фалсафий ва илмий муаммолар ўртасида ҳали аниқ чегара мавжуд бўлмаган қадимги даврда уларга одатда бир умумий муаммо деб қаралар эди. Кейинчалик, фалсафий билимга фаннинг таъсири кучая бориши натижасида, Уйғониш даврида (XV–XVII асрларда) ва айникса, Янги даврда фалсафий муаммолар узил-кесил ўз предмети атрофида жамланди. Бу муаммоларни беш гурухга ажратиш мумкин: 1) онтологик муаммолар;

2) гносеологик муаммолар; 3) аксиологик муаммолар; 4) антропологик муаммолар; 5) прогностик муаммолар. Илмий масалалар эса, фалсафа таъсиридан ажралиб чиқиб, ўз муаммолари атрофида жамлана бошлайди. Илмий муаммолар ёки илмий билим муаммолари шу тариқа вужудга келади.

Илмий муаммоларни ҳар хил кичик синфларга таснифлаш мумкин. В.Н. Карповичнинг қуйидаги чизмада келтирилган таснифини кўриб чиқамиз¹.

6-чизма



Бундан яққол қўриниб турибдики, илмий муаммолар предметга доир ва процедуравий муаммоларга бўлинган. Предметга доир муаммолар деганда ўрганилаётган обьектларга таалукли муаммолар, процедуралий муаммолар деганда эса, билим олиш ва уни баҳолаш усулларига таалукли муаммолар тушунилади. Ўз навбатида, предметга доир муаммоларни эмпирик ва концептуал муаммоларга, процедуравий муаммоларни эса, методологик ва баҳолаш муаммоларига ажратиш мумкин. Эмпирик муаммоларни ҳал қилиш учун предмет билан муайян амалларни бажариш, шунингдек материални соғ назарий таҳлил қилиш керак. Ваҳоланки, концептуал муаммолар борлиққа бевосита мурожаат қилишни тақозо этмайди. Предметга доир муаммолардан фарқли ўлароқ, процедуравий муаммолар ҳар доим концептуал хусусиятга эга бўлади; процедуравий муаммоларнинг фарқи шундан иборатки, методологик муаммолар баҳолаш тарзида ҳал қилиниши мумкин эмас, айни вақтда, баҳолаш муаммолари фанга муайян кўрсаткичлар ва қоидаларини киритади.

Эмпирик муаммо бошланиши маълумотлар излаш ҳисобланади; эмпирик муаммоларга кузатиш, эксперимент, ўлчаш каби илмий методлар ёрдамида жавоб топиш мумкин. Концептуал муаммолар олдин жуда кўп маълумотлар олиниши билан боғлиқ булиб, уларни ўюштириш ва талқин қилиш, оқибатларни келтириб чиқариш ва гипотезалар тузиш, мантикий изчилик талабига мувофиқ қарама-каршиликларни бартараф этишдан иборат. Методологик муаммолар

¹ Карпович В.Н. Проблема. Гипотеза. Закон – Новосибирск, Наука, 1980.

асосан тадқиқотни режалаштириш билан боғлик: уларни ҳал килишда муайян битимлар тузилади, муаммони ҳал қилиш, кузатишлар ва экспериментлар ўтказиш тартиби, мўлжалланган концептуал процесуралар белгиланади. Баҳолаш муаммолари эмпирик маълу-мотлар, гипотезалар, назариялар ҳатто муаммонинг ўзига, унинг англаб етилганлиги, тўғри тузилганлиги ва ўринлилиги даражасига баҳо бериш билан боғлик.

Муаммо тўғри қўйилган деб ҳисобланиши учун у қўйидаги шартларга жавоб бериши керак (аммо мазкур шартларнинг бажарилиши тадқиқотнинг сўзсиз муваффақиятини таъминлай олмайди, лекин ҳар қалай, вактни бехуда сарфлашдан саклайди):

а) тадқиқ қилинаётган муаммо киритилиши мумкин бўлган муайян дастлабки илмий билим (маълумотлар, назария, методика)нинг мавжудлиги;

б) расман тўғри тузилганлиги;

д) муаммонинг ўринлилиги, яъни унинг асёслари сохта бўлмаслиги керак;

г) муаммонинг муайян даражада чекланганлиги, лекин глобал хусусиятга эга эмаслиги;

д) ечимнинг мавжудлиги шартига ишора ва унинг ягоналиги;

е) оқилона ечим белгилари ва ечимнинг мақбуллигини текшириш усуллари белгилангандиги¹.

Шуни қайд этиш керакки, пировард натижада, барча илмий муаммолар ҳам ўз ечимини топавермайди; айрим муаммолар қўйилганидан кейин узок вақт мобайнида ҳал қилинмай қолади, айримлари эса ечими ўйқу мавмомлар бўлиб чиқади.

Шу нуткаи назардан мавзумизда фалсафа ва фан ўртасида фикр алмашиш жараёнини янги қиёфада давом эттираётган алоқаларни аниқлаш мухим аҳамият касб этади. Бунда фаннинг ва илмий кашфиётларнинг фалсафий жиҳатдан тушуниб етилиши айниқса мухимдир. Шу муюносабат билан билимнинг бу икки шакли ўртасида антик даврдаёқ вужудга келган соҳалар, чунончи: фан фалсафаси, дин фалсафаси, маданият фалсафаси алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, фан фалсафасида муайян фанлар (математика, физика, табиатшунослик ва бошк)нинг фалсафий масалалари намоён бўладики, уларнинг бир қисми курсимизнинг таҳлил предметини ташкил этади.

Шундай килиб, муайян фанларнинг фалсафий масалалари фалсафа улар ҳисобига муайян даражада бойиши муаммоларини эмас, балки фан натижаларини давр талабига мослаштириш, фалсафий умумлаштириш ва назарий ифодалаш муаммоларини қўйиш ва ҳал қилиш жараёнида муқаррар тарзда кўндаланг бўладиган назарий ва илмий билимни янада ривожланишининг классик масалалариридир. Бунда фалсафа айрим, баъзи фанларнинг методологияси вазифасини бажаради.

¹ Карпович В.Н. Проблема Гипотеза. Закон. – Новосибирск, Наука, 1980. с. 124.

3.2. Фалсафа – фанда метод ва методология муаммоси

Метод (юонон. – билиш усули) – сұзнинг кенг маъносида «муайян нарсага олиб борувчи йўл», субъектнинг исталган шаклдаги фаолият усули. «Методология» тушунчаси иккита асосий маънога эга. Биринчи маъноси – муайян фаолият соҳаси (фан, сиёсат, санъат ва ш.к.) да қулланиладиган маълум усуслар тизими; иккинчи маъноси – бундай тизим ҳакидаги таълимот, методнинг умумий назарияси, амалдаги назария.

Методнинг асосий вазифаси – билиш ёки муайян объектни амалда ўзгартириш жараёнини ичдан ташкил этиш ва тартибга солиш. Шу боис метод билиш ҳамда амалиётнинг муайян усуслари, қоидалари, алгоритмлари ва нормаларига боғланибгина қолмасдан, балки у ёки бу соҳада муайян вазифани ҳал килишга ва маълум натижага эришишга субъектни йўналтириши лозим бўлган кўрсатмалар, тамойиллар, талаблар тизими сифатида ҳам намоён бўлади. Метод ҳақиқатни излаш жараёнини тартибга солади, куч ва вактни тежаш, мақсад сари қисқа йўлдан бориши имконини беради. Ҳақиқий метод билиш ва амалиёт субъектига тўғри йўл кўрсатувчи ўзига хос йўлчи юлдуз бўлиб хизмат килади.

Тарихан қадимда шаклдана бошлаган, фалсафа методлари, уларнинг илдизлари, амалий фаолиятга бориб тақалади.

Метод муаммосини ишлаб чиқишида Сократ, Афлотун ва Арасту алоҳида ўрин тутади. Аристотель муроҳазанинг тузилиши тамойилларини, мавхум фикр юритиши ва далиллаш қоидаларини таҳлил килди, ҳақиқатни англаб этишда индукция ва дедукциянинг ролини кўрсатиб берди. Методология учун муҳим аҳамиятга эга бўлган билишнинг ташкил этувчи шакллари – категориялар, уларнинг диалектикаси ҳакидаги таълимот муаллифи ҳам Аристотелдир.

Билишнинг кейинги тараққиёти жараёнинда фикрлаш методларининг ривожланиши ва бирлашуви, юкорида қайд этиб ўтганимиздек, услубиятлар ҳақидаги таълимот – методологиянинг вужудга келишига олиб келди. Методология нафакат фалсафада, балки фанда ҳам билишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат килади. Агар фалсафа ва илмий билимлар тараққиёти жараёнинда билиш методларининг ривож-ланиш тарихига назар ташлар эканмиз, фалсафада ҳам, илмий билим-ларда ҳам дастлаб айни бир хил методлардан фойдаланилганинг гувоҳи бўламиз. Кейинчалик, муайян фанлар фалсафадан ажralиб чиқишига қараб, улар билишнинг фалсафий методларини ўзлаштириб, улардан ўз тадқиқотларида мақсадли фойдалана бошладилар. Буни экспериментал фанлар шаклдана бошлаган XVII асрда илмий билимларнинг ривожланиши мисолида ҳам кузатиш мумкин. Шу даврда индукция, дедукция, гипотеза каби методлар ва ниҳоят, гипотетик-дедуктив метод ўзини айниқса ёрқин намоён этди.

Фалсафа ва фан ривожланиши тарихидан маълумки, метод муаммоси ҳар доим икки нұқтаи назарданг. илмий методларнинг фалсафий асослари ҳақидаги масала ва фалсафий метод, унинг фалсафий фикр

юритиши усуллари ҳақидаги масала нұктай назаридан мұхокама килинади. Бинобарин, фалсафада методологияк муаммоды таҳлилиниң мазкур иккапа жиҳаты ҳам бир-бирини тақозо этади.

Қадимда фалсафа билим методологиясы эмас, балки билимнинг үзи бўлган, деган қараш мавжуд. Бу ерда бизнинг назаримизда шуни қайд этиш керакки, фалсафа ўшанда ҳам, ҳозир ҳам билим методологияси ва айни вактда билимнинг үзи бўлган, илмий билишининг мазмунини ва унга нисбатан методологияк функцияни бажарган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолаётир. Бу фалсафа доим муайян фанлар ўз зиммасига ололмайдиган алоҳида дунёқараш функциясини бажаргани ва бажараётгани билан белгиланади. Фалсафа умуман дунё ҳақидаги маълумотларнинг оддий йигиндиси эмас, балки асосий мўлжалларни белгиловчи ёндашувлар тизимиdir.

Буни куйидаги мисолда кўриш мумкин. Маълумки, билиш методларидан бири – гипотезанинг шаклланиш жараёни тугалланган билим пайдо бўлганини англатмайди. Гипотезанинг тўғри ё нотуғрилиги тажриба йўли билан аникланади. Шундан келиб чиқиб, биз гипотеза тўғри бўлган ҳолда мавжуд бўлиши керак бўлган нарсалар ҳақида муайян хуносалар чиқаришимиз мумкин. Бу ҳолда гипотезанинг мөхиятини тасдиқловчи ёки рад этувчи гипотетик-дедуктив метод қўлланилади. Гипотеза тасдиқланган тақдирда, унга назария деб қаралади ва у нафакат муайян жараёнларни тушуниш, балки уларни назорат қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Шундай килиб, гипотетик-дедуктив метод ўз мазмуни ва максадларига кўра кейинроқ вужудга келган, мантиқ ва фан методологиясида кузатишлар ва экспериментлар маълумотларига асосланиб, илмий фикрларнинг ҳақиқийлигини аниклаш жараёнини ифодалаш учун (неопозитивизм Вена мактаби, Л.Витгенштейн) қўлланиладиган *верификация* методига жуда яқин деб айтишимиз мумкин. Аммо XX асрнинг машҳур файласуфи К.Поппер фанда илгари сурилувчи фикрларни *фальсификация* қилиши мумкинлиги ҳақидаги ғояга асосланган фалсафий концепциясида бу методга шубҳа билдириди.

Методологиянинг ривожланишига немис классик фалсафаси (И.Кант, Г.Гегель) ва диалектик материализм (К.Маркс) катта хисса қўшди. Улар етарлича, чуқур идеалистик ва материалистик асосларда диалектик методни ишлаб чиқдилар.

Ҳар бир метод, шубҳасиз, мухим ва керакли нарса. Аммо илмий ёки бошқа фаолиятда методдан қўлланма сифатида эмас, балки фактларни қайта «бичиши» учун тайёр қолип сифатида фойдаланиладиган бўлса, у самара бермайди ва ҳатто фойдасиз бўлиб чиқади. Ҳар қандай методнинг асосий вазифаси – тегишли тамойиллар асосида билимни ўстириш йўли билан муайян илмий ва амалий муаммолар мувваффакиятли ҳал килинишини таъминлашдан иборат.

Шуни қайд этиш керакки, метод ва методология масалалари фақат фалсафа ва фан доираси билан чекланмайди, балки ундан четга чиқади ва кенг ижтимоий-маданий жиҳатдан намоён бўлади.

Методология билишнинг умумий назарияси сифатида фалсафа, фанда ва одамлар фаолиятининг бошқа шаклларида кашф этилган методлар, воситалар ва усулларнинг ишлаб чиқилиши асосида шаклланди. Дастреб у фалсафа доирасида, айниқса, унинг гносеология, эпистемология ва диалектика каби бўлимларида ишлаб чиқилди.

Методология маълум маънода диалектикадан кенгроқдир, чунки у методологик билимнинг нафақат умумий даражасини, балки бошқа даражаларини, уларнинг ўзаро алоқалари, модификацияси ҳам ўрганиди.

Бу нуқтаи назардан методология *билиш назарияси* тарзида намоён бўлади, чунки билиш шакллари ва методларини тадқиқ қилиш билангина чекланмасдан, балки, бир томондан, билиш табиати муаммоларини, иккинчи томондан эса – билимнинг борликка, субъектнинг билиш обьектига муносабатини, билиш имкониятлари ва чегараларини, унинг ҳақиқийлиги мезонларини ўрганади.

Методология маълум маънода гносеологиядан ҳам «кенгроқ»дир, чунки унинг амал қилиш доирасига нафақат билиш методлари, балки билиш фаолиятининг бошқа шакллари ҳам киради. У мантиқ (формал мантиқ) билан тулашиб тайёр билимнинг тузилишини аниқлашга, унинг формал алоқалари ва унсурларини символлар ва формуласалар тилида тавсифлашга асосий эътиборни қаратади.

Янги давр (XVI–XVII асрлар)дан эътиборан методологик гоялар нафақат фалсафада, балки унинг негизида, вужудга келаётган ва ривожланаётган айрим фанлар – механика, физика, химия, тарих доирасида ҳам ишлаб чиқила бошланди. «Методология бўлими» ҳар бир фаннинг зарур, таркибий қисмга айланди. Инсон фаолиятининг юкорида қайд этилган ранг-баранг турлари доим методларнинг ранг-баранг мажмуини белгилайдики, уларни турли асосларга (мезонларга) кўра таснифлаш мумкин.

Энг аввало, маънавий, идеал (илмий) методларни ва амалий, моддий фаолият методларини ажратиш лозим. Ҳозирда методлар, методология тизими илмий билиш доираси билангина чеклана олмаслиги, у мазкур доирадан чиқиши ва амалиёт соҳасини ҳам қамраб олиши лозимлиги аён бўлиб қолди.

Ҳозирги замон фан фалсафасида методологик билимнинг кўп даражали концепцияси анча муваффақиятли «ишламоқда». Ундан биринчи навбатда *фалсафий методларни ажратиш* керак. Айрим фалсафий методлар тарихан шаклланган (диалектика, метафизика) бўлса, айримлари охирги ўн йилликларда вужудга келган (аналитик, интуитив, феноменологик, герменевтик, синергетика) методлардир.

Методларнинг бошқа гурухига ҳозирги замон фанида кенг кўлланиладиган умуммиллий методлар ва ёндашувлар киради. Мазкур методларнинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, улар фалсафа билан ижтимоий фанларнинг назарий–методологик қоидалари ўртасида «оралиқ методология» сифатида намоён бўлади. Ҳозирги замон ўзидан ташкил бўлиш назарияси – синергетика табиий ва яхлит

ижтимоий системаларни билишга йўналтирилган бўлиб, бунга у фалсафий ва муайян фанларга оид билимлар бир-бирига ўтишига асосланади.

Учинчи гурухни *муайян фанларнинг методлари* ташкил этади. Улар муайян фанлар (механика, кимё, физика, биология ва бошқалар)да кўлланиладиган билиш усуллари, тамойиллари, тадқиқот усуллари мажмумини ифода этади.

Хозирги илмий-фалсафий концепцияларда, айниқса, позитивизмда фалсафанинг фанни методологик таҳлил килиш негизи сифатидаги роли инкор этилиб, унинг ўрнига соф илмий методлар («фан ўзи ўзига фалсафа»), соф илмий таҳлилни кўллашга харакат қилинмоқда. Чунончи, мантикий позитивистлар ўтган асрнинг 20-йилларида фан мантиғиги ишлаб чиқиш шиори билан чиқдилар. Фан мантиғи дегандা улар фан тилини таҳлил килишни тушундилар. Аммо улар фалсафани илмий билим таҳлили билан алмаштира олмадилар. Бунинг сабаблари мавзунинг охирги қисмida ёритилган.

3.3. Фаннинг методологик таҳлили

Илмий билим ва билишни фалсафий таҳлил килиш муаммоси фалсафанинг фанга муносабатининг муҳим жиҳатларидан биридир. Шу маънода фалсафа фанга сиртдан, инсоннинг дунёга муносабатининг мумкин бўлган усуллари ва типлари нуктаи назаридан қараш имконини берувчи фан таҳлили шакли ҳисобланади. Бунда фалсафа фаннинг ўзи ўзини билиш воситаси, шарти бўлиб хизмат қиласди. Шу маънода мазкур муаммо фалсафа ва фан ўзаро нисбати масаласининг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бунда фанни методологик таҳлил қилишда фалсафа муҳим рол ўйнаши шубҳасизdir.

Хозирги замон фанининг ривожланиши шундан далолат беради-ки, у илмий билим табиатини, унинг механизмлари ва жараёнларининг илмий жиҳатларини фалсафий тадқиқ қилиш вазифасини кўяди. Бу фанни методологик таҳлил қилиш деб номланади. Илмий билишни методологик таҳлил қилишда биз инсон иродаси ва онгидан ташқарида кечадиган табиий жараёнларга эмас, балки билишнинг фанга маълум воситалари ва усулларидан (онгли, онгсиз тарзда) фойдаланилиши билан тавсифланадиган инсон фаолиятига дуч келамиз.

Фанни методологик таҳлил қилишнинг кўп жиҳатлилиги, таҳлил даражалари ва типлари, усуллар ва ёндашувларнинг ранг-баранглиги фанни методологик таҳлил килиш ҳозирги ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир. Илмий бўйимни методологик таҳлил қилишнинг ўзида вазиятни тадқик қилиш, унинг даражаларини ва улар ўргасидаги муносабатларнинг типларини аниклаш фанни методологик таҳлил қилиш янада ривожланиши ва унинг олдида турган вазифалар муваффақиятли ҳал қилинишининг муҳим шартидир. Турли илмий мактаблар, оқимлар, йўналишлар методологик ёндашувлари, илмий фикрлаш услубларининг ҳар хиллиги билан бир-биридан фарқ қиласди.

Фанга илмий билимни яратувчи система деб қараш методологик таҳлилнинг предметини ташкил этади. Шу боис фаннинг ўзига хос жиҳатлари айнан методологик таҳлил натижасида ўз талқинига эга бўлади.

Методологик таҳлил фанни бир томондан, лекин унга хос бўлган томондан – билимга, ҳакиқатга эришиш воситаси сифатида кўриб чикиш усулидир. Бунда у муайян бир «жуда мухим метод»га бодланиши мумкин эмас. Олим ҳеч қачон фақат битта таълимотга, битта фикрлаш методига, ёлғиз фалсафага таянмаслиги керак. Ҳозирги замон фанида фикрлаш услуби замирида танқидий фикрлаш, доктанизм ва схоластикадан тўла чекиниш ётади. Методология – эвристик имкониятлари чексиз бўлган усуллар, тамоиллар, амал қилиш соҳалари, ўналишларнинг мураккаб ривожланиб борувчи яхлит, тартиба солинган тизимиdir.

Билиш тарихи шуни кўрсатадики, билимлар, шу жумладан, илмий билимлар доим жамият эктиёjlари билан белгиланади ва шу боис кишилик тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда акс этади. Масалан, XX аср охири – XXI аср бошларида эпистемологик қарашларнинг ривожланиши шу билан белгиланадики, мазкур жараён ахборот жамияти шароитида кечади ва «постноклассик» фан маълумотларига таянади.

Илмий билим ривожланишининг ҳозирги босқичида методологик плюрализм тобора мухим аҳамият касб этиб бормоқда. Фан муайян вазиятда кўпроқ даражада самара берувчи турли-туман методлар ва усуллардан фойдалана бошламоқда. Юқорида қайд этиб ўтганимиздек булар энг аввало, фалсафий методлар – диалектик, герменевтик, феноменологик методлардир. Улар қаторига умуммиллий методларни, чунончи: структуравий-функционал метод, системали метод, эктимоллик методи ва бошқа методларни ҳам киритиш мумкин. Айни вақтда, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, идеаллаштириш, формаллаштириш, аналогия, моделлаштириш каби умумий мантикий методлар ҳам билишда ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Юқорида қайд этилган методлар билан бир қаторда, фалсафада сўнгги йилларда бир қанча янги таълимотлар ва ўналишлар вужудга келмоқдаки, уларда фалсафий ва илмий билимларнинг ўзаро алокази ва бир-бирини тақозо этиши муаммоларини янгича нуқтай назардан тушуниб этишга ҳаракат қилинмоқда (Р.Карнап мантикий позитивизми, К.Поппернинг фальсификация қилиш назарияси, Т.Куннинг парадигмалар ўзгариши назарияси, П.Фейерабенднинг эпистемологик анархизми ва бошк.).

Фандаги янги қашфиётлар янгича фалсафий ёндашувларни ҳам белгилаб бermоқда. Тарих тажрибаси шуни кўрсатаджи, фалсафа, коида тариқасида, инсон томонидан ишлаб чиқилган илмий билимлар мажмуига таянади, фан эса, ўз навбатида, фалсафанинг фундаментал коидаларидан методологик асос сифатида фойдаланиб келади.

Маълумки, фаннинг бошланғич ва асосий мақсади – объектив дунёни билиш, айни вақтда, унинг зарур шарти ва воситаси сифатида,

илмий билимнинг ўзини ҳам таҳлил қилишни назарда тутади. Шу боис илмий билишни тадқик қилиш фан воситалари ва методлари ёрдамида амалга оширилади. Бинобарин, илмий билишни тадқик қилиш фаннинг ўзини ўзи билиш усулидир. Бошқача қилиб айтганда, мазкур жараён фанни методологик таҳлил қилиш ҳисобланади. Фанга илмий билимни яратувчи система деб қараш методологик таҳлилнинг предметини ташкил этади. Бу XIX аср ўрталаридаёт фан «ўзига ўзи фалсафа» ва ўз тепасида қандайдир фалсафа туришига муҳтож эмас деган фикрнинг илгари сурилишига туртки берди (О.Конт).

Бироқ, чиндан ҳам шундайми? Ҳозирда фан фалсафаси билан фанни методологик таҳлил қилишнинг ўзаро нисбати қандай? Умуман, фан, фалсафа ва методологиянинг ўзаро муносабатлари муаммолари мавжудми? Фактларга мурожаат этамиз. Маълумки, Қадимги Юнонистон давридан бошлаб илмий билиш табиатини илмий жиҳатдан тушуниб етиш фалсафа доирасида, фалсафий-гносеологик концепциялар нуқтаи назаридан амалга оширилган ва уларнинг тадрижий давоми бўлиб хизмат қилган. Янги даврда мантиқ ва фан методологияси устида олиб борилган тадқиқотлар (Декарт, Лейбниц) ҳам умуман олганда фалсафий тизим доирасидан ўрин олган.

Ҳозирги даврда ўз методларига эга ва фалсафадан нисбатан мустақил бўлган маҳсус илмий методологик тадқиқотларнинг ривожланиши айрим олимлар ва файласуфларни фалсафанинг фанга ҳар қандай таъсиридан воз кечиш ҳақидаги фикрга ҳам олиб келмоқда.

Гарчи ҳозирги замон фанида баъзи бир методологик таҳлил ҳам унинг фалсафий таҳлили (аксиоматик система, тушунтириш, далиллаш ва бошк.) була олмаса-да, мантикий-методологик таҳлил жараёнининг чукурлашуви муқаррар тарзда фаннинг бир қанча фалсафий масалалари қўйилишига олиб келмоқда. Уларни биз кейинги мавзуларда кўриб чиқамиз.

Шундай қилиб, фанни методологик таҳлил қилиш, билишни акс эттиришнинг соғ фалсафий ёки соғ илмий усули бўлмай, илмий билимнинг ўзини таҳлил қилиш асосида объектив дунёни билишни ўз тадқиқоти вазифаси деб белгилайди. Бунда тадқиқотчи инсон иродаси ва онгидан ташқарида кечадиган табиий жараёнлар билан эмас, балки, биринчидан – фан ва илмий билимнинг мавжудлик ҳолатидан фалсафий ёндашувни тақозо этувчи илмий билиш моҳиятининг таҳлили сари, иккинчидан, фалсафий билимнинг ўзини методологик таҳлил қилишдан фалсафанинг ўз табиатини ўз муаммоларини ҳал қилишда унинг имкониятлари нуқтаи назаридан англаб етишнинг зарурлиги сари ҳаракат қилувчи инсон фаолияти билан муносабатга киришади.

Қисқача холосалар

1. Инсоният билими ўз таракқиётида муайян ва абстрактнинг диалектик бирлигини ифода этади ва ҳақиқатни, борлиқнинг моҳиятини тушуниб етишга ҳаракат килади.

2. Фалсафа вужудга келган пайтдан бошлаб системали, исботланадиган, ишончли, текширилган (верификация ва фальсификация қилинадиган) билимга интилади. Барча тарихий боскичларда фалсафий ва илмий билиш бир-бирини белгилаб ва тұлдириб келади.

3. Үз тадқиқотчилик, ижодий фаолиятида ҳақиқий олим билишнинг бир методига ёки методлар гурухига эмас, балки фалсафа ва фан методологияси эпистемологик салохиятининг бутун құдратига, танқидий фикрлашға, илмий тадқиқот усууллари ва ёндашувларининг ранг-барап-лигига ва бағрикенгликтек таянади.

Асосий тушунчалар

Антиномия – (конундаги зиддият) мантикий исботланадиган икки конун ёки хуоса үртасидаги зиддият. КД анария тарзіда ишлатылған.

Метод – құйилған мәксадға эришишга йұналтирилған амалий ёки назарий фаолият усули.

Методология – билиш методлари ва шаклларида ҳақидағи фалсафий таълимот.

Фикрлаш – билишнинг олий шакли, борлықнинг тушунчалар, мұлохазалар ва мушоҳадалардаги мантикий инъикоси.

Муаммо – ечими муайян амалий ёки назарий ақамиятта зға бүлған түсік, масала, вазифа. Бошқача қилиб айттанды, бу билмаслик ҳақидағи билим, жавоб топиш керак бүлған саволдир.

Илмий муаммо – айни шүннинг үзи, лекин фанга татбиқан олғанда.

Верификация – фаннинг назарий конунияттарини амалиётда тасдиқ топиши.

Саволлар

1. Фалсафий муаммо (масала) деганда нима тушунилади?
2. «Фаннинг фалсафий масалалари» тушунчаси нимани англатади?
3. Илмий билишда метод ва методология қандай рол үйнайды?
4. Билиш жараённанда фалсафа ва фаннинг үзаро нисбати қандай?
5. Илмий билимда верификация ва фальсификация килиш методларининг бирлиги ҳамда фарқи нимада намоён бўлади?

Адабиётлар

Гегель Г. Сочинения. – М., 1937.

Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.

Карпович В.П. Проблема. Гипотеза. Закон. – Новосибирск, 1980.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Перегудов А.В., Сайдов М.Х., Аликулов Д.Е. Методология научного творчества. – Т., 2002.

Поппер К. Открытое общество и его враги. Т. 1. – М., 1992.

Ракитов А. Философские проблемы науки. – М., 1977.

Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.

Шермуҳамирова Н. Фалсафа ва Фан методологияси. Т., 2005.

Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.

4-мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ШАРҚ - МУСУЛМОН РЕНЕССАНСИ ДАВРИДА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ШАКЛЛАНИШИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

4.1. Даврнинг умумий тавсифи

Илк ўрта асрлар мусулмон Шарки халқларининг бой маданий ва илмий меросида Шарқ олимлари ижоди, илмий ва фалсафий фикри муҳим ўрин эгаллайди. Бу олимлар орасида Марказий Осиё вакиллари алоҳида ўрин тутади. Форобий, Ибн Сино, Хоразмий каби буюк файласуф ва алломаларнинг асрлари жаҳон цивилизациясининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олган, жаҳон фани ва маданияти тарихида ўчмас из қолдирган.

Бу ҳақда ва Марказий Осиё халқлари тарихидаги бошқа ёрқин ҳодисалар ҳақида И.А. Каримов ўзининг кўпгина асарлари ва маърузларида сўз юритади. Республика тарихчи олимлари билан сұхбатда Президентимиз: «Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи худуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган», деб алоҳида қайд этиб ўтди.

Таникли тарихчилар, файласуфлар ва бошқа олимларнинг катор тадқиқотлари ва илмий изланишлари мусулмон Шарқидаги илк ўрта асрлар даври ўз тарихий аҳамиятига ва жаҳон маданиятига қўшган хиссасига кўра Европа Уйғониш даври билан тенг эканлигидан да-полат беради¹.

Ўша даврни тадқиқ қиласан олимлардан бири Р.Баҳодиров фикрича илк ўрта асрлар мусулмон Шарқининг ривожланишини объектив таҳлил қилиш мусулмон Шарки маънавиятини факат диндорлик ва мистицизмга йўғрилган эди деб кўрсатишга ҳаракат қиласан ҳаракат

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўнимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999. 128-б.

² Беляев Е.С. Арабы, ислам и Арабский халифат и раннее средневековье. – М., 1966; Бертельс Е.С. Суфизм и суфитская литература Избранные труды. – М., 1965; Болтаев М.Н. Абу Али ибн Сина – величайший мыслитель, учёный энциклопедист средневекового Востока. – Т., 1980; Великие учёные Средней Азии и Казахстана (VIII–XIX вв.) – Алма-Ата, 1965; Джанматова Х.И. Ал-Кинди – Т., 1972; Муминов И. Ўрта Осиёда, ўрта асрдаги илгор табиий-илмий ва фалсафий фикрлар тарихига оид. З жилдни. – Т.: «Фан», 1972; Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири. – Т., 1971; Джумабаев Ю. Из истории этической мысли в Средней Азии. – Т.: «Фан», 1975; Очерки истории общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т., 1997; Баҳадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. – Т.: 2000.

килаётган турли европоцентристик концепцияларни ишончли манбадардан далиллар келтириб таңқид қилиш ва фош этишнинг долзарбалиги нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади¹.

Боз устига, Ғарбда христиан дини ва илоҳиётининг якка ҳукмронлиги ўрнатилиши натижасида антик фалсафий ва илмий мероснинг катта қисми йўқотилган бир вактда, Шарқда, арабийзабон дунёда эллинлар маданиятининг тикланиши содир бўлди. IX асрдан бошлаб, фалсафий ва илмий тараккиёт маркази шу ерга кўчиб ўтдики, бу антик фалсафа ва фаннинг нафақат сақлаб қолинишига, балки илмий жиҳатдан янада ривожланишига ҳам имконият яратди. Арабийзабон мутафаккирлар эллинистик меросни ижодий ўзлаштириш ва уни янада ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшдилар. Бу ўзлаштириш XVII асрда Европада илмий инқилоб бошлангунга қадар Шарқ ва Ғарбнинг кўпгина мамлакатлари фалсафий ва илмий маданиятида пешқадамлик қилган янги арабийзабон илмий анъананинг манбаи бўлиб хизмат килди.

Марказий Осиё ислом дунёсида янги фалсафий ва илмий билим шаклланган марказлардан бирига айланди. Бу ердан чиққан буюк алломалар ва мутафаккирлар арабийзабон Шарқда фалсафа ҳамда фаннинг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Бунга Араб халифалигига Марказий Осиёнинг қўшиб олиниши ва бу ерда ислом динининг тез тарқалиши имконият яратди. Айни вактда, тарихий манба ва далиллар Марказий Осиё араблар истилосига қадар ҳам маданият, санъат ва ҳунармандчиликнинг ривожланиш даражаси юқорилиги билан ажralиб турганини кўрсатади. Шу боис бу ерда ўз ривожланиш даражасига кўра тенг бўлган икки маданият учрашгани ва қўшилиб бир-бирини тўлдиргани тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Бу фикрга юкорида номлари қайд этилган шарқшунос олимлар ва тарихчиларнинг аксарияти қўшилади ва жумладан, шундай деб қайд этади: «Марказий Осиёда ислом дини тарқалишидан олдинги давр ўзига хос ҳусусиятга эга бўлган ва ижтимоий-маданий ва ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасининг юқорилиги билан тавсифланган. Бу ерда ўрхун, сўғд, хоразм ёзувлари, санъати, ҳунармандчилиги, меъморчилиги намуналари тарқалганлиги шундан далолат беради»³.

Табиийки, араблар истилоси Марказий Осиёда дастлаб маҳаллий ҳалкларнинг тегишли қаршилигига учради, айрим ҳолларда бу қаршилик анча қаттиқ бўлди. Бироқ, шу билан бирга, мазкур минтақанинг Араб халифалигига қўшиб олиниши ўлканинг иктисодий ва маданий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бу ҳусусан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик, ички ва ташки савдонинг ўсишида намоён бўлди.

¹ Баҳодиров Р.М. Кўрсатилган асар 6-б.

² Баҳадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке – Т.: 2000 с.6.

Марказий Осиё ҳудудида ислом динининг тез тарқалиши ўлка халқларининг саводхонлик даражаси нисбатан ошишига олиб келди. Бунга умумий араб имло ёзувнинг жорий этилиши ерли халкларнинг ислом дини асосида маънавий янгиланиб, құдратли булиб бораётган араб давлатига құшилиб кетишга имконият яратди.

Күриб турганимиздек, ислом маданияти фақат араб олами билан боғлиқ булмаган. Араб истилочилари бўйсунган халқлар маданияти билан яқиндан алоқага киришдилар, бунинг натижасида уларнинг ўзаро құшилиши ва бойишига ҳам олиб келди.

Бинобарин, бу давр маданияти нафакат араблар, балки араб тили ва маданияти таъсирида шаклланган Марказий Осиё, Эрон, Кавказорти, Шимолий Ҳиндистон, Шимолий Африка ва бошқа минтақалар халқларининг ҳам маданиятидир.

Яқин ва Ўрта Шарқ арабийзабон маданиятининг ривожланишида Араб халифалигига құшилган халқларнинг қадимги илмий-фалсафий анъаналари, чунончи: ҳинд математика ва тиббиёт мактабининг муайян гоялари, уларнинг стихияли-материалистик тенденциялари; собыйлар ва Ўрта Осиёда яшаган бошқа халқларнинг қадимги астрономик таълимотлари, зардустийликнинг икки асос: яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш ҳақидағи дуалистик гоялари рол ўйнади.

Халқлар маънавий ҳаётининг ривожланишида Қадимги Юнонистоннинг табиий илмий ва фалсафий анъаналарини ўрганиш мухим ўрин эгаллади. Бу анъаналар ўрта асрлар Шарқ ривожланаётган феодал жамияти эҳтиёжларини қондириш учун кенг жалб қилиниб ва улардан фойдаланилди.

Қадимги Юнонистоннинг барча фалсафий мактаблари орасида Аристотель мероси ўрта асрлар Шарқ тафаккурига айниқса кучли таъсир кўрсатди. Аристотель асарларини, шунингдек бошқа қадимги юон олимларининг асарларини таржима қилиш ҳамда шарҳлаш ўша даврда араб Шарқидаги илк ўрта асрлар жамияти илмий ва фалсафий фаолиятининг мухим таркибий кисмига айланди.

Шундай қилиб, илк ўрта асрларда кўп соҳаларини ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Илмий тадқиқотнинг барча соҳалари, жумладан: астрономия, математика, табобат ва оптикада арабийзабон олимлар айниқса, Марказий Осиёликлар фанда етакчилик қилиб у даврда Ғарбдан фан ва техниканинг айрим тармоқлари бўйича деярли олти асрга илгарилаб кеттган эдилар. Бу давр фан тарихига «Шарқ Ренесанси» деб битилган.

Улар илмий ва фалсафий билимлар кўп соҳаларини ривожига улкан ҳисса қўшдилар. Илмий тадқиқотнинг барча соҳалари, жумладан: астрономия, математика, табобат ва оптикада арабийзабон олимлар айниқса, Марказий Осиёликлар фанда етакчилик қилиб у даврда Ғарбдан фан ва техниканинг айрим тармоқлари бўйича деярли олти асрга илгарилаб кеттган эдилар. Бу давр фан тарихига «Шарқ Ренесанси» деб битилган.

Уша давр мусулмон Шарқида маънавий маданият ва илмий фалсафий билимлар ривожланишини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин:


1. Ислом диний фалсафаси ва фани шаклланган ва ривожланган давр (VII–XI асрлар).

2. Арабийзабон олимларда дунёвий фалсафий ва илмий қараашлар шаклланган ва ривожланган давр (IX–XII асрлар). Бу давр Шарқ Ренессанси даври номи билан машхур.

3. Ислом илохиёти, айникса, сўфизм, шунингдек Амир Темур ва темурийлар даври дунёвий маданияти ва фани ривожланган сўнгги Шарқ Ренессанси даври (XIV–XV асрлар). Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, фалсафий ва илмий билимлар собиқ метрополиянинг кучли таъсиридан холи бўлган хусусий илмий-фалсафий заминда ва асосан маҳаллий тиллар негизида шаклланди.

7-чизма

Илк ўрта асрларда мусулмон Шарқида илохиёт, фалсафа ва фанинг шаклланиши ва ривожланиши босқичлари



Чизмадан кўриниб турганидек, мусулмон Шарқида диний таълимот (илохиёт) ва фанлар, фалсафий билимлар ўзига хос тарзда, Араб халифалиги ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари билан болжик ҳолда шаклланди. Бу жараённи икки босқичга: диний ва дунёвий босқичларга ажратиш мумкин. Мазкур босқичлар шаклла-ниши ва ривожланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар айни бир замон ва маконда амалга оширилди, аммо бир-бирига жиддий таъсир кўрсатмади ва инсон билимининг икки қарама-қарши томонларини ифода этди.

Учинчи босқичда маданият, маънавият ва фан Марказий Осиёда араблар ҳукмронлигидан кейин вужудга келган, лекин ўлканинг маънавий, маданий ва илмий ҳаётига араблар таъсирини маълум даражада саклаб колган нисбатан мустакил шарт-шароитларда ривожланди. Бу Амир Темур ва темурийлар даври бўлиб, у Марказий Осиё

маданий ва илмий тарихининг ривожланишида арабларнинг бевосита таъсиридан деярли холи бўлган, тугаб бораётган Шарқ Ренессанси даври деган ном олган учинчи босқични ташкил этади.

4.2. Мусулмон Шарқида ислом илоҳиётиning шаклланиши ва ривожланиши (VII–XI асрлар)

Янги дунё дини – исломнинг шаклланиши фақат илоҳиёт илми-нинг ривожланишида ижобий рол ўйнаб қолмай, балки табиий фанларнинг шаклланишига ҳам маълум даражада замин ҳозирлади.

VII–VIII асрлар оралигига ёк илк илоҳиёт тўғараклари ва мактаблари пайдо бўлди. Уларда диний таълимотнинг турли масалалари юзасидан баҳслар, мунозаралар ўтказилар эди. Қуръони каримни ҳар қандай фаннинг илк ва ягона асоси деб хисоблаган ислом дини уламолари бир қанча диний таълимотлар ишлаб чиқдилар. Уларнинг асосийлари ўша даврда фикҳ ва калом эди.

Фикҳ (араб. – тушуниш, билиш) – мусулмонларнинг хулқ-автор қоидалари тўғрисидаги ислом ҳуқуқшунослиги, ислом дини ҳуқукий меъёрлари мажмуаси. Сунна, ижмо ва қиёсга асосланади. Фикҳда мусулмон ҳуқуқининг асослари ва илк манбалари асосида кўриб чиқилади. Шариат қонун қоидаларини ишлаб чиқиш билан шугулланувчи ислом илоҳиётиning бир соҳаси ўтмишдоши бўлган фикҳда ҳар бир мусулмоннинг бутун ҳаётини бешикдан қабргача назорат этувчи ислом ҳуқуки нормалари, ахлоқ қоидалари, диний йўл-йўриклиар ўз аксини топган.

Калом (араб. нутқ, сўз) – ислом илоҳиёт илми. VIII асрда пайдо бўлган таникли илоҳиётчи ал-Ашъарий (873–935) томонидан асос солинган. Унинг фикрича Аллоҳ инсонга хос (антроморфик) хусусиятга эга калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қиласди. Калом тарафдорлари диний ақидаларни рационалистик асосда талқин қилишга қарши чиққанлар. Энг қадимги таъриф Абу Наср Форобийга тегишли бўлиб, у: «Калом синоати или миллатнинг асосчиси айтган чегараланганд гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни бехудага чиқарилур», деган¹.

Калом, бир томондан, исломнинг диний-фалсафий моҳиятини, иккинчи томондан эса, мусулмон мағкурасининг диний-догматик асосини ифодалайди.

Ислом илоҳиёт илми ва фалсафасининг асосий мазмуни ва йўналиши қуйидаги чизмада келтирилган.

¹ Ислом. Энциклопедия. – Т., «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2004. 134-б.

Ислом диний фалсафасининг асосий йўналишлари (VII–XI асрлар)

Мутазилийлар мактаби (ажралиб чиккан)	Мутакаллимлар мактаби	Сўфизм (тасаввуф)
Вакиллари: Ҳасан ал-Басрий (624–728), Восил ибн Ато (699–748), Бишер ибн ал-Мутамир (IX аср), Рашид ан-Насабурый (XI аср) ва б.	Вакиллари: Абу Ҳасан ал-Ашъарий (874–933), Шаҳристоний (XI аср), Насриддин ат-Тусий (XIII аср), Абу Бакр ар-Розий (865–925) ва б.	Вакиллари: Зуннун ал-Мисрий (IX аср), Абу Язид (вафоти 874 й.), Абу Холид ибн Мухаммад Газолий (1059–1111),
Ислом файласуфлари хисобланганлар, Худо ва дунёнинг моҳияти ҳакидаги таълимотлар тизимини ва бир қанча қоидаларни ишлаб чиққанлар.	Ислом диний фалсафаси – каломни ишлаб чиқдилар. Унда ислом диний таълимотини асослаб бердилар («мусулмон схоластикаси»).	Асосий доктринаси тарқидунчёчилик, зоҳидлик бўлган инсоннинг руҳий дунёси ҳакидаги қараш.

4.3. Илк Шарқ Ренессанси даври илмий-фалсафий фикрлари шаклланишининг баъзи бир хусусиятлари

Арабийзабон маданият, фалсафа ва фан ривожланишидаги бу давр уч хусусият билан тавсифланади.

Биринчидан, арабийзабон фалсафа ва фан дастлабки даврда қадимги юонон файласуфлари асарлари ва таълимотларининг кўп сонли таржималари асосида шаклланди. Эллинистик фалсафий ва илмий анъаналар ўзлаштирилди. Фалсафий ва илмий асарлар таржима қилиниши хисобига араб тили юонон тилидаги тушунчаларга мос фалсафий ва илмий тушунчалар билан бойиб борди. Бу X асрдаёқ фалсафий ва илмий билимнинг турли жиҳатларига оид кутубхоналар тармоги яратилишига олиб келди. XI асрдаёқ Бағдоддаги кутубхонада 100 000 тага яқин кўллёзма тўпланди. Ваҳоланки, Европа марказларида ўша даврдаги энг катта кутубхоналар фонди ҳам 2–3 мингта кўллёзмадан ошмас эди.

Иккинчидан, араб Шарқида фалсафий билим тизимида математика, тиббиёт, оптика, астрономия, кимё (алхимия), география каби фанлар ва илмий билимлар сифат жиҳатидан янги асосда шакллана бошлади. Илк ўрта асрларда олти юз йилдан кўпроқ давр мобайнида арабийзабон олимлар техник ва илмий жиҳатдан Ғарбдан олдинда бордилар. Шулардан бири – араб файласуфи ар-Розий (865–925) машхур табиб, кейинчалик Ғарбий Европада кенг тарқалган тиббий мавзудаги бир қанча кўлланма, дарслеклар муаллифи эди. Унинг

шогирди ва издоши Ибн Сино (980–1037) ўзининг шоҳ асари «Тиб қонунлари»да юонон, араб ва Марказий Осиё тиббиётининг энг яхши анъаналарини мужассамлади. Бу асар Европада XIII асрдагача тиббиёт бўйича асосий дастуриламал булиб қўлланиб келинди ва ҳозир ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буюк аллома ал-Фарғоний (IX аср) фаннинг ривожига улкан ҳисса кўшди. У астрономияга оид билимларни системалаштириб, айрим илмий муаммолар ечимини эса Коперникдан ҳам олдинрок топди. Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий алгебра фаннинг алгоритмлаш асосларини яратди.

Учинчидан, ортодоксал черков фалсафий ва илмий фикрнинг христиан католик дини ақидаларига мос келмайдиган ҳар қандай кўринишларини қаттиқ таъкиб қилган Фарбдан фарқли ўлароқ, Шарқда фалсафий ва дунёвий фанларнинг ривожланиши такиқ ва таъкибга учрамади, аксинча, маълум даражада рафбатлантирилди. Бу даврда, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, дунёвий фанлар ва илохиёт ёнма-ён (параллел) тарзда, вакти-вакти билан ўзаро кесишиган ҳолда ривожланди. Бундай кесишишни шу билан изоҳлаш мумкинки, арабийзабон фалсафа ва фанда ўша давр олимлари, гарчи ислом дини таъсирида булиб, ўз фаолиятларида дунёнинг илохий биринчи асосини эътироф этишдан келиб чиқсалар-да, муайян даражада мустақил эдилар ва ўз ижодларида диний тақиқни деярли ҳис этмасдилар.

Бундан ташқари, илк ўрта асрларда мусулмон (арабийзабон) Шарқи маданияти ва фалсафасининг шаклланишида қадимги илмий фалсафий анъаналар, шунингдек ҳинд математика ва тиббиёт мактабининг айрим гоялари, Марказий Осиё ва Эрон ҳалкларининг қадимги астрономик таълимотлари, зардуштийликнинг дуалистик гоялари катта рол ўйнади. Мусулмон шарқи илмий-фалсафий фикрларининг ривожланишида Қадимги Юнонистон табиий илмий ва фалсафий анъаналарини ўрганиш мухим ўрин эгаллади. Бу анъаналар Шарқ олимларининг илмий изланишларига йўл очибгина қолмасдан, балки уларга илмий-назарий замин булиб ҳам хизмат килди.

Қадимги Юнонистоннинг барча фалсафий мактаблари орасида Аристотель илмий мероси ўрта асрлар Шарқ тафаккурига айниқса кучли таъсир кўрсатди. Аристотель асарларини таржима қилиш ва шарҳлаш ўша давр арабийзабон олимлари илмий ва фалсафий фаолиятининг мухим таркибий кисмига айланди.

Айни вактда, илк Шарқ Ренессанси даврида фан ва фалсафанинг шаклланиши муаммосини ёритишда бу минтақада фалсафий билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ яна уч хусусиятга эътиборни қаратиш мухимдир. Биринчи хусусият Шарқ фалсафий фикрининг номи – **फалсафа сўзининг ўзида мужассамлашган**. Ўрта асрлар мусулмон фалсафасида антик фалсафа ҳамда антик фалсафий таълимотларга, энг аввало, Платон ва Аристотелнинг фалсафий фикрларига қараб мўлжал олган арабийзабон алломаларнинг таълимотлари ана шу атама билан ифодаланди.

Шарқ фалсафий фикрининг яна бир хусусияти – унинг диндан нисбатан мустақиллигидир. Фалсафа дунёвий маданият, санъат, адабиётга жуда катта ижобий таъсир кўрсатди ва жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди.

Нихоят, фалсафанинг учинчи хусусияти унинг перипатетизми ёки аристотелизмнинг тикланиши ва илк Шарқ Ренессанси мутафак-кирлари таълимотида унинг янада ривожлантирилиши эди.

4.4. Сўнгти Шарқ Ренессанси

Марказий Осиёда фан ва маданият ривожланишидаги яна бир муҳим босқич бу *сўнгги Шарқ Ренессанси даври* (XIV–XV асрлар)дир (9-чизма).

Бу давр фани ва маданияти ривожланишининг илк ва *сўнгги даврлари* орасидаги қарийб иккى юз йиллик узилиш ўша даврда содир бўлган тож таҳт учун бўлган ўзаро урушлар, шунингдек бир вақтлар яшнаган ўлкани вайрон қилган мўғуллар томонидан истилоси ва харобаларга айлантирилиши билан изоҳланади.

Унинг тикланиши, энг аввало, ўша даврнинг буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ Давлат тузилиши ва бошқарувининг ўзига хос қомуси – «Темур тузуклари» асарида *Соҳибқирон Амир Темур* (1336–1405) рапият, давлат ички ва ташки сиёсатига оид ўз қарашларини баёнини берган. Амир Темур инсоният тарихига кўшган улкан хисса тўғрисида сўз юритар экан, Президент И.А.Каримов: «Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз ғайрат-шижоати, юксак акл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолғусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз»¹, деб қайд этган эди.

Ўз хукмронлиги даврида (XIV асрда) Амир Темур кучли марказлашган давлат барпо этди. Бу давлатда дехкончилик ва ҳунармандчилик ривожланди, фан, маданият ва санъатнинг ривожланиши янги даражага кўтарилиди, антик маданият ва фанга қизиқиш яна кучайди.

Амир Темур даврида Мовароуннахр пойтахти Самарқанд айниқса гуллаб-яшнади. Соҳибқирон кўшни ва узоқ мамлакатлардан турли соҳа мутахассислари – олимлар, фозилу-фузалолар ҳунармандлар, мусавиirlар ва меъморларни таклиф қилиб, Самарқандни янада гўзал ва улуғвор шаҳарга айлантиришга ҳаракат қилди. Амир Темур даврида Самарқанд ва Бухорода, шунингдек салтанатнинг бошқа йирик шаҳарларида нафакат ажойиб меъморийлик обидалари, ансамбллари, балки қўпдан-қўп мадрасалар (ўша даврнинг олий ўқув юртлари) ҳам курилди. Буюк меъморий обидаларининг аксарияти ҳозиргача сакланиб колган. Улар орасида Бибихоним ва Гўри Амир мақбаралари, Шоҳи Зиннада ансамбли айниқса улуғворлиги билан ажралиб туради.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан қурамиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999. 138-б.

шогирди ва издоши Ибн Сино (980–1037) ўзининг шоҳ асари «Тиб қонунлари»да юонон, араб ва Марказий Осиё тиббиётининг энг яхши анъаналарини мужассамлади. Бу асар Европада XIII асрдагача тиббиёт бўйича асосий дастуриламал бўлиб қўлланиб келинди ва ҳозир ҳам ўз амалий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Буюк аллома ал-Фарғоний (IX аср) фаннинг ривожига улкан хисса кўшди. У астрономияга оид билимларни системалаштириб, айрим илмий муаммолар ечимини эса Коперникдан ҳам олдинрок топди. Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий алгебра фаннинг алгоритмлаш асосларини яратди.

Учинчидан, ортодоксал черков фалсафий ва илмий фикрнинг христиан католик дини ақидаларига мос келмайдиган ҳар қандай қўринишларини қаттиқ таъкиб қилган Фарбдан фарқли ўлароқ, Шарқда фалсафий ва дунёвий фанларнинг ривожланиши такиқ ва таъкибга учрамади, аксинча, маълум даражада рағбатлантирилди. Бу даврда, юкорида қайд этиб ўтганимиздек, дунёвий фанлар ва илоҳиёт ёнма-ён (параллел) тарзда, вакти-вақти билан ўзаро кесишиган ҳолда ривожланди. Бундай кесишишни шу билан изоҳлаш мумкинки, арабийзабон фалсафа ва фанда ўша давр олимлари, гарчи ислом дини таъсирида бўлиб, ўз фаолиятларида дунёнинг илоҳий биринчи асосини эътироф этишдан келиб чиқсалар-да, муайян даражада мустақил эдилар ва ўз ижодларида диний тақиқни деярли хис этмасдилар.

Бундан ташқари, илк ўрта асрларда мусулмон (арабийзабон) Шарқи маданияти ва фалсафасининг шаклланишида қадимги илмий фалсафий анъаналар, шунингдек ҳинд математика ва тиббиёт мактабининг айрим гоялари, Марказий Осиё ва Эрон ҳалқларининг қадимги астрономик таълимотлари, зардуштийликнинг дуалистик гоялари катта рол ўйнади. Мусулмон шарки илмий-фалсафий фикрларининг ривожланишида Қадимги Юнонистон табиий илмий ва фалсафий анъаналарини ўрганиш мухим ўрин эгаллади. Бу анъаналар Шарқ олимларининг илмий изланишларига йўл очибгина қолмасдан, балки уларга илмий-назарий замин бўлиб ҳам хизмат қилди.

Қадимги Юнонистоннинг барча фалсафий мактаблари орасида Аристотель илмий мероси ўрта асрлар Шарқ тафаккурига айниқса кучли таъсир кўрсатди. Аристотель асарларини таржима қилиш ва шарҳлаш ўша давр арабийзабон олимлари илмий ва фалсафий фаолиятининг мухим таркибий кисмига айланди.

Айни вактда, илк Шарқ Ренессанси даврида фан ва фалсафанинг шаклланиши муаммосини ёритишида бу минтақада фалсафий билимларнинг ривожланиши билан боғлиқ яна уч хусусиятга эътиборни қаратиш мухимдир. Биринчи хусусият Шарқ фалсафий фикрининг номи – **Фалсафа** сўзининг ўзида мужассамлашган. Ўрта асрлар мусулмон фалсафасида антик фалсафа ҳамда антик фалсафий таълимотларга, энг аввало, Платон ва Аристотелнинг фалсафий фикрларига қараб мўлжал олган арабийзабон алломаларнинг таълимотлари ана шу атама билан ифодаланди.

Шарқ фалсафий фикрининг яна бир хусусияти – унинг диндан нисбатан мустакиллигидир. Фалсафа дунёвий маданият, санъат, адабиётга жуда катта ижобий таъсир кўрсатди ва жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди.

Нихоят, фалсафанинг учинчи хусусияти унинг перипатетизми ёки аристотелизмнинг тикланиши ва илк Шарқ Ренессанси мутафак-кирлари таълимотида унинг янада ривожлантирилиши эди.

4.4. Сўнгги Шарқ Ренессанси

Марказий Осиёда фан ва маданият ривожланишидаги яна бир муҳим босқич бу *сўнгги Шарқ Ренессанси даври* (XIV–XV асрлар)дир (9-чизма).

Бу давр фани ва маданияти ривожланишининг илк ва сўнгги даврлари орасидаги қарийб икки юз йиллик узилиш ўша даврда содир бўлган тож таҳт учун бўлган ўзаро урушлар, шунингдек бир вактлар яшнаган ўлканни вайрон қўлган мўғуллар томонидан истилоси ва харобаларга айлантирилиши билан изохланади.

Унинг тикланиши, энг аввало, ўша даврнинг буюк давлат арбоби, Соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ Давлат тузилиши ва бошқарувининг ўзига хос комуси – «Темур тузуклари» асарида *Соҳибқирон Амир Темур* (1336–1405)райият, давлат ички ва ташки сиёсатига оид ўз қарашларини баёнини берган. Амир Темур инсоният тарихига қўшган улкан ҳисса тўғрисида сўз юритар экан, Президент И.А.Каримов: «Давлатчилигимиз асосларини яратиб кетган Темур бобомиз гайрат-шижоати, юксак ақл-заковати, тадбиркорлиги, элпарварлиги билан бизга ҳамиша ибрат намунаси бўлиб қолгусидир. Биз у зоти олийдан ҳамиша руҳий мадад оламиз»¹, деб қайд этган эди.

Ўз хукмронлиги даврида (XIV асрда) Амир Темур кучли марказлашган давлат барпо этди. Бу давлатда дехкончилик ва хунармандчилик ривожланди, фан, маданият ва санъатнинг ривожланиши янги даражага кўтарилди, антик маданият ва фанга қизиқиш яна кучайди.

Амир Темур даврида Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд айниқса гуллаб-яшнади. Соҳибқирон қўшини ва узоқ мамлакатлардан турли соҳа мутахассислари – олимлар, фозилу-фузалолар хунармандлар, мусавиirlар ва меъморларни таклиф қилиб, Самарқандни янада гўзал ва улуғвор шаҳарга айлантиришга ҳаракат килди. Амир Темур даврида Самарқанд ва Бухорода, шунингдек салтанатнинг бошқа йирик шаҳарларида нафакат ажойиб меъморийлик обидалари, ансамбллари, балки кўпдан-кўп мадрасалар (ӯша даврнинг олий ўкув юртлари) ҳам қурилди. Буюк меъморий обидаларининг аксарияти ҳозиргача сакланиб қолган. Улар орасида Бибихоним ва Гўри Амир мақбаралари, Шоҳи Зинда ансамбли айниқса улуғворлиги билан ажralиб туради.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999. 138-б.

Ўша даврнинг энг муҳим хусусияти шундаки Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маданият ва фалсафанинг ривожланиши бевосита шу заминдан туғилнб ўсган Атоий, Лутфий, Жомий, Мирзо Улуғбек, Журжоний, Навоий, Бобур сингари саркарда давлат арбоблари, атоқли олимлар, мутафаккирлар ва бошқалар номлари билан боғлиқ. Кўйида уларнинг айримларини ижоди ва фалсафий қарашларига тўхталиб ўтамиз.

Мовароуннаҳр хукмдори ва Амир Темур набираси *Муҳаммад Тарагай Улуғбек* (1394–1449) ўша даврнинг машҳур астрономи, математики, давлат арбоби.

XIV асрнинг иккинчи ярми XV аср бошларида Марказий Осиёда юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият, шунингдек Шарқ олимлари олдинги авлодларининг ижоди таъсирида ривожланган ўша даврнинг фалсафий ва илмий фикрлари Улуғбек дунёқарашининг шаклланишига таъсир кўрсатди. У Аристотель, Форобий, Ибн Сино ва бошка мутафаккирларнинг таълимотларини умумлаштириб ва ривож-лантириб, фалсафа, гносеология ва мантиққа нисбатан ўзига хос қарашларни ишлаб чиқди. Чунончи, мантиқни умумлаштириб ва ривожлантириб, Улуғбек уни далилларни келтириш ҳақидаги фан, маълумдан но-маълумга ўтишнинг зарур шарти бўлиб хизмат қилувчи шакллар ва қонунлар мажмуи деб таърифлади.

Табиий ва ижтимоий фанлар соҳасидаги мустакил ижодий излашишлари, шунингдек ўзидан олдин ўтган алломаларнинг таълимотларини танқидий қайта ишлаш натижасида Улуғбек ўз қомусий илмини яратди. Унда буюк мутафаккир ижодий фаолиятининг муҳим босқичи хисобланган астрономия алоҳида ўрин эгаллайди. 1428 йилда машҳур Улуғбек расадхонаси қурилгунга қадар ҳам унинг ижодида бу соҳага оид бир қанча муҳим ишларга дуч келишимиз мумкин. Шоир, тарихчи ва олим Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг машҳур «Бобурнома» асарида Улуғбек ўз астрономик кузатишларини Самарканнадаги Кўҳак тепалигига Мағрибу Машриқда тенги йўқ расадхона барпо этилгунига қадар ҳам олиб борганини қайд этади.

Расадхона қурилишига Улуғбек таникли астроном ва математикларни жалб қилди. Бу ерда унинг раҳбарлиги остида 20 йилдан кўпроқ вакт мобайнода астрономик кузатишлар олиб борилди.

Улуғбекнинг «Зики Жадиди Кўрагоний» асари астрономия фанига қўшилган муҳим хисса бўлди. Унда Улуғбек ўша даврда маълум бўлган 1019 та юлдуз ҳақида жуда аниқ маълумотлар беради. Улуғбекнинг илмий мактаби ўша давр илмий билимининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Унинг илмий ва фалсафий хулосалари кузатишларнинг аниқлиги билан ажralиб туради ва шу боис ҳозиргача ўз қиммати ва аҳамиятини сақлаб қолган.

Ўша даврнинг машҳур шоирлари ва файласуфлари орасида *Абдураҳмон Жомий* (1414–1492) алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг ижоди форс тилидаги шеърият олти асрлик ривожланишининг ўзига хос якуни бўлди.

XV асрнинг буюк шоири, файласуфи ва маданият арбоби Абдурахмон Жомий буюк Алишер Навоийнинг устози ва дўсти эди. Жомий ўзининг бир қанча асарларида («Нафаҳот ул-унс», «Баҳористон» ва бошқ.) Навоийни, Навоий ҳам ўз асарларида («Хамсат ул-мутаҳайирин», «Мажолис ун-нафоис» ва бошқ.) Жомийни хурмат билан тилга олади.

Мен на Хисрав ва на доно Низомий
Хозирги шоирлар сардори – Жомий
Майли бутун Эрон қўйласин Жомий
Арабистонда ҳам бонг урар Жомий.

Юздан ортиқ йирик бадиий асарларни ўз ичига олувчи бой адабий меросдан ташқари, Жомий фалсафа, грамматика, илоҳиёт бўйича жуда кўп рисолалар ёзиб қолдирди. Жомийнинг кўпгина асарлари Европа тилларига ва рус тилига, Марказий Осиё ҳалқларининг тилларига таржима килинган.

Ўз даврининг жуда кўп атокли вакиллари қатори, Жомий ҳам тасаввуф йўлига киришни афзал кўрди. У ўзига пир қилиб Шайх Саъдиддин Қошғарийни танлади, нақшбандия таълимотини ўрганди. Фалсафа соҳасида Жомий асосан ўзигача ва ўз даврида яшаган алломаларнинг асарларини шарҳлаш билан шуғулланди. Ибн ар-Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам» асарига Жомий ёзган шарҳ бизгача етиб келган. 1458–59 йилларда ана шу шарҳ кисқартирилган таҳрирда зълон килинди. Унда Жомий Ибн ал-Арабий фалсафасини баён этади ва таҳлил қиласи, у асарда қўллаган фалсафий атамаларга шарҳ беради.

Кейинчалик Жомий бошқа таникли шоир ва олимларнинг асарларига ҳам шарҳ ёзди. Араб шоири Шарафиддин Умар ибн Али ал-Мисрий, XIII асрда яшаб ижод қилган шоир Фаҳриддин Иброҳим Ирокий асарларига ёзилган шарҳлар шулар жумласидан.

И.А.Каримов Абдурахмон Жомий ўзбек ва тожик ҳалқлари дўстлигини мустаҳкамлашга қўшган ҳиссага юксак баҳо бериб, бунда «дўстлик ва биродарлигимизнинг тимсоли бўлган Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби улуг мутафаккир зотларнинг бетакрор ижоди» мухим рол ўйнаганини қайд этиб ўтди¹.

Алишер Навоий (1441–1501). Буюк ўзбек шоири, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий ўзининг серқирра ижодида ўзи яшаган даврни ҳар томонлама ва чуқур акс эттириди.

Буюк инсонпавар Алишер Навоий ўрта асрдаги Уйғониш даврининг бошқа улуғ зотлари сингари бутун ҳаёти билан ҳакиқий инсон қандай бўлиши лозимлигини кўрсатди. У асос солган ўзбек адабиёти ва ўзбек адабий тили шоир ижодининг асосий ютукларидан бири бўлди.

Шоир ва олим сифатида Навоий факат Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тўплаган бой тажрибага эмас, балки антик фалсафа ва фан

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. Т. 8. – Т., «Ўзбекистон», 2000. 497-б.

намуналарига ҳам таянди, уларда Марказий Осиёда фалсафий ва илмий билимлар шаклланиши манбаларини кўрди. Форобий, Ибн Сино, Улугбек илмий меросига Навоий қаттиқ қизиқсанни, шунингдек унинг ўзи яратган бир қанча табиий илмий, фалсафий, социологик асарлар ҳам ана шундан далолат беради.

Маълумки, буюк шоирнинг адабий ижоди ҳақида юзлаб китоблар, рисолалар – тадқиқотлар, илмий мақолалар яратилган.

Бироқ, Навоий факат шеърият ёки тил, адабиёт ва санъат соҳасидаги ижод билан чекланмаган; у ўз даврининг улуг маърифатчиси ҳам эди. Маърифатчилик фаолиятига кўра Алишер Навоий Вольтер, Ж.Ж. Руссо, Ломоносов каби буюк маърифатчилар қаторида туради, унинг гояларидан Туркистонлик маърифатпарвар – жадидлар фойдаланган.

Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа буюк фаолиятидаги бу муҳим жиҳат тўғрисида сўз юритар экан, И.А. Каримов: «Миллый тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас хисса кўшган олиму фузалоларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ахмад Яссавий, Алишер Навоий, Бахоуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман»¹, деб қайд этади.

Навоининг фалсафий қизиқишлари ва изланишлари доираси ҳам жуда кенг. Ўз фалсафий қарашларида у борлиқни бутун ранг-баранглиги билан ҳар томонлама ва теран акс эттиришга харакат қиласди. Бу жиҳатдан унинг «Лисон ут-тайр» («Қуш-тили») фалсафий достони (1499) дикқатга сазовор. Достондаги бош гоя, бош муаммо тасаввуфдаги имон, эътиқод ва маънавият масалаларидир.

Нихоят, Алишер Навоий вафотидан озгина олдин яратган учинчи фалсафий ва ижтимоий-сиёсий асар насрый панднома йўсунинда ёзилган «Махбуб ул-қулюб» («Қалблар севгани»)дир. Бу асарида Навоий ўзининг халқ ва мамлакат ижтимоий ҳаёти, ахлок, иқтисодиёт, фалсафа муаммолари, фан ва санъатнинг вазифалари, давлатни бошқариш ҳақидаги мушоҳадаларининг натижаларини мухтасар шаклда умумлаштиради.

Яна бир буюк давлат арбоби, шоир ва файласуф Захириддин Мухаммад Бобур (1483–1530) фаолиятига қисқача тўхталиб ўтмасак, тугаб бораётган Шарқ Ренессанси даври атокли вакиллари ижтимоий-сиёсий қарашлари, фалсафий ва адабий ижодининг шарҳи тўлиқ бўлмайди деб ўйлаймиз.

Бобур номи Амир Темур ва Мирзо Улугбек номлари билан бир қаторда туради. Бобурнинг ҳаёти ва фаолияти доираси жуда ҳам кенг у улуғ салтанат подшоси, истеъододли саркардадан буюк шоир, та-

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999. 88-6.

рихчи, олимгача бўлган йўлни босиб ўтди. Аллома ўзининг «Хатти Бобурий» асарида араб алифбосини таҳрир этиб, ёзувни соддалаштириш ва осонлаштириш мақсадида уни туркий тил ва талаффуз мезонларига мослаштириди.

Бобур инсон сиймосини завқу-шавқ билан тасвирлаш билан бирга, айрим кимсалар қиёфасини нафрат туйгуси ила тасвирлашда ҳам тенгги йўқ эди.

Унинг асарларини тили, (мазмуни) халқ ҳаётига яқин бўлиб, ўзининг содда ва шу билан бирга юксак бадиий таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби буюк замондош шоирларга бағишиланган унинг сатрлари халқона соддалиги билан бирга юксак бадиийлиги ўзига асир этади. «У даврнинг, дейди Бобур – буюк инсонларидан бири Мавлоно Жомий эдилар. Бу даврда Жомийдек замонавий, маънавий илмда зукко одам йўқ эди.

«Алишер Навоий ҳакида ундан илиқ фикр билдириб беназир инсонлигини таъкидлаб «Алишербекдек дўст, фан ва санъатнинг бундай ҳомийси ҳеч қачон бўлган эмас», деб завқланиб эслайди Бобур.

Бобурнинг улкан санъаткорлиги шундаки, у ўз шахсий кечинмаларини жиддий умумлашма даражасига кўтара олди. Натижада, асарларида олга сурилган гоялар умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилди.

Жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик – «Бобурнома» асари Бобур ижодининг чўққиси ҳисобланади. Асарда ижтимоий-табиий фанлар, тарих, фалсафа, фикҳ, илохиёт, тилшунослик, география, табиатшунослик, маъданшунослик, дехқончилик, боғдорчилик оид аниқ ва ҳанузгача ўз тарихий ва илмий аҳамиятини йўқотмаган маълумотлар, илмий асосланган хулосалар келтирилган.

«Бобурнома»да 1494–1529 йилларда Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистонда содир бўлган тарихий-сиёсий воқеалар йилма-йил ўта аниқлик билан баён қилинган бўлиб, улар муаллиф ҳаёти ва сиёсий фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Буюк бобокалонларимиз ижодининг тарихий аҳамияти ҳақида тұхталар экан, И.А. Каримов: «Ўзбек халқининг бутун маданий дунёда маълум ва машҳур бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Мухаммад Бобур... каби буюк аждодлари ижодий мероси ва ҳаёти жасоратини хурмат билан эсга олиш жамият турмушидаги одат ва миллий шон-шараф манбаи бўлиб қолди. Уларнинг шарафига маҳобатли ҳайкаллар кўйилди, саройлар, мадрасалар ва мақбаралар қайта тиклади, кўпгина шаҳарлар ва манзилгоҳлардаги майдонлар ҳамда кўчаларга уларнинг номлари берилди»¹, деб қайд этади.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. 138-б.

Илмий-фалсафий билимларнинг шаклланиши

РК РЕНЕССАНСИ ДАВРИ

Ібн Сино
(930–1037)

АШЛАРИ

Прекомусий
шаша даврда
ум бўлган
орли барча
математика,
астрономия,
к-да мухим
чўтлар килди

Ал-Хоразмий (Абу
Абдуллоҳ) (вафоти
997 й.)

ҚАРАШЛАРИ

1. Диний ва дунёвий
фанларни
муайянлаштириди ва
уларнинг ўрнини аниқ
белгилади, ўша давр
табиий фанларининг
ривожланиши ҳақида
кимматли
маълумотлар
қолдирди

Иби Рушд (Аверроэс)
(1126–1198)

ҚАРАШЛАРИ

1. Узмохиятига кўра
материалистик
хусусиятта эга бўлган,
католицизм ва
схоластикага қарши
йўналтирилган
аверроизм
фалсафасини боғлади.
2. Дунёнинг яралиши
гоясини инкор этди



СҮНГИ ШАРК РЕНЕССАНСИ ДАВРИ

Амир Темур
(1336–1405)

Жомий
(1414–1492)

Алишер Навоий
(1441–1501)

Бобур
(1483–1530)

Буюк шоир давлат арбоби, саркарда, улут салтанат асосчиси, фан, санъат ва маданият хомийсий

Таникли давлат ва жамоат арбоби, Самарқанд хокими, буюк олим, файласуф ва шоир

Буюк шоир, давлат арбоби, матрифатчи ва файласуф, ўзбек адабий тили, шеърияти ва адабийтининг асосчиси

Давлат ва сиёсат арбоби, Мўгуллар буюк империясининг асосчиси, араб алфобоси ислоҳотчиси, шоир, йирик олим ва файласуф

Астрономия фанинни асослади, муайяллаштириди ва ривожлантириди, астрономия, Фалсафа, мантрика ва ахлоқда бир канча илмий кашғиётлар килди

Хўмдор ва файласуф сифатидаги маърифатнинг зарурлиги хакидаги таълимотни ривожлантириди, тасаввув ва тарбия мавзууда бир канча асарлар яратди

Унинг «Бобурнома» асари нафакат бадиий, балки илмий кимматга хам эга (айнинка, тиблиуностиқ, адабиёт ва бошқа ижтимоий фаннлар соҳасида)

Қисқача хулосалар

1. Илк ўрта асрларда мусулмон Шарқида фалсафа ва фан муаммоларига қизиқишининг ҳар томонлама тикланиш жараёни содир бўлди. Бу жараён Шарқ ёки Мусулмон Ренессанси номи билан Жаҳон тарихидан ўрин олди.

2. Ушбу давр диний, фалсафий ва илмий билимларининг ривожланишига буюк ажоддодларимиз улкан хисса қўшдилар. Ўзбекистон Президенти И.А. Каримов бу сиймolarни «Олтин мерос» тушунчаси билан тавсифлади. Марказий Осиё ўрта асрлар ислом дунёсининг маданий марказларидан бирига айланди. Бу ўлгадан чиққан қўргина алломалар фалсафа ва фаннинг шаклланиши ва ривожланишига катта хисса қўшдилар.

3. Энг ёш ва жадал ривожланаётган дунё дини – Ислом ўрта асрлар Шарқи маданий уйғонишининг диний-фалсафий ва маънавий негизини ташкил этади.

Асосий тушунчалар

Зардуштийлик – Марказий Осиёдаги қадимги диний-фалсафий таълимот. Унда икки асос: ёвузлик ва эзгуликнинг кураши ҳақида сўз юритилади. Асосчиси – Зардуст.

Перипатетизм – қадимги юонон файласуфи Аристотель издошлиарининг материализм ва идеализм ўртасида иккапланган фалсафий мактаби.

Шарқ Ренессанси – VII–XII ва XIV–XV асрларда араб Шарқида ва Марказий Осиёда маънавий ва маданий қадриятларнинг тикланиши, фалсафа ва фан, адабиёт ва санъатнинг жадал ривожланиши даври.

Эманация – олий ва мукаммал онтологик босқичдан нисбатан номукаммал ва куйи босқичларга ўтиш жараёнини тавсифловчи неоплатонизм фалсафий таълимоти.

Саволлар

1. Шарқ Ренессанси нима?
2. Шарқ Ренессанси даври қайси икки босқичга бўлинади ва нима учун?
3. Илк Шарқ Ренессанси даври фалсафий ва илмий ривожланишининг умумий манзараси қандай?
4. Қайси даврга тугаб бораётган Шарқ Ренессанси деб қаралади?
5. Шарқ Ренессанси мутафаккирлари жаҳон фалсафаси, фани ва маданиятига қандай хисса қўшганлар?

Адабиётлар:

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир. Асарлар. Т. 3. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. Т. 7.– Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9.—
Т., «Ўзбекистон», 2001.

Абу Али ибн Сина: его медицинские и философские воззрения. —
Т., 1977.

Бахадиров Р.М. Из истории классификации наук на
средневековом мусульманском Востоке. — Т., 2000.

Беляев Е.С. Арабы, ислам и Арабский халифат в раннее
средневековье. 2-ое изд. — М., 1966.

Великие ученые Средней Азии и Казахстана. — Алма-Ата, 1965.

Джанматова Х.И. Ал-Кинди. Из истории философского наследия
народов Ближнего и Среднего Востока. — Т., 1972.

Джумабаев Ю.Д. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлоқий
фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., 1997.

История философии. В кратком изложении. — М., 1991.

Фалсафа асослари. Дарсллик. М. Ахмедова таҳририда. Т., 2005,

Скирбекк Г., Гилье Н. История философии. — М., 2000.

Хайруллаев М.М. Фараби. — Т., 1975.

5-мавзу. ФАН ФАЛСАФАСИ

5.1. Фан фалсафасининг шаклланиши

Маълумки, хар қандай фаннинг мақсади универсал билим олишдан иборат. Бундай билимни фақат фаннинг ўзи субъектини яратган тақдирдагина олиш мумкин. Бу олдинги мавзуда қайд этиб ўтганимиздек, XIX асрнинг 30-йилларида янги фалсафий йўналиш – *позитивизмнинг* вужудга келишига туртки берди. Позитивизм тараффорлари хар қандай ҳақиқий, «ижобий» (позитив) билим фақат муайян маҳсус фанлар фаолиятининг натижаси тарзida олиниши мумкин ва ҳеч қандай фалсафага муҳтож эмас, деган ғояни илгари сурдилар. Мазкур таълимот асосчиси (О. Конт) фалсафага фақат табиий ва ижтиё мой фанлардан умумий хулосалар чиқариш хуқуқинигина қолдирди¹. Кейинчалик позитивизм XIX аср ўргаларида илмий би-лимнинг тузилишини, илмий билиш воситалари ва методларини, илмий билимни асослаш ва ривожлантириш усусларини тадқиқ килувчи фалсафий оқим – фан фалсафаси шаклланишининг асос-ларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Илмий ва фалсафий билимларнинг бундай қарама-карши қўйилиши фаннинг ҳам, фалсафанинг ҳам кейинги ривожланишига салбий таъсир кўрсатди. Бунга «физикадаги инқизоз» мисол бўлиши мумкин. XIX ва XX асрлар чегарасида, радиоактивликнинг қашф этилиши натижасида, олимлар материя «йўқолганлиги» ҳақидаги нотўғри хуло-сага келдилар. Чексиз ва туганмас дунёда материя йўқолиши мумкин эмаслиги, у фақат бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши мумкинлигини масала ёки муаммосини исботлаш учун фалсафа аралashiшига тўғри келди. Эпистемология ва фан фалсафасининг фан ва фалсафа ажрал-маслиги ҳақидаги асосий қоидасини физика ва бошқа муайян фанларнинг кейинги ривожланиш жараёни исботлади. Бу буюк олим А.Эйнштейн ижодида айникса ёрқин намоён бўлди. Унинг назарий тадқиқотлари улкан фалсафий-методологик аҳамият касб этди, унинг ғоялари эса замон ва маконнинг материя ва унинг ҳаракати билан уйғун алоқаси ҳақидаги диалектик таълимотни далиллашга асосланган дунёнинг янги илмий манзараси ишлаб чиқилиши учун асос бўлиб хизмат қилди².

¹ Огюст Конт (1798–1857), француз файласуфи, позитивизм ва социология асосчиси. Сен-Симондан кейин инсоният интеллектуал тараққиётининг пировард натижада бутун кишилик тараққиётини белгиловчи уч босқичлилиги гоясини ривожлантириди

² Альберт Эйнштейн (1879–1955), буюк олим ва мутафаккир, маҳсус ва умумий нисбийлик назарияси, ёруғлик квант назариясининг муаллифи. Ҳозирги замон фанида илгор ғояларни илгари сурган, «фан этноси» шаклланиши ва ривожланишига катта хисса қўшган

Шу билан бирга, фан фалсафасининг вужудга келиши, айниқса, XX асрда фаннинг якка олимлар ва кичик гурӯхлар фаолиятидан илмий жамоатларнинг касбий машғулотига айланисига имконият яратди. Бундай илмий жамоатларда фан билимлар тўплашнинг жамоавий хусусиятини касб этиб борди.

Фан фалсафаси фалсафий тадқиқотларнинг алоҳида шакли сифатида XIX аср ўрталарида инглиз файласуфи ва фан тарихчиси Уильям Уэвелл ва унинг ватандоши Жон Стюарт Милль (1806–1873) асарларида шакллана бошлади.

Айни вақтда, фан фалсафаси шаклланиши ва ривожланишининг асослари узок ўтмишга, Миср, Месопотамия ва Ҳиндистоннинг ўша даврда астрономик, математик ва тиббий билимларнинг жиддий ўсиши кузатилган қадимги цивилизацияларига бориб тақалади.

Агар фалсафий ва илмий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнини билиш дарёси тимсолида тасаввур қилсан, унинг илк ирмоклари билимнинг тарқоқ булокларига ўхшайди. Бу булоклар аста-секин кўшилиб, бир йўналишда ҳаракатланувчи кичик-кичик дарёчалар ҳосил қиласди, улар аста-секин яқинлашиб, билим дарёсига қўйилади. Жуда кўп билимлар ишлаб чиккан ва тўплаган қадимги Шарқ цивилизациялари ана шу донишмандлик булокларига ўхшайди. Улар илк антик фалсафий таълимотларнинг ўзига хос пойдевори бўлди. Фалес, Гераклит, Пифагор, Демокрит ва Қадимги Юнонистоннинг бошқа буюк мутафаккирлари бундан икки ярим минг йил муқаддам, маълум дараҷада ўтмишнинг тарқоқ билимлари негизида, нарсалар ва ҳодисалар табиати ҳақидаги яхлит таълимотлар яратиш, мантиқий изчил билим системалари – назариялар тузишга муваффак бўлдилар. Бу ерда биз ушбу дарё дастлабки боскичдаёт бир канча фанлар – физика, биология, социология, психология, тиббиётга замин ҳозирлаган муайян билимларнинг унсурларини жамлай бошлаганининг гувоҳи бўламиз. Ифодали қилиб айтганда, билиш дарёсига билим ирмоклари келиб қўйилгач, у янада тўлиб ва тошиб окади, унинг сувларида тарқоқ илмий билимлар муайян фан соҳалари жиҳатларини касб эта, бошлади. Мазкур жараёнга Платон академияси ваайиникса, Аристотель мактаби якун ясади, уларда қайд этилган билимлар муайян фанлар шаклини касб этади, бу фанлар доирасида системали тадқиқотлар олиб борилади.

Фан фалсафасининг асосчиларидан бири – Аристотель ўзининг формал мантиқида илмий билимнинг ҳар хил турларини таҳлил килди ва таснифлади. У фалсафа (метафизика), математика, табиат ва инсон ҳақидаги фанларни биринчи бўлиб илмий билимнинг мустақил тармоклари сифатида ажратди.

Ўша давр илмий билимларини тўплашда Аристотель улкан рол ўйнаганини қайд этар эканмиз, илк ўрта асрлар (VIII–XII асрлар) Марказий Осиё фалсафа ва фанининг атоқли вакиллари жаҳон фанига кўшган бекиёс ҳиссага ҳам тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз.

Уларнинг таълимотлари, фаннинг аристотелча талқини сингари, бир неча юз йиллар мобайнида ўзига хос дастуриламал бўлиб хизмат килиб келди. Факат Уйғониш даврида дунёнинг янги манзарасини ишлаб чиқишига илк уринишлар бўлди. Буни дунёнинг гелиоцентрик манзарасини таклиф қилган польшалик олим Николай Коперник бошлаб берди¹. Кейинчалик эскича қарашларга Галилей зарба берди. У нафакат Коперник таълимотини ҳар томонлама асослаб берди, балки фан табиати талқинини яратди, антик олимлар ҳам, ўрта асрлар олимлари ҳам билмаган аниқ экспериментал тадқиқ қилиш методини ишлаб чиқди ва амалда қўллади².

Галилей бошлаб берган билишни ўзгартириш ишини Декарт³, Ньютон⁴ ва янги Европа фанининг бошқа асосчи» оталари давом эттирилар. Уларнинг саъй-харакатлари билан табиатни билишнинг янги шакли – аниқ экспериментга таянувчи табиатшунослик вужудга келди. Илмий мушоҳада юритишга асосланган антик фандан фаркли ўлароқ, янги Европа фани назариялар тузишнинг «фаол», конструктив-математик усулларидан фойдаланди, ҳодисаларни қатъий назорат килинадиган «сунъий», лаборатория шароитларида аниқ ўлчаш ва экспериментал тадқиқ қилиш методларига таянди.

Табиатшуносликнинг жадал ривожланиши, асосий ва табиий илмий тушунчалар ва тамойилларнинг умумлаштирилиши ва синтез-лаштирилиши натижасида вужудга келган табиат ривожланишининг умумий хоссалари ва қонуниятлари ҳақидаги илмий билимларнинг жамланиши дунёнинг умумфалсафий ва умуммиллий манзарасининг сўнгги қайд этилган манзара фойдасига ўзгаришига олиб келди. Тарихда биринчи илмий тұнтарыш ёки табиатшуносликда инқилоб содир бўлди (XVI–XVII асрлар).

Шу даврда құдратли билим дарёси икки ўзанга ажралди. Бу ўзанларнинг ҳар бирида, бир томондан, ўз умумфалсафий категориялари ва тушунчаларига эга бўлган фалсафий таълимот, иккинчи томондан, ўз илмий категориялари ва тушунчалари шакланаётган фандан иборат билиш соҳаси пешқадамлик қила бошлади. Аммо, дарёнинг ажралган ўзанларининг ҳар биридан факат шу ўзанинг ўз сувини олиш мумкин бўлмаганидек, дунёни билишда ҳам фалсафа ва

¹ Николай Коперник (1473–1543) – машхур астроном ва мутафаккир. Птолемейнинг куёш системаси тузилиши ҳақидаги кўп асрлик геоцентрик қарашини инкор этди, табиатшуносликни теологиядан озод қилди.

² Галилео Галилей (1564–1642) – италиялик машхур олим. Пизада камбағаллашган зодагон оиласида туғилди. Ўз шахридаги университетида таълим олди, аввал тиббиётни ўрганди, лекин кейинчалик ўзини физика ва математикага бағишилади.

³ Рене Декарт (1596–1650) – француз файласуфи ва математиги, классик реализм вакили, эски анъаналарни кайта кўриш талаби билан чиққан «янги фалсафа» ва янги фан асосчиларидан бири.

⁴ Исаак Ньютон (1643–1727) – буюк инглиз физиги, астрономи, математиги, классик ва самовий механика асосчиси, кўп сонли илмий асарлар муаллифи.

фанни «соф» кўринишида ажратиш мумкин эмас. Фалсафа ва фаннинг ривожланиш тарихи ва амалиёти улар ажралганидан кейин ҳам бирбири билан алокада бўлиши ва бир-бирини тақозо этиши давом этайдан кўрсатади. Мазкур ўзаро алоканинг концептуал жиҳати, масалан, фанда қўлланиладиган умумfalсафий категориялар (материя, ҳаракат, фазо, вақт ва бошк.) ва тамойиллар (дунёнинг моддий бирлиги, ҳодисаларнинг умумий алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши ва бошк.) билан ва аксинча, фан маълумотларидан фалсафа объект хақидаги ўз билимларини тизимга солиш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш учун фойдаланиши билан боғлик.

Мавзунинг кейинги қисмида ҳозирги замон фан фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини кўриб чиқамиз.

5.2. Фан фалсафаси ва позитивизм

Мавзунинг биринчи қисмида биз XIX аср ўрталарида фалсафий ва илмий билимларнинг ривожланишидаги алоҳида йўналиш сифатида фан фалсафасининг шаклланиши табиатини ёритишини олдимизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Мавзунинг иккинчи қисмида фан фалсафасининг эволюциясини ёритишга ҳаракат қиласиз. Фан фалсафасининг мавжудлиги муаммоси унинг асосий масалаларидан бирига айланди, чунки унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Конт тамойили, у таърифлаб берган «инсониятнинг интеллектуал эволюцияси қонуни ёки уч босқич қонуни» билан бөгланар эди. Ушбу қонунни мухтасар тарзда ҳодисалар мажмуига нисбатан ёндашувларнинг бир-бирини истисно этувчи учлик системаси – дин, фалсафа ва фан ҳаракати жараёни деб таърифлаш мумкин. Бунда биринчи ҳолат – теологик ҳолатни Конт соҳта, иккинчи ёки фалсафий ҳолатни – ёрдамчи, учинчи ҳолатни эса – ижобий, яъни ҳақиқий, ўзини фан фалсафаси каби намоён этувчи ҳолат деб тавсифлади. Бинобарин, XIX аср ўрталарида позитивизм соф фалсафий концепция тарзида эмас, балки фан фалсафаси тарзида вужудга келди ва ривожланди. Айни вақтда, позитивизмни фан фалсафаси билан айний деб ҳисобламаслик, фан фалсафасини позитивизмга боғламаслик муҳимдир, чунки фан фалсафаси ўз ғояларини нафақат позитивистик, балки бошқа фалсафий ва методологик тамойиллар ва концепциялар (верификация ва фальсификация, феноменализм, аналитик фалсафа ва бошк.) билан ҳам асослади.

Бундан ташқари, позитивизмда ҳам унинг бир ярим асрлик тарихи мобайнида шу кадар кўп ўзгаришлар содир бўлдики, эски ва ҳозирги позитивистик концепциялар ва қарашларни бир ўзанда тасаввур қилиш қийин. Буни мисолларда кўриб чиқамиз.

Фалсафа тарихи ва фан тарихига позитивизм ривожланишининг уч тўлқини маълум: «классик» табиат билан боғлиқ биринчи тўлқин вакиллари О. Конт, Э. Литре, Ж. Милль, Г. Спенсер ва бошқалар (XIX

асрнинг 30–50 йилларида) фан фалсафага муҳтож эмас деган ғояни илгари сурдилар.

Позитивизм ривожланишидаги иккинчи боскич (иккинчи тұлқин) XIX аср охири XX аср бошларыда табиатшунослиқда содир бұлган инқилоб билан боғлиқ. Шу даврда фалсафада объектив борлықни тушуниб етиб бұлмаслиги, унинг мөхиятига фан эмас, балки дин ёрдамида етиш мүмкінлиги ҳақидағи агностик таълимоп ривожлан-дикі, бу бириңчи тұлқин позитивизмини инқирозға олиб келди. Эски ёндашувларнинг объектив асосланғанлыгини исботтай олмаган пози-тивистик концепция яна фанлар тизимида фалсафанинг үрни ҳақидағи масалани қўйишга мажбур бўлди. Иккинчи тұлқин позитивизмиде илмий ва фалсафий фикрлашнинг субъектив-идеалистик услуби – механицизм (эмпириокритицизм) етакчилик кила бошлади. У XX асрнинг 20-йилларида ўз ривожланишини неопозитивизм (учинчи тұлқин)да давом эттириди. Неопозитивизм ўзининг асосий әзтиборини муайян мантикий-методология тадқиқотларга, хусусан, мантикий по-зитивизмга ва тил таҳлилига каратди (Вена тұғараги, Мантикий позитивизм, Аналитик фалсафа ва бошқ.).

Фан фалсафасининг иккинчи ўзига хос хусусияти шундан ибо-ратки, XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган позитивизмдан фарқли үлароқ, фан фалсафаси фақат XIX аср үрталарыда тадқиқот-ларнинг мустакил соҳасига айланди. Унга Конт эмас, балки инглиз файласуфлари У. Уэвелл ва Ж.С. Милль асос солди¹.

Ниҳоят, илмий билишнинг ўз воситалари ва методлари, билим-ларни асослаш ва ривожлantiриш усулларининг мавжудлиги фан фалсафасининг учинчи ўзига хос хусусиятидир. Агар бир томондан, у билиш назариясининг турли позитивистик концепцияларига таянса, иккинчи томондан, у табиатшунослика (физика, кимё, биология ва бошқ.) таянади, улардан ўз методология умумлаштиришлари учун материал олади. Шундай қилиб, XIX аср охирида ваайникса, XX асрда фанда муҳим ўзгаришлар содир бўлди, улардан фақат қуйидаги иккитаси физикада ва у билан турдош фанларда бурилиш ясади. Би-ринчи муҳим ўзгариш бу микрооламга кириш бўлиб, бу ерда кузатил-майдиган, вактинчалик эмас, балки тамойил тарзда кузатилмайдиган тузилмалар билиш объектига айланди. Иккинчидан, бир қанча муҳим янги фундаментал илмий назариялар тузилди. Улар орасида Эйнш-тейннинг нисбийлик назарияси ва ёруғлик квант назарияси муҳим ўрин тутади.

Янги физик назарияларнинг яратилиши фан нарсалар ва ходи-саларни кузатиш ва тавсифлашдан ташқари, тушунтиришга ҳам ҳара-кат қилиши ва амалда ularни тушунтиришини кўрсатди. Бу XX аср фан фалсафасининг тадрижий ривожланишида муҳим бурилиш содир

¹ Милль Жон Стоарт (1806–1873) ва Уильям Уэвелл, инглиз позитивист файласуфлари, фан фалсафаси асосчилари.

фанни «соф» кўринишида ажратиш мумкин эмас. Фалсафа ва фаннинг ривожланиш тарихи ва амалиёти улар ажралганидан кейин ҳам бир-бiri билан алоқада бўлиши ва бир-бирини тақозо этиши давом этаётганини кўрсатади. Мазкур ўзаро алоқанинг концептуал жиҳати, масалан, фанда қўлланиладиган умумfalсафий категориялар (материя, харакат, фазо, вакт ва бошк.) ва тамойиллар (дунёнинг моддий бирлиги, ҳодисаларнинг умумий алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши ва бошк.) билан ва аксинча, фан маълумотларидан фалсафа объект ҳақидаги ўз билимларини тизимга солиш ва уларнинг ҳакиқийлигини текшириш учун фойдаланиши билан бөглик.

Мавзунинг кейинги қисмида ҳозирги замон фан фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини кўриб чиқамиз.

5.2. Фан фалсафаси ва позитивизм

Мавзунинг биринчи қисмида биз XIX аср ўрталарида фалсафий ва илмий билимларнинг ривожланишидаги алоҳида йўналиш сифатида фан фалсафасининг шаклланиши табиатини ёритишни олдимизга вазифа қилиб кўйган эдик.

Мавзунинг иккинчи қисмида фан фалсафасининг эволюциясини ёритишга ҳаракат қиласиз. Фан фалсафасининг мавжудлиги муаммоси унинг асосий масалаларидан бирига айланди, чунки унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Конт тамойили, у таърифлаб берган «инсониятнинг интеллектуал эволюцияси қонуни ёки уч босқич қонуни» билан боғланар эди. Ушбу қонунни мухтасар тарзда ҳодисалар мажмуига нисбатан ёндашувларнинг бир-бирини истисно этувчи учлик системаси – дин, фалсафа ва фан ҳаракати жараёни деб таърифлаш мумкин. Бунда биринчи ҳолат – теологик ҳолатни Конт сохта, иккинчи ёки фалсафий ҳолатни – ёрдамчи, учинчи ҳолатни эса – ижобий, яъни ҳакиқий, ўзини фан фалсафаси каби намоён этувчи ҳолат деб тавсифлари. Бинобарин, XIX аср ўрталарида позитивизм соф фалсафий концепция тарзида эмас, балки фан фалсафаси тарзида вужудга келди ва ривожланди. Айни вақтда, позитивизмни фан фалсафаси билан айний деб хисобламаслик, фан фалсафасини позитивизмга боғламаслик мухимдир, чунки фан фалсафаси ўз гояларини нафақат позитивистик, балки бошқа фалсафий ва методологик тамойиллар ва концепциялар (верификация ва фальсификация, феноменализм, аналитик фалсафа ва бошк.) билан ҳам асослади.

Бундан ташқари, позитивизмда ҳам унинг бир ярим асрлик тарихи мобайнида шу қадар кўп ўзгаришлар содир бўлди, эски ва ҳозирги позитивистик концепциялар ва қарашларни бир ўзанда тасаввур қилиш кийин. Буни мисолларда кўриб чиқамиз.

Фалсафа тарихи ва фан тарихига позитивизм ривожланишининг уч тўлқини маълум: «классик» табиат билан бөглик биринчи тўлқин вакиллари О. Конт, Э. Литре, Ж. Милль, Г. Спенсер ва бошқалар (XIX

асрнинг 30–50 йилларида) фан фалсафага мухтож эмас деган гояни илгари сурдилар.

Позитивизм ривожланишидаги иккинчи босқич (иккинчи тўлкин) XIX аср охири XX аср бошларида табиатшунослиқда содир бўлган инқилоб билан боғлиқ. Шу даврда фалсафада объектив борлиқни тушуниб етиб бўлмаслиги, унинг моҳиятига фан эмас, балки дин ёрдамида етиш мумкинлиги ҳакидаги агностик таълимот ривожландики, бу биринчи тўлкин позитивизмини инқирозга олиб келди. Эски ёндашувларнинг объектив асосланганлигини исботлай олмаган позитивистик концепция яна фанлар тизимида фалсафанинг ўрни ҳакидаги масалани қўйишга мажбур бўлди. Иккинчи тўлкин позитивизмида илмий ва фалсафий фикрлашнинг субъектив-идеалистик услуби – механизм (эмпириокритицизм) етакчилик кила бошлади. У XX асрнинг 20-йилларида ўз ривожланишини неопозитивизм (учинчи тўлкин)да давом эттириди. Неопозитивизм ўзининг асосий эътиборини муайян мантикий-методологик тадқиқотларга, хусусан, мантикий позитивизмга ва тил таҳлилига қаратди (Вена тўгараги, Мантикий позитивизм, Аналитик фалсафа ва бошк.).

Фан фалсафасининг иккинчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган позитивизмдан фарқли ўлароқ, фан фалсафаси фақат XIX аср ўрталарида тадқиқотларнинг мустақил соҳасига айланди. Унга Конт эмас, балки инглиз файласуфлари У. Уэвелл ва Ж.С. Милль асос солди¹.

Нихоят, илмий билишнинг ўз воситалари ва методлари, ғилимларни асослаш ва ривожлантириш усулларининг мавжудлиги фан фалсафасининг учинчи ўзига хос хусусиятидир. Агар бир томондан, у билиш назариясининг турли позитивистик концепцияларига таянса, иккинчи томондан, у табиатшуносликка (физика, кимё, биология ва бошк.) таянади, улардан ўз методологик умумлаштиришлари учун материал олади. Шундай қилиб, XIX аср охирида ваайинса, XX асрда фанда муҳим ўзгаришлар содир бўлди, улардан факат қўйидаги иккитаси физикада ва у билан турдош фанларда бурилиш ясади. Биринчи муҳим ўзгариш бу микрооламга кириш бўлиб, бу ерда кузатилмайдиган, вақтингчалик эмас, балки тамойил тарзда кузатилмайдиган тузилмалар билиш объектига айланди. Иккинчидан, бир қанча муҳим янги фундаментал илмий назариялар тузилди. Улар орасида Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ва ёруғлик квант назарияси муҳим ўрин тутади.

Янги физик назарияларнинг яратилиши фан нарсалар ва ҳодисаларни кузатиш ва тавсифлашдан ташқари, тушунтиришга ҳам ҳаракат қилиши ва амалда уларни тушунтиришини кўрсатди. Бу XX аср фан фалсафасининг тадрижий ривожланишида муҳим бурилиш содир

¹ Милль Жон Стюарт (1806–1873) ва Уильям Уэвелл, инглиз позитивист файласуфлари, фан фалсафаси асосчилари.

фанни «соф» күринишида ажратиш мүмкін эмас. Фалсафа ва фаннинг ривожланиш тарихи ва амалиёти улар ажралганидан кейин ҳам бир-бири билан алоқада бўлиши ва бир-бирини тақозо этиши давом этаётганини кўрсатади. Мазкур ўзаро алоқанинг концептуал жиҳати, масалан, фанда қўлланиладиган умумfalсафий категориялар (материя, харакат, фазо, вақт ва бошк.) ва тамойиллар (дунёнинг моддий бирлиги, ҳодисаларнинг умумий алоқаси ва бир-бирини тақозо этиши ва бошк.) билан ва аксинча, фан маълумотларидан фалсафа объект ҳақидаги ўз билимларини тизимга солиш ва уларнинг ҳақиқийлигини текшириш учун фойдаланиши билан боғлик.

Мавзунинг кейинги қисмида ҳозирги замон фан фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини кўриб чиқамиз.

5.2. Фан фалсафаси ва позитивизм

Мавзунинг биринчи қисмида биз XIX аср ўрталарида фалсафий ва илмий билимларнинг ривожланишидаги алоҳида йўналиш сифатида фан фалсафасининг шаклланиши табиатини ёритишни олдимиизга вазифа қилиб қўйган эдик.

Мавзунинг иккинчи қисмида фан фалсафасининг эволюциясини ёритишга ҳаракат қиласиз. Фан фалсафасининг мавжудлиги муаммоси унинг асосий масалаларидан бирига айланди, чунки унинг ривожланиши кўп жиҳатдан Конт тамойили, у таърифлаб берган «инсониятнинг интеллектуал эволюцияси қонуни ёки уч босқич қонуни» билан боғланар эди. Ушбу қонунни мухтасар тарзда ҳодисалар мажмуига нисбатан ёндашуввларнинг бир-бирини истисно этувчи учлик системаси – дин, фалсафа ва фан ҳаракати жараёни деб таърифлаш мумкин. Бунда биринчи ҳолат – теологик ҳолатни Конт сохта, иккинчи ёки фалсафий ҳолатни – ёрдамчи, учинчи ҳолатни эса – ижобий, яъни ҳақиқий, ўзини фан фалсафаси каби намоён этувчи ҳолат деб тавсифлари. Бинобарин, XIX аср ўрталарида позитивизм соф фалсафий концепция тарзида эмас, балки фан фалсафаси тарзида вужудга келди ва ривожланди. Айни вақтда, позитивизмни фан фалсафаси билан айний деб хисобламаслик, фан фалсафасини позитивизмга боғламаслик мухимдир, чунки фан фалсафаси ўз гояларини нафақат позитивистик, балки бошқа фалсафий ва методологик тамойиллар ва концепциялар (верификация ва фальсификация, феноменализм, аналитик фалсафа ва бошк.) билан ҳам асослади.

Бундан ташқари, позитивизмда ҳам унинг бир ярим асрлик тарихи мобайнида шу қадар кўп ўзгаришлар содир бўлдики, эски ва ҳозирги позитивистик концепциялар ва карашларни бир ўзанда тасаввур қилиш кийин. Буни мисолларда кўриб чиқамиз.

Фалсафа тарихи ва фан тарихига позитивизм ривожланишининг уч тўлкини маълум: «классик» табиат билан боғлик биринчи тўлқин вакиллари О. Конт, Э. Литре, Ж. Милль, Г. Спенсер ва бошқалар (XIX

асрнинг 30–50 йилларида) фан фалсафага муҳтож эмас деган гояни илгари сурдилар.

Позитивизм ривожланишидаги иккинчи босқич (иккинчи тұлқин) XIX аср охири XX аср бошларида табиатшуносликда содир бүлган инқилоб билан боғлиқ. Шу даврда фалсафада объектив борлыкни тушуниб етиб бүлмаслиги, унинг мөхиятига фан эмас, балки дин ёрдамида етиш мүмкінлиги ҳақидаги агностик таълимот ривожландыки, бу биринчи тұлқин позитивизмини инқизорзға олиб келди. Эски ёндашувларнинг объектив асосланғанлыгини исботтай олмаган позитивистик концепция яна фанлар тизимида фалсафанинг үрни ҳақидаги масалани қўйишга мажбур бўлди. Иккинчи тұлқин позитивизмда илмий ва фалсафий фикрлашнинг субъектив-идеалистик услуби – механицизм (эмпироокритицизм) етакчилик қила бошлади. У XX асрнинг 20-йилларида ўз ривожланишини неопозитивизм (учинчи тұлқин)да давом эттиреди. Неопозитивизм ўзининг асосий эътиборини муайян мантикий-методологик тадқиқотларга, хусусан, мантикий позитивизмга ва тил таҳлилига каратди (Вена тұғараги, Мантикий позитивизм, Аналитик фалсафа ва бошк.).

Фан фалсафасининг иккинчи ўзига хос хусусияти шундан иборатки, XIX асрнинг 30-йилларида вужудга келган позитивизмдан фарқли ўлароқ, фан фалсафаси факат XIX аср үрталарида тадқиқотларнинг мустақил соҳасига айланди. Унга Конт эмас, балки инглиз файласуфлари У. Уэвелл ва Ж.С. Милль асос солди¹.

Нихоят, илмий билишнинг ўз воситалари ва методлари, билимларни асослаш ва ривожлантириш усулларининг мавжудлиги фан фалсафасининг учинчи ўзига хос хусусиятидир. Агар бир томондан, у билиш назариясининг турли позитивистик концепцияларига таянса, иккинчи томондан, у табиатшуносликка (физика, кимё, биология ва бошк.) таянади, улардан ўз методологик умумлаштиришлари учун материал олади. Шундай килиб, XIX аср охирида ваайниңса, XX асрда фанда мухим ўзгаришлар содир бўлди, улардан факат куйидаги иккитаси физикада ва у билан турдош фанларда бурилиш ясади. Биринчи мухим ўзгариш бу микрооламга кириш бўлиб, бу ерда кузатилмайдиган, вактинчалик эмас, балки тамойил тарзда кузатилмайдиган тузилмалар билиш объектига айланди. Иккинчидан, бир қанча мухим янги фундаментал илмий назариялар тузилди. Улар орасида Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ва ёруғлик квант назарияси мухим ўрин туради.

Янги физик назарияларнинг яратилиши фан нарсалар ва ходисаларни кузатиш ва тавсифлашдан ташкари, тушунтиришга ҳам ҳаракат қилиши ва амалда уларни тушунтиришини кўрсатди. Бу XX аср фан фалсафасининг тадрижий ривожланишида мухим бурилиш содир

¹ Милль Жон Стюарт (1806–1873) ва Уильям Уэвелл, инглиз позитивист файласуфлари, фан фалсафаси асосчилари.

булишининг асосий сабабларидан бири бўлди. Фан фалсафасида тушунтириш ўз ҳуқукларини тиклай бошлади. Кейинчалик ва айникса, XX асрнинг иккинчи ярмида позитивизм «учинчи тўлкини» (неопозитивизм) вакиллари, гарчи билиш муаммолари бўйича илк позитивизм дормаларини инкор этган бўлсалар-да, шунга қарамай, асосан эски тамойилга амал килишда давом этдилар, шу фарқ биланки, билишда мувозанат марказини уларнинг рухиятга хос шакллари (эмпириокритицизм, психоанализ)дан мантикий позитивизм шаклларига кўчирдилар. Бу масалани муфассалроқ кўриб чиқамиз.

Позитивизмнинг янги шакли бўлган неопозитивизм ҳозирги замон фани илгари сурган долзарб фалсафий муаммоларни, чунончи, илмий тафаккурнинг белгили-рамзий воситаларининг роли ҳақидаги муаммоларни таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топишга даъвогар оқим сифатида вужудга келди. Неопозитивизм умуман олганда илк позитивизмнинг асосий тамойилларига қўшилар, дунёни назарий билишда фалсафа имкониятларини инкор киласи ва фалсафани фанга қарши кўйишда давом этар эди.

Позитивизмнинг тадрижий ривожланишида ўзига хос босқич бўлган неопозитивизм фалсафанинг вазифалари илмий билимларни умумлаштириш ёки тизимга солишдан эмас, балки илмий билимнинг тил шаклларини таҳлил қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Юкорида кайд этиб ўтганимиздек, XX асрнинг иккинчи ярмида фан тараққиётида содир бўлган катта силжиш фан фалсафаси ва унинг фалсафий негизи – позитивизм ва неопозитивизмда ҳам ўзига хос олға силжиш рўй беришини белгилаб берди. Шу даврда янги фалсафий гоялар вужудга келди, уларнинг аксариятига ноклассик физика ва бошқа табиий ва ижтимоий фанларнинг ривожланиши туртки берди. Улар мантикий позитивизмнинг эпистемологик таҳлили предметига айланди. XX аср фалсафаси ва фанидаги ўзгаришларни акс эттирган фалсафий оқимлар, йўналишлар ва мактабларга Вебер¹ фан фалсафасини, экзистенциализм ва «Танқидий назария» (Маркузе) фалсафий мактабларини, «Вена тўгараги»² ва б.ни киритиш мумкин.

Мантикий позитивизмнинг шаклланиши ва ривожланишида жиддий из қолдирган «Вена тўгараги» фаолиятига тўхталиб ўтамиз. Ўтган асрнинг 20–30 йилларида Вена шахрида яшаган файласуфларнинг бу грухига, унинг раҳбари М. Шлик (1882–1936)дан ташқари, Отто Нейрат (1882–1945), Рудольф Карнап (1891–1970), Карл Гемнель (1905–1998), Ханс Рейхенбах (1891–1953) ва б. кирав эди. Улар бир қанча

¹ Макс Вебер (1864–1920), немис файласуфи, социология классикларидан бири, ушбу фаннинг ривожланиши, унинг муаммоларини аниқлаш ва ҳал қилиш ишига катта хисса қўшган шахс.

² Вена тўгараги – 1922 йилда Вена университети индуктив фанлар фалсафаси кафедрасининг раҳбари Мориц Шлик томонидан ташкил этилган фалсафий семинар атрофида уюшган файласуф ва олимлар грухи.

қоидаларни – муайян тушунча ёки мушоҳаданинг англаб етилганлиги ҳақида күм чиқариш, уларни тажрибада тақослаш мезонларини илгари сурдилар. Агар хиссий тажрибада, эмпирияда муайян тушунча англатадиган бирон-бир обьектни кўрсатиш мумкин бўлмаса, мазкур тушунча маънога эга эмас. «Вена тўгараги» позитивистларида верификация қилиниш тамойили тушунча ёки ҳақиқий илмийликни белгилайди, эмпирик текшириш мумкин бўлган мушоҳада маънога эга хисобланади.

«Вена тўгараги» қарашларига маълум маънода машхур инглиз файласуфи, олими ва сиёсатчиси Б. Рассел¹ ҳам қўшилган. Мантикий позитивизмнинг британиялик таникли ҳимоячиларидан бири бўлган Рассел тил ва борлиқнинг қатъий ӯзаро мувофиқлиги гоясини ҳимоя қилди. Унинг фикрига кўра, формал фанлар (мантиқ, математика)да ҳамда тажрибага ва гипотетик-дедуктив методга таянадиган фанларда намоён бўлувчи фикрларгина эпистемик жиҳатдан англаб етилган хисобланади.

5.3. XX аср охири XXI аср бошларида позитивистик билимнинг ривожланиши. Постпозитивизм

Юкорида кўриб чиққанимиздек, позитивизм (неопозитивизм) ўз ривожланишида бир неча босқичдан ўтди. Эмпиризм ва феноменализм анъаналарини янги шаклларда давом эттириб, позитивизм XX аср охирида ўз қарашларини классик позитивизм каби белгили-рамзий ва тил воситаларини умумлаштириш ёки тизимга солишга ёки уларни таҳлил қилишга (неопозитивизм) эмас, балки методологик ва тарихий масалаларни бирликда кўриб чиқишга боғлади. Сўнгти қайд этилган қараш бир канча фалсафий тадқиқотларда постпозитивизм деб аталади. Унинг таникли намояндлари Т. Кун, И. Лакатос, П. Фейерабенд, К. Поппер, Г. Гадамер, К.-О. Апель ва бошқалар. хисобланади.

Фалсафа бўйича Россиялик бир дарслик² муаллифлари ҳозирги замон постпозитивизмининг куйидаги ўзига хос хусусиятларини қайд этган фикрларига қўшилиш мумкин. Булар, биринчидан, фалсафани ўзига хос тарзда ҳимоялаш, оқлаш ва унинг метафизикага қайтарилиши; иккинчидан, фанни тадқиқ қилишда бир ёндашувнинг ёки ёндашувлар мажмуи, чунончи: тарихий-илмий, методологик, мантикий ва бошка ёндашувларнинг кўлланилиши; учинчидан, илмий билимни эмпирик ва назарий қисмларга ажратмасдан, унга яхлит тузилма деб қаралиши.

¹ Берtrand Рассел (1872–1970), инглиз файласуфи ва социологи. Ҳозирги замон математик мантиги ва табиатшунослигининг ривожланишига катта хисса қўшган. ҳалкаро илмий ҳамкорлик учун фаол курашчи.

² Философия Учебное пособие для вузов Под общ. ред. В.Л. Калашникова. – М., 2001. – Тема 28, №2.

Муаллифлар постпозитивизмда тушунишнинг динамик тузилмаси яратилган тақдирдагина фанни назарий тушуниш мумкинлигини жуда тұғри кайд этадилар. Нихоят, дарслык тузувчилари антикумулятивист (кумулятивизм – билимларнинг аста-секин ва изчил үсиши жараёни) бўлган постпозитивистлар (К. Поппер, Т. Кун ва бошқ.) билиш тарихида изчиллик йўқ, илмий назарияларни эса, қоидатарни, так-кослаш ва ўлчаш мумкин эмас, улар илмий билимда парадигмалар ўзгариши тарзизда намоён бўлади, деб хисоблаганини кўрсатиб ўтадилар. Куйида келтирилган чизмада позитивизм тури шакллари ўзгаришининг тарихий кетма-кетлиги ёритилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, позитивизмнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни олдинги босқичларнинг диалектик инкор этилишидан, олий босқичларда уларнинг кисман, лекин янги сифатда кайтарилишидан иборатдир.

Буни куйидаги чизмада кўришимиз мумкин.

Мълумки, ҳар қандай фаннинг мақсади – универсал, аниқ билим олиш. Шу боис фан ҳар доим ўзини ўзидан эмас, балки ҳар хил астрологлар, парапсихологлар, «башоратчилар», экстрасенслардан ёки, олимлар таъбири билан айтганда, ишончли бўлмаган фанлардан ажратган. Уларга фарқли ўлароқ, фан ҳар доим ўз қоидаларининг ҳақиқийлиги мезонларини илгари суради ва асослайдики, бу ҳозирда верификация¹ тамойилида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Бевосита верификация, яъни фикрларни тўгридан-тўғри текшириш, кузатиш ва эксперимент натижаларини таърифлаш ва билвосита верификация – билвосита ва бевосита верификация килинувчи фикрлар ўртасидаги мантиқий алоқаларни аниқлаш фарқланади.


Айни вактда, верификациянинг гносеологик ва методологик жиҳатдан лаёқатсизлиги ҳам намоён бўлди. Бунга давримизнинг таникли файласуфларидан бири К. Поппер² эътиборни қаратди ва асосли танқид қилди. У ишлаб чиқсан демаркация методига мувофиқ, ҳақиқий илмий билим ноилмий билимдан верификация асосида эмас, балки фальсификация тамойилига кўра ажратилади, яъни ҳар қандай илмий фикр инкор этилиши (фальсификация қилиниши) мумкин.

Поппернинг фикрига кўра, эмпирик ва назарий билимлар ўзаро муштаракдир. Ҳар қандай илмий билим гипотетик хусусиятга эга ва умуман олганда, хатодан холи эмас. Шу боис илмий билимнинг үсиши дадил гипотезалар илгари сурилишига ва улар катъий инкор этилишига асосланади. Бунинг натижасида чуқур илмий муаммолар ўзечимини топади.

¹ Верификация – эмпирик текшириш асосида илмий билимнинг ҳақиқийлигини аниқлаш жараёнини ифодаловчи тушунча.

² Карл Поппер (1902–1994), XX аср машҳур файласуфи, Венада тугилган, сўнг университеттада аввал физика ва математикани, кейин фалсафани ўрганган. 1937 йилгача Венада ишлаган, Вена тўгараги мунозараларида иштирок этган, унинг дастуриламал қоидаларини танқид қилган. Сўнгра Янги Зеландияга кўчуб кетган ва бу ерда уруш илларида «Очик жамият ва унинг душманлари» номли машҳур китобини ёзган.

11-ЧИЗМА



Поппернинг ривожланаётган билим образини Т.Кун¹ ўзининг «Илмий инқилоблар структураси» асарида ёркин қайд этди ва ишлаб чиқди. Бу асар XX аср охирида энг машхур фалсафий асарлар каторидан ўрин олди.

Т.Кун таклиф қилган фаннинг тарихий эволюцияси модели неопозитивистларнинг антиисторизмига ва критик реалистлар (Поппер ва бошк.)га қарши қаратилган. Ушбу таълимот замирида парадигма тушунчаси ётади. Бу тушунчани Кун таклифларнинг муайян кенг мажмууга янги илмий гипотеза киритилган пайтни қайд этиш учун киритади. Бошкача килиб айтганда, илмийлик ва ноилмийлик ўтрасидаги чегара навбатдаги парадигма қарор топиши билан ҳар сафар қайта ўрнатилади.

Т.Кун концепциясида «парадигма» (қад. юонон. – намуна) деб, «илмий ҳамжамият»нинг барча аъзолари томонидан қўлланма сифатида эътироф этилган ва қабул қилинган асосий назарий қарашлар, тадқиқотларни амалга оширишнинг классик намуналари, методологик воситалар мажмууга айтилади. Бу тушунчаларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас бөлгли; илмий ҳамжамият муайян илмий парадигмани эътироф этувчи ва фан билан шуғулланувчи ҳамфирк кишилардан ташкил топади.

Етук фанлар – физика, химия, биологияда уларнинг барқарор, нормал ривожланиши даврида факат битта парадигма бўлиши мумкин. Физикада бунга Ньютон парадигмаси мисол бўлади. Маълумки, олимлар XVII аср охиридан то XIX аср охиригача ана шу парадигма тилида сўзлашган эди. Шу боис аксарият олимлар ўз фанининг фундаментал масалалари ҳакида фикр юритишдан озод бўлганлар: бу масалаларни парадигма «ҳал қилган». Уларнинг асосий эътибори унча катта бўлмаган муайян муаммоларни, Кун таъбири билан айтганда – «бошқотирмалар»ни ҳал килишга қаратилган. Нима учун? Шунинг учунки, қабул қилинган парадигма замирида жуда кўп муаммоларни ҳал килишга муваффақ бўлинган. Парадигма муайян муаммо ечими-нинг умумий тасвирини беради, олимдан энг мухим ва оғир, лекин маълум ҳолларда ўз маҳорати ва ижодий ёндаша олиш қобилиятини намойиш этиш талаб этилади. Аммо мукаммал фан ва унинг концепцияси узун боскичлари қиска, драматизмга тўла илмий инқилоб боскичлари – парадигмалар ўзгариши даврлари билан узилиб туради.

Олимлар ҳал қила олмаган муаммолар пайдо бўлмагунича Кун концепциясига доимо амал қилинди. Дастрлаб бу унча жиддий ташвиш ўйғотмади. Олимлар аникланган аномалияларнинг ҳал қилинишини келажакка қолдирадилар, уларнинг ечимини топиш учун ўз методика-

¹ Томас Кун (1922-1996), америкалик фан тарихчиси ва файласуфи. Дастрлаб Кун Гарвард университетида назарий физикани ўрганди, аммо кейинчалик фан тарихи билан шуғуллана бошлади. Биринчи китоби (1957 йил) фанда Коперник ва унинг издошлари ясаган инқилобга бағишланади. 1962 йилда чоп этилган «Илмий инқилоблар структураси» китоби бестселлерлар каторидан ўрин олган, жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этилган.

ларини такомиллаштиришга умид қилдилар. Аммо аномалиялар сони ҳаддан ташкари күпайиб кетса, олимлар, айникса, фикр тарзи парадигма билан узил-кесил болгланмаган ёш олимлар эски парадигмага ишончни йўқота бошлайдилар ва янги парадигма топишга ҳаракат киладилар.

Фанда инкиroz, қизгин мунозаралар, фундаментал муаммоларни муҳокама қилиш даври бошланади. Илмий ҳамжамият кўпинча гурухларга ажралади: эски парадигмани саклаб қолишга ҳаракат қилувчи консерваторлар новаторларга қарши турадилар.

Шу даврда кўпигина олимлар дормалардан воз кечадилар. Улар янги, ҳатто норасо ғояларга ҳам жуда чанқоқ бўладилар. Улар астасекин янги парадигмага айланиши мумкин бўлган гипотезалар ва назарияларни илгари сурувчиларга ишонч билдириш ва уларга эргашишга тайёрдирлар.

К.Поппернинг издоши – И. Лакатос¹ парадигмалар ўзгариши концепциясини жуда чукур ва изчил танқид қилди. У фан фалсафасининг энг яхши моделларидан бири – илмий тадқикот дастурлари методологиясини ишлаб чиқди.

К.Поппернинг илмий билимнинг ривожланиш қонуниятлари ва методологик фальсификационизм ҳақидаги ғояларини ривожлантириб, Лакатос фан ривожланишининг универсал мантикий-норматив реконструкциясини – илмий тадқикот дастурлари методологиясини ишлаб чиқди. Ушбу методология «етук» фаннинг ривожланишига узлуксиз боғлиқ назарияларнинг алмасиши деб қарайди. Сўнгги қайд этилган назариялар тадқикот дастурларининг норматив қоидалари билан боғлиқ бўлиб, улар келгусида тадқик қилишнинг энг истиқболли йўлларини («ижобий эвристика») ва четлаб ўтилиши лозим бўлган йўлларни («салбий эвристика») белгилайди.

Салбий эвристика ёрдамчи гипотезалар мажмуи бўлиб, улар эвристиканинг ўзагини фальсификациядан, инкор этувчи фактлардан саклайди. Бу танқидий далиллар оловини ўзига оладиган дастурнинг «химоя камари»дир.

Ижобий эвристика олимлар ҳал қилишлари лозим бўлган энг муҳим муаммолар ва вазифаларни танлаш стратегиясидан ташкил топади. Унинг мавжудлиги муайян вақт мобайнида танқид ва аномалияларга зътибор бермаслик, изчил тадқикотлар билан шугулланиш имконини беради. Бундай стратегияга эга олимлар тушунарсиз, дастурни инкор этувчи фактларнинг тагига ҳали етишларини, уларнинг мавжудлиги дастурдан воз кечиш учун асос бўла олмаслигини қайд этишга ҳақлидирлар.

¹ Имре Лакатос (1922–1974), англиялик фан тарихчиси. Венгрияда тугилган, математиканинг фалсафий масалалари бўйича диссертациясини Москва университетида тайёрлаган. Унинг фикрлари билан муфассалроқ танишиш учун қаранг: «Доказательства и опровержения» (М., 1967), «Фальсификация и методология научно-методологических программ» (М., 1995)

XIX аср охирида позитивизмда намоён булган яна бир таълимот фан фалсафасининг ривожланишига таъсир кўрсатди. Бу сциентизм ва у билан деярли бир вақтда вужудга келган унга қарама-қарши йўналиш – антисциентизмдир.

«Вена мактаби» позитивистлари ўз ҳақлигини исботлаш учун сциентизмдан кенг фойдаландилар. Улар бу таълимотни «соғ ва катта фан» мағкураси деб эътироф этдилар. Фан-техника тараққиёти ютукларини ижобий қабул қиливчи, фан ва техника ютуклари инсониятнинг барча муҳим муаммоларини ҳам қилишга кодир деб ҳисобловчи олимлар ҳам ана шу таълимот тарафдорларидир.

Антисциентизм бунга тескари қарашларни илгари суради, фан имкониятлари чекланганини қайд этади, баъзан уни инсон ва унинг моҳиятига ёт куч деб талкин қилади.

Сциентизм ва антисциентизм, фан моҳияти талқинининг икки қарама-қарши кутби сифатида, бугунги кунда ҳам нафақат илмий, балки оддий онг соҳасини ҳам тўла қамраб олади, маданий ва ижтиёмий танлашнинг абадий муаммоси ҳисобланади ва ҳозирги давр тараққиётининг зиддиятли хусусиятини акс эттиради.

Фалсафадаги яна бир оқим – герменевтикані XX асрнинг охирги чорагида кенг тарқалган замонавий шаклида қисқача кўриб чикмасак, фан фалсафаси ва унинг доимий ҳамроҳи – позитивизм таҳлили тўлиқ бўлмайди деб ўйлаймиз.

Универсалликка ҳамда мавжуд бошқа гарб фалсафий мактабларини ўзига бўйсундиришга даъвогар бўлган герменевтика, хусусан ўз асосчиларидан бири Гадамер таълимотида герменевтика нафақат онтологик фалсафий таълимотга, балки умумий методологияга айланади, деган фикрни асослашга ҳаракат қиласади. «Герменевтика гуманитар фанларнинг методологик негизигина эмас, балки фалсафанинг универсал жиҳатидир»¹, деб қайд этади Гадамер.

Давримизнинг яна бир герменевтиги К. О. Апель бўлиб, у фан ва илмий билимнинг ҳозирги ривожланиш шарти сифатида герменевтикани психоанализ ва позитивизм билан бирлаштиришга ҳаракат қиласади.

5.4. Фан фалсафаси ва ҳозирги замон

Фан фалсафаси – дунёни илмий-фалсафий жиҳатдан англаб этишининг янги замонавий тармоғи; у ҳозирги замон фани эпистемологик ва мантикий муаммоларининг улкан салоҳиятини ўзида мужассамлаштирган. Фан фалсафаси фаншунослик ва фан тарихи билан чамбарчас бөглиқ. Фан фалсафаси – фалсафада нисбатан янги йўналиш. У юқорида қайд этиб ўтганимиздек, XIX асрнинг 40-йилларида позитивистик фалсафа биринчи тулқини замирида вужудга келди ва

¹ Гадамер Г. Истина и метод. – М., 1989. с. 433.

ХХ аср ўрталарида ўзининг етуклик босқичига қўтарилиди, мустакил илмий назария ва таълим тармогига айланди.

Цивилизациянинг хозирги, учинчи тўлқинида фан ижтимоий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айланган бир шароитда, фан фалсафаси ва методологиясининг аҳамияти ҳам шунга мутаносиб равишда ошди; фан фалсафаси ва методологиясининг муайян табиий ва ижтимоий фанлар билан алоқаларини муфассал таҳлил қилишнинг аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Фан фалсафаси фан ва фаншуносликнинг ижтимоий-тарихий, ижтимоий-маданий, гносеологик, мантикий-методологик ва бошқа жиҳатлари бирлигини муфассал ёритиш ва таҳлил қилиш имконини беради; у фаншуносликнинг тузилиши ва мураккаблашиб бораётган вазифа-ларини тушуниб этиш, бутун илмий билишнинг ривожланиш истиқболлари ва йўлларини башорат қилишга кўмаклашади.

Фан фалсафаси – ижтимоий-маданий омил. Уни ҳаракатлантирувчи кучлар, илмий қашфиётлар қизиқтиради, у дунёни оқилона талқин қилиш чегараларини кенгайтиради, илмий изланиш методларининг ривожланиш динамикасини, эпистемологик қоидаларнинг теранлигини оширади.

У фан ривожланиши ва фаолиятининг умумий қонуниятларини ўрганмоқда, фаннинг аҳамияти муттасил ошишига, ижтимоий-маданий тараққиётда илмий билимлар сони изчил кўпайиб боришига йўналтирилган тавсиялар ва методологик кўрсатмалар ишлаб чиқмоқда.

Хозирги замон фан фалсафаси фундаментал фанлар, ~~хозирги~~ замон табиатшунослиги ва гуманитар, ижтимоий фанлар ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини бажармоқда. У исталган фанни фалсафий таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантиради, фанга қизиқиши кучайтиради, илмий салоҳият ижтимоий аҳамиятининг ошишига имконият яратади. Туб ўзгаришларнинг амалга оширилиши, фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш негизида жамиятнинг ислоҳ этилиши шароитларида, муайян бир мағкура мутлақлаштирилишидан воз кечилган шароитларда фалсафий маданиятни ва илмий ижод методологиясини ўзлаштириш муаммоси мухим аҳамият касб этади.

Маълумки, илмий билимнинг ривожланиши тарихий босқич таъблари, инсоният тараққиётининг муайян шартлари билан белгиланади. Бир тарихий босқичдаги билимлар бошқа тарихий босқичлардаги билимлардан жиддий фарқ қиласи. Бу фаннинг концептуал асосида ҳам, далиллашда ҳам, билиш методологияси, тадқиқ қилишнинг муайян усуслари, методлари ва шаклларида ҳам ўз ифодасини топади. Буларнинг барчаси кишилик тараққиётининг ҳар бир босқичида фаннинг ўзига хос хусусиятлари ва даражасини белгилайди. Илмий билимнинг тараққиёти ижтимоий-маданий йўсингидаги муайян тарихий шарт-шароитлар билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан илмий анъаналар илмий тараққиётнинг ҳар бир босқичида ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шу боис фаннинг ривожланиш қонуниятларини ўрганишда гарб фан тарихчилари ва

файласуфлари фан тараққиётини белгиловчи омилларни таҳлил ки-лишга алоҳида эътибор берадилар. Маълумки, бу масала юзасидан файласуфлар орасида яқдиллик мавжуд эмас. Фан фалсафаси ривож-ланишининг турли концепциялари орасида илмий билим ривожла-нишининг ички ва ташқи омиллари нисбати ҳақидаги масала алоҳида ўрин тутади. XX аср ўрталаригача гарб эпистемологлари илмий йўналишларга, фандаги мактабларга фақат табиий илмий хусусиятга эга бўлган фундаментал билимларни киритар эдилар, гуманитар, ижтимоий фанлар мажмуи фандан умуман чиқарилган эди, бинобарин, ижтимоий-маданий омиллар илмий билимларнинг ўсишини белгила-масди.

Хозирда фан тараққиётида ички илмий ва ижтимоий-маданий омилларнинг ўзаро нисбати муаммоси мутлақо ўзгарган. XX асрнинг 60-йилларигача позитивистик қарашларда турган файласуфлар ора-сида етарли даражада яқдиллик мавжуд эмас эди. Уларнинг аксарияти фан тараққиётида ижтимоий-маданий омилларнинг аҳамиятини инкор этарди. Аммо, фан тараққиётининг умумий қонуниятларини ўрганиш фан ривожланишида, ички, кумулятив, илмий омиллар билан бир каторда, фанга нисбатан ташқи хусусиятга эга бўлган ижтимоий-маданий омиллар ҳам муҳим рол ўйнашига ишонч ҳосил қилиш имконини беради. Бинобарин, нафақат фундаментал фанлар, балки гуманитар, ижтимоий фанлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зотан, улар ҳам аниқ фанлар тоифасига киради.

Томас Кун парадигмалар ва янги билимнинг ўсишида ўзгаришида ижтимоий-маданий омил тобора муҳим аҳамият касб этиб боради, деб таъкидлаган эди. Т.Кундан фарқли ўлароқ, Имре Лакатос, фан тарақ-қиётиning ички ва ташқи омилларини эътироф этган холда, уларнинг бирлиги, алоқасини кўрмайди ва фан тарихини ички ва ташқига ажратади. Унинг фикрига кўра, «ички ва ташқи тарих фанда содир бўлаётган ўзгаришларнинг шундай бир инъикосики, унда уларнинг ҳар бири қабул қилинган методология доирасида оқилона тушунтирилиши мумкин. Ташки тарих ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Асосий тушунчалар

Верификациация – илмий фикрларнинг ҳақиқийлигини тажрибада аниклаш жараёнини ифодаловчи фалсафий концепция.

Герменевтика – назария ва амалиётни, талқин қилиш ва тушу-нишни тадқик қилувчи фалсафадаги ўналиш.

Демаркация – илмий ва ноилмий билимларни ажратиш фалсафий тамойили.

Яхлитлик парадигмаси – муаммони ҳал қилиш намунаси сифатида қабул қилинган масалани қўйиш фалсафий назарияси ёки модели.

Фальсификация қилиниш – илмий ва ноилмий билимларни ажратиш (демаркация) тамойилини ифодаловчи концепция.

Фан фалсафаси – илмий билимнинг тузилиши ва ривожланишини тадқиқ килувчи фалсафий оқим.

Саволлар

1. Фан фалсафаси қачон ва нима учун вужудга келган?
2. Фан фалсафаси ва позитивизмнинг бирлиги ва фарки нимада?
3. Позитивизм ўз тарихий тараккиётida қанча ва қайси босқичларни босиб ўтди?
4. Илмий билишдаги верификация ва фальсификация тамойилларининг фарқларини кўрсатиб беринг.
5. Ҳозирги замон фани қайси негизда ривожланмоқда?

Адабиётлар

- Бекон Ф.* Новый органон. – М., 1935.
- Губин В.Д.* Философия: Учебник. – М., 2001.
- Егоров В.С.* Философия открытого мира. – Москва Воронеж, 2002.
- Канке В.А.* Философия: Учебник. – М., 2004.
- Кохановский В.П.* Философия и методология науки. – М., 1999.
- Никифоров А.Л.* Философия науки: история и методология. – М.. 1998.
- Поппер К.* Логика и рост научного знания. – М., 1983.
- Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У.* Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.
- Современная философия науки: знание, реальность, ценности в трудах мыслителей Запада. Хрестоматия. – М., 1996.
- Шермуҳамидова Н.* Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.
- Яскевич Я.С.* Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.

6-мавзу. ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

6.1. Табиат ҳақидаги таълимот шаклланишининг фалсафий асослари

Олдинги мавзуда фан фалсафасининг моҳияти ва вазифасини ёритишда биз унинг дунёнинг жуда кўп, шу жумладан, «бокий» саволлари, чунончи: «Дунё нима? У қандай? Инсон ким? Унинг табиат оламида ва одамлар оламида тутган ўрни қандай?», деган саволларга муттасил жавоб қидиришга йўналтирилган бир хусусиятини қайд этиб ўтдик. Аристотелнинг жонли ибораси билан айтганда, фалсафа инсонда ҳайратланиш қобилиятини шакллантирган.

Билиш жараёнида инсонда ўзига хос дунёқарашга муносабатини шакллантириб боради. Бу дунёқарашда дунё, табиат, олам мукаммал, тугал деб ҳисобланмайди, у бир қанча босқичлардан ўтиб, ўз тараққиётида афсоналардан дин орқали фалсафа сари юксалади.

Мифологик дунёқарашда инсон ҳали ўзини табиатдан ажратмайди, уни инсонийлаштиради, ўзини эса унинг ажралмас қисми деб ҳисоблайди. Файритабии нарсаларга ишончга асосланадиган диний дунёқараш дунё, табиат, инсонни Худо яратган, улар абадий, ўзгармас деб ҳисоблайди ва дунёни идрок этишнинг образли-эмоционал ва хиссий-кўргазмали шаклига таянади.

Фалсафий дунёқарашда бутунлай бошқача манзарага дуч келамиз. Дунёнинг фалсафий манзарасига назар ташлар эканмиз, биз фалсафий қарашлар албаттга ўз давомида янада аниқлаша бериши, бир қарашлардан бошқа қарашларга ўтилишининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда биз ҳозирги замон фани маълумотларига таянган ҳолда, ўзимиз яшаётган Олам тахминан 13–15 млрд. йил мукаддам катта портлаш натижасида вужудга келганини биламиз. Ана шу портлаш натижасида у шитоб билан кенгая бошлади, унинг замирида Галактикалар ва юлдузлар олами, сайёralар ва кометалар, бир сўз билан айтганда, фазо ва вакт чексиз ҳозирги ранг-баранг дунё вужудга келди.

Аммо ушбу мавзунинг мақсади давримизнинг қизиқарли космик муаммоларини ёритиш эмас, балки табиат, унинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги қарашларнинг генезисини фалсафий англаб етишдир.

Олий ўкув юртларида ўқитиладиган фалсафа курсидан маълумки, борлик, унинг асосий тамойиллари ҳақида **онтология**, борлиқнинг билишнинг фундаментал шакллари ҳақида эса **гносеология** ва **эпистемология** таълим беради. Шу нуткаи назардан, илгари олинган билимлардан фойдаланиб, табиат ҳақидаги фалсафий билимларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг баъзи бир масалаларини англаб етиши-

миз, уларнинг асосий босқичлари – натурфалсафа ва табиатшуносликин ажратишимииз керак бўлади.

Натурфалсафа бу фалсафани предметини ўрганиш хукуқига эга бўлса табиатшунослик эса – фанни ўрганади деб хисоблаш қабул қилингани учун бу ерда ушбу масалага қисқача изоҳ бериб ўтиш керак.

Маълумки, умуман фан, айниқса, табиат ҳақидаги фан (табиатшунослик) билимнинг мустақил тармоғи сифатида Янги даврда (XVI–XVII асрларда) расмийлашди ва ижтимоий институт мақомини олди. Бундан олдинги даврга келсак, тарихнинг барча олдинги босқичлари давомида табиат ҳақидаги фалсафий ва илмий билимлар ўзаро кесишиган, бир-бирини тўлдирган ва бир-бири тақозо этган.

Масаланинг шу томонини ёритишида бир жиҳатга эътибор бериш керак. Билимнинг шу икки шаклларининг ўзаро алоқаси улар мутлақо тенг деган маънони англатмайди. Қадимда ҳам, ўрга асрларда ҳам, ҳатто Уйғониш даврида ҳам фалсафа (агар у дин тазики остида бўлмаса) барча фанлар ҳақидаги фан деб тушунилган. Фаннинг жуда кўп тамойиллари ва қоидалари – асослилик, тизимлилик, изчилилик, текширилганлик, диалектиклик дастлаб фалсафада ишлаб чиқилган, унинг тизимида илмий қарашлар ва тамойиллар вужудга келган.

Шу нуқтаи назардан В.Канкенинг фалсафа ҳозирда ҳам, ҳудди ўтмишдагидек, асосли, тизимли ва тажрибада кўриладиган, бинобарин, фалсафий билим, илмий йўналишга эга бўлгани ҳолда, фаннинг ўрнини босмайди, балки уни тушунишга йўналтирилган **метафан** сифатида амал килади¹, деган фикрига қўшилиш керак.

Бизнинг мавзуумизга айнан фалсафа ва фаннинг ўзаро боғликларини тушуниш табиатшунослик фанлари фалсафий масалаларини ҳал қилишда, фалсафани бошқа фанлар билан тенглаштириб бўлмаслиги билан бирга улар бир-биридан ажратиб бўлмаслигини тушунишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, табиат кенг маънода бутун дунёни унинг муайян қўришишларининг чексиз ранг-баранглиги тарзида ифодалайди. Бу тушунча мазмунан борлик, объектив борлик, универсум, Олам каби илмий ва фалсафий категориялар билан мос келади. Бу дунёга қадимдаёқ ўша давр мутафаккирлари алоҳида эътибор берганлар. Шу тарика табиат талқинининг фалсафий концепцияси – натурфалсафа вужудга келган. Қадимги натурфайлласуфлар табиат гоясини шакллантириб, дунёга, табиатга табиий жараёнлар мажмуи деб қарашга ҳаракат қилганлар, ушбу тушунишни (айниқса, натурфалсафа шаклланишининг дастлабки босқичида) фантастик қарашлар билан аралаштирганлар.

Ҳар қандай объектив билим жараёни сингари, натурфалсафа ҳам ўз ривожланишида муайян босқичлардан ўтган, қўйидан юкорига қараб юксалган. Шу нуқтаи назардан Т.Лешкевич илгари сурган фалсафанинг шаклланиш жараёни мифологик онг инқизози билан чам-

¹ Канке В.А. Философия. Учебник.– М., 2004.

барчас боғлиқ деган фикр дикқатга сазовордир. Фалсафанинг дунё-қараш тарзида вужудга келиши фақат мифологик дунёқарашнинг таназзули билан эмас, балки бошқа жуда кўп сабаблар билан ҳам боғлиқ эканини қайд этган ҳолда, натурфалсафанинг шаклланишига ундан олдинги теогония босқичи, яъни дунёнинг космогоник манзрасига асосланган босқич турткি берган¹, деган фикрга қўшилиш мумкин. Бунга яна шуни қўшимча килиш мумкинки, теогония илк натурфайлусуфлардан бошлаб то Шарқ ва Farb Уйғониш даври буюк олимларигача фалсафий дунёқараш негизи – космоцентризм гоясини ишлаб чиқишлирга муайян даражада замин ҳозирлади.

Илк натурфалсафий қарашларга биз милоддан аввалги II мингийллик охири – I мингийллик бошларидағи қадимги ҳинд афсоналари – Ведалар ва Упанишадаларда дуч келамиз. Уларда Олам образи Пуруши исмли паҳлавон образида намоён бўлиб, барча жонли ва жонсиз нарсаларни яратувчи коинотнинг ўзига хос модели мужассамлашган.

Қадимги Хитой фалсафий тафаккури ўша даврда аниқ йўналтирилган ва асосланган табиат ҳақидаги таълимотга эга бўлмаса-да, дунё барча элементлари ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирини тақозо этадиган ягона организм, деган қарашдан келиб чиқарди.

Аммо табиатнинг энг мавхум талқинига биз антик фалсафада дуч келамиз. Шу ерда, Қадимги Юнонистонда у фалсафанинг ilk тарихий шакли сифатида амал килди. Унда фақат табиат фалсафаси ёки натурфалсафа эмас, балки ундан бевосита келиб чиқадиган онтология ва космология, гносеология ва антропология, диалектика ва метафизика, материализм ва идеализм – хуллас, дунёқарашларнинг барча кейинги типлари ва шакллари кенг асослаб берилди.

Фалсафа тарихида, натурфалсафанинг ривожланишида антик давр асосан табиат ҳақидаги фалсафий-илмий билимларнинг ўсиб бориш даражасини тавсифловчи уч босқичдан ўтади: натурфалсафа босқичи ёки «фисиологик» босқич (мил. ав. VII–V асрлар), пифагорчилар босқичи (мил. ав. V–IV асрлар) ва аристотелчилар босқичи (мил. ав. IV–III асрлар).

Илк юонон натурфайлусуфлари ёки «фисиологлар» (Милет мактаби: Фалес, Анаксимандр ва Анаксимен, шунингдек эфеслик Гераклит) ўз таълимотларини борликнинг ilk асоси, унинг биринчи сабаби аникланиши билан асосладилар.

Фалес (мил. ав. 624–546 йиллар) Оламнинг негизи (илк асоси) – «субстанция» тушунчасини биринчилардан бўлиб ишлаб чиқди ва ушбу ilk асос (фалесча – сув) бир ҳолатдан бошқа ҳолатга қандай килиб ўтади, деган саволга билвосита жавоб берди.

Унинг шогирдлари Анаксимандр (мил. ав. 610–546 йиллар) ва Анаксимен (мил. ав. 585–525 йиллар) Оламнинг ривожланиши ҳақидаги ўз қарашларини ишлаб чиқишида ноаник зарра – апейрон (Анак-

¹ Лешкевич Т.Ч. Философия. Учебное пособие. – М., 2004. с. 11.

симандр) ёки ҳаво (Анаксимен)ни Оламнинг илк асоси деб эътироф этишдан келиб чиқдила.

Агар юқорида қайд этилган файласуфларни шартли равишда натурфайласуфларнинг биринчи авлодига киритиш мумкин бўлса, иккинчи авлод (Гераклит, Парменид) дунёнинг биринчи асоси ва унинг ўзгариши ҳақидаги таълимотни янада ривожлантириди. Гераклит (мил. ав. 535–475 йиллар) ҳамма нарса муттасил ўзгаришда ва ҳаракатда бўлади, олов (ўчмас аланга) эса унинг биринчи асоси хисобланади, деган фикрни илгари сурди.

Натурфайласуфларнинг учинчи авлоди (Зенон, Анаксагор, Демокрит) табиат ва унинг биринчи асоси тушунчасига бир оз бошқача ёндашдилар. Зенон (мил. ав. 490–430 йиллар) рақиб далилларини унинг фикридаги қарама-қаршиликларни аниқлаш йўли билан инкор этиш методи – диалектикани биринчи бўлиб «кашф» этди.

Демокрит (мил. ав. 450–370 йиллар) нафакат фалсафа, балки фан тараққиётida ҳам ўчмас из қолдирди. Унинг дунё атомлардан тузилгани ҳақидаги таълимоти ҳозирги замон физикасининг вужудга келиши ва ривожланишига катта хисса кўшди.

Нихоят, буюк математик ва файласуф Пифагор (мил. ав. 576–496 йиллар) томонидан асос солинган пифагорчилик қадимги юонон натурфалсафаси тараққиётининг биринчи (Демократ ва бошк.) ва учинчи (Аристотель) босқичлари ўртасида ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилди. Пифагорчилар дунёнинг ривожланиши жумбогига жавобни математика ёрдамида топиш мумкин деган фикрни илгари сурдилар. Ушбу таълимот натурфалсафанинг ривожланишида маълум даражада янги босқич ясади.

Шу давр натурфалсафасининг ривожланишида эллинлар, атомистлар ва софистлар ҳам катта рол ўйнади. Элеатлар (Ксенофан, Парменид, Зенон) борликнинг субстанциал негизи масаласига алоҳида эътибор бердилар, софистлар (Протагор, Горгий, Антифонт) ҳамма нарсалар ва ҳодисалар ўзаро боғлиқ деган гояни илгари сурувчи фалсафий релятивизмга асос солдилар. Протагорнинг релятивизм негизини тавсифловчи: «Инсон ҳамма нарсалар мезонидир», деган фикри кенг машхур.

Учинчи босқич – классик фалсафа асосчиси Аристотель (мил. ав. 384–322 йиллар) бўлиб, унинг фалсафаси «физика», яъни табиат ҳақидаги фан деб номланар эди. Аристотелнинг шу даврдаги асарлари («биринчи» фалсафа) табиат фалсафаси (физика) ҳақидаги асарлардан кейин ўрин олгани учун у метафизика, яъни физикадан кейинги (табиат ҳақидаги таълимот) деган ном олди.

Натурфалсафа ёки табиат фалсафаси Аристотелда ҳажм жиҳатидан ҳам, муфассал ишлаб чиқилганлик жиҳатидан ҳам пешқадамлик қиласди. Абстракт «табиат тамойиллари», ҳаракат назарияси, космология ҳақидаги таълимотнинг ривожлантирилиши, биологияга оид асарлар шулар жумласидан. Аристотель натурфалсафасининг асосий тамойиллари – булар, биринчидан, финитизм – чексиз катталик – Олам

Мавжудларни исботлаш мумкун эмаслиги – шундан унинг чекланғанлыги; иккинчидан, телевоглинизм («Худо ва табиат хеч бир иши бехуда кильмайди»); учинчидан, табиат зинапояси концепциясининг ишлаб чилиши; никоит, түртнинчидан ва энг муҳими антик материяллистлар томонидан Оламмин яратилмагандиги ва йўқотиб бўймаслиги хакидаги табимотнинг ишлаб чилиши.

«Табиат харакатининг муайян асоси ва сабабидир... Хар нарсанинг вужудга келиши замонида Материя ётади»,¹ деб кайд этади Аристотель.

Аристотелдан кейин табиий илмий карашларнинг ривожланишига илк ўрга асрлар Шарк олимлари ва муғафаккирлари улкан хисса кўшишилар. Бу хакда биз юкорида муфассал тўхталиб ўздилик.

Кейинчалик, ўрга асрларда, натурфалсафани теология сикиб чиқарди. Теологияда диний мутавассиблик дунёга муносабатнинг ўзига хос хусусиятига. Худо гояси мутлак неъмат, мутлак ҳакикат, соғ мутлак борлик ғоясига айланади.

Шу даврда натурфалсафа илоҳий тълимотларга ўрин бўшата бошлади. Улар орасида патристика (Августин, Тертулиан) ва сколастика (Абелляр, Фома Аквинский) алоҳида ўрин эгаллайди.

Натурфалсафа янгича кўринишда XV–XVI асрларда тикланди. Ушбу давр Европада Ренессанс даври, антик Маданият, фалсафа ва табиатшуносликкин тикланиш даври бўлди.

Асосан антропоцентрик хусусиятга эта бўлган ушбу давр фалсафаси ўз натурфалсафий карашларнида табиатшуносликка таянди ва пантензим унсуруларини ўз ичига олди.

Худо ва табиатни карама-карши кўювчи христианча карашларга зид ўларок, Ўйониш даври файласуфлари табиат ва Худони бир деб хисоблар (пантензим) ёки гипозоизм – нафакат жонли, балки жонсиз табиат предметлари хам жонга эта экани хакидаги тълимот нуткан назаридан фикр юритардилар.

Янги даврда табиат хакида шундай карашлар шаклландиди, уларда инсон табиат ресурсларини ўзлаштириши ва уларни ўз манбағатлари тўла бўйсундирдиши Максадида табиатни муфассал илмий таҳлил килиш керак, деган тоя илгари суриди.

XX асрда оддинги карашларга табиат мөхиятини тушиуниша нисбатан мутлако янгича ёндашувлар (ноосфера ҳакидаги тълимот, табиатта инсон муносабатининг ҳозирги замон диалогик модели шаклланишида илк қадамлар, ҳозирги замон фанининг интегратив-синергетик тенденциялари ва башк.) кўшилганга карамай, табиатга салбий муносабатнинг давом этиши инсоннини мукаррар тарзда дунё миқёсидаги муаммоларга рўпара кильди. Ушбу муаммолар орасида экология муаммоси биринчи ўрлига чиди.

12-чизма

Табиат ҳақидаги фалсафий таълимот шаклланишиниг асосий босқичлари

Антик фалсафа (мил. ав. VIII аср – милодий V аср) – космоцентризм. Билиш шакли – натурфалсафа. Асосий вакиллари: Фалес (625–547), Гераклит (535–475), Демокрит (460–360), Пифагор (576–496), Аристотель (384–322), Платон (427–347), Лукреций Кар (мил. ав. 99 – милодий 55 йиллар)

Ғарб фалсафаси (илоҳиёт). Асосий вакиллари: Авлиё Августин (354–430), Фома Аквинский (1225–1274)

Ўрга асрлар фалсафаси (V–XV асрлар), теоцентризм. Билиш шакли – илоҳиёт (ғарбда)

Шарк фалсафаси. Асосий вакиллари: Ал-Киндий (800–879), Форобий (870–950), Ал-Хоразмий (Абу Абдуллоҳ), Ибн Сино (980–1037), Ибн Рушд (1126–1198)

¹ Тарабов П.С. 150 мудронов и философов. Т. 1. Симферополь – Запорожье, 2000. с. 246.

Кўриб турганимиздек, даставвал табиатнинг мавҳум талкини (натурфалсафа) тарзида амал қилган табиатнинг фалсафий масалалари кейинчалик табиат ҳақидаги фанлар тизимиға (табиатшуносликка) айланди. Унда «табиат» тушунчасига уч хил маънода қаралади:

— бутун борликни ўзида мужассамлаштирган, ўзининг ранг-баранг шаклларида яхлит ривожланувчи система тарзида намоён бўлувчи Универсум (Оlam) сифатида;

— инсон яшайдиган табиий муҳит, инсон ҳаётининг табиий шароитлари (жуғрофий муҳит, биосфера, гидросфера ва бошк.) мазжмуи сифатида;

— инсон яшайдиган сунъий муҳит, яъни инсон яратган ўз ҳаётиниг реал шароитлари сифатида. Бу «иккинчи табиат» — табиатда тайёр кўринишда мавжуд бўлган ва ижтимоий ишлаб чиқариш жарайнида артефактларга айлантириладиган нарсалар мажмуидир.

6.2. Фаннинг вужудга келиши. Илмий инқилоблар

Уйғониш даврида табиий фанларнинг вужудга келиши антик ва ўрта аср фалсафаси табиий илмий тушунчаларининг ва шу давргача ўзлаштирилган илмий-техник билимларнинг ривожланишини ўз ичига олган узок муддатли жараён натижаси бўлди.

Астрономияда геоцентрик системадан (К.Птолемей) гелиоцентрик системага ўтилиши табиий фанларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Янги системага польшалик буюк астроном ва мутафаккир Н.Коперник асос солди. Илмий нуқтаи назардан гелиоцентризмнинг афзаллиги яққол намоён бўлди: астрономия ва умуман фан тарихида Олам ва унда инсоннинг ўрни ҳақидаги диний-теологик қарашларга қақшатқич зарба берилди. Бу табиий илмий билишнинг гносеологик негизида бурилиш ясади.

Табиий фанларнинг шаклланишига катта таъсир кўрсатган Уйғониш даврининг яна бир буюк мутафаккири астроном ва файласуф Иоган Кеплердир. У Куёш атрофида сайёralар ҳаракати қонунларини кашф этди, Коперникнинг астрономик моделига аниқлик киритди, сайёralарнинг орбиталари айланалар эмас, балки осмонда ўзгарувчи тезликда ҳаракатланадиган элипслар шаклида эканини исботлаб берди.

Уйғониш даврининг атокли намояндалари орасида Николай Кузанский (1401–1464), Жордано Бруно (1548–1600) ва Галилео Галилей (1564–1642)ни қайд этиб ўтиш керак. Улар табиатшуносликда инқилобий бурилишга замин яратдилар. Ушбу бурилиш буюк Ньютон ўша давр учун инқилобий аҳамиятга эга бўлган дунёнинг янги, табиий илмий манзарасини яратиши билан деярли бир вақтда бошланди.

Илмий инқилобларни ижтимоий инқилобларга ўхшатмаслик керак, чунки, ижтимоий инқилобдан фарқли ўлароқ, илмий инқилобга жамият ҳақидаги инқизоллар эмас, балки янги илмий фактларнинг тушунтирилиши, янги билимнинг эски билим билан кураши туртки беради. Илмий

инқиlob бир неча ўн йилга чўзиладиган узок жараён хисобланади. У ижтимоий муносабатларда эмас, балки илмий омилларда туб ўзгаришлар содир булиши, парадигмалар ва илмий фикрлаш услублари ўзгариши билан тавсифланади.

Илмий инқиlob эскидан янгига ўтиш, илмий тафаккурнинг узлуксиз харакатида ўзига хос танаффус даври хисобланади. Илмий инқиlob оркали бир парадигмадан бошка парадигмага ўтилиши (Т.Кун) фан тараққиётининг энг умумий қонуниятидир.

Фаннинг ижтимоий институт ва мустакил билим тармоғи сифатида ривожланиши тарихда иккита сифат жиҳатидан ҳар хил босқич булиб, улар XVI–XVII асрлардаги илмий инқиlob ҳамда XIX–XX асрлар чегарасида табиатшуносликдаги инқиlob деб таърифланади.

Биринчи илмий инқиlobга фаннинг кейинги икки асрлик ривожланишини белгилаб берган, фаннинг янги ютуқлари дунёning ялпи галилейча-њютончча манзарасига қушила олган мухим силжиш деб қараш мумкин.

Исаак Ньютон (1643–1727) ижоди натурфалсафанинг мушоҳадали чизмаларини узил-кесил дағн этди ва илмий билимнинг тараққиётida янги саҳифа очди.

Ньютон биринчи булиб дунёning янги, ўз даври учун инқиlobий манзарасини яратди, унинг механик негизини ташкил қилган асосий ғоялар, тушунчалар, тамойилларни таърифлаб берди. Бунда у механика асосларидан табиатнинг қолган барча ҳодисаларини келтириб чиқаришга ҳаракат қилди.

Ньютон яратган дунёning механик манзараси асосий мазмунини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

- бутун дунё, Коинот (атомлардан тортиб инсонгача) абсолют замон ва маконда ҳаракатланадиган, тортишиш кучлари билан ўзаро боғлик бўлган, жисмдан жисмга бўшлиқ оркали бир лаҳзада ўтадиган бўлинмас ва ўзгармас зарралар чексиз микдори йигиндисидир (Ньютоннинг узок ҳаракатланиш тамойили);

- ушбу тамойилга биноан, ҳар қандай ҳодисалар классик механика конунлари билан катъий белгиланади. Агар, П.Лаплас таъбири билан айтганда, «ҳар нарсага етадиган ақл» бўлганида, у барча ҳодисаларни олдиндан башорат қилган ва хисоблаган бўларди;

- дунёning механик манзарасида дунё моддадан иборат деб тавсифланади. Ушбу моддада атом элементтар объект хисобланади, барча жисмлар мутлақо қаттиқ бир хил, ўзгармас ва бўлинмас корпускулалар – атомлардан ташкил топади. «Жисм» ва «корпускула» тушунчалари механик жараёнларни тавсифловчи асосий тушунчалар хисобланади;

- атомлар ва жисмлар ҳаракати улар абсолют маконда абсолют вақт ўтиши билан жойдан-жойга ўтиши тарзида ифодаланади. Замон ва макон хоссалари ўзгармайдиган ва жисмларнинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳаракатланувчи жисмлар майдони деган ушбу концепция И.Ньютон яратган дунёning механик манзарасининг негизини ташкил этади.

Бундан хулоса шуки, күриб чиқилаётган боскичда табиатшунослик механик хусусиятта эга бүлган, чунки табиатнинг барча жараёнларига классик механика нұктай назаридан қаралған. Шу тарика янги фикрлаш услуги – механизм вужудға келди. Унинг замирида дунёдаги барча жараёнларни механикага боғлаш мүмкінлігі ҳақидағи ёндашув ётар зди. Шу боис XIX асрға келиб механика вазифалари ва амал қилиш соҳаси абадий ва мустаҳкам туюлған аник табиатшунослик билан айний деб зытироф этилди.

Яна бир буюк мутафаккир, «янги фалсафа» ва янги фан асосчиси, француз файласуфи ва математиги Рене Декарт (1596–1650) фалсафий тафаккур замирига аниклик ёки бевосита, субъектив ҳақиқийлік тамойилини қўйишни таклиф килди. Унинг фикрига кўра, илмий билим асосий ва бирдан-бир метод сифатида математикага таянадиган ягона система тарзида тузилиши лозим зди.

Янги даврнинг яна бир атоқли файласуфи, немис олим, математиги ва физиги Готфрид Лейбниц (1646–1716) XVII аср фалсафасига якун ясади ва немис классик фалсафасига замин ҳозирлади. Монадалар (борликнинг бўлинмас биринчи элементлари) ҳақидағи таълимот муаллифи Лейбниц физик дунё фақат монадалар дунёсининг ҳиссий тугалланмаган ифодаси тарзида мавжуд бўлади, деб хисоблар зди. У илмий билимга катта аҳамият берди, анализ ва синтез ҳақидағи таълимотни ишлаб чиқди, мантиқда етарли асослаш қонунини биринчи бўлиб таърифлаб берди.

Фаннинг кейинги ривожланиши жараённанда фан аста-секин Ньютон яраттан дунёнинг механик манзараси билан қарама-қаршиликка кириша бошлади. Бунга фандаги уч буюк қашфиёт: хужайралар назарияси, энергиянинг сакланиш ва ўзгариш қонуни ҳамда Ч.Дарвин (1809–1882)-нинг эволюцион назарияси замин ҳозирлади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ньютон механикаси қонунлари табиатнинг универсал қонунлари ролини бажара олмаслиги аён бўлиб қолди. Бу ролга электромагнит ҳодисалар қонунлари дъявогар бўла бошлади. Дунёнинг электромагнит манзараси (Фарадей, Максвелл ва бошқ.) яратилди. Аммо XIX аср охири XX аср бошида модда тузилиши соҳасида янги экспериментал қашфиётлар қилиниши натижасида дунёнинг электромагнит манзараси билан тажрибада аниқланган фактлар ўргасида жуда кўп зиддиятлар мавжудлиги аникланди. Буни ўша даврдаги илмий қашфиётлар силсиласи тасдиқлади. 1895–1896 йилларда Рентген нури, радиоактивлик (Беккерель), радий (Мари ва Пьер Кюри) ва бошқалар қашф қилинди. 1897 йилда инглиз физиги Ж.Томпсон биринчи элементар зарра – электронни қашф килди ва электронлар атомнинг таркибий қисмлари эканини тушуди.

1911 йилда инглиз физиги Э.Резерфорд атомлар ядрога, мусбат зарядли зарраларга эга эканини, улар атомларга қараганда жуда кичкина, аммо уларда атомнинг деярли бутун оғирлиги жамланганини аниклади. У мусбат зарядли оғир ядро атрофида енгил электронлар айланади, деган

атомнинг планетар моделини ишлаб чиқди, нейтрон мавжудлигини ба-шорат қилди.

Немис физиги **М.Планк** 1900 йилда харакат квантни (Планк ўзгармас катталиги)ни кашф қилди ва квантлар ғоясидан келиб чиқиб, нурланиш конунини яратди. Бу қонун унинг номи билан аталди. Электромагнит нурланишнинг чикиши ва ютилиши охирги порциялар (квантлар) билан белгиланувчи дискрет тарзда рўй бериши аникланди. Планкнинг квант назарияси Максвеллининг электродинамикаси билан тўкнашди. Материя ҳакида икки қарама-қарши тасаввур пайдо бўлди: ё материя мутлако чексиз, ё у дискрет зарралардан ташкил топади. Мазкур кашфиётлар атом дунё тузилишининг охирги, дахлсиз «биринчи гишти» деган қарашларни рад этди.

Шу муносабат билан физикада юзага келган «безовталик ва ташвиш»ни **Н.Бор** (1885–1962) янада кучайтиргди. У Резерфорд ғояларига ва Планкнинг квант назариясига асосланиб, атомнинг ўз моделини таклиф қилди (1913). У электронлар ядро атрофида бир нечта турғун орбиталар бўйлаб айланади вазлектродинамика конунларига зид равища, энергия чиқармайди, деб тахмин қилди. Электронлар фақат бир орбитадан иккинчи орбитага сакрашда порциялар билан энергия чиқаради. Бунда электрон ядродан узокроқ орбитага ўтганида атом энергияси кўпаяди ва аксинча. Резерфорд моделига муайян тузатиш ва кўшимчалар киритган Н.Бор модели атом физикаси тарихидан «Резерфорд-Бор атомнинг квант модели» номи билан ўрин олди.

Ушбу кашфиётлар «янги» атомистикага асос солди. Агар эски атомистика материя дискрет, узлукли тузилган ва бўлинмас зарралар – атомлардан ташкил топган, деган ғояга асосланган бўлса, юкорида қайд этилган кашфиётлардан кейин атом мураккаб тузилма, зарядланган элементтар зарралар системаси экани англашилди. Ҳозирги замон атомистикаси материя тузилишида молекулалар, атомлар, элементтар зарралар ва бошқа микрообъектлар ранг-баранглигини, уларнинг ўта мураккаблигини, бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш қобилиятига эга эканлигини эътироф этади. Шу тариқа материя нафакат дискрет, балки узлуксиз ходиса тарзида ҳам намоён бўлади.

Фазо ва вақт материя билан узлуксиз алоқасини ёритар экан, **А.Эйнштейн** ўз нисбийлик назариясини, Ньютон механикасидан фарқли ўлароқ, замон ва макон абсолют эмас, деган ғоя билан асослади. Фазо ва вақт материя, харакат ва бир-бири билан уйғун алоқа қиласди. Эйнштейн нисбийлик назариясининг моҳиятини ҳамма тушунадиган тарзда шундай таърифлади: «Агар илгари Оламдан бутун материя йўқолса ҳам фазо ва вақт сакланиб қолган бўларди, деб ҳисоблаган бўлсалар, нисбийлик назарияси материя билан бирга замон ва макон ҳам йўқолган бўларди, деган фикрни илгари суради». Бунда тўрт ўлчовли фазо – вақт континуумида тортишиш кучлари мавжуд бўлмайди, унда ҳамма нарса ноевклид геометрияси нисбатларига бўйсунади.

Материя ҳаракатининг хусусиятларига (вақтнинг «секинлашиши», маконнинг «қийшайиши») қараб, замон-макон хоссаларининг белгила-

ниши классик физиканинг «абсолют» замон ва макон ҳақидаги қарашларининг чекланғанлигини, уларни харакатланувчи материядан ажратиш нотұғрилигини күрсатди.

Үз фундаментал қашфиети мұносабати билан Эйнштейн қуидаги машхур сұзларни айттан эди: «Мени кечир, Ньютон, сен яраттан тушунчалар физик тафаккуримизда ҳозир хам амал қылмоқда, аммо биз үзаро алокаларни янада теранроқ тушунмокчи бұлсак, мазкур тушунчаларни бевосита тажриба соҳасидан узок бұлған бөшқа тушунчалар билан алмаштиришимизга тұғыр келишини биламиз».

1924 йили яна бир йирик илмий қашфиёт қилинди. Француз физиги Луи де Бройль материя заррасига тұлқин хоссалари (узлуксизлик) хам, дискретлик (квантлилік) хам хос, деган фикрни илгари сурди. Кейинчалик бу гоя Шредингер, Гейзенберг, Бор ва бөшқа назариятчи физикларнинг асарларида үз тасдигини топди. Бу де Бройль гипотезаси фундаментал физик назария – квант механикасынан алланғанинг англатарынан.

Иккінчи илмий инқилоб ёки XIX–XX асрлар өзегасыда табиатшунослықда рүй берган инқилоб үтгандарда табиий фанлар ривожланиши ва физикада амалға оширилған қашфиётларнинг конуний натижаси бўлди. Мазкур қашфиётлар ўша давр олимларини анча шошириб қўйди. Буюк немис физиги В.Гейзенберг (1901–1976) нисбийлик назарияси ва квант механикаси қашф этилиши натижасыда табиатшунослықда рүй берган инқирозни тавсифлар экан, айрим олимларнинг шошиб қолиши, бир томондан, физик фанларда қарор топган эскича қарашлардан воз кечишини истамаслик, иккінчи томондан эса, уларга таянишнинг имкони йўқлиги билан изохланар эди, деб қайд этади. «Физиклар шу пайтгача табиат майдонида мұлжал олишларига ёрдам берган барча тушунчалар уларга хизмат қилишдан бosh тортди ва факат жуда ноаник, мужмал маънода кўлланилиши мумкин эди»¹.

Элементлар зарралар табиати ҳақидаги масала юзасидан физик олимларнинг ташвишга тушиши сабабларини ёритар экан, Гейзенберг бу «аксарият тадқиқотчилар фалсафага берилешни хоҳламаслиги билан изохланади. Амалда бу одамлар онгсиз тарзда ёмон фалсафадан келиб чиқади ва унинг эскича қарашлари таъсирида ноокилона қўйилған масала атрофида үралашиб қолади»².

Шунга ўхшаш фикрни бөшқа буюк физик М.Борн ҳам қайд этади: назариятчи физикнинг иши «фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. Фалсафий адабиётларни яхши билмаган назариятчи физикнинг иши бехудадир»³.

Шундай ҳодиса фан тарихида XIX аср охири – XX аср бошларыда рүй берди. Назариятчи олимлар үз позитивистик қарашларига таяниб, сохта илмий ва эпистемологик хулосаларга келдилар.

¹ Гейзенберг В. Шаги за горизонт. – М., 1987. с 256.

² Ўша ерда. 163-6.

³ Борн М. Физика в жизни моего поколения. – М., 1963. с. 44.

Хуллас, физик (классик ва ноклассик) назарияларни табиат ҳақидаги фалсафий қарашларнинг яхлит тизими, яъни фалсафий дунёкараш ва методологик концепцияларсиз тузиш мумкин бўлмай қолди. Ушбу инқирозни факат фандаги қашфиётларга янгича ёндашув ва янгича дунёкарашни ишлаб чиқиш йўли билан бартараф этиш мумкин эди. Буни буюк Эйнштейн шундай тавсифлайди: «Ўн тўққизинч асрнинг иккинчи ярмида физикага янги инқилобий гоялар кириб келди; улар механик ёндашувлардан фарқ қиласиган янгича фалсафий қарашларга йўл очди. Фарадей, Максвелл ва Герц эришган натижалар ҳозирги замон физикасининг ривожланишига, борлиқнинг янги манзарасини ҳосил қилувчи янги тушунчалар яратилишига олиб келди»¹.

Бошқача қилиб айтганда, дунёнинг ньютонча классик механик манзараси XVI–XVIII асрлардаги фан ютуқларига асосланган бўлса, XIX ва XX асрлар чегарасида табиатшуносликда рўй берган инқилоб даврида фан классик механика қонунларининг универсалигини рад этувчи термодинамика ва электродинамика назариялари таъсирида дунёнинг ноклассик манзарасини ишлаб чиқди.

Табиатшуносликда ушбу гоялар кураши жараённида файласуф ва физикларнинг бир қисми нисбийлик назарияси физик идеализмга асосланади ва шу туфайли илмий мазмунга эга эмас, деган баҳонада мазкур назариянинг муҳим илмий аҳамиятини рад этишга ҳаракат қилдилар. Кейинчалик бу тўғри фалсафий қоидалар янги физик назарияга баҳо беришга ноижодий, расмий ва юзаки тарзда қўлланилиши билан боғлик хато эканлиги аён бўлди.

Эйнштейн мухолифларининг таъкидлашларига кўра квант назариясини фалсафий тушуниш муаммосининг ечимида янада яққол кўзга ташланади. Унда, Бор-Гейзенберг ёндашувига кўра, математик образлар квант жараёнларининг моддий борлигини акс эттиրмайди, балки ўлчаш орқали айрим физик катталикларнинг муайян микдорларини олиш мумкинлигини тахмин қилиш имконини беради.

Масаланинг бундай қўйилишига эътиroz билдириб, А.Эйнштейн квант физикаси хulosаларининг физик ва фалсафий маъносини бундай тушуниш боши берк кўчага олиб киради, деб қайд этди. Унинг фикрига кўра, ўлчашдан олдин ҳам, кейин ҳам реал мавжуд бўладиган физик жараёнларни акс эттирувчи бошқа назария ишлаб чиқилиши керак эди. «Бутун табиатшунослик замирида, идрок этувчи субъектдан қатъи назар, ташки дунёнинг мавжудлигига ишонч ётади»², деб қайд этади А.Эйнштейн.

Хulosса қилиб айтиш мумкинки, дунёнинг ҳозирги замон илмий манзарасининг эволюцияси дунёнинг классик манзарасидан ноклассик манзарасига ва ундан постклассик манзарасига ҳаракат демакдир.

¹ Эйнштейн А. Собрание научных трудов. В 4-х т. –М., 1967. с. 136.

² Эйнштейн А., Инфельд Л. Эволюция физики. – М.. 1965. –с. 102.

6.3. Ҳозирги замон табиатшунослигининг ривожланишида фалсафа роли ортиб бориши

Фанга янгича дунёкараш нұқтаи назаридан ёндашиш зарурияты фанга ҳам томомила бошқача муносабатда бўлишни тақозо этади.

Агар олдинги босқичларда фан асосан борликнинг нисбатан тор, алохиди парчасини тушуниб етишга қараб мўлжал олган бўлса, ҳозирги замон фани кўпроқ комплекс тадқикот дастурлари, фанлараро илмий тадқикотлар билан белгиланади. Ушбу дастурларнинг амалга оширилиши натижасида назарий ва экспериментал тадқикотлар бир системага бирлаштирилмоқда.

XX аср ўргалариға келиб, фан тараққиёти узлуксиз, хужумкор хусусиятга эга, деган фикр шубҳа остига олинди ва табиий бир ҳол сифатида қабул килинмай кўйилди. Зотан, ҳозирги замон фанида илмий парадигмалар, назариялар олдинги билимдан бевосита келтириб чиқарилиши мумкин эмас. XX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод килган машхур файласуф ва олим И.Пригожин таълимотига кўра, у ишлаб чиқсан ҳозирги замон фанлари ривожланишининг шажарасимон тармоқланган графикаси шу билан тавсифланадики, уларнинг ривожланиш йўллари аввалбошдан ноаниқ бўлиб қолади. Бошқача қилиб айтганда, фанларнинг ривожланиши бир неча йўналишларнинг биридан бориши мумкин. Ушбу йўналиш кўпинча бирон-бир аҳамиятсиз омил (флуктуация) билан белгиланади.

Мураккаб системаларнинг ўз-ўзидан ташкил бўлиш ва ривожланиш назарияси – *синергетика* юқорида қайд этилган концепция билан муштаракдир. И.Пригожиннинг фанлар ривожланиши келажагининг ноаниклиги ҳақидаги назарияси билан муайян даражада ўзаро нисбатта киришувчи синергетика ҳозирги замон фани ўзаро алоқаси хаос (тартибсизлик) орқали амалга ошириладиган жуда мураккаб уюшган системалар билан иш қўришидан келиб чиқади. Синергетика асосчиларидан бири Г.Хакен фикрига кўра, синергетик қарашнинг анъанавий қарашдан фарқи содда системаларни тадқиқ килишдан мураккаб системаларни тадқиқ килишга, ёпиқ системалардан очик системаларга, чизиклиликдан чизиксизликка, барқарорликдан бекарорликка ўтилишидан иборат. Бунда эволюционлик, ривожланиш қайтмас хусусиятга эга экани, кичик ҳодисалар ва харакатлар ҳодисаларнинг умумий оқимиға ҳал қитувчи таъсир кўрсатиши мумкинлиги муҳим фалсафий-методологик аҳамиятга эга. Бундан ташқари, синергетика ривожланиш йўлларининг ягоналигидан эмас, балки кўплигидан келиб чиқади. Ўз-ўзидан ташкил бўлишнинг барча даражаларида бифуркация (иккиланиш, тармоқланиш), флуктуация (вактинчалик, тасодифий ўзгариш), чизиксизлик, қайтмаслиги тартиб манбаи бўлиб хизмат киласи.

Шу ўринда синергетика гояларининг таърифланишига диалектика муайян даражада таъсир кўрсаттанини қайд этиб ўтиш керак. Гарчи бу ҳақда ҳеч ким гапирмаса-да, буни И.Пригожин яхши эслайди. У Гегелнинг табиат фалсафаси «хар бир даражада ўзидан олдинги даражада билан

белгиланадиган иерархия мавжудлигини тасдиқлайды... Гегель системаси маълум маънода даврнинг асосий муаммоларига изчил фалсафий жавоб хисобланади¹, деб қайд этади.

Ваҳсланки, давримизнинг айрим олимлари нафақат диалектика ва синергетика ўргасида ворисийлик мавжудлигини кўрмайдилар, балки диалектика даври ўтди, унинг ўрнини синергетика эгаллаши керак, деб хисоблайдилар. Ёки диалектикага синергетиканинг қисмларидан бири бўлиш «қисмати» ёзилади. Ушбу ёндашувга қўшилиб бўлмайди, чунки диалектика, ривожланиш умумий назарияси ва универсал метод сифатида, жаҳон фалсафий тафаккурининг улкан ютуғи бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. У фалсафий метод сифатида ҳозирги замон фанида бошқа умум илмий методлар (синергетика, системали ёндашув ва бошк.) билан бир каторда муваффакият билан «ишлаш»да давом этмоқда.

Давримизнинг таникли олимларидан бири М.Борн шуни алохида қайд этади. «Табиий илмий билишнинг ҳар бир босқичи ўз даврининг фалсафий системаси билан яқин алоқа қиласди; табиатшунослик кузатиш фактлари билан, фалсафа – тафаккур методлари билан таяминлади»².

Шу билан бирга, XX асрнинг машҳур физиги В.Гейзенберг тўғри таянилаб ўтганидек, «...олим ҳеч қачон муайян бир таълимотга таянмаслиги, ҳеч қачон ўз фикрлаш методларини биргина фалсафа билан чекламаслиги керак», ҳатто у айни даврда энг ишончли таълимот ёки метод бўлса ҳам.

Шунга ўхашаш фикрни ўз асрларида буюк рус файласуфи ва тадкикотчиси В.И.Вернадский ҳам қайд этади. Унинг фикрига кўра, биринчидан, фан ва фалсафа ҳар доим бир-бири билан яқин алоқада булади, иккинчидан, олим файласуф иши билан хисоблашмаслиги мумкин эмас, учинчидан, жуда кўп ҳар хил, мустакил, ранг-баранг, ўхашаш, бир-бирига зид фалсафий система ва концепциялар мавжудки, уларнинг бирини ҳакиқийлик мезонига кўра танлаш мантиқан мумкин эмас, чунки фалсафанинг кучи унинг ҳар хиллигидадир⁴.

Бундан хуроса шуки, ҳозирги замон фанида ҳам фалсафа олимга ўз тадкикоти предметини кўриш имконини берувчи борликнинг муайян «моделлари»ни ишлаб чикишда давом этмоқда.

Ҳозирги замон фанининг ривожланиши икки қарама-қарши жараён – дифференциация ва интеграциянинг диалектик ўзаро алоқаси билан тавсифланади.

Ушбу жараёнга ҳозирги фанларнинг ўзаро алоқаси, матема-тиклиштириш ва компьютерлаштириш жараёнларининг чукурлашиши ва кенгайиши айникса хосдир. Дунёнинг ҳозирги фалсафий манзараси (диний ва бошқа манзарапардан фарқли ўлароқ) универсал онтологик мўлжал

¹ Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М., 1996

² Борн М. Размышления и воспоминания физика. – М., 1977. 79 б

³ Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое – М., 1989. 85 б.

⁴ Қаранг: Вернадский В.И. О науке. Т.1. – Дубна, 1997. 407-411 б.

сифатида физик, биологик ва бошқа дунёқараашлар ишлаб чиқилишининг шарти бўлиб хизмат қиласди.

Шундай килиб, ҳозирги замон табиий фанлари ва фалсафа бир-бiri билан муттасил яқин алоқа қиласди, бир мақсадни, айни бир тадқиқот объекти – борлик, табиатни ўрганишни кўзлайди. Ушбу тадқиқот объекти марказида инсон туради. У билишнинг субъекти ва объекти хисобланади. «Фан инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди, у инсон томонидан яратилади. Ўзини қуршаган оламда муайян конуниятларни топиб, инсон уларни муқаррар тарзда ўзига, ўзининг сўзига ва тафаккурига боғлайди»¹.

Сўзимизнинг якунида XX асрнинг охирги йигирма йилида намоён бўлган фалсафий ва илмий жараёнларнинг яна икки хусусиятига тұхталиб ўтмоқчимиз. Бу биринчидан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айниқса кучайган табиий ва ижтимоий фанларнинг яқинлашуви. Ушбу ҳолат нафакат илмий тадқиқотларнинг, балки ҳозирда постиндустриал жамиятга қадам қўяётган одамлар моддий ва қисман мъянавий ҳәётининг ҳам ахборотлаштирилиши ва компьютерлаштирилиши даврида айниқса ёрқин намоён бўлмокда. Яна бир хусусият ҳозирги замон фани ва техникасининг яқинлашиши ва жадал ривожланиши бўлиб, ушбу жараён XX асрнинг иккинчи ярмида фан-техника тараккиёти тарзида намоён бўлди.

Қисқача холосалар

1. Билиш жараёнида инсоннинг оламга муносабати, дунёқараши шаклланади. У шаклланишининг бир қанча босқичларидан ўтгач, дунёқарааш мифологиядан дин орқали фалсафа ва фанга юксалади.

2. Фалсафий дунёқарааш борлик ҳақидаги таълимот – онтология, билиш назарияси – гносеология, илмий билиш шаклланишининг фалсафаси – эпистемология каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

3. Уйгониш даври ва Янги давр чегарасида фанлар мустақил ижтимоий институтга айланди.

4. Фан ривожланиши тарихида илмий билишнинг иккита сифат жиҳатидан ҳар хил босқичи: XVI–XVII асрлардаги илмий инқилоб ҳамда XIX ва XX аср чегарасида табиатшуносликда рўй берган инқилоб мъалум.

5. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси квант-релятивистик қарашларга, илмий билишнинг универсал фалсафий методлари – диалектика ва синергетикага асосланади.

Асосий тушунчалар

Табиатшунослик – XVII–XVIII асрларда табиат, унинг ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги фанлар ва илмий билимлар йигиндиси тарзида шаклланган таълимот.

Натурфалсафа – қадимда ва ўрта асрларда табиат ҳақидаги фалсафий таълимот, унинг мавхум талқини.

¹ Вернадский В.И. О науке. Т.1. – Дубна, 1997. 149 б.

Парадигма – яхлитлик фалсафий концепцияси, жараёнлар ва ҳодисаларга үзаро боғлиқ ва яхлит деб қараш.

Синергетика – табиат ва жамиятда мураккаб системалар үз-үзидан ташкил бўлиши ва ривожланиши ҳакидаги ҳозирги замон фалсафий назарияси.

Саволлар

1. Табиат деганда нима тушунилади?
2. Натурфалсафа ва табиатшуносликнинг бирлиги ва фаркини ёритиб беринг.
3. Табиатшунослик ўз тараққиётида қайси уч босқични босиб ўтади?
4. «Позитивизм» ва «неопозитивизм» тушунчаларининг моҳияти нимада?
5. Табиатшуносликдаги биринчи ва иккинчи илмий инқилобларнинг ўзига хос ҳусусиятларини айтинг.

Адабиётлар

Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М.. 1988.

Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое. – М.. 1989.

Карпов М.М. Основные закономерности развития естествознания. – Ростов-на-Дону. 1997.

Карненков С.Х. Концепция современного естествознания. Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Концепции самоорганизации: становление нового образа научного мышления. – М.. 1994.

Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М., 1986.

Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.

Философия природы: коэволюционная стратегия. – М., 1995.

сифатида физик, биологик ва бошқа дунёқараашлар ишлаб чиқилишининг шарти бўлиб хизмат қиласди.

Шундай килиб, ҳозирги замон табиий фанлари ва фалсафа бир-бири билан муттасил якин алоқа қиласди, бир мақсадни, айни бир тадқиқот обьекти – борлик, табиатни ўрганишни кўзлайди. Ушбу тадқиқот обьекти марказида инсон туради. У билишнинг субъекти ва обьекти хисобланади. «Фан инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди, у инсон томонидан яратилади. Ўзини куршаган оламда муайян қонуниятларни топиб, инсон уларни муқаррар тарзда ўзига, ўзининг сўзига ва тафаккурига боғлади»¹.

Сўзимизнинг якунида XX асрнинг охирги йигирма йилида намоён бўлган фалсафий ва илмий жараёнларнинг яна икки хусусиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу биринчидан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айниқса кучайган табиий ва ижтимоий фанларнинг яқинлашуви. Ушбу ҳолат нафақат илмий тадқиқотларнинг, балки ҳозирда постиндустриал жамиятга қадам қўяётган одамлар моддий ва қисман маънавий ҳаётининг ҳам ахборотлаштирилиши ва компьютерлаштирилиши даврида айниқса ёркин намоён бўлмоқда. Яна бир хусусият ҳозирги замон фани ва техникасининг яқинлашиши ва жадал ривожланиши бўлиб, ушбу жараён XX асрнинг иккинчи ярмида фан-техника тараққиёти тарзида намоён бўлди.

Кисқача холосалар

1. Билиш жараёнида инсоннинг оламга муносабати, дунёқараши шаклланади. У шаклланишининг бир қанча босқичларидан ўтгач, дунёқарааш мифологиядан дин орқали фалсафа ва фанга юксалади.
2. Фалсафий дунёқарааш борлик ҳақидаги таълимот – онтология, билиш назарияси – гносеология, илмий билиш шаклланишининг фалсафаси – эпистемология каби таркибий қисмлардан ташкил топади.
3. Уйгониш даври ва Янги давр чегарасида фанлар мустакил ижтимоий институттага айланди.
4. Фан ривожланиши тарихида илмий билишнинг иккита сифат жиҳатидан ҳар хил босқичи: XVI–XVII асрлардаги илмий инқилоб ҳамда XIX ва XX аср чегарасида табиатшуносликда рўй берган инқилоб маълум.
5. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси квант-релятивистик қарашларга, илмий билишнинг универсал фалсафий методлари – диалектика ва синергетикага асосланади.

Асосий тушунчалар

Табиатшунослик – XVII–XVIII асрларда табиат, унинг ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги фанлар ва илмий билимлар йигиндиси тарзида шаклланган таълимот.

Натурфалсафа – қадимда ва ўрта асрларда табиат ҳақидаги фалсафий таълимот, унинг мавхум талқини.

¹ Вернадский В.И. О науке. Т. I. – Дубна, 1997. 149 б.

Парадигма – яхлитлик фалсафий концепцияси, жараёнлар ва ходисаларга ўзаро боғлиқ ва яхлит деб қараш.

Синергетика – табиат ва жамиятда мураккаб системалар ўз-ўзидан ташкил булиши ва ривожланиши хақидаги ҳозирги замон фалсафий назарияси.

Саволлар

1. Табиат деганда нима тушунилади?
2. Натурфалсафа ва табиатшуносликнинг бирлиги ва фарқини ёритиб беринг.
3. Табиатшунослик ўз тарақкиётида қайси уч босқични босиб ўтади?
4. «Позитивизм» ва «неопозитивизм» тушунчаларининг моҳияти нимада?
5. Табиатшуносликдаги биринчи ва иккинчи илмий инқилобларнинг ўзига хос ҳусусиятларини айтинг.

Адабиётлар

- Вернацкий В.И. Философские мысли натуралиста.* – М.. 1988.
- Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое.* – М.. 1989.
- Карпов М.М. Основные закономерности развития естествознания.* – Ростов-на-Дону. 1997.
- Карненков С.Х. Концепция современного естествознания.* Учебник. – М., 2004.
- Кохановский В.П. Философия и методология науки.* – М., 1999.
- Концепции самоорганизации: становление нового образа научного мышления. – М., 1994.
- Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой.* – М., 1986.
- Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси.* Т., 2005.
- Философия природы: коэволюционная стратегия.* – М., 1995.

сифатида физик, биологик ва бошқа дунёқарааштар ишлаб чиқылышининг шарти бўлиб хизмат қиласди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон табиий фанлари ва фалсафа бир-бири билан муттасил якин алоқа қиласди, бир мақсадни, айни бир тадқиқот обьекти – борлик, табиатни ўрганишни кўзлади. Ушбу тадқиқот обьекти марказида инсон туради. У билишнинг субъекти ва обьекти ҳисобланади. «Фан инсондан алоҳида мавжуд бўлмайди, у инсон томонидан яратилади. Ўзини куршаган оламда муайян конуниятларни топиб, инсон уларни мұқаррар тарзда ўзига, ўзининг сўзига ва тафаккурига боғлади»¹.

Сўзимизнинг якунида XX асрнинг охирги йигирма йилида намоён бўлган фалсафий ва илмий жараёнларнинг яна икки хусусиятига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу биринчидан, XX асрнинг ўрталаридан бошлаб айниқса кучайган табиий ва ижтимоий фанларнинг яқинлашуви. Ушбу ҳолат нафакат илмий тадқиқотларнинг, балки ҳозирда постиндустриал жамиятга қадам қўяёттан одамлар моддий ва қисман маънавий ҳаётининг ҳам ахборотлаштирилиши ва компютерлаштирилиши даврида айниқса ёркин намоён бўлмоқда. Яна бир хусусият ҳозирги замон фани ва техникасининг яқинлашиши ва жадал ривожланиши бўлиб, ушбу жараён XX асрнинг иккинчи ярмида фан-техника тараққиёти тарзида намоён бўлди.

Қисқача хуносалар

1. Билиш жараёнида инсоннинг оламга муносабати, дунёқараши шаклланади. У шаклланишининг бир канча босқичларидан ўтгач, дунёқарааш мифологиядан дин орқали фалсафа ва фанга юксалади.

2. Фалсафий дунёқарааш борлик ҳақидаги таълимот – онтология, билиш назарияси – гносеология, илмий билиш шаклланишининг фалсафаси – эпистемология каби таркибий қисмлардан ташкил топади.

3. Уйгониш даври ва Янги давр чегарасида фанлар мустақил ижтимоий институтга айланди.

4. Фан ривожланиши тарихида илмий билишнинг иккита сифат жиҳатидан ҳар хил босқичи: XVI–XVII асрлардаги илмий инқилоб ҳамда XIX ва XX аср чегарасида табиатшуносликда рўй берган инқилоб маълум.

5. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси квант-релятивистик қарашларга, илмий билишнинг универсал фалсафий методлари – диалектика ва синергетикага асосланади.

Асосий тушунчалар

Табиатшунослик – XVII–XVIII асрларда табиат, унинг ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги фанлар ва илмий билимлар йигиндиси тарзида шаклланган таълимот.

Натурфалсафа – қадимда ва ўрта асрларда табиат ҳақидаги фалсафий таълимот, унинг мавхум талқини.

¹ Вернадский В.И. О науке. Т.1. – Дубна, 1997. 149 б.

Парадигма – яхлитлик фалсафий концепцияси, жараёнлар ва ходисаларга ўзаро боғлиқ ва яхлит деб қараш.

Синергетика – табиат ва жамиятда мураккаб системалар ўз-ўзидан ташкил бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги хозирги замон фалсафий назарияси.

Саволлар

1. Табиат деганда нима тушунилади?
2. Натурфалсафа ва табиатшуносликнинг бирлиги ва фаркини ёритиб беринг.
3. Табиатшунослик ўз тараккиётида қайси уч босқични босиб ўтади?
4. «Позитивизм» ва «неопозитивизм» тушунчаларининг моҳияти нимада?
5. Табиатшуносликдаги биринчи ва иккинчи илмий инқилобларнинг ўзига хос хусусиятларини айтинг.

Адабиётлар

Вернадский В.И. Философские мысли натуралиста. – М.. 1988.

Гейзенберг В. Физика и философия. Часть и целое. – М.. 1989.

Карпов М.М. Основные закономерности развития естествознания. – Ростов-на-Дону. 1997.

Карненков С.Х. Концепция современного естествознания. Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Концепции самоорганизации: становление нового образа научного мышления. – М.. 1994.

Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М., 1986.

Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва фан методологияси. Т., 2005.

Философия природы: козволюционная стратегия. – М., 1995.

7-мавзу. ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ

7.1. Техника тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш босқичлари

Машхур инглиз фантаст ёзувчиси Герберт Уэлс ҳикояларидан бирда машиналар исёни тўғрисида сўз юритилади. Ушбу исён жараёнида одамларнинг бир қисми кириб ташланади, яна бир қисми эса кул қилинади.

Агар вайрон қилувчи кучи чексиз бўлган, тафаккури эса кўп жиҳатдан инсон тафаккурига яқинлашган электрон-кибернетик мосламалар яратилгани ва ва яратилаётганини эсласак, машиналарнинг кучи ва кудрати ҳақидаги ушбу фантастик ҳикоя ҳақиқатдан унча узоқ эмас. Шу муносабат билан табиий бир савол туғилади: ушбу машиналар инсонга фойда келтирадими ёки зарарми? Мисол учун, атом ва водород бомбаси, барча табиий ва сунъий түсиклардан ошиб ўтиб, нишонни аниқ урадиган ракеталар ва бошқа шунга ўхшаш кашфиётларни эслайдиган бўлсан, уларни зудлик билан йўқ қилиш керак, деган фикр туғилади.

Аммо, техник кашфиётлар, чунончи, инсон оғирини енгил қиласдиган уй-рӯзгор асбобларидан бошлаб, биология, электротехника, тиббиёт соҳалардаги ажойиб техник кашфиётларгача одамларга қанчалик фойда келтиришини эсласак, беихтиёр инсоният даҳосига таҳсин айта бошлаймиз.

Шу нұқтаи назардан, ҳозирги замон техникиаси юзининг бир томони яхшилилка, иккинчи томони эса – ёмонликка қараган Янус (икки юзли одам) образида намоён бўлиши мумкин.

Фалсафада шундай ҳодиса, хусусан, олдинги мавзуда сўз юритилган сциентизм ва антисциентизм ҳақидаги таълимотда акс эттирилган. Унга кўра, сциентизм ва антисциентизм (лат. *scientia* – фан ва фан) бўлмаган давримизнинг бир-бирига қарама-карши турган икки хил мўлжалидир. Агар сциентист фан ва техника ютуқларини олкишласа, баъзан унинг кўпгина салбий оқибатларига кўз юмса, антисциентист, фан-техника тараққиёти ва уруш хавфининг салбий оқибатларидан келиб чиқиб, фан ва техника экспансиясини чеклашни, одамларнинг анъанавий қадриятлари ва фаолият усусларини қайта-ришни талаб қиласди.

Шу муносабат билан техниканинг, шу жумладан, ҳозирги замон фан-техника кашфиётларининг мазмуни ва моҳиятини фалсафий тушуниш кишилик жамияти ва тақдири, келажакни билиш учун маълум кизиқиш уйғотади.

Техника (юнон. *techne* – маҳорат, санъат) деганда, маълумки, инсон томонидан яратилган ишлаб чиқариш куроллари ва воситалари-

нинг муайян системаси, шунингдек усууллар ва амаллар, меҳнат жаёнини амалга ошириш маҳорати ва санъати тушунилади. Инсониятнинг кўп асрлик тажрибаси, табиатни билиш ва ўзгартериш усууллари ва методлари, маданият соҳасида эришилган барча ютуклар техникада мужассамлашган.

Техник воситаларнинг шакллари ва функцияларида инсоннинг табиатга таъсир кўрсатиш шакллари ва усууллари ўз аксини топган. Инсон танасидаги аъзоларнинг давоми ва кўп карра кучайтирилган шакли бўлган техник қурилмалар, ўз навбатида ўзларини қўллаш усуулларини инсонга қабул қилдиради: камондан ўқ узилади, болға билан мих қоқилади, мих суғургич ёрдамида эса у суғуриб олинади.

«Техника» тушунчасининг илдизлари узоқ қадимга бориб тақалади. Қадимги юончча «techne» сўзи анча кенг тушунилган, хунарманд кўникмасидан юксак санъат соҳасидаги маҳоратгача бўлган маъно доирасини қамраб олган. Дехқончилик ва овчилик, денгизчилик ва табиблик, тўқимачилик ва аслаҳасозлик, театр санъати ва ҳ.к. «techne» соҳасига кирган. Юон мутафаккирлари билиш ва инсон фаолиятининг бошқа турлари орасида «techne»нинг ўрнини аниқлашга харакат қилганлар. Аристотель ушбу тушунчани ўзининг «Никомах ахлоқи» рисоласида кўриб чиқар экан, «techne» билан билимнинг бошқа турлари, чунончи: «επρείγεια» (тажрибада кўрилган билим) ва «εριστείμ» (назарий билим) ўртасидаги фарққа эътиборни қаратади.

Фалсафанинг бош муаммоларидан бири бўлган техника фалсафаси инсон билимининг турли шакллари, биринчи навбатда – илмий ва техник билимларнинг ўзаро нисбати муаммосига мурожаат этишни назарда тутади.

Техника ва фан муносабатлари тарихий ривожланишининг таҳлили ушбу ҳодисани тушуниш йўлларидан бири ҳисобланади. Бу ерда бир қанча босқичларни ажратиш мумкин. Биринчи босқич (таҳминан 1660–1750 йиллар) Англиядаги Реставрация ва Европада абсолютизмнинг тарқалиши даврида бошланади. Бу XVIII асрдаги илмий инқилоб давридир. Шу даврда фан ва техника яқинлаша бошлади. Дунёнинг механик манзараси тарзидаги билишнинг механик тамойили тушунтиришнинг универсал модели (намунаси) бўлиб хизмат қилди.

XVIII аср ўрталаридан XX аср бошигача давом этган иккинчи босқич – фан ва техниканинг институционал табакалашуви даври, улар нисбатан мустақил, эркин ривожланган давридир. Шу босқичда фан ўз эркинлигини қўлга киритди, илмий қоидаларни назарий жихатдан кўриб чиқиши ва асослашнинг аҳамияти ошди. Техника соҳасида мустақил ўрганган буюк кашфиётчилар – Уатт, Ползунов, Эдисоннинг ижоди пешқадамлик қилди.

Кейинги индустрIALIZация даврида техник кашфиётлар иқтисодий ишлаб чиқаришнинг муҳим таркибий қисмига айланди. Технологиянинг жўшқин хусусияти фанга бўлган талабни оширди, фан ва

техника муносабатлари ривожланишининг учинчи босқичи – техниканинг «сциентификациялашуви» жараёнини бошлаб берди. XX асрда фан амалий мақсадларга йўналтирилди, кашфиётчилар мустақил тарзда ишлаб чишишга қодир бўлмаган янги технологияларни яратди. Янги шароитда техник кашфиётлар техник муаммоларни ҳал килишга илмий методни қўллаш воситасига айланди. Шу тариқа XX асрда фан ва техника билимларининг бирлашиши жараёни амалга ошди.

Объектив мавжуд бўлган нарсаларга йўналтирилган назарий билимдан фарқли ўлароқ, техник билимни «ишлаб чиқариладиган нарсалар ҳакидаги билим» деб таърифлаш мумкин. Техник билим предметини яратилаётган, шаклланиш, вужудга келиш жараёнида бўлган нарсалар ташкил этади.

Техник билим тажрибада кўрилган билим билан назарий билим ўртасида қўприк вазифасини бажаради. Техник билимда экспериментал маълумотлар, аниқ таърифланган масалалар, етарли даражада асосланган мулоҳазалар уйғун бирлашади.

Техник билимнинг ўзига хос хусусияти унинг ишлаб чиқариш ва яратишга йўналтирилганлигидир. Техник билимда ишлаб чиқариш жараёни объектни фикран яратиш, лойиха тузиш, конструкцияни ишлаб чишиш босқичларини ўз ичига олади. Бу мухим хусусият техник билимда инсон ва жамият мақсадларини амалга ошириш воситасини кўриш имконини беради.

Шундай қилиб, тарихнинг илк босқичларида техника сўзнинг ўз маъносида яхши ривожланмаган ва ишлаб чиқаришда жонли меҳнат етакчилик қўлган бўлса, ҳозир ишлаб чиқариш маҳсулот бирлигига нисбатан меҳнат сарфлари умумий йигиндисида, коида тариқасида, моддийлаштирилган меҳнат пешқадамлик қиласи. Бошқача қилиб айтганда, инсон ва техника бирлашишининг технологик усулида туб ўзгаришларни келтириб чиқарадиган функциялар инсондан техникага ўтиши техника тараққиётидаги тарихий босқичларни ажратиш мезони хисобланади.

7.2. Техника ва фан, уларнинг ўзаро алокаси (фалсафий талқин қилишнинг баъзи бир масалалари)

Техника, меҳнат қуролини қўллаш кўникмаси сифатида, инсон пайдо бўлганидан бери мавжуд. Хунармандчиликда, қурол-аслаҳани қўллашда, фидирак, курак, омоч, ҳайвонлар кучи, елкан ва оловдан фойдаланишда оддий физик қонунларни билишга асосланган техника кадим замонлардан бери амал қиласи. У инсоният тарихий хотирасига маълум барча замонларда топилади. Қадимнинг буюк маданиятларида юксак даражада ривожланган механика оғир юкларни ташиб, бинолар барпо этиш, йўллар ва кемалар куриш, қамал ва мудофаа курилмаларини яратиш имконини берган.

Аммо бу техника узоқ вақт инсон билеми, маълумоти доирасида қолган. У инсон мускулининг кучи билан, ҳайвонлар, олов, шамол ва сув кучи ёрдамида ишлаб чиқарилган ва инсоннинг табиий мухити доирасидан четга чиқмаган. Техника тараққиётида катта силжиш содир бўлган XVIII аср охиридан вазият бутунлай ўзгарди. Одамларнинг орзуларида асрлар мобайнида шакланган техницистик, технократик дунёқараш XIX асрда амалга ошиди. Истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган машиналар ихтиро этилди. Илгари хунарманд бажарган ишларни машина амалга ошира бошлади. Энди у йигиради, тўқийди, арралайди, рандалайди, қўяди; у буюлиш бутунлай ишлаб чиқаради. Агар илгари юзта ишчи жуда катта меҳнат сарф қилиб, кунига бир неча минг дона шиша пуллаган бўлса, энди бир нечта ишчи хизмат кўрсатадиган машина кунига 20 минг дона ва ундан кўпроқ шиша ишлаб чиқара бошлади.

Бугудвигателининг ихтиро этилиши техника тараққиётида муҳим бурилиш ясади (1776 й.); шундан кейин универсал двигател – электромотор (динамомашина, 1867 й.) пайдо бўлди. Кўмирдан ва сув кучидан олинган энергиядан фойдаланила бошланди. Техника ҳолатини минг-йилликлар мобайнида белгилаб келган қадимги техникага ҳозирги замон энергетикаси қаршилик кўрсата бошлади. Олдинги механика инсон мускулининг ёки ҳайвоннинг кучи, тегирмонларни ҳаракатга келтирувчи шамол ёки сув кучи тарзидаги чекланган қурдатга эга бўлган бўлса, энди инсон ундан минг баравар кўпроқ кучни қўлга киритди.

Техниканинг бундай ривожланишига табиий фанлар ўзининг ҳозирги даражасида имконият яратди. Улар керакли билимлар берди ва эски техника доирасида ақлга ҳам сигмайдиган имкониятларни кашф этди. Янги техник борликнинг вужудга келишига унинг фан билан алоқасининг кучайиши замин ҳозирлади. У инсонга табиат устидан чексиз хукмронлик қилиш имконини берди.

Бугунги кунда фан ва техника органик ва ноорганик табиатга ўз ҳукмини ўтказмоқда. Ноорганик материя соҳасида – бу курилиш техникаси, электроника, иссиқлик техникаси, физик-кимёвий техника, энергетик техника ҳамда технология ва ҳаказо Органик табиат соҳасида эса, бу қишлоқ ҳўжалиги техникаси, шунингдек техника предмети доирасига бутун биологияни киритиш имконини берувчи биотехнология.

Айни вақтда, фикрлаш, баҳслашиш, ўрганиш, хотира техникаси («мнемотехника»), рассомлик, мусикий асбобларни чалиш техникаси, шунингдек одамларни, ишлаб чиқаришни, давлатни бошқариш техникаси ҳам мавжуд.

Шу боис ҳозирги талқинда «техника» сўзнинг кенг маъносида:

– эмпирия ва назарий билим ўртасида боғловчи бўгин вазифасини бажарувчи билим соҳаси;

– инсон фаолиятининг табиатни ўзгартиришга ва инсон эҳтиёж-ларига мувоғиқ табиат устидан ҳукмронлик қилишга йўналтирилган (турли воситалар ва таомилларни ўз ичига олувчи) соҳаси;

– инсон фаолияти муайян турининг касбий хусусиятларини таш-кил этувчи билим ва кўнікмалар мажмуи, ушбу фаолият билан шугулланувчи одамнинг маҳорати ва санъати демакдир.

Фалсафа давр ва минтақага хос маданиятни ҳисобга олган ҳолда дунёкарашни ўрганар экан, ўз воситалари ёрдамида техниканинг аристотелча, янги европача, позитивистик, марксистик, маданий инқи-рози, антропологик, рус космизми, мъънавий (В.Соловьев, Н.Бер-дяев), техник детерминизм, онтологик (М.Хайдеггер), сциентизм талкин-ларини тадқиқ қиласи ва ажратади.

Аристотель концепцияси инсоннинг маданий ҳаёти шаклларига нисбатан техника нейтралдир, деган асосий гояни илгари суради. Бу ижодий фаолликнинг меҳнат куроллари ясаш билан боғлик кичик соҳасидир. Техниканинг янги европача талкинида XVI-XVII асрларда жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, хусусан, инсон ҳаётида техника ролининг ошиши (Ф.Бекон, Т.Гоббс), омилкор тафаккур техника янгиликларини талаб қилиши ўз аксини топди. Декартнинг фикрича, ушбу талаб фақат текшириш методи сифатидаги радикал шубҳа остига олиш нұктай назаридан олдиндан таҳлил қилинган рационалистик анъана билан қондирилиши мумкин эди. Инсон тафаккурининг устуворлиги нафакат илмий методологиянинг, балки сиёsat, ижтимоий муносабатлар, ишлаб чиқариш жабхаларидағи фаолиятнинг ҳам негизига айланди. Техниканинг позитивистик ва марксистик концепциялари рационалистик методологияни янада аниқлаштириди. Позитивистик концепция (О.Конт) илмий рационаллик абстракт (мета-физик) рационалдан устун деган гояни илгари суради. Марксистик концепция эса рационалликка нафакат инсоннинг идеал нарсалар ҳақидаги қарашларни шакллантириш қобилиятини (идеал, модель, назария), балки унинг амалий рационаллик шаклларида (харакатларда) ифодаланишини ҳам куриб чиқади. Техника бунда ижтимоий муно-сабатлар тизимининг холис, лекин табиатни ўзгартиришда фаол унсу-ри сифатида амал қиласи (фан-техника тараққиёти).

XIX–XX асрларнинг маданий инқиrozи ҳақидаги концепцияси техникани пессимистик талқин қиласи. К.Ясперс, О.Шпенглер асарларида техника давлат машинасига инсоннинг бўйсундирилиши, техник цивилизациянинг вайронакор таъсирига қаршилик қўрсатиш қоби-лиятидан унинг маҳрум қилинишига имконият яратган асосий омиллардан бири деб тавсифланади. Х.Орtega-и-Гассет эса урбанизация маданиятга хавф солаётганига ўз эътиборни қаратади.

Техник зиёлиларда туғилган техника асосларини фалсафий талкин қилиш эҳтиёжи антропологик концепцияда ва техник (технологик) детерминизм концепциясида ўз ифодасини топди. Антропологик концеп-

цияга кўра, техника инсон аъзолари, унинг фикрлаш қобилиятининг табний давомидир. Технологик детерминизм концепцияси техникани жадал ривожланувчи, нафақат ижтимоий муносабатларни, балки инсон табиатини ҳам ўзгартиришга кодир ўз конуниятларига эга объектив борлик деб эътироф этишдан келиб чиқади. Техника ўз табиатига кўра инсонпарвардир. Инсон унинг фундаментал моҳиятини ўзига хос талкин қилгани боис масъулиятли эмас.

Рус космизми концепцияси (Н.Федоров, К.Циолковский ва бошк.) космотехник дунёга инсон хаётининг истикболи деб қарайди (космоснинг фаол ўзлаштирилишн). Маънавий концепция (В.Соловьев, Н.Бердяев) инсонни техника қаршисида ўз маънавиятини қўлга олишга, маданиятда эркинлик, масъулият ва ташкил этишнинг янги қадриятларини ишлаб чиқишга чакиради. Онтологик концепция (М.Хайдеггер) нафақат дунёкараш функциясини, балки Европа онгининг асосий муҳим мўлжалларини шакллантириш механизмларини қайта кўриш зарурияти билан боғлиқ танқидий (изланиш) функциясини ҳам ўз ичига олади. Техника муносабати билан маданий қадриятларнинг мақсад муддаоларини ўзгариши онтологияга ҳам, гносеологияга ҳам тааллукли. Онтологик муаммолар техника ҳодисасини жараён сифатида тадқиқ килиниши билан боғлиқ. Гносеологик муаммолар техника инсонга ўз-ўзини нафақат кичик тизим сифатида, балки ҳозирги замон ҳисобловчи тафаккурининг ўзига хос хусусияти сифатида ҳам намоён этади, деган гоя билан белгиланади. Гносеология онтологиянинг янги майдони – онгни аниклади. Унда техника оламининг асосий муаммолари жамланган.

Системали ёндашув ҳозирги замон техникасига элементлари ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб система деб қараш имконини беради. Ушбу элементлардан куйидагиларни қайд этиш мумкин: ахборот технологиялари (ахборотни масофадан катъи назар қабул килиш, саклаш, қайта ишлаш ва узатиш); машиналар, технологияларнинг ишлаб чиқариш комплекслари: тармокланган система (сув, газ ва нефть кувурлари, электр узатиш тармоклари); транспорт; тиббий технологиилар; ҳарбий техника ва технологиилар; таълим тизимидағи техника; машиний техника; илмий (изланишлар учун мўлжалланган) техника; туризм ва дам олиш билан боғлиқ техника. Техник кичик тизимларнинг ҳар бири инсоннинг иштирокини тақозо этади (ижод, кашфиёт, ташкил этиш, бошқариш, молиялаштириш ва х.к.). Техника вақтга бўйсунади. Бу унинг ривожланишида жуда кўп муаммолар тугдиради. Муаммолар кўпинча инсоннинг машина билан мулоқоти (алоқаси) жараёнида юзага келади. Умумбашарий ўлчовда техника кудратли кучга айланди, аммо айрим минтақавий маданиятлар учун у ҳануз мувоғик тарзда идрок этилмаган бойлик бўлиб қолмоқдаки, бу сиёсий кескинликларни бартараф этиш, иктисадий муаммоларни ҳал қилишда қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда.

– инсон фаолиятининг табиатни ўзгартиришга ва инсон эҳтиёжларига мувофиқ табиат устидан ҳукмронлик қилишга йўналтирилган (турли воситалар ва таомилларни ўз ичига олувчи) соҳаси;

– инсон фаолияти муайян турининг касбий хусусиятларини ташкил этувчи билим ва кўнікмалар мажмуи, ушбу фаолият билан шуғулланувчи одамнинг маҳорати ва санъати демакдир.

Фалсафа давр ва минтақага хос маданиятни ҳисобга олган ҳолда дунёкарашни ўрганар экан, ўз воситалари ёрдамида техниканинг аристотелча, янги европача, позитивистик, марксистик, маданий инқизози, антропологик, рус космизми, маънавий (В.Соловьев, Н.Бер-дяев), техник детерминизм, онтологик (М.Хайдеггер), сциентизм талқинларини тадқиқ қиласди ва ажратади.

Аристотель концепцияси инсоннинг маданий ҳаёти шаклларига нисбатан техника нейтралдир, деган асосий гояни илгари суради. Бу ижодий фаолликнинг меҳнат қуроллари ясаш билан боғлик кичик соҳасидир. Техниканинг янги европача талқинида XVI-XVII асрларда жамият ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, хусусан, инсон ҳаётида техника ролининг ошиши (Ф.Бекон, Т.Гоббс), омилкор тафаккур техника янгиликларини талаб қилиши ўз аксини топди. Декартнинг фикрича, ушбу талаб факат текшириш методи сифатидаги радикал шубҳа остига олиш нуктаи назаридан олдиндан таҳлил қилинган рационалистик анъана билан қондирилиши мумкин эди. Инсон тафаккурининг устуворлиги нафақат илмий методологиянинг, балки сиёsat, ижтимоий муносабатлар, ишлаб чиқариш жабҳаларидағи фаолиятнинг ҳам негизига айланди. Техниканинг позитивистик ва марксистик концепциялари рационалистик методологияни янада аниқлаштириди. Позитивистик концепция (О.Конт) илмий рационаллик абстракт (метафизик) рационалдан устун деган гояни илгари суради. Марксистик концепция эса рационалликка нафақат инсоннинг идеал нарсалар ҳақидаги карашларни шакллантириш қобилиятини (идеал, модель, назария), балки унинг амалий рационаллик шаклларида (ҳаракатларда) ифодаланишини ҳам кўриб чиқади. Техника бунда ижтимоий муносабатлар тизимининг холис, лекин табиатни ўзгартиришда фаол унсури сифатида амал қиласди (фан-техника тараққиёти).

XIX–XX асрларнинг маданий инқизози ҳақидаги концепцияси техникани пессимистик талқин қиласди. К.Ясперс, О.Шпенглер асарларида техника давлат машинасига инсоннинг бўйсундирилиши, техник цивилизациянинг вайронакор таъсирига каршилик кўрсатиш қобилиятидан унинг маҳрум қилинишига имконият яратган асосий омиллардан бири деб тавсифланади. Х.Орtega-и-Гассет эса урбанизация маданиятга хавф солаётганига ўз эътиборни қаратади.

Техник зиёлиларда тугилган техника асосларини фалсафий талқин қилиш эҳтиёжи антропологик концепцияда ва техник (технологик) детерминизм концепциясида ўз ифодасини топди. Антропологик концеп-

цияга күра, техника инсон аъзолари, унинг фикрлаш қобилиятининг табиий давомидир. Технологик детерминизм концепцияси техникани жадал ривожланувчи, нафақат ижтимоий муносабатларни, балки инсон табиатини ҳам ўзгартиришга кодир ўз қонуниятларига эга объектив борлик деб эътироф этишдан келиб чиқади. Техника ўз табиатига кўра инсонпарвардир. Инсон унинг фундаментал моҳиятини ўзига хос талкин қилгани боис масъулиятли эмас.

Рус космизми концепцияси (Н.Федоров, К.Циолковский ва бошқ.) космотехник дунёга инсон хаётининг истиқболи деб қарайди (космоснинг фаол ўзлаштирилиши). Маънавий концепция (В.Соловьев, Н.Бердяев) инсонни техника каршисида ўз маънавиятини қўлга олишга, маданиятда эркинлик, масъулият ва ташкил этишнинг янги қадриятларини ишлаб чиқишига чақиради. Онтологик концепция (М.Хайдеггер) нафақат дунёқараш функциясини, балки Европа онгининг асосий мухим мўлжалларини шакллантириш механизмларини қайта кўриш зарурияти билан боғлиқ танқидий (изланиш) функциясини ҳам ўз ичига олади. Техника муносабати билан маданий қадриятларнинг мақсад муддаоларини ўзгариши онтологияга ҳам, гносеологияга ҳам тааллукли. Онтологик муаммолар техника ҳодисасини жараён сифатида тадқиқ килиниши билан боғлиқ. Гносеологик муаммолар техника инсонга ўз-ўзини нафақат кичик тизим сифатида, балки ҳозирги замон ҳисобловчи тафаккурининг ўзига хос хусусияти сифатида ҳам намоён этади, деган ғоя билан белгиланади. Гносеология онтологиянинг янги майдони – онгни аниклайди. Унда техника оламининг асосий муаммолари жамланган.

Системали ёндашув ҳозирги замон техникасига элементлари ўзаро боғлиқ бўлган мураккаб система деб қараш имконини беради. Ушбу элементлардан қуйидагиларни қайд этиш мумкин: ахборот технологиялари (ахборотни масофадан катиб назар қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш); машиналар, технологияларнинг ишлаб чиқариш комплекслари: тармокланган система (сув, газ ва нефть қувурлаш, электр узатиш тармоклари); транспорт; тиббий технологиялар; ҳарбий техника ва технологиялар; таълим тизимидағи техника; маший техника; илмий (изланишлар учун мўлжалланган) техника; туризм ва дам олиш билан боғлиқ техника. Техник кичик тизимларнинг ҳар бири инсоннинг иштирокини тақозо этади (ижод, кашфиёт, ташкил этиш, бошкариш, молиялаштириш ва х.к.). Техника вактга бўйсунади. Бу унинг ривожланишида жуда кўп муаммолар тугдиради. Муаммолар кўпинча инсоннинг машина билан мулокоти (алоқаси) жараёнида юзага келади. Умумбашарий ўлчовда техника қудратли кучга айланди, аммо айрим минтақавий маданиятлар учун у ҳануз мувофиқ тарзда идрок этилмаган бойлик бўлиб қолмоқдаки, бу сиёсий кескинликларни бартараф этиш, иқтисодий муаммоларни ҳал килишда қўшимча қийинчиликлар түғдирмоқда.

Фан ва техника узок вақт анча секин ва нисбатан мувозий (паралелл), бир-биридан мустақил ривожланди. Техника ўз ривожланишида асосан эмпирик тажриба усулларини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчиллик санъати сирларини такомиллаштиришга таянди. Ўз навбатида, фан, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан мустақил тарзда, ўз ички ҳолатига бўйсунган ҳолда ривожланди. Тўгри, амалий эҳтиёжлар билан илмий билимларнинг узвий алокаси ўша даврда ҳам ҳарбий санъатнинг ривожланиши соҳасида муайян даражада намоён бўлди. Аммо ушбу алоқа шунинг ўзи билан-гина чекланди.

Бирок, XVI асрдаёқ техник ва илмий билимларнинг яқинлашуви кўзга ташланди. Ушбу жараён XVIII–XIX асрларда сезиларли дара-жада кучайди. Савдо, дengизчилик, мануфактура ишлаб чиқариши эҳтиёжлари бир қанча амалий, ишлаб чиқариш масалаларининг назарий ва экспериментал ечимини талаб килди. Ишлаб чиқариш кучларини эски заминда ривожлантириш мумкин бўлмай қолди. Тўгри, техника, моддийлашган билим сифатида, илмий билиш натижаларини муайян даражада ўз ичига олар эди. Шу маънода ҳам техниканинг ривожланиши аввал бошданоқ фаннинг ривожланишини ҳам назарда тутарди. Аммо машинали ишлаб чиқаришга ўтилганидан кейингина фан натижаларидан техникани ривожлантириш учун фойдаланиши мақсадида фанни ривожлантириш мустақил вазифа қилиб қўйилди.

Фан-техника тараққиёти умумий жараёнида меҳнат унумдорлиги кескин ошишига олиб келувчи ишлаб чиқариш кучларининг сифати жиҳатидан ўзгариши билан боялиқ мухим босқичларни ажратиш мумкин. Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви босқичи булиб, у инсонни оғир жисмоний меҳнатдан ҳалос килди ва меҳнат унумдорлигини бир неча баравар оширди. Иккинчи босқич – автоматлаштириш жараёни булиб, у автоматика, электроника, хисоблаш техникаси соҳасида эришилган илмий ютуқлар билан боялиқ. Ушбу босқич автоматлаштиришнинг олий шакллари – цехлар, заводларни автоматлаштиришга ўтиш, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини яратди.

Фан-техника инқилобининг янги – учинчи босқичи микроЭлектроника, информатика, биотехнологиянинг жадал ривожланиши, робототехниканинг яратилиши, оммавий компьютерлаштириш билан боялиқ. Ушбу босқичда фан-техника тараққиёти физика, математика, кимё, биология каби фундаментал фанларнинг, шунингдек билимнинг турли соҳалари туташган жойда вужудга келган фанлар, чунончи биотехнология, ирсий инженерия ва хужайралар инженерияси ютуқлари билан ишлаб чиқаришнинг яқин иттифоқи билан белгиланади. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти фанни бевосита ишлаб чиқариш кучига айлантириш орқали ишлаб чиқариш кучларини сифати жиҳатидан ўзгартирishi назарда тутади. Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, биринчидан, илмий билимлар ишлаб чиқаришда

банд бўлган деярли ҳар бир кишининг ажralmas таркибий қисмига айланади; иккинчидан, ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар (айни-са, бошқаришнинг автоматик системалари ишлайдиган жойларда) факат фан асосида бошқарилиши мумкин; учинчидан, иомий-гадқиқот ва конструкт-торлик фаолияти ишлаб чиқариш жараёни таркибидан унинг бевосита бўғини сифатида ўрин олади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаннинг амалий-технологик қўлланилиши соҳасига айланади.

Фан факат техниканинг ишлаб чиқариш кучлари таркибий қисмларидан бири сифатида ривожланишига имконият яратаетгани йўқ. Маълумки, асосий ишлаб чиқарувчи куч инсон хисобланади. Шу боис, фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши тўғрисида сўз юритилганида, нафакат техник ва табиий фанлар, балки инсон моддий ишлаб чиқариш соҳасида онгли тарзда, ижодий иштирок этиши учун зарур бўлган унинг бутун маънавий дунёси шаклланиши ва такомиллашувига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий фанлар ҳам назарда тутилади. Инсоннинг техник саводхонлигини ошириш унинг маънавий киёфасини такомиллаштиришни ҳам назарда тутади. Инсоннинг маънавий киёфаси кўп жиҳатдан фалсафа, маънавий маданият таъсирида шаклланади.

Бинобарин, ҳозирги замон фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишидаги тубдан қайта қуриш демак, унинг асосий жиҳатлари эса – фаннинг ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланиши, автоматик бошқаришнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш технологик методларининг ва уни ташкил этиш шаклларининг ўзгариши.

Фан-техника тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлари сўнгги йилларда Ғарбда ҳар хил технократик назариялар пайдо бўлишига туртки берди. Уларнинг моҳияти асосан ҳаётнинг ялпи техникалашуви барча ижтимоий муаммоларни ҳал килишга кодир, деган фоя билан боғлик.

Технократизм мафқурасининг гносеологик илдизлари позитивизм фалсафасига бориб тақалади. Маълумки, позитивистлар ўз хулосаларини табиий ва техник фанларда олинган эмпирик маълумотлар асосида чиқаради, уларнинг фалсафий негизини эса сциентизм ташкил этади.

«Ахборот инқиlobи», постиндустриал, технотрон, информацион ва бошқа шунга ўхшаш жамиятлар қуриш тарафдорларининг концепциялари фан ва техниканинг жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш имконият-лари кенг эканлигини эътироф этишга асосланади.

Ушбу концепция сўнгги йилларда американлик социолог Д.Белл, француз файласуфи ва социологи Р.Арон, американлик машҳур социолог ва сиёсий арбоб З.Бжезинский, американлик тарихчи ва социолог Г.Кан, американлик социолог ва иқтисодчи У.Ростоу ва

Фан ва техника узок вакт анча секин ва нисбатан мувозий (паралелл), бир-биридан мустақил ривожланди. Техника ўз ривожланишида асосан эмпирик тажриба усулларини, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган хунармандчиллик санъати сирларини такомиллаштиришга таянди. Ўз навбатида, фан, қоида тарикасида, ишлаб чиқариш эҳтиёжларидан мустақил тарзда, ўз ички ҳолатига бўйсунгандек ҳолда ривожланди. Тўғри, амалий эҳтиёжлар билан илмий билимларнинг узвий алоқаси ўша даврда ҳам ҳарбий санъатнинг ривожланиши соҳасида муайян даражада намоён бўлди. Аммо ушбу алоқа шунинг ўзи билан-гина чекланди.

Бироқ, XVI асрда ёқ техник ва илмий билимларнинг яқинлашуви кўзга ташланди. Ушбу жараён XVIII–XIX асрларда сезиларли дараҷада кучайди. Савдо, дengизчилик, мануфактура ишлаб чиқариши эҳтиёжлари бир қанча амалий, ишлаб чиқариш масалаларининг назарий ва экспериментал ечимини талаб қилди. Ишлаб чиқариш кучларини эски заминда ривожлантириш мумкин бўлмай қолди. Тўғри, техника, моддийлашган билим сифатида, илмий билиш натижаларини муайян даражада ўз ичига олар эди. Шу маънода ҳам техниканинг ривожланиши аввал бошданоқ фаннинг ривожланишини ҳам назарда тутарди. Аммо машинали ишлаб чиқаришга ўтилганидан кейингина фан натижаларидан техникани ривожлантириш учун фойдаланиш мақсадида фанни ривожлантириш мустақил вазифа қилиб қўйилди.

Фан-техника тараққиёти умумий жараёнида меҳнат унумдорлиги кескин ошишига олиб келувчи ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан ўзгариши билан боғлиқ мухим босқичларни ажратиш мумкин. Биринчи босқич ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви босқичи бўлиб, у инсонни оғир жисмоний меҳнатдан ҳалос қилди ва меҳнат унумдорлигини бир неча баравар ошириди. Иккинчи босқич автоматлаштириш жараёни бўлиб, у автомата, электроника, хисоблаш техникаси соҳасида зришилган илмий ютуқлар билан боғлиқ. Ушбу босқич автоматлаштиришнинг олий шакллари – цехлар, заводларни автоматлаштиришга ўтиш, меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини яратди.

Фан-техника инқилобининг янги – учинчи босқичи микроэлектроника, информатика, биотехнологиянинг жадал ривожланиши, робототехниканинг яратилиши, оммавий компютерлаштириш билан боғлиқ. Ушбу босқичда фан-техника тараққиёти физика, математика, кимё, биология каби фундаментал фанларнинг, шунингдек билимнинг турли соҳалари туташган жойда вужудга келган фанлар, чунончи: биотехнология, ирсий инженерия ва хужайралар инженерияси ютуқлари билан ишлаб чиқаришнинг яқин иттифоқи билан белгиланади. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти фанни бевосита ишлаб чиқариш кучига айлантириш орқали ишлаб чиқариш кучларини сифат жиҳатидан ўзгартиришни назарда тутади. Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, биринчидан, илмий билимлар ишлаб чиқаришда

банд бўлган деярли ҳар бир кишининг ажралмас таркибий қисмига айланади; иккинчидан, ишлаб чиқариш, технологик жараёнлар (айни-са, бошқаришнинг автоматик системалари ишлайдиган жойларда) фактат фан асосида бошқарилиши мумкин; учинчидан, иомий-гадқиқот ва конструк-торлик фаолияти ишлаб чиқариш жараёни таркибидан унинг бевосита бўғини сифатида ўрин олади. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш фаннинг амалий-технологик қўлланилиши соҳасига айланади.

Фан фактат техниканинг ишлаб чиқариш кучлари таркибий қисмларидан бири сифатида ривожланишига имконият яратадиган йўқ. Маълумки, асосий ишлаб чиқарувчи куч инсон хисобланади. Шу боис, фаннинг бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши тўғрисида сўз юритилганида, нафакат техник ва табиий фанлар, балки инсон моддий ишлаб чиқариш соҳасида онгли тарзда, ижодий иштирок этиши учун зарур бўлган унинг бутун маънавий дунёси шаклланиши ва такомиллашувига бевосита таъсир кўрсатувчи ижтимоий фанлар ҳам назарда тутилади. Инсоннинг техник саводхонлигини ошириш унинг маънавий киёфасини такомиллаштиришни ҳам назарда тутади. Инсоннинг маънавий киёфаси кўп жиҳатдан фалсафа, маънавий маданият таъсирида шаклланади.

Бинобарин, хозирги замон фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишидаги тубдан кайта куриш демак, унинг асосий жиҳатлари эса – фаннинг ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланиши, автоматик бошқаришнинг жорий этилиши, ишлаб чиқариш технологик методларининг ва уни ташкил этиш шаклларининг ўзгариши.

Фан-техника тараққиётининг ижтимоий, иқтисодий ва экологик оқибатлари сўнгги йилларда Фарбда ҳар хил технократик назариялар пайдо бўлишига туртки берди. Уларнинг моҳияти асосан ҳаётнинг ялпи техникалашуви барча ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кодир, деган гоя билан боғлик.

Технократизм мафкурасининг гносеологик илдизлари позитивизм фалсафасига бориб тақалади. Маълумки, позитивистлар ўз хуросаларини табиий ва техник фанларда олинган эмпирик маълумотлар асосида чиқаради, уларнинг фалсафий негизини эса сциентизм ташкил этади.

«Ахборот инқилоби», постиндустриал, технотрон, информацион ва бошқа шунга ўхшаш жамиятлар куриш тарафдорларининг концепциялари фан ва техниканинг жамиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш имкониятлари кенг эканлигини эътироф этишга асосланади.

Ушбу концепция сўнгги йилларда америкалик социолог Д.Белл, француз файласуфи ва социологи Р.Арон, америкалик машхур социолог ва сиёсий арбоб З.Бжезинский, америкалик тарихчи ва социолог Г.Кан, америкалик социолог ва иқтисодчи У.Ростоу ва

бошқаларнинг тадқиқотлари ва асарларида айниқса мукаммал ишлаб чиқилди.

Уларнинг кенг тарқалган «постиндустриал» ёки «технологик» жамият концепцияларига кўра, келажакда жамиятни фан ва техника ташкилотчилари (менежерлар) бошқаради, жамият хаёти ривожланишининг ҳал қилувчи омили эса илмий марказлар бўлади. Бу ерда техника ва фан ролининг мутлақлаштирилиши, ошириб юборилиши яққол сезилади. Майлумки, мураккаб сиёсий муаммоларни фан ҳам, техника ҳам ўз ҳолича ҳал қила олмайди. Шунунунутмаслик керакки, техника ишлаб чиқариш кучларининг бир қисми хисобланади. Ушбу концепция тарафдорлари жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи инсон эканини бутунлай назарда қочирадилар.

Фикримизга мисол тариқасида американлик таникли файласуф, социолог ва публицист, «Ута индустриал цивилизация» гояси муаллифларидан бири О.Тоффлер ижодига тўхталамиз.

Унинг гоялари «Учинчи тўлқин» ва «Олдиндан билиш ва башорат қилиш» китобларида айниқса ёрқин ифодаланган. Ушбу асарларида О.Тоффлер келажак жамиятининг шаклланишини индустриал цивилизациядан олдинги замонга, лекин янги технологик асосда қайтиш деб тушунади. Тарихга узлуксиз тўлқинли ҳаракат деб қараб, О.Тоффлер келгуси дунёнинг ўзига хос хусусиятларини, чунончи, унинг иктисолдий негизини электроника ва ЭҲМ, космик ишлаб чиқариш, океан туби бойликларидан фойдаланиш ва биология саноатни ташкил қилишини кайд этади. Аграр инқилоб (биринчи тўлқин) ва саноат инқилоби (иккинчи тўлқин) ўрнига келадиган «учинчи тўлқин» ана шудир.

Д.Беллда биз техника фалсафасининг анча мураккаброқ кўринишига дуч келамиз. Ҳозирги даврдаги ялпи компьютерлаштиришни «руй берайтган техник инқилоб рамзи ва ифодаси» деб қараб, американлик файласуф унда шаклланаётган «постиндустриал» жамият шаклшамойилларини кўради. Унда «асосий белгилар» – моддийлик (яъни ишлаб чиқариш соҳаси) ва маънавият (маданий институтлар соҳаси) ички қарама-қаршиликка эга бўладики, бунда Белл «ахборот-лашган» жамиятнинг емирилиши хавфини кўради.

Сўнгги йилларда бунга қарама-қарши концепция – технофобия, яъни техниканинг барча соҳаларни қамраб олишидан қўркиш концепцияси ҳам тарқалмоқда. Инсон фан-техника тараққиёти исканжасида ўзини ожиз қўғирчокдай хис қиласи. Шу нуқтаи назардан фан-техника тараққиёти шу қадар кенг кўлам касб этмоқдаки, жамият назорати остидан чиқиши ва цивилизацияни вайрон киладиган кучга айланиши, инсон яшайдиган мухит – табиатга ва инсоннинг ўзига катта зиён етказиши мумкин. Бу бутун инсониятни ташвишга солмоқда, чунки қайтариб бўлмайдиган даҳшатли куч хусусиятини касб этмоқда. Фалсафанинг ушбу концепцияси антисциентизм таълимотида ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бир қанча илмий, илмий-техник, ижтимоий-иктисодий ва бошқа тадқиқотлар ва таълимотларда фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳар хил талқин қилинади. Турли назарий системаларда у ҳар хил номланади. Масалан, марксистик терминологияда ва айрим гарб олимлари терминологиясида – «фан-техника инқилоби», О.Тоффлернинг цивилизацион типологияси бўйича – «ижтимоий-техник инқилоб». Кўпинча у ахборот-компьютер ва ахборот-экологик инқилоб деб номланади, электрон-компьютер ва биотехнологик технологияларнинг яратилиши ва тарқалиши унинг ички ўзагини ташкил этади. Янги цивилизация, шартли қилиб айтганда, «постиндустриал жамият», «ахборот жамияти», «ахборот-экологик жамияти» ушбу инқилоб натижаси бўлиши мумкин.

Шакл-шамойиллари эндиғина намоён булаётган жамият шу билан тавсифланадики, унда ахборот ва билимлар алоҳида, муҳим ўрин эгаллади. Ҳозирнинг ўзидаёқ энг ривожланган мамлакатларда саноат ва кишлек хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий соҳалари, алоқа ва коммуникациялар, маший хизмат кўрсатиш, дам олиш, таълим ва маънавий ҳаёт асосан техника ютукларига таянмоқда, уларга фан тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Билимларни излаш, яратиш, ўстириш ва саклаш, уларнинг маъносини ўзгартириш, кўпайтириш ва тарқатиш одамлар фаолиятида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Ахборот қимматли маҳсулот ва асосий товарга айланиб бормоқда.

Ушбу ҳолат «ахборот» тушунчасининг ўзига синчковлик билан назар ташлашга даъват этмоқда. Яқиндагина (яъни кибернетика асри-гача) ахборот деганда шунчаки маълумот узатиш тушунилар эди. Сўнгги ўн йилларда кибернетик тараққиёт таъсирида ушбу тушунча қайта кўрилди ва чуқурлашиб борди. Бугунги кунда у англаб етилмаган нарсалар ва ҳодисалар устида изланаётган тадқиқотчиларни ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётни бошқариш жараёнлари тепасида турган шахсларни «озиклантирувчи» муайян субстанция сифатида талқин қилинмоқда.

Сўнгги йилларда вужудга келган айрим концепцияларда ахборот масофа ва ҳаракат билан бир қаторга қўйилмоқда. Уларда ахборотлилик бутун Универсумнинг ва унинг ҳар бир таркибий қисмининг хоссаси деб талқин қилинмоқда. Аксарият ҳолларда кўпгина муаллифларда ахборот акс этирилган ранг-баранглик, ноаниқликнинг бартараф этилиши, энтропиянинг рад этилиши, ранг-барангликнинг ифодаланиши, структуралар мураккаблиги ўлчови, танлаш эҳтимоли деб тушунилмоқда.

7.3. Техника ва ҳозирги замон

Ҳозирги дунёда техниканинг иккιёклама хусусияти айниқса кескин намоён бўлмоқда. Бир томондан, инсоният ривожланишини

техникасиз тасаввур қилиш мүмкін эмас, иккінчи томондан эса, техника салбай ҳатто, фожиали оқибатларга олиб келишгә қодир құдратли күчdir. Техниканың ноокилона ривожланиши шунға олиб келадики, техника тараққиети ютуклари мураккаб муаммоларни көлтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришда инсоннинг ишчи кучи вазифасини бажарған, шу тарика мөхнат унумдорлигини оширган ҳолда, техника иш билан таъминлаш ва ишсизлик муаммоларига сабаб бўлмоқда; турар жой шинамлиги бугунги кунда одамлар тарқоклигини кучайтироқда; шахсий транспорт ёрдамида эришиладиган қулайлик шовқиннинг кучайишига, шаҳарлар ўз бетакрор қиёфасини йўқотишига, табиатнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

ХХ аср охири XXI аср бошидаги юксак технологиялар (электроника, информатика, космик ишлаб чиқариш, биотехнология ва бошқ.) ишлаб чиқаришни мутлақо янги даражага олиб чиқмоқда. Улар ёрдамида дунё ўзининг яқин келажагига назар ташламоқда. Дарҳақиқат, ушбу технологияларнинг яратилишини инқилоб, яъни ишлаб чиқариш фаолияти асосларида, инсоният ва табиат муноса-батларида туб сифат ўзгаришларининг содир бўлиши деб тавсифлаш мүмкін.

Инқилобий ўзгаришлар босқичига кирган ишлаб чиқаришлар ўз қиёфасини бутунлай ўзгартироқда. Неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўзаро нисбати сўнгги қайд этилган соҳа фойдасига ўзгармоқда. Оғир саноатнинг салмоғи камаймоқда, унинг йириклишви, диверсификацияси (ранг-барангликнинг кўпайиши) содир бўлмоқда. Қатъий вертикал тузилмалар ўрнини худудий тарқалган ишлаб чиқариш тармоқлари эгалламоқда. Интеллектуал фаолият ҳар томонлама «технологиялаштирилмоқда». Компьютер технологияси фикрлаш фаолияти имкониятини кенгайтироқда, ижодий парвозлар учун замин яратмоқда.

Фундаментал билимларга асосланган оммавий таълим аҳамияти ошмоқда. Таълим соҳасига эътибор бермайдиган, фандан юз ўғирган мамлакат инқизозга маҳкумдир. Узокни кўрадиган иқтисодчилар «инсон капитали» аҳамиятини тушуниб етгандарига анча бўлган. Бинобарин, инсонга «жойлаштирилган» маблағлар (Япония, Ж.Корея) жуда катта самара беради. Иқтисодиёт, экология ва умуман инсон ҳаётининг келажаги, энг аввало, унинг тафаккури ва маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Ахборот-компьютер инқилоби чукур ижтимоий ўзгаришларга замин ҳозирлайди. У ижтимоий яхлитликнинг барча қатламларини, чунончи: ижтимоий тузилиш, хўжалик ҳаёти ва мөхнат, сиёсат ва таълим жабҳаларини қамраб олади. XIX асрга ёки XX асрнинг биринчи ярмига хос бўлган ижтимоий тузилмалар ҳақидаги анъанавий ходисалар ўтмишга чекинса керак. Ҳозирдаётсаноат ишлаб чиқаришида «кўк ёқалилар» (ишчилар) сонининг камайишига олиб келаётган жараёнлар содир бўлмоқда. Айни вактда, «оқ ёқалилар» (мутахассислар) ва «темир ёқалилар» (роботлар) сони тобора кўпайиб бораётир.

Ўта юқори малакали ходимларнинг янги қатлами вужудга келмокда. О.Тоффлер уни «когнетариат» деб номлади.

Жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам жиддий ўзгариши керак. Ахборот технологияси маданий ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини янада кучайтиради. У қарама-каршилик ва тўқнашувларни ҳам келтириб чиқаради. Шахсий фойдаланиладиган электрон воситалар ҳар кимга ўзи хоҳлаган ахборотни олиш имконини беради. Бу оммавий маданиятнинг, таълим тизимининг хусусиятини ўзгартиради, ҳар бир муайян шахснинг дунёқарашини кенгайтиради. Маданиятдаги икки қарама-карши жараён: оммавий (тўда)лашув ва оммавийликдан чекиниш ўзаро қўшилиб, жуда кўп кутилмаган тўқнашувлар ва имкониятларни келтириб чиқаради, маданиятни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Ниҳоят, ахборот инқилоби инсоннинг ўзига, унинг турмуш тарзи, касб-кори, ўзини ҳис қилишига жиддий таъсир кўрсатади. Табиийки, жамиятнинг демократлашуви, маънавий мухитнинг инсонпарварлашувига кўп нарса боғлиқ бўлади. Шунга қарамай, оммавий билимлар банклари тузилиши, ахборот эпистемологиясининг вужудга келиши интеллектуал фаолият хусусиятига таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Компьютерлаштириш билан бир вактда ҳаётга борликнинг янги тури – «виртуал борлик», сунъий тарзда яратилган, ҳақиқийдек муомала килиш мумкин бўлган соҳта мухит ҳам кириб келмокда. Ушбу янги технологик мухит инсон руҳиятига кучли (ва ҳозирча оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган) таъсир кўрсатмокда. Бугунги кунда мазкур истиқбол хусусан компьютер ўйинлари манъяклари ва «виртуал борлик»ка экстатик даражада берилганлик ҳодисаларида намоён бўлмокда.

Келажак жамиятини компьютер технологияси замирида вужудга келадиган ахборот жамияти деб тавсифлар эканмиз, бунга бир мухим қўшимча қилиш керак, деб ўйлаймиз. Айрим тадқиқчилар (масалан, А.Д.Урсул) қайд этиб ўтганидек, ушбу жамият нафакат информатив, балки экологик бўлиши ҳам керак. Постиндустриал жамиятда ахборот муаммолари биринчи ўринга чиқиши «жамият – табиат» муносабатларидаги барча масалаларни ҳал қилмайди. Дунё миқёсида таҳдид солаётган экологик инқироз жамият, инсоният ва унинг табиий-экологик мухити оқилона нисбатига эришиш томонга юз буришини қаттиқ тақозо этади. Ишлаб чиқариш табиат учун хавфсиз бўлиши керак. Акс ҳолда биз ўзимиз яшаётган табиий мухитни ўзимиз ҳалокатга учратишимииз мумкин.

Қисқача хулосалар

1. Ҳозирги цивилизация – жамият тараккиёти учинчи тўлқини цивилизацияси фан-техника тараккиёти ютукларига асосланган постиндустриал ахборот жамиятини вужудга келтирмоқда. Бунда фан ва

техникасиз тасаввур килиш мумкин эмас, иккинчи томондан эса, техника салбий ҳатто, фожиали оқибатларга олиб келишга қодир кудратли күчдир. Техниканинг ноокилона ривожланиши шунга олиб келадики, техника тараққиёти ютуклари мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришда инсоннинг ишчи кучи вазифасини бажарган, шу тариқа меҳнат унумдорлигини оширган ҳолда, техника иш билан таъминлаш ва ишсизлик муаммоларига сабаб бўлмоқда; турар жой шинамлиги бугунги кунда одамлар тарқоклигини кучайтирмоқда; шахсий транспорт ёрдамида эришиладиган қулайлик шовқиннинг кучайишига, шаҳарлар ўз бетакрор қиёфасини йўқотишига, табиатнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

ХХ аср охири XXI аср бошидаги юксак технологиялар (электроника, информатика, космик ишлаб чиқариш, биотехнология ва бошқ.) ишлаб чиқаришни мутлақо янги даражага олиб чиқмоқда. Улар ёрдамида дунё ўзининг яқин келажагига назар ташламоқда. Дарҳақиқат, ушбу технологияларнинг яратилишини инқилоб, яъни ишлаб чиқариш фаолияти асосларида, инсоният ва табиат муноса-батларида туб сифат ўзгаришларининг содир бўлиши деб тавсифлаш мумкин.

Инқилобий ўзгаришлар босқичига кирган ишлаб чиқаришлар ўз қиёфасини бутунлай ўзгартирмоқда. Неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўзаро нисбати сўнгги қайд этилган соҳа фойдасига ўзгармоқда. Оғир саноатнинг салмоғи камаймоқда, унинг йириклишви, диверсификацияси (ранг-барангликнинг кўпайиши) содир бўлмоқда. Қатъий вертикал тузилмалар ўрнини худудий тарқалган ишлаб чиқариш тармоқлари эгалламоқда. Интеллектуал фаолият ҳар томонлама «технологиялаштирилмоқда». Компьютер технологияси фикрлаш фаолияти имкониятини кенгайтирмоқда, ижодий парвозлар учун замин яратмоқда.

Фундаментал билимларга асосланган оммавий таълим аҳамияти ошмоқда. Таълим соҳасига эътибор бермайдиган, фандан юз ўғирган мамлакат инкизозга маҳкумдир. Узокни қурадиган иқтисодчилар «инсон капитали» аҳамиятини тушуниб етганларига анча бўлган. Бинобарин, инсонга «жойлаштирилган» маблаглар (Япония, Ж.Корея) жуда катта самара беради. Иқтисодиёт, экология ва умуман инсон ҳаётининг келажаги, энг аввало, унинг тафаккури ва маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Ахборот-компьютер инқилоби чукур ижтимоий ўзгаришларга замин ҳозирлайди. У ижтимоий яхлитликнинг барча қатламларини, чунончи: ижтимоий тузилиш, хўжалик ҳаёти ва меҳнат, сиёsat ва таълим жабҳаларини қамраб олади. XIX асрга ёки XX асрнинг биринчи ярмига хос бўлган ижтимоий тузилмалар ҳақидаги анъанавий ҳодисалар ўтмишга чекинса керак. Ҳозирдаёқ саноат ишлаб чиқаришида «кўк ёқалилар» (ишчилар) сонининг камайишига олиб келаётган жараёнлар содир бўлмоқда. Айни вақтда, «оқ ёқалилар» (мутахассислар) ва «темир ёқалилар» (роботлар) сони тобора кўпайиб бораётир.

Ута юқори малакали ходимларнинг янги қатлами вужудга келмоқда. О.Тоффлер уни «когнетариат» деб номлади.

Жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам жиддий ўзгариши керак. Ахборот технологияси маданий ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини янада кучайтиради. У қарама-қаршилик ва тўқнашувларни ҳам келтириб чиқаради. Шахсий фойдаланиладиган электрон воситаларни хар кимга ўзи хоҳлаган ахборотни олиш имконини беради. Бу оммавий маданиятнинг, таълим тизимининг хусусиятини ўзгартиради, ҳар бир муайян шахснинг дунёкарашини кенгайтиради. Маданиятдаги иккиси қарама-қарши жараён: оммавий (тұда)лашув ва оммавийликдан чекиниш ўзаро қўшилиб, жуда кўп кутилмаган тўқнашувлар ва имкониятларни келтириб чиқаради, маданиятни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Нихоят, ахборот инқилоби инсоннинг ўзига, унинг турмуш тарзи, касб-кори, ўзини хис қилишига жиддий таъсир кўрсатади. Табиийки, жамиятнинг демократлашви, маънавий муҳитнинг инсонпарварлашувига кўп нарса боғлиқ булади. Шунга қарамай, оммавий билимлар банклари тузилиши, ахборот эпистемологиясининг вужудга келиши интеллектуал фаолият хусусиятига таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Компьютерлаштириш билан бир вақтда ҳаётга борликнинг янги тури – «виртуал борлик», сунъий тарзда яратилган, ҳақиқийдек муомала қилиш мумкин бўлган соҳта муҳит ҳам кириб келмоқда. Ушбу янги технологик муҳит инсон руҳиятига кучли (ва ҳозирча оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган) таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур истиқбол хусусан компьютер йឱинлари манъяклари ва «виртуал борлик»ка экстатик даражада берилганлик ҳодисаларида намоён бўлмоқда.

Келажак жамиятини компьютер технологияси замирида вужудга келадиган ахборот жамияти деб тавсифлар эканмиз, бунга бир муҳим қўшимча қилиш керак, деб ўйлаймиз. Айрим тадқиқотчилар (масалан А.Д.Урсул) қайд этиб ўтганидек, ушбу жамият нафакат информатив, балки экологик бўлиши ҳам керак. Постиндустриал жамиятда ахборот муаммолари биринчи ўринга чикиши «жамият – табиат» муносабатларидаги барча масалаларни хал қилмайди. Дунё микёсида таҳдид солаётган экологик инқироз жамият, инсоният ва унинг табиий экологик муҳити оқилона нисбатига эришиш томонга юз буришини қаттиқ тақозо этади. Ишлаб чиқариш табиат учун хавфсиз бўлиши керак. Акс ҳолда биз ўзимиз яшаётган табиий муҳитни ўзимиз ҳалокатга учратишимииз мумкин.

Қисқача холосалар

1. Ҳозирги цивилизация – жамият тараккиёти учинчи тўлқини цивилизацияси фан-техника тараккиёти ютукларига асосланган постиндустриал ахборот жамиятини вужудга келтирмоқда. Бунда фан ва

техникасиз тасаввур қилиш мумкин эмас, иккинчи томондан эса, техника салбий ҳатто, фожиали оқибатларга олиб келишга қодир күдратли күчдир. Техниканинг нооқилона ривожланиши шунга олиб келадики, техника тараққиёти ютуклари мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Ишлаб чиқаришда инсоннинг ишчи кучи вазифасини бажарган, шу тариқа меҳнат унумдорлигини оширган ҳолда, техника иш билан таъминлаш ва ишсизлик муаммоларига сабаб бўлмоқда; турар жой шинамлиги бугунги кунда одамлар таркоклигини кучайтирумокда; шахсий транспорт ёрдамида эришиладиган қулайлик шовқиннинг кучайишига, шаҳарлар ўз бетакорр қиёфасини йўқотишига, табиатнинг ифлосланишига олиб келмоқда.

XX аср охири XXI аср бошидаги юксак технологиялар (электроника, информатика, космик ишлаб чиқариш, биотехнология ва бошк.) ишлаб чиқаришни мутлақо янги даражага олиб чиқмоқда. Улар ёрдамида дунё ўзининг яқин келажагига назар ташламоқда. Дарҳақиқат, ушбу технологияларнинг яратилишини инқилоб, яъни ишлаб чиқариш фаолияти асосларида, инсоният ва табиат муносабатларида туб сифат ўзгаришларининг содир бўлиши деб тавсифлаш мумкин.

Инқилобий ўзгаришлар босқичига кирган ишлаб чиқаришлар ўз қиёфасини бутунлай ўзгартирумокда. Неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўзаро нисбати сўнгги қайд этилган соҳа фойдасига ўзгармоқда. Оғир саноатнинг салмоғи камаймоқда, унинг йириклишуви, диверсификацияси (ранг-барангликнинг кўпайиши) содир бўлмоқда. Қатъий вертикал тузилмалар ўрнини худудий тарқалган ишлаб чиқариш тармоқлари эгалламоқда. Интеллектуал фаолият ҳар томонлама «технологиялаштирилмоқда». Компьютер технологияси фикрлаш фаолияти имкониятини кенгайтирумокда, ижодий парвозлар учун замин яратмоқда.

Фундаментал билимларга асосланган оммавий таълим аҳамияти ошмоқда. Таълим соҳасига эътибор бермайдиган, фандан юз ўғирган мамлакат инкизозга маҳкумдир. Узокни кўрадиган иқтисодчилар «инсон капитали» аҳамиятини тушуниб етганларига анча бўлган. Бинобарин, инсонга «жойлаштирилган» маблағлар (Япония, Ж.Корея) жуда катта самара беради. Иқтисодиёт, экология ва умуман инсон хаётининг келажаги, энг аввало, унинг тафаккури ва маънавий қиёфаси билан белгиланади.

Ахборот-компьютер инқилоби чуқур ижтимоий ўзгаришларга замин ҳозирлайди. У ижтимоий яхлитликнинг барча қатламларини, чунончи: ижтимоий тузилиш, хўжалик ҳаёти ва меҳнат, сиёсат ва таълим жабхаларини қамраб олади. XIX асрга ёки XX асрнинг биринчи ярмига хос бўлган ижтимоий тузилмалар ҳақидаги анъанавий ҳодисалар ўтмишга чекинса керак. Ҳозирдаёт саноат ишлаб чиқаришида «кўк ёқалилар» (ишчилар) сонининг камайишига олиб келаётган жараёнлар содир бўлмоқда. Айни вақтда, «оқ ёқалилар» (мутахассислар) ва «темир ёқалилар» (роботлар) сони тобора кўпайиб бораётир.

Ута юқори малакали ходимларнинг янги қатлами вужудга келмоқда. О.Тоффлер уни «когнетариат» деб номлади.

Жамиятнинг маънавий-маданий ҳаёти ҳам жиддий ўзгариши керак. Ахборот технологияси маданий ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини янада кучайтиради. У қарама-каршилик ва тўқнашувларни ҳам келтириб чиқаради. Шахсий фойдаланиладиган электрон воситалар ҳар кимга ўзи хоҳлаган ахборотни олиш имконини беради. Бу оммавий маданиятнинг, таълим тизимининг хусусиятини ўзгартиради, ҳар бир муайян шахснинг дунёкарашини кенгайтиради. Маданиятдаги икки қарама-карши жараён: оммавий (тўда)лашув ва оммавийликдан чекиниш ўзаро қўшилиб, жуда кўп кутилмаган тўқнашувлар ва имкониятларни келтириб чиқаради, маданиятни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаради.

Нихоят, ахборот инқилоби инсоннинг ўзига, унинг турмуш тарзи, қасб-кори, ўзини ҳис қилишига жиддий таъсир кўрсатади. Табиийки, жамиятнинг демократлашуви, маънавий муҳитнинг инсонпарварлашувига кўп нарса bogлиқ бўлади. Шунга қарамай, оммавий билимлар банклари тузилиши, ахборот эпистемологиясининг вужудга келиши интеллектуал фаолият хусусиятига таъсир кўрсатади деб ўйлаймиз.

Компьютерлаштириш билан бир вактда ҳаётга борлиқнинг янги тури – «виртуал борлик», сунъий тарзда яратилган, ҳақиқийдек муомала қилиш мумкин бўлган соҳта мухит ҳам кириб келмоқда. Ушбу янги технологик мухит инсон руҳиятига кучли (ва ҳозирча оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган) таъсир кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур истиқбол хусусан компьютер ўйинлари манъяклари ва «виртуал борлик»ка экстматик даражада берилганлик ҳодисаларида намоён бўлмоқда.

Келажак жамиятини компьютер технологияси замирида вужудга келадиган ахборот жамияти деб тавсифлар эканмиз, бунга бир муҳим кўшимча қилиш керак, деб ўйлаймиз. Айрим тадқиқотчилар (масалан, А.Д.Урсул) қайд этиб ўтганидек, ушбу жамият нафақат информатив, балки экологик бўлиши ҳам керак. Постиндустриал жамиятда ахборот муаммолари биринчи ўринга чиқиши «жамият – табиат» муносабатларидағи барча масалаларни хал қилмайди. Дунё миқёсида таҳдид солаётган экологик инқироз жамият, инсоният ва унинг табиий-экологик мухити оқилона нисбатига эришиш томонга юз буришини қаттиқ тақозо этади. Ишлаб чиқариш табиат учун хавфсиз бўлиши керак. Акс ҳолда биз ўзимиз яшаётган табиий мухитни ўзимиз ҳалокатга учратишимиз мумкин.

Қисқача хулосалар

1. Ҳозирги цивилизация – жамият тараққиёти учинчи тўлқини цивилизацияси фан-техника тараққиёти ютукларига асосланган постиндустриал ахборот жамиятини вужудга келтирмоқда. Бунда фан ва

техника синтези бутун инсоният ҳаётининг сифати ва турмуш дара-жаси жиддий ўзгаришига олиб келади.

2. Ҳунармандчилик, усталик, ишлаб чиқариш (techne), тажрибада қўрилган билим (epерeia) ва назарий билимлар (episteme)ни фалсафий таққослаш антик даврга, Аристотель ғояларига бориб тақалади.

3. Механика ва техника тараққиёти XVIII асрда фанда ва эпистемологияда оламнинг универсал модели – дунёнинг механик манзараси узил-кесил шаклланишига олиб келди.

4. Техниканинг жадал ривожланиши, унинг ютуқлари кундалик ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодий ва индустрисал тараққиёт, машинали ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат билан боғлиқ.

5. Ҳозирги замон фан фалсафаси ва эпистемологиясида системали ёндашув техникага ўзаро боғлиқ элементларнинг мураккаб тузилган, ўз-ӯзидан ривожланувчи система деб қараш имконини беради. Ушбу системанинг ривожланиши ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари билан белгиланади.

Асосий тушунчалар

Техника – инсон томонидан яратиладиган, унинг яшаси ва ишлости учун зарур бўлган предметлар системаси.

Техник билимлар – илгари маълум бўлмаган нарса ёки ҳодисага қаратилган билимлар.

Фан-техника тараққиёти – фан ва техниканинг бирлашиши билан тавсифланадиган ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан ривожланиши.

Ахборот жамияти – жамият тараққиёти негизи сифатида асосан ахборотдан фойдаланишга асосланган келажак жамияти.

Технофобия – инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларини техника тўлиқ камраб олишидан кўрқиши.

Саволлар

1. Техника нима?

2. «Сциентизм» ва «антисциентизм» тушунчалари нимани англатади?

3. Техника тараққиётида қадимдан то ҳозирги кунгача қандай ўзгаришлар содир бўлган?

4. Ҳозирги шароитда инсон ва техниканинг ўзаро нисбати қандай намоён бўлмоқда?

5. Сизнингча, инсоният келажагида техника қандай рол ўйнайди?

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва Воронеж, 2002.

Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Кулешов В.Ч., Латыпова Н.Д. Наука, техника, человек. Справочник. – М.. 1990.

Ленк Х. Размышления о современной технике. М.: Аспект Пресс, 1996.

Лешкевич Т.Г. Философия. Учеб. пос. – М., 2004.

Медоуз Д. Пределы роста. – М., 1991.

Негодаев И.А. Философия техники. Ростов н/д., 1999.

Новая технократическая волна на Западе. – М., 1986.

Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники. – М., 1995.

техника синтези бутун инсоният ҳайтиниң сифати ва турмуш дара-
жаси жиддий ўзгаришига олиб келади.

2. Ҳунармандчилик, усталик, ишлаб чиқариш (*techne*), тажрибада
күрилган билим (*epteria*) ва назарий билимлар (*episteme*)ни фалсафий
таққослаш антик даврга, Аристотель ғояларига бориб тақалади.

3. Механика ва техника тараққиёти XVIII асрда фанда ва эписте-
мологияда оламнинг универсал модели – дунёнинг механик манзараси
узил-кесил шаклланишига олиб келди.

4. Техниканинг жадал ривожланиши, унинг ютуқлари кундалик
ҳаётга татбиқ этилиши иқтисодий ва индустрисал тараққиёт, машинали
ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда
саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат билан
боғлиқ.

5. Ҳозирги замон фан фалсафаси ва эпистемологиясида системали
ёндашув техникага ўзаро боғлиқ элементларнинг мураккаб тузилган,
ўз-ўзидан ривожланувчи система деб қараш имконини беради. Ушбу
системанинг ривожланиши ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари билан
белгиланади.

Асосий тушунчалар

Техника – инсон томонидан яратиладиган, унинг яшаси ва иш-
лаши учун зарур бўлган предметлар системаси.

Техник билимлар – илгари маълум бўлмаган нарса ёки ҳодисага
қаратилган билимлар.

Фан-техника тараққиёти – фан ва техниканинг бирлашиши
билим тавсифланадиган ишлаб чиқариш кучларининг сифат жиҳатидан
ривожланиши.

Ахборот жамияти – жамият тараққиёти негизи сифатида асосан
ахборотдан фойдаланишга асосланган келажак жамияти.

Технофобия – инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларини
техника тўлиқ қамраб олишидан қўрқиши.

Саволлар

1. Техника нима?
2. «Сциентизм» ва «антисциентизм» тушунчалари нимани англа-
тади?
3. Техника тараққиётида қадимдан то ҳозирги кунгача қандай
ўзгаришлар содир бўлган?
4. Ҳозирги шароитда инсон ва техниканинг ўзаро нисбати қандай
намоён бўлмоқда?
5. Сизнингчча, инсоният келажагида техника қандай рол ўйнайди?

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва Воронеж, 2002.

Канке В.А. Философия: Учебник. – М., 2004.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Кулешов В.Ч., Латыпова Н.Д. Наука, техника, человек Справочник. – М.. 1990.

Ленк Х. Размышления о современной технике. М.: Аспект Пресс, 1996.

Лешкевич Т.Г. Философия. Учеб. пос. – М., 2004.

Медоуз Д. Пределы роста. – М., 1991.

Негодаев И.А. Философия техники. Ростов н/д., 1999.

Новая технократическая волна на Западе. – М., 1986.

Степин В.С., Горохов В.Г., Розов М.А. Философия науки и техники. – М., 1995.

8-мавзу. ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФАЛСАФАСИ (фалсафий-экологик жиҳати)

8.1. Глобал муаммолар фалсафий таҳлил объекти сифатида

XX аср охирида рўй берган, ўз аҳамияти ва оқибатларига кўрамни титратган сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ўзгаришлар, фан-техника тараккиётининг интенсив ривожланинг инсоният олдига бир катор муаммо масалаларни қўйди. Инсоннинг жамият аъзоси сифатида яшаб қолиши тақдири ана шу масалаларнинг оқилона ҳал қилинишига боғлиқ бўлиб қолди.

Ҳал қилиниши ва шу жумладан, фалсафий жиҳатдан ҳам тушуниб етилиши лозим бўлган ушбу масалалар каторида «глобал» аҳамиятга эга деб эътироф этилган ҳарбий, экологик ва демографик хусусиятга эга бўлган хавф-хатарлар бор. Мухим муаммолар рўйхати, табиийки, ана шу хавф-хатарларнинг ўзи билан чекланмайди. Айрим тадқиқотчилар жаҳон ҳамжамияти зудлик билан ҳал қилиши керак бўлган иккичтадан тахминан ўнтагача мухим муаммоларни қайд этадилар. Бу, юқорида қайд этилган муаммолардан ташқари, энг аввало, дунёнинг ривожланган мамлакатлари аҳолиси билан «ривожланаётган» мамлакатларнинг кўп сонли ўта қашшок аҳолиси ўртасидаги иктисодий тафовут муаммоси («Шимол-Жануб» муаммоси); саломатлик (айниқса, ОИТС) муаммоси, энергетика ва озиқ-овқат муаммолари, ҳозирги минерал-хом ашё инқирози ва бошк¹. Ушбу рўйхатни чексиз давом этириш мумкин, чунки сайёрамизда ҳал қилинишига одамлар, ҳалқлар, қитъалар ва бутун инсониятнинг тақдири кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган янгидан-янги, баъзан анча кескин, ташвишли муаммолар муттасил юзага келмоқда.

Шу муносабат билан ушбу мавзумизнинг асосий вазифаси глобал муаммолар хавфининг кучайиши ва уларни талабалар томонидан фалсафий жиҳатдан англаб етиши зарурлиги билан боғлиқ бир қанчада масалалар қўйишдан иборат.

Гап шундаки, агар айрим глобал муаммолар, чунончи, янги жаҳон урушининг олдини олиш ва жаҳонга хавф солаётган ҳалқаро терроризм муаммоларига нисбатан уларнинг олди олиниши ва тугатилиши зарурлиги ҳеч кимда шубҳа уйготмаса, бошқа хавфларга нисбатан одамларнинг муносабатлари ҳар хил ва анча қарама-қаршидир.

Ҳатто, экология муаммосини кўпчилик аклан тушунсада, лекин доим ўзи учун ҳам хавфли эканини англайвермайди.

¹ Основы философии в вопросах и ответах – Р/Д 1997. с. 427–430; Философия Конспект лекций. – Р/Д, 2003. – с. 177-179; Лешкевич Т.Г. Философия. – М., 2004. с. 171–173 б.; Философия. Курс лекций. Под ред В.Л. Калашникова – М., 2001 – с. 243–145.

Бу масалан, ер ресурсларининг камайиши, атроф–мухит, атмосфера ва жаҳон океани сувининг ифлосланиши, одамлар яшайдиган муҳиттга техноген таъсирнинг кучайиши муаммолариdir. Аммо ушбу хавфларни кўпчилик англаб етаётгани йўқ, чунки табиатда ҳам жамиятда ҳам токи шу хавфлар ўз ривожланишида хатарли босқичга етмагунича, одамга кўринмайдиган, сезилмайдиган хавфли жараёнлар борлигини одамлар англаб етмайдилар.

Чернобиль ҳалокати ҳам шундай бўлди. Заҳарланган, инсон ҳаёти учун хавфли худудда одамлар ҳамон яшашда давом этмоқдалар. Буни биз Орол денгизи муаммоси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. И.Каримов сўзлари билан айтганда, Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва инсон ҳаёти фожиаларидан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши куз ўнгига бутун бир денгизнинг қуриши ва унинг салбий оқибатларини тотишга маҳкум этилади.

Ҳозирда деярли бутун сайёрамизни қамраб олган демографик портглаш хавфи ҳам зудлик билан фалсафий жиҳатдан таҳлил этишини талаб киласди.

Агар экологик вазият жаҳоннинг бир қанча давлатларида, хусусан, Ўзбекистонда назорат остига олинган ва бу ерда атроф–мухитни сақлаб қолиш бўйича муайян чора–тадбирлар қурилаётган бўлса, дунёнинг бошқа минтақаларида оз сонли ҳалқаро, асосан жамоат ташкилотлари (Рим клуби, яшиллар ҳаракати – Гринпис) табиат, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилишга чорламоқда. Демографик муаммоларга келсак, уларга аксарият ҳолларда эътибор берилмаяпти, долзарб муаммолар деб қаралмаяпти.

Бунинг ўз объектив ва субъектив сабаблари бор. Бугунги кунда ер курраси аҳолисининг сони олти миллиарддан ошиб кетгани, аҳоли ҳар йили 100 миллион кишига кўпаяётгани кўпчиликда нари борса қизикиш уйғотади холос. Улар аҳолининг ўсишида ўзи учун хавф кўрмайди. Бунинг устига, мусулмон дунёсидаги кўпгина мамлакатларда диний ва маҳаллий урф–одатлар ва анъаналар бола туғишини рағбатлантиради ва туғишини чеклашга бўлган уринишларга қаршилик кўрсатади. Япония, Хитой ва айрим бошқа мамлакатлар (Хинди斯顿)–дан ташқари, аксарият давлатларнинг ҳукуматлари ўз мамлакатлари аҳолисининг ўсишини ўз фуқароларини таъминлаш бўйича мавжуд иктисодий ва озиқ–свқат имкониятлари билан мувофиқ ҳолатга келтириш юзасидан кескин чоралар кўрмаяптилар ёки кўришни истамаяптилар.

Бошқа томондан, Европанинг бир қанча мамлакатларида, Болтиқ бўйида ва айникса, Россияда аҳоли сони кескин камайиб бормоқда. Россияга нисбатан бу ерда бир муҳим хусусиятни курсатиш мумкин: аҳоли орасида, айникса, славян миллатига мансуб аҳоли ҳамда Шимол, Сибирь ва Узоқ Шарқ ҳалқлари аҳолиси орасида туғилиш кескин камайди, айни вактда, туркийзабон ва Шимолий Кавказ ҳалқлари орасида аҳоли сонининг кўпайиши кузатилмоқда.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярмида ва айниқса, икки мингийиллик чегарасида инсоният глобал муаммолар чангалида қолди.

Хозирда «глобал муаммолар» атамаси умумий қабул қилинган бўлса-да, социологлар ва файласуфлар унга ҳар хил ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва гоявий мазмун киритадилар. Айримлар глобал муаммоларнинг ижтимоий-иқтисодий табиатини камайтириб кўрсатсалар, айримлар ушбу муаммоларни факат жамиятнинг табиатга таъсир кўрсатиш техник воситалари ҳаддан ташқари кўпайгани ва унинг хўжалиги фаолияти кўлами кенгайгани билан эмас, балки ижтимоий ривожланишининг тартибсизлиги, нотекислиги, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий тенгсизлик, транснационал корпорациялар даромад ва жорий нафни кўзлаб, бутун жамиятнинг узоқ муддатли манфаатларига зид иш тутаётгани билан ҳам боғлиқ эканидан келиб чиқадилар¹.

Давримизнинг глобал муаммолари – XX асрнинг охирги чорагида ер куррасида юзага келган глобал вазиятнинг қонуний оқибатидир. Ушбу муаммоларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва уларни ҳал қилиш имкониятини тұғри тушуниш учун, энг аввало, глобал муаммолар ўрни, даражаси ва тамойилларини, уларнинг мезонларини аниқлаш, бунда, биринчидан, глобал муаммолар умумий аҳамиятга эга, чунки муайян инсон ва бутун инсоният манфаатларига дахлдор эканини; иккинчидан, улар объектив экани ва уларни рад этиш ҳам, уларга эътибор бермаслик ҳам мумкин эмаслигини; учинчидан, глобал муаммоларни ҳал қилмаслик келажакда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қайд этиш керак.

Глобал муаммоларни таснифлашнинг яна бир мухим жиҳати уларнинг горизонтал ва вертикал йўналишлардаги даражаларини аниқлашадир.

Горизонтал йўналишда глобал муаммоларнинг уч гурухи фарқланади:

- термоядро уруши ва халқаро терроризм хавфи;
- глобал экологик муаммолар;
- ҳозирги демографик вазият.

Ушбу даражалар, мезонлар ва тамойиллар муайян вазиятларда тадқиқотнинг қўйилган вазифаларига қараб жойи ва тартибига кўра алмашиши мумкин.


Шу муносабат билан инсоният тарихида ер курраси демографик ривожланишининг бир қанча фактларини келтириб ўтмоқчимиз. 10 минг йил мұқаддам ер юзида жами 5 млн. киши, яъни ҳозирги Москва аҳолисининг ярми яшаган; милоддан 5 минг йил олдин ер юзи аҳолиси 30 млн. киши, яъни ҳозирги Ўзбекистон аҳолисидан сал кўпроқ; ми-

¹ Араб-Оглы Э.А. Обозримое будущее. Социальные последствия НТР. 2000 г. – М.. 1986, Хёсле В. Философия и экология. – М., 1994; Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1991.

лоднинг бошида – 250 млн. киши, яъни ҳозирги МДҲ аҳолисига тенг микдорда бўлган¹.


13-чизма

Глобал муаммоларнинг типлари



14-чизма

Глобал муаммоларни билишда фан фалсафасининг методологик ва дунёқарашни шакллантириш функциялари



Охирги юз йилларда аҳолининг жадал кўпайиши ҳозирда айниқса жиддий ташвиш уйготмоқда. Охирги ўн асрнинг ўзида Ер куррасининг аҳолиси 250 млн.дан 6 млрд.га, яъни ўн беш баравар кўпайди. Агар биринчи икки баравар кўпайиш 700 йилда рўй берган бўлса, иккинчиси учун атиги 150 йил керак бўлди. Ер юзи аҳолиси геометрик прогрессияда, озик-овқат маҳсулотлари эса – арифметик прогрессияда кўпаяди, бу мукаррап равишда «демографик портлаш»га олиб келади, деб башорат қилган инглиз социологи Т.Мальтус (1766–1834) ҳақ бўлиб чиқди. Буни куйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди: XX асрнинг 60-йилларида Ер куррасида соатига 8 минг киши, 80-йилларда – 10 минг киши, 90-йилларда – 12 минг киши тугилган бўлса, ҳозирда бу рақам 13–14 минг кишига етган бўлса керак.

¹ Основы философии в вопросах и ответах. – Р/Д «Феникс», М., «Зевс». 1997. с. 434.

Ушбу ҳолат ташвиш уйготмай қолмайды. Демографларнинг таҳминига қараганда, Ер курраси ахолисининг оқилона микдори 10 млрд.дан ошиши мумкин эмас. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичга XXI асрнинг 30-йилларида ёки етилиши мумкин.

Юқорида айтилганларга хulosса қилиб, ушбу мавзу олий ўкув юртлари учун мўлжалланган фалсафа курсида анча тўлик ёритилганини қайд этиб ўтмокчимиз. Шу боис биз бу ерда асосий эътиборни давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири – «Табиат – жамият – инсон» ўзаро нисбати муаммосига ёки экология муаммосига қаратмокчимиз.

8.2. Инсон ва табиат: қарама-каршиликдан ўзаро алоқа сари

XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошида экологик танглики муаммоси долзарб аҳамият касб этди. «Экология» тушунчаси XIX асрда немис биологи ва файласуфи Э.Геккель томонидан истеъмолга киритилган эди. Дастрраб у инсон танасига нисбатан ташки барча нарсалар ва ходисаларни англатарди. Ҳозирда бу тушунча халқи қилиниши ёки ҳал қилинмаслигига инсоният тақдирни боғлиқ бўлган глобал муаммога айланди.

1972 йили ҳозирда машҳур ҳалқаро жамоат ташкилоти – Рим клубининг биринчи доклади эълон қилинди. Массачусетс технология институтининг доктор Д.Медоуз бошчилигидаги олимлар гурухини «Инсониятнинг оғир ҳолати» лойиҳаси доирасида ўтказган тадқикоти натижалари асосида тайёрланган «Ўсиш чегаралари». деб номланган ушбу доклад жаҳонда жуда катта шов-шув уйготди. Америкали олимлар чиқарган хulosалар жаҳон тараққиёти, унинг барқарорлиги, инсоният ҳаётининг мақсадлари ва истиқболлари ҳақидаги барча одатдаги қарашларни рад этар эди. Докладда берилган баҳолар ва таклифлар нафақат фан оламида, балки жаҳон тақдирни ҳақида ўйлай-диган ва ташвиш чекадиган одамлар орасида ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди: улар сайёрамизнинг яқин келажаги, унга таҳдид солаёт-ган хавф-хатарлар ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Аҳоли сонининг ўсиш суръатлари ва ер юзида мавжуд капитализм захиралари ўзаро мувофиқ булиши мумкинми? Сайёрамиз қанчада одамни, қай даражада ва қанча муддатга барча зарур нарсалар билан таъминлай олади? Ушбу саволларга жавоб топиш инсоният учун мухимлиги тўғрисида сўз юритар экан, Рим клубининг асосчиси А.Печчеи бугунги кунда «соғлом фикрлайдиган бирорта ҳам одам она Заминимиз ҳар қандай ўсиш суръатларига дош бериши, одамларнинг ҳар қандай эҳтиёжларини қондириши мумкинлигига ишонмайди. Чегаралар мавжудлиги ҳаммага аён, аммо улар қандай ва қаердалиги хали аниқлангани йўқ»¹, деб қайд этади.

¹ Печчеи А. Человеческие качества – М., 1980. с. 124.

Клубнинг яна бир аъзоси – Д.Медоуз ва унинг ҳамкаслари фикрига кўра, инсоният глобал ҳалокат ёқасида турибди. Энг аввало, табиий ресурсларни қазиб олиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришнинг ўсишини онгли тарзда чеклаш, тартибга солишга йўналтирилган тегишли чора-тадбирларнинг амалга оширилишигина ушбу ҳалокатнинг олдини олиш имконини беради. Аммо гап факат шунда эмас. Фан-техника тараққиёти мезонларини тушунишга нисбатан олимлар янгича ёндашиши ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Фанда ҳозиргача ишлаб чиқариш қувватларини узлуксиз оширишга асосланган ёндашув пешкадамлик килиб келади. «Ўсиш чегаралари» ўсиш чексиз давом этиши мумкин эмаслигини кўрсатди. Инсоният миқдордан сифат фойдасига воз кечиши лозим бўлган фурсат келди.

Тадқиқотчилар чиқарган хуносалар кўп танқидий мулоҳазалар, баҳслар, мунозараларга сабаб бўлди. Китоб бутун жаҳонда катта кизиқиши билан қарши олинди ва 35 тадан кўпроқ тилга таржима қилинди.

Чорак аср ичида Рим клуби ташаббуси билан турли мамлакатларнинг олимлари томонидан 20 га яқин шундай доклад тайёрланди. Уларнинг замирида давримизнинг глобал муаммоларини кенг кўламда тадқиқ қилиш ётади.

1991 йили Рим клуби инсониятга навбатдаги бирдамлик ҳақидағи чақириқ билан мурожат килди. Клуб тақдим этган «Биринчи глобал инқилоб» докладида мавжуд глобал муаммолар ретроспектив таҳлил қилинади ва инсониятни қутқаришнинг янги дастури таклиф қилинади. Жаҳон ҳамжамияти тақдирни глобал муаммоларнинг муҳимлиги тушунилиши ва уларнинг ҳал қилинишига ҳар бир одам ҳисса қўшишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Фақат яқин ва ялпи ҳавф қаршисида бирлашган тақдирдагина инсоният ўзининг яшаб қолишини таъминлашга йўналтирилган харакатларни биргаликда амалга ошириш учун ўз хоҳиш-иродасини намоён этишга қодир. Шу боис биз жаҳон миқёсида бирдамликка чақирамиз, дейилади докладда.

Инсоннинг табиат имкониятларини ва унинг ривожланиш конуниятларини хисобга олмай, жадал юритилган хўжалиги фаолияти, Рим клубининг «XXI аср йўли» деб аталмиш тадқиқотларидан бирида кўрсатиб ўтилганидек, Ер юзида тупроқ нураши, ўрмонлардан маҳрум бўлиш, баликларнинг хаддан ташқари кўп овланиши, тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва хоказоларнинг рўй беришига олиб келди. Мутахассисларнинг баҳолашларича, 2000 йилга бориб ўрмонлар эгаллаб турган майдон қуруқликнинг 1/6 қисмни нигина ташкил этади, ҳолбуки, 50-йилларда улар 1/4 қисмни эгаллаган эди. Жаҳон океанининг сувлари ҳалокатли равишда ифлосланиб бормоқда, унинг тақрорий маҳсулдорлиги кескин пасаймоқда. Жадал суръатлар билан юз берётган урбанизация жараёнлари шаҳарларнинг асосий агломерациялари энг йирик ифлослантириш манбаларига айланиб қолишига олиб келди. Таркибида олтингугурт қўш оксиди ва азот оксиди бўлган тузли ёмғирлар ёғиши кўпайди. Бунинг натижасида

бутун дунёда экологик мұхитнинг ёмонлашуви билан бөглиқ турлітуман касалліклар сони ортиб бормоқда.

Хозирги кунда инсоният органик чиқиндиларни биосфераниң бошқа чиқиндиларига қараганда 2000 баробар күп чиқармоқда. Экология оламининг бундай ҳалокатли холати кураи заминимиздаги бошқа жонзорларга нисбатан күпроқ инсонга унинг экологик шароитларига бөглиқ бұлмаган үз турмуш тарzlаридан келиб чиқмоқда.

Маълум маънода у доимо табиатта қарши борди, унга мослашмади, уни үз билганига, үз әхтиёжига күра үзгартириб борди. Бугунги кунда табиат устидан кулгандай машхур бұлган: «Биз табиатдан ҳеч қандай садақа кутиб үтиirmаймиз, уни ундан олиш бизнинг вазифамиз» – даъвати нималарга олиб келгани одамни изтиробга солади.

Шу боис бугун, фан-техника тараққиети шитоб билан ривожланыётган ва жағон жуғрофий-сиёсий тузилиши үзгарған шароитларда инсоннинг биосферага таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиётнинг үзаро таъсирини уйғулаштириш, «инсон – табиат» муносабатларыда мувозанатта эришиш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Маъруза умуминсоний муаммоларнинг күп томонларига, айниқса инсониятнинг табиатта қаршилиги экологик муаммоларга тұхталғанлығи боис ҳам бутун дунё илм ахлида кескин муносабатларни билдиришларига сабаб бұлды. Бугунги кунда тарих замин табиат мувозанатнинг бузилиши үсіб бораётғанлығига гувохлик бермоқда. «Инсон ва табиат» муносабати үз аҳамиятига күра бизнинг иқтисодий имкониятта ташвишларимиздан мұхимрек бұлғын бормоқда. Дунё жипслашмоқда. Томонларнинг оз бұлсада мувозанатни бузиши тузатиб бұлмас оқибатларга олиб келиши мүмкін, айниқса экология соҳасыда. Инсоннинг құдрати энди унинг үзиге қаратылмоқда (илғор технологияларни ҳарбий мақсадларда құллаш ва бошқ.) Шуни алохida таъқидлаш керакки ҳозирғи экологик таназзул бизнинг турмушимизни туб-тубиғача ларзага солувчи ҳаётимизнинг табиий асосини емирувчи муаммо эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Шу кунгача минг афсуслар бұлсінки келгусида тузатиб бұлмас ёмон оқибатларга олиб келувчи бу муаммо дунё аборн оммаси томонидан тамом англаған. Ишлаб чиқариш ва истеъмол үртасыда зиддият янада кескинлашған бугунги кунда дунёда иқтисодий үсіш суръати пасайиб асосий истеъмол махсулотларини ишлаб чиқариш камайиб, энергия ишлаб чиқиши түсіклик қилинмоқда.

Атмосферада экологик мувозанатни таъминлаш кислород тақчиллиги, иссиқликни күчайиш таъсири атроф-мухитни аёвсиз ифлосланиб боришига қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва құллаш жуда долзарб бұлғын турибди.

Рим клубининг, сайёрамиз экологик яшовчанлигини сақлаб колишни фаол талаб қылаётған барча кишиларнинг ташвишларига құшилған ҳолда, ушбу соҳадаги күргина олимлар ва тадқиқотчилар глобал экологик ва бошқа муаммоларни ҳал қилиш учун одамларда

коэволюцияга, яъни коллектив акл-идрок ва одамлар коллектив хохиш-иродасининг табиат ва жамиятни муштарак ривожланишини (коэволюцияни) таъминлаш қобилиятига асосланган экологик тафаккурни шакллантириш зарур, деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Шу боис, табиатни ўз измига солмай, инсон биринчи навбатда:

- табиат ўз қимматига эга ва ўзига етарили тўқислигини;
- инсон нафақат ижтимоий, балки табиат маҳсули эканлигини;
- табиатнинг ўзига хослигини ва индивидуалликларнинг рангбаранглигини саклаш глобалистик тафаккурнинг асоси ҳисобланишини;
- инсоннинг Ердаги эволюцион бурчи вазифаси табиатда ҳайвонлар ва ўсимликлар турларининг кирилишига барҳам бериш эканини;
- инсон ва бошка биологик турларнинг яшаб қолишини фақат уларнинг симбиози, яъни бирга ҳаёт кечириши орқали таъминлаш мумкинлигини;
- инсон ва табиатнинг бирлиги, муштараклиги гоясини англаб этиши керак.

Шундай қилиб, экологик тафаккур, биринчидан, ижтимоий-экологик системанинг таркибий қисмлари – инсон ва табиатнинг алокаси, бирлиги ва фарқларини акс эттириш усули; иккинчидан, инсон ва табиатнинг диалектик алокалари ва айни вактда уларнинг фарқлари шахс томонидан англаб этилиши, ушбу тизимнинг ривожланиш қонуниятлари, унинг асосий таркибий қисмлари, уларнинг уйғунлашуви шартлари ва йўлларининг тушунилиши демакдир.

Фақат шундай тушуниб этиш глобал экологик муаммоларнинг хавфлилигини одамлар онгига реал акс эттириши, уларнинг ҳал килинишига кўмаклашиши, ҳозирги ва келажак авлодларнинг яшаш шароитлари ва сифатини кўп жиҳатдан белгилаши мумкин.

8.3. Мустақил Ўзбекистонда экология масалалари ва уларни ҳал қилиш йўллари

Давримизнинг оғир экологик шароитларида инсоннинг биосферага таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиётнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, табиий мухитни нафақат глобал даражада, балки минтақавий ва миллий миқёсда ҳам саклаш зарурияти кўп карра ортади. Зотан, И.Каримов сўзлари билан айтганда, «экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади»¹.

«Очик эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид. баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 108-б.

бутун дунёда экологик мұхиттің ёмоналашуви билан боғлиқ турли-
туман касалліктер сони ортиб бормоқда.

Хозирги кунда инсоният органик чиқындыларни биосфераның
бошқа чиқындыларига қараганда 2000 баробар күп чиқармоқда. Эколо-
гия оламининг бундай ҳалокатли холати курраи заминимиздаги бошқа
жонзотларга нисбатан күпроқ инсонга унинг экологик шароитларига
боглиқ бўлмаган ўз турмуш тарзларидан келиб чиқмоқда.

Маълум маънода у доимо табиатга қарши борди, унга мослаш-
мади, уни ўз билганига, ўз эҳтиёжига кўра ўзгартириб борди. Бугунги
кунда табиат устидан кулгандай машхур бўлган: «Биз табиатдан ҳеч
қандай садақа кутиб ўтирумаймиз, уни ундан олиш бизнинг вазифамиз»
– даъвати нималарга олиб келгани одамни изтиробга солади.

Шу боис бугун, фан-техника тараққиёти шитоб билан ривожла-
наётган ва жаҳон жуғрофий-сиёсий тузилиши ўзгарган шароитларда
инсоннинг биосферага таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тарақ-
қиётнинг ўзаро таъсирини уйғунлаштириш, «инсон – табиат» муно-
сабатларида мувозанатга эришиш масалалари тобора долзарб аҳамият
касб этиб бормоқда.

Маъруза умуминсоний муаммоларнинг кўп томонларига, айниқса
инсониятнинг табиатта қаршилиги экологик муаммоларга тўхталган-
лиги боис ҳам бутун дунё имл ахлида кескин муносабатларни билди-
ришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда тарих замин табиат мувозанат-
нинг бузилиши ўсиб бораёттанлигига гувоҳлик бермоқда. «Инсон ва
табиат» муносабати ўз аҳамиятига кўра бизнинг иқтисодий имконият
ва ташвишларимиздан мухимрок бўлиб бормоқда. Дунё жипслаш-
моқда. Томонларнинг оз бўлсада мувозанатни бузиши тузатиб бўлмас
оқибатларга олиб келиши мумкин, айниқса экология соҳасида. Инсон-
нинг қудрати энди унинг ўзига қаратилмоқда (илғор технологияларни
ҳарбий мақсадларда қўллаш ва бошқ.) Шуни алоҳида таъкидлаш
керакки ҳозирги экологик таназзул бизнинг турмушимизни туб-туби-
гача ларзага солувчи ҳаётимизнинг табиии асосини емирувчи муаммо
эканлигини доимо ёдда тутишимиз лозим.

Шу кунгача минг афсуслар бўлсинки келгусида тузатиб бўлмас
ёмон оқибатларга олиб келувчи бу муаммо дунё абор оммаси томо-
нидан тамом англаш етилмаган. Ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасида
зиддият янада кескинлашган бугунги кунда дунёда иқтисодий ўсиш
суръати пасайиб асосий истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш
камайиб, энергия ишлаб чиқишига тўсиклик килинмоқда.

Атмосферада экологик мувозанатни таъминлаш кислород тақчил-
лиги, иссиқликни кучайиш таъсири атроф-мухитни аёвсиз ифлосланиб
боришига қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллаш жуда
долзарб бўлиб турибди.

Рим клубининг, сайёрамиз экологик яшовчанлигини саклаб қо-
лишни фаол талаб қилаётган барча кишиларнинг ташвишларига
қўшилган ҳолда, ушбу соҳадаги кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар
глобал экологик ва бошқа муаммоларни ҳал килиш учун одамларда

коэволюцияга, яъни коллектив акл-идрок ва одамлар коллектив хо-хиш-иродасининг табиат ва жамиятни муштарак ривожланишини (коэволюцияни) таъминлаш кобилнитига асосланган экологик тафак-курни шаъулантириш зарур, деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Шу боис, табиатни ўз измига солмай, инсон биринчи навбатда:

- табиат ўз қимматига эга ва ўзига етарли тұқислигини;
- инсон нафакат ижтимоий, балки табиат маҳсулни эканлигини;
- табиатнинг ўзига хослигини ва индивидуалликларнинг ранг-баранглигини саклаш глобалистик тафаккурнинг асоси хисобланишини;

• инсоннинг Ердаги эволюцион бурчи вазифаси табиатда ҳайвонлар ва үсимликлар турларининг кирилишига барҳам бериш эканини;

• инсон ва бошка биологик турларнинг яшаб колишини факат уларнинг симбиози, яъни бирга ҳаёт кечириши орқали таъминлаш мумкинлигини;

• инсон ва табиатнинг бирлиги, муштараклиги гоясини англаб этиши керак.

Шундай килиб, экологик тафаккур, биринчидан, ижтимоий-экологик системанинг таркибий қисмлари – инсон ва табиатнинг алоқаси, бирлиги ва фарқларини акс эттириш усули; иккинчидан, инсон ва табиатнинг диалектик алоқалари ва айни вақтда уларнинг фарқлари шахс томонидан англаб этилиши, ушбу тизимнинг ривожланиш қонуниятлари, унинг асосий таркибий қисмлари, уларнинг уйғунлашуви шартлари ва йулларининг тушунилиши демакдир.

Фақат шундай тушуниб этиш глобал экологик муаммоларнинг хавфлигини одамлар онгода реал акс эттириши, уларнинг ҳал килинишнга күмаклашиши, хозирги ва келажак авлодларнинг яшаш шароитлари ва сифатини кўп жиҳатдан белгилаши мумкин.

8.3. Мустақил Ўзбекистонда экология масалалари ва уларни ҳал қилиш йўллари

Давримизнинг оғир экологик шароитларида инсоннинг биосферага таъсирини тартибга солиш, ижтимоий тараққиётнинг ўзаро таъсирини уйғунлашириш, табиий мухитни нафакат глобал даражада, балки минтақавий ва миллый миқёсда ҳам саклаш зарурияти кўп карра ортади. Зотан, И.Каримов сўзлари билан айтганда, «экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузиш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади»¹.

«Очик эътироф этиш керакки, узок йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид. баркорорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 108-б.

шуғулланилмаган, – деб қайд этади Ўзбекистон Президенти. – Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган заарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди¹.

Ҳозирги вактда жаҳон фан-техника тараккӣёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан ҳӯҷалиги мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ микдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юкорида жойлашган озон тўсиги камайиб кетишига, ер хавосининг ўртacha ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам долзарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёнинг турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг ғоят хавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. «Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга кўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччик тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди»². Инсон – табиатнинг ҳўжайини, деган соҳта социалистик мағкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида кўплаб одамлар, бир қанча ҳалқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Сўнгги 50 йил мобайнида сугориладиган ер майдони қарийб 2 миллион гектарга кўпайди, шулардан 1 миллион гектарга яқин ер суғориш учун яроқсиз ҳолга келди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва майший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид туғдирмоқда. Турли кимёвий воситалар, заарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва курилиш материалларини саклаш, ташиб ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равищда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

¹ Ўша ерда. 106-6.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараккӣёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 111-б.

Биз 20–25 йил мобайнида жахондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларида бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлодничг кўз ўнгидаги бутун бир дengзиз ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди. Орол бўйида дengзининг қуриб бориши муносабати билан ҳалқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иктисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки дengиздан анча наридаги бепоён худудларда ерларнинг чўлга айланиши, иклим ва ландшафтнинг ўзгариши булар ана шу фожиа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Бундай экологик вазият оғир оқибатларга олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, сўнгги йилларда чанг бўронлари кўпайди, каттиқ курғоқчилик ва бошқа экологик ҳалокатлар рўй берди. Масалан, 2000 йилда ушбу худудда рўй берган қаттиқ курғоқчилик натижасида биргина Қорақалпоғистоннинг ўзида курғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар шоли экинидан атиги 15 минг гектари саклаб қолинди, холос. Хоразм вилоятида эса шу йили 65 минг гектар майдондаги экин қуриб қолди¹.

Экологик ҳавфсизликка таҳдид омили Ўзбекистон учун ва умуман, Марказий Осиё минтақаси учун катта аҳамиятга эга эканини ҳисобга олиб, ҳукуматимиз ва давлатимиз атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Табиий муҳитни кўриклашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш бўйича миллий тадбирлар бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик билан уйгунилкда амалга оширилмоқда. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишининг турли жиҳатларини тартибга солувчи жуда кўп ҳалқаро шартномалар ва битимлар тузилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошликларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган учрашувидаёт Орол дengизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди².

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаoliyat ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар

¹ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т., 2001. 216–217-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, таракқиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 122–б.

шүгулланилмаган,—деб қайд этади Ўзбекистон Президенти. — Габиатни муҳофаза қилиш тадбирларига арзимас даражада кам маблағ ажратиларди. Бу маблағ табиатга етказилаётган заарнинг мингдан бир қисмини ҳам қопламас эди»¹.

Хозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалиги мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ микдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда кисқаришига, чўл-саҳроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиги камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда.

Экология муаммоси Ер юзининг ҳамма бурчакларида ҳам дол зарб. Фақат унинг кескинлик даражаси дунёning турли мамлакатларида ва минтақаларида турличадир. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё минтақасида экологик фалокатнинг гоят ҳавфли зоналаридан бири вужудга келганлигини алам билан очиқ айтиш мумкин. «Вазиятнинг мураккаблиги шундаки, у бир неча ўн йилликлар мобайнида ушбу муаммони инкор этиш натижасидагина эмас, балки минтақада инсон ҳаёт фаолиятининг деярли барча соҳалари экологик хатар остида қолганлиги натижасида келиб чиққандир. Табиатга қўпол ва такаббурларча муносабатда бўлишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу борада аччиқ тажрибага эгамиз. Бундай муносабатни табиат кечирмайди»². Инсон — табиатнинг хўжайини, деган соҳта социалистик мағкуравий даъво, айниқса, Марказий Осиё минтақасида қўплаб одамлар, бир қанча ҳалқлар ва миллатларнинг ҳаёти учун фожиага айланди.

Ерларнинг ниҳоят даражада шўрланганлиги Ўзбекистон учун улкан экологик муаммодир. Сўнгги 50 йил мобайнида сугориладиган ер майдони қарийб 2 миллион гектарга қўпайди, шулардан 1 миллион гектарга яқин ер сугориш учун яроқсиз ҳолга келди.

Тупроқнинг ҳар хил саноат чиқиндилари ва майший чиқиндилар билан шиддатли тарзда ифлосланиши реал таҳдид тутдирмоқда. Турли кимёвий воситалар, заарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини саклаш, ташиш ва улардан фойдаланиш коидаларининг қўпол равищда бузилиши ернинг ифлосланишига олиб келмоқда. Ундан самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда.

Орол танглиги инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

¹ Ўша ерда 106-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 111-б.

Биз 20–25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпиқ сув ҳавзаларида бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бироқ бир авлодничг кўз ўнгида бутун бир дengiz ҳалок бўлган ҳол ҳали рўй берган эмас эди. Орол бўйида дengизнинг куриб бориши муносабати билан ҳалқаро, кенг кўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иктисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуми вужудга келди. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки дengиздан анча наридаги бепоён худудларда ерларнинг чўлга айланиши, иклим ва ландшафтнинг ўзгариши булар ана шу фожия оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Бундай экологик вазият оғир оқибатларга олиб келмаслиги мумкин эмас эди. Чунончи, сўнгги йилларда чанг бўронлари кўпайди, қаттиқ курғоқчилик ва бошқа экологик ҳалокатлар рўй берди. Масалан, 2000 йилда ушбу худудда рўй берган қаттиқ курғоқчилик натижасида биргина Коракалпогистоннинг ўзида курғоқчилик сабабли 210 минг гектар ёки барча экин майдонларининг 45 фоизида ҳосил нобуд бўлди. 116 минг гектар шоли экинидан атиги 15 минг гектари саклаб қолинди, холос. Хоразм вилоятида эса шу йили 65 минг гектар майдондаги экин куриб қолди¹.

Экологик ҳавфсизликка таҳдид омили Ўзбекистон учун ва умуман, Марказий Осиё миңтақаси учун катта аҳамиятга эга эканини хисобга олиб, хукуматимиз ва давлатимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Табиий муҳитни қўриқлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофаза қилиш бўйича миллий тадбирлар бошқа давлатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан кенг ва ҳар томонлама ҳамкорлик билан уйғунликда амалга оширилмоқда. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан оқилона фойдаланишининг турли жиҳатларини тартибиға соловчи жуда кўп ҳалқаро шартномалар ва битимлар тузилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган учрашувидаёт Орол дengизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, миңтақани ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг аник ҳаракатлар дастури тасдиқланди².

Ҳозирги пайтда республикада истиқболга, яъни атроф - муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий захиралардан оқилона фойдаланиш бўйича 2005 йилгача мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилган. Табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги бутун фаолият ана шу дастур асосида ташкил этилган. Дастурда республикада экологик вазиятни соғломлаштириш, йирик шаҳарлар ва шаҳар

¹ Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. – Т., 2001. 216–217-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997. 122–б.

агломерациялари кабиларда экологик кескинликка барҳам бериш йўллари белгиланган.

Мамлакат экологиясидаги мавжуд ҳолатнинг оғирлиги ва хавфлилигини ва уни қаттиқ муҳофаза қилиш зарурлигини ҳисобга олиб, И.А.Каримов мамлакатни экологик танглиқдан чиқаришнинг қуидаги муайян вазифалари ҳал қилиниши жуда муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этиб ўтди. Булар:

- тегишли технологияларни ишлаб чиқиши ва жорий этиши, заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш устидан қаттиқ назорат ўрнатиш йўли билан ҳаво ва сув муҳитини инсоннинг ҳаётйи фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тұхтатиши;

- қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатый мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиши;

- катта-катта ҳудудларда табиий шароитларни табиий захиралардан самарали ва комплекс фойдаланишини таъминлайдиган даражада аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган тарзда ўзгартириш;

- жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиши;

- шаҳарсозлик ва туманларни режалаштиришнинг илмий асосланган тизимини жорий этиши йўли билан шаҳарларда ва бошқа аҳоли пунктларида аҳолининг яшаши учун қулай шароит яратиши;

- экологик кулфатлар чегара билмаслигини назарда тутган ҳолда жаҳон жамоатчилиги эътиборини миңтақанинг экологик муаммола-рига қаратиши¹.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги юқорида тилга олинган таъсиричан чора-тадбирларни рӯёбга чиқариш, Президентимизнинг фикрига кўра, яқин вақт ичидәёқ экология соҳасидаги кўпгина иллатлар, камчиликлар ва хатоларни бартараф этиши имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, кенг кўламдаги экологик танглик таҳдидини барҳам топтириш, республика аҳолиси учун зарур шарт-шароитлар ҳамда экология жиҳатидан мусаффо ҳаётйи муҳит яратиши имконини беради.

Қисқача холосалар

1. Ҳозирда инсоният глобал муаммоларни ҳал қилиш, чунончи ҳарбий, экологик ва демографик хусусиятга эга бўлган хавфхатарларни бартараф этиши, ҳозирги ва келажак авлодларнинг яшашибарт-шароитларини таъминлаш учун жипслашмоқдалар.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 126– II 128-б.

2. Ҳозирги техноген цивилизация табиий ресурслардан узлуксиз фойдаланиши, инсон ҳўжалиги фаолиятининг жадаллашуви ер ости бойликлари захираларининг камайишига олиб келди.

3. Орол бўйи миңтақасини экологик ҳалокатдан куткариш муаммоси Ўзбекистон Республикаси ҳозирда ҳал қилаётган мухим глобал муаммолардан биридир.

4. Кўпгина ҳалқаро ташкилотлар, чунончи: БМТ, Рим клуби, Гринпис дунё миқёсидаги экология муаммоларини ҳал қилиш мақсадини кўзлайдилар.

5. Бугунги кунда барча одамларда юксак экологик маданиятни тарбиялаш керак. Ҳар бир шахс ӯзининг табиатга муносабатида дунё миқёсида ўйлаш ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилиш керак деган асосий тамойилларга амал қилиши лозим.

Асосий тушунчалар

Глобал муаммолар – муайян мамлакатлар ва миңтақаларгагина эмас, бутун дунёга ҳам дахлдор бўлган даврнинг умуминсоний муаммолари мажмуй.

Демография – аҳоли, аҳоли сонининг ўзгариши ва миграцияси ҳақидаги таълимот.

Фан-техника тараққиёти – фан ва техниканинг ягона, ўзаро боғлиқ тарзда илгарилаб ривожланиши.

Рим клуби – олимлар ва жамоат арбобларининг ҳалқаро ноҳукумат ташкилоти. Фаолияти давримизнинг глобал муаммоларини тадқиқ қилиш ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Экология – 1. Жамият ва табиатнинг ўзаро алоқаси ҳақидаги фан;
2. Атроф-мухитни сақлаш учун кураш.

Саволлар

1. Инсониятнинг глобал муаммолари қачон ва нима учун вужудга келади?

2. Инсониятнинг глобал муаммолари нима?

3. Инсоният тақдирига глобал муаммолар қандай таъсир кўрсатади?

4. «Рим клуби» қандай ташкилот?

5. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг экология муаммолари ва уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

- Каримов И.А.* Иккинчи чакириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маъзуза. «Халқ сўзи», 2000 йил 23 январь.
- Араб-Оглы Э.А.* Обозримое будущее. Социальные последствия НТР: 2000 г. – М.. 1986.
- Глобальные проблемы и общечеловеческие ценности. – М.. 1986.
- Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации. Пути разума. М., 2000.
- Печчин А.* Человеческие качества. – М., 1980.
- Саифназаров И. и др.* Философия. Курс лекций. – Т., 2002.
- Скирбекк Г., Гилье Н.* История философии. Учебное пособие. – М., Владос, 2000.
- Фалсафа асослари. Дарслик. М. Аҳмедова таҳририда. Т., 2005.
- Философия: Учебник. – Р/Д «Феникс», 1998.
- Философия: Учебник / Под ред. В.Н. Лавриненко, В.П. Ратникова. – М., 2000.
- Хёсле В. Философия и экология. – М.. 1994.
- Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1991.

9-мавзу. ХОЗИРГИ ДУНЁНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ФАЛСАФИЙ МУАММО СИФАТИДА

9.1. Глобал муаммолардан дунёйнинг глобаллашуви сари

Кишилик инсоният тарихининг жамоага уюшишдан тарқоқликка ва кейинчалик бирлашиш тадрижий ривожланиши билан боғлиқ воқе-лик тарзида тушуниб етиш муаммоси мураккаб, ҳанузгача ҳал қилинмаган долзарб фалсафий масалалардан биридир.

«Умумий тарих йўли ўзининг қадимги, ўрта ва янги қисмлари билан ниҳоясига етди, ичдан тугалланди, оламнинг умумий ҳалокати, Антихристнинг таҳтдан қулаши рўй берди. Тарихий драма ўйнали, охиригача тўлиқ ёзилди, факат мазмуни олдиндан маълум бўлган хотима қолди», деб тавсифлайди тарихнинг мазмуни ва йўлини машхур рус илоҳиётчи файласуфи Вл.Соловьев (1853–1900), у инсониятга Қиёмат кунини башорат қиласди¹.

Чиндан ҳам шундайми? Инсоният, мажозий маънода ўзининг икки бўлимли ўйинини ўйнаб бўлди ва инсон-табиат ўйини ниҳоясига етятпими? Ўйндан кейинги қолган жазолаш ва унинг натижаси инсон фойдасига ҳал бўладими?

Рус файласуфи XIX аср охирида қилган бу фожиали башорати ҳозирда янги-янги муаммолар, хусусан, юкорида кўриб чиқилган ва деярли бошқариб бўлмайдиган давримизнинг глобал муаммолари хавфи билан янада чукурлашмоқда. Дунё миқёсидаги муаммоларга ўз оқибатларига кўра уларга яқинлашиб қолган минтақавий ва маҳаллий муаммолар (озик-овқат, энергетика тақчиллиги, ОИТС муаммоси ва бошк.) ҳам қўшилмоқда.

Биотибиёт, инсон аъзоларини трансплантация қилиш ва инсон клонини яратиш технологиялари соҳасидаги энг янги кашфиётлар ҳам жиддий хавф солмоқда. Агар бу кашфиётлар ғаразгўй одамлар ёки давлатлар, ҳукуматлар кўлига тушгудек бўлса, яқин келажакда инсоният тақдирини фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шундай килиб, инсоннинг янги кудрати дунё миқёсида унинг ўзига қарши қаратилиши мумкин. Глобал ва минтақавий муаммоларнинг асосий сабаби ана шунда. Бундай таҳдидлар инсоният йўлидаги вақтингчалик говлар эмас, балки кишилик жамияти илдизига урилган болтадир. Буни оммавий онг ҳали жиддий англаб етгани йўқ.

Дунёйнинг ҳозирги манзараси жуда мураккаб ва зиддиятлидир. Бу мураккаблик ва серқирралик уни ҳар томонлама тушуниш ва тушунтиришда жиддий қийинчиликлар туғдиради. Бугунги кунда жаҳонда

¹ Соловьев В С. Избранные произведения. – М., 1991. с. 15.

миллатларо, миңтакавий ва бошқа қарама-каршиликлар жуда кучайди. Сайёрамизнинг айрим миңтақалари ҳаддан ташқари бойиётган бўлса, бошқа миңтақаларда одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиши кузатилмоқда. XX аср охирига қадар бўлган ҳолатга кўра, Ер куррасида яшайдиган 6 миллиард кишидан бир миллиардга яқини саводсиз, шунчалик ишсиз, 500 миллиондан кўпроқ киши сурункали очлик ва тўйиб овқат емасликка маҳкум, 2 миллиард киши тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга эмас.

Жаҳоннинг турли миңтақаларида аҳоли кўпгина табақаларининг люмпенлашуви жадал суръатларда давом этмоқдаки, бу кескин иркӣ, миллий ва сиёсий можароларга замин яратмоқда. Халқаро терроризм «вабо»си кенг тарқалмоқда.

Шу сабабли ушбу муаммолар ҳозирнинг ўзидаёқ инсониятнинг ҳозирги ва келгуси ривожланишини фалсафий ва илмий таҳлил қилишни тақозо этмоқда. Зеро, бу соҳада ҳозирги воқеликни тушуниб этиш ва дунёнинг келгуси тузилиши юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишига сиёсатчилар эмас, балки олимлар ва файласуфлар кўпроқ қодирдирлар. Шу нуктаи назардан ҳозирги илмий-фалсафий концепция аста-секин шакллана бормоқда. Унга кўра, дунёда манфаатлар тўқнашуви, ғоявий-сиёсий қарама-каршиликлар, иқтисодий тўқнашувлар, жўғрофий-сиёсий ва ҳарбий-стратегик қарама-каршиликлар давом этаётганига қарамай, ҳозирнинг ўзидаёқ дунё миқёсида бирдамликка интилиш кузатилмоқда. Ушбу бирдамликнинг номи – глобализация.

Яқингача кўпчиликка номаълум бўлган ушбу тушунча асримизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий-фалсафий муомаладан мустаҳкам ўрин олмоқда. Ҳозирда кўпгина сиёсатчилар, олимлар, тарихчилар, файласуфлар, жуда кўп мамлакатларнинг мутахассислари «глобализация яқин келажакда жаҳон ривожланишининг ҳал қилувчи тенденциясига айланайтгани»ни тушуниб етга бошламоқдалар¹.

Глобализациянинг моҳиятини ёритишда, биринчи навбатда, ушбу тушунчанинг асосий мазмунини аниқлаш керак. Бизнинг назаримизда, глобализацияни қандайдир янги жаҳон цивилизациясига боғлаш ёки унга одамларнинг ягона ижтимоий тузилиши, янги ижтимоий-иқтисодий ҳамжамият деб қараш мумкин эмас. Глобализация – қандайдир муайян ижтимоий тузилиш эмас, балки мураккаб жараён, инсоният тараққиётидаги ўзига хос бир босқич бўлиб, унда яхлитлик тарқоқликни енга бошлайди ва тарихнинг ягона умуминсоний йўли очилади.

Хўш, инсоният тарихнинг ушбу босқичигача қайси йўлдан келди? У тасодифийми ёки қонуний табиий тарихий жараёнми?

¹ Шарифхаджаев М. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т., 2002. с. 226.

Инсон тафаккури тарихида жуда кўп мутафаккирлар, сиёсат, жамоат ва дин арбоблари ана шу саволларга жавоб излаганлар. Улардан бири, машхур немис тарихчиси ва файласуфи И.Гердер (1744–1803) инсоният йўли соҳта йўллар ва боши берк кўчалар билан куршалган лабирингта ўхшайди, унда фақат сезилар-сезилмас изларгина ичкаридаги яширин мақсад сари бошлайди, деган хулосага келади.

Айрим мутафаккирлар инсониятнинг тарихий ривожланиши замирида Худонинг құдратини құрадилар (Ф.Аквинский). Кимdir тарихий йўлни ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг изчил ўзгариши (К.Маркс) ёки бир-бирини алмаштирувчи маҳаллий цивилизациялар назарияси (А.Ж.Тойнби) тарзида таърифлайди. Яна кимdir одамлар тарихини «кўплаб құдратли маданиятлар» изчил алмашишига (О.Шпенглер) ёки цивилизация уч тўлқинининг изчил алмашишига (О.Тоффлер) боғлади.

Юкорида айтилганлардан келиб чиқиб, одамлар ижтимоий ривожланишининг кўплаб таълимотлари ва концепцияларидан ижтимоий-фалсафий тафаккурда инсоният тарихи маъноси ва йўналишининг ўз талқинини таклиф қилган уч ёндашувни ажратиш мумкин.

Бу биринчидан, диний-эсхатологик таълимотлар; иккинчидан, инсониятнинг ривожланиши ягона тарихий жараён деган мазмундаги тарихий-фалсафий концепциялар; учинчидан, инсоният тарихининг мазмуни ва йўналиши ҳақидаги ҳозирги таълимот.

Инсоният тарихини диний тушуниш муаммоси энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади, чунки у бевосита диний манбалар (Инжил, Таврот, Қуръони карим, Калом ва бошк.)дан ҳамда диний-фалсафий ва диний-мистик таълимот ва концепциялардан келиб чиқадиган жуда кўп ҳар хил, баъзан қарама-қарши диний қоида ва концепцияларни ўз ичига олади.

Аввалимбор, бу Фарбий Европа христиан фалсафаси. Бу ерда биринчи навбатда тарихий жараён бирлигини илоҳиёт нуктаи назаридан ёритишига ҳаракат қилган машхур христиан илоҳиётчиси Авлиё Августин (354-430)ни қайд этиш керак. Платондан кейин Августин ўзининг «Худо шаҳри ҳақида» номли рисоласида (410 йил) маънавий бирлик ва Худога муҳаббат асосида умуминсоний тараккиёт динамикаси ҳақидаги ўз қарашларини ёритади. Бунда мазкур илоҳиётчи асарларида охирзамон ва қиёмат куни билан боғлик эсхатологик мотивлар ўзига хос мазмун касб этади.

Яна бир машхур дин файласуфи ва тарихчиси Фома Аквинский (1225–1274) ўзининг «Подшолар бошқаруви ҳақида» номли асарида инсон моҳиятининг илоҳий-рационалистик изланишларига якун ясади ва уларни Худо одамлар қалбига жойлаган «табиий қонун» ҳақидаги таълимот сифатида ёритди.

Умуман олганда, христиан диний-фалсафий таълимоти тарих жараёнининг яхлитлигини ўзига хос бўлган тарихий ҳодисалар ман-

тифи билан ва эсхатологик йўналишда англаб етишга муайян замин ҳозирлади.

Шунга ўхша什 оҳангларга биз исломда ҳам дуч келамиз. Христианликдан анча кейин вужудга келган ислом, айниқса, унинг илохий ифодаси – Калом ҳам инсон ҳётини Оллоҳнинг измига боғлади.

Масалан, исломдаги илохиёт оқимларидан бири – мұтазилийлар таълимоти замирида Оламнинг яратувчиси ва бошқарувиси бўлган Оллоҳ таолога ва қиёмат кунига бўлган ишонч ётади. Шу билан бирга, мұтазилийлар (мусулмон илохиёт олимлари – мутакаллимлар каби) ирода эркинлиги ва тегишинча инсоннинг ўз қилмишлари учун маънавий, шахсий масъулияти гоясини илгари сурғанлар.

Инсоният тарихини одамларнинг таркоклиқдан бирликка тадрижий ривожланиши тарзида фалсафий тушуниб етиш тўгрисида сўз юритганда ижтимоий жараёнлар таҳлилига ўзига хос тарзда, ижодий ёндашган ва айрим холларда гарб файласуфларидан ўзиди кетган Марказий Осиё мутафаккирларига ҳам тўхталиб ўтиш керак.

Улардан бири – Форобий жаҳон тарихи алоҳида давлатлар, ҳалқлар, элатлар тарихидан таркиб топади, уларнинг ҳар бири ўз бетакрор киёфасига эга бўлади, деган гояни илгари суради. Айрим файласуфларнинг одамлар ягона жамиятга механик тарзда бирлашиши ҳақидаги фикрини рад этиб, Форобий турли ҳалқларнинг чинакам бирлашиши сари йўл уларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга интилиши орқали ўтади, деб қайд этади.

Ушбу муаммонинг тадрижий ривожланишига биз Маърифат даври ва немис классик фалсафаси вакилларида дуч келамиз.

Кишилик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари ҳақидаги масалада яна бир йўналиш ер (инсон) тарихини Осмон тарихи (илохий тарих)дан ажратади, ушбу тарих Янги давр арафасида вужудга келади, жаҳон тарихи ягона инсоният ҳақидаги таълимот тарзида шаклана бошлайди ва инсон тарихнинг ҳақиқий субъекти сифатида намоён бўлади. Ушбу муаммони биринчилардан бўлиб италиялик файласуф Жанбатиста Вико (1668–1744) қўйди. У «Миллатларнинг умумий табиати тўғрисидаги янги фаннинг асосланиши» китобида ер юзидаги барча миллатлар тараккиётнинг уч давр доирасида циклик ривожланиб бориши тўғрисидаги тарихий айланма назариясини ишлаб чиқди. Ушбу назарияга кўра, биринчи давр – «худолар асли» (давлатсизлик даври); иккинчи давр – «қаҳрамонлик асли» (аристократик давлат даври); учинчи давр – «инсонлар асли» (демократик республика ёки ваколатли монархия даври). Виконинг тарихийлик назарияси ҳуқуқ, дин ва санъат масалаларини, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг турли шаклларини ўзаро алокадорликда ва бир бутунлиқда ёндашган ҳолда тадқик қилишга имкон берди¹.

¹ Дж Вико. Основания новой науки об общей природе наций. – М., 1940.

XVIII аср француз маърифатпарварларининг таникли вакилларидан бири Франсуа Вольтер (1694–1778) «тарих фалсафаси» тушунчасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритди. Ушбу тушунча тарихни инсоният эволюцияси ва тараққиёти билан боғлик бўлган алоҳида фан сифатида фалсафий тушуниб етишни назарда тутади.

Кейинчалик тарихни Ж.Ж.Руссо, Ж.А.Кондорсе ва бошқа француз маърифатпарварлари ҳам тадқиқ қилдилар.

Инсоният тарихига ибтидоий тузумдан илғор цивилизациялар сари изчил ҳаракат деб караб, маърифатпарварларнинг аксарияти инсоният тарихи ривожланишнинг ягона занжиридир деган хуносага келдилар. Бу уларнинг айримлари тарихий тараққиёт, одамларнинг тарихий эволюцияси қонуний жараён эканини эътироф этишига туртки берди.

Ушбу илғор ёндашув Ж.А.Кондорсе (1743–1794)нинг «Инсон ақли тараққийсининг тарихий манзарасига чизгилар» (1794) асарида айниқса ёркин ифодаланган. Унда Кондорсе тасодифий аломатларга асосланиб, инсоният тарихини 10 даврга бўлади, капиталистик тузумнинг тараққий қилиши гоясини асослашга ҳаракат қилади.

Инсониятнинг ижтимоий яхлитлик сари ҳаракати ҳақидаги таълимотнинг ривожланишига немис классик фалсафаси вакиллари улкан ҳисса қўшдилар. Унинг асосчиси И.Кант (1724–1804) жамият ҳаёти тарихий жараёнида антагонизмлар ролини кўрсатиб берди. «Жаҳон фуқаролик ҳуқукида умумий тарих гояси» номли мақоласида файласуф «умумий ҳуқукий фуқаролик жамияти» барпо этиш йўлидаги асосий муаммолар ва қийинчиликларни таърифловчи 9 қоидани илгари суради.

Немис фалсафий мактабнинг яна бир буюк вакили – Г.Гегель (1770–1831) XIX ва XX асрларнинг кўпгина фалсафий концепциялари ва таълимотларига, шу жумладан, кишилик жамиятининг ўз-ӯзидан ривожланиши концепциясига замин ҳозирлади, социология ва ижтимоий фалсафанинг кейинги ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди¹.

Гегелнинг хусусан, «Хуқук фалсафаси» асарида ривожлан-тирилган объектив рух ҳақидаги таълимоти жамиятга нисбатан марксистик карашнинг шаклланишига таъсир кўрсатди. Маълумки, марксистик таълимотда жамият мураккаб, кўп катламли ривожланадиган тузилма тарзида, ижтимоий-иктисодий тузумлар алмашиши билан боғлик табиий тарихий жараён тарзида намоён бўлади².

Марксистик назарияга кўра, коммунистик тузум инсоният илк тарихининг охирги босқичи ва унинг ҳақиқий тарихининг бошланиши ҳисобланади. Маркс фикрига кўра, ушбу жамиятда реал гуманизм ва

¹ Гегель Г. Философия истории. – СПб., 1993. – с 65.

² Барулин В С Социальная философия Учебник. – М., 1999. – с 239–241.

инсониятнинг ҳар томонлама, баркамол ривожланиши қарор топади. Аммо ҳаёт, тарихий амалиёт муайян вазиятларни ҳисобга олмасдан, факт жамият ривожланишининг объектив қонунлари амал қилишига таяниш нафақат хато, балки заарли эканини, баъзан ҳатто фожиали оқибатларга олиб келишини кўрсатди. Ҳақиқий тарихни факт вазифаси «ёруғ келажак» қуришдан иборат бўлган одамларнинг илк тарихи деб тушуниш инсониятни узок муддат зулматга ҳукм этиш демакдир. Шу нуқтаи назардан, И.Гердернинг барча тарихий воқеалар teng аҳамиятга эга, зеро, улар ким учундир эмас, балки ўзи учун, маданий анъаналар ва табиий куч таъсирида рўй беради, деган фикрига кўшилиш керак¹.

Инсоният тарихининг мазмуни ва йули ҳақидаги ҳозирги концепцияларни тушуниб етиш муаммосига ўтар эканмиз, ҳозирги замон, айниқса, гарб ижтимоий-фалсафий тафаккурида турли-туман таълимотлар пайдо бўлганини, улар тарих жараёнини тушунишга нисбатан культурологик ёндашув асрини эълон килиб, жамият ҳаётининг барча томонларига глобал муаммолар таъсирини аниқлашга харакат киляётганини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Шпенглер, Тойнби ва бошқаларнинг концепцияларида ифодаланган ҳозирги социологик таълимотларнинг аксарияти тарих мазмунини гегелча, сўнгра – марксча тушуниш асосларини, айниқса, жамият ҳаётида факт жамият иктиносидий қонунлар муҳим рол ўйнайди, деган марксча ёндашувни тубдан қайта кўрдилар. Бу хусусан, машхур файласуф ва социолог К.Поппер ижодида ўзининг ёрқин ифодасини топди. «Очиқ жамият ва унинг душманлари» асарида Поппер ўзининг концепциясини илгари сурди, инсониятнинг ривожланиш қонунларини билишга интилиш бехуда, деган хуносага келди. Риовжланишининг объектив қонунлари ролини рад этиб, Поппер ўзи ишлаб чиқкан фальсификация методи назарий билимларнинг барча шаклларида, шу жумладан, ижтимоий тараккӣёт жараёнларини билишда ҳам teng дараҷада амал қилишини қайд этди².

ХХ аср ўрталаридағи фалсафий ва социологик адабиётларда экзистенциализм (мавжудлик фалсафаси) муҳим ўрин тутади. Ушбу оқим вакиллари инсонни биринчи ўринга кўядилар, унга табиий ва ижтимоий мавжудот деб эмас, балки реал борликдан ажралган ва мутлақо эркин танлаш имкониятидагина ўзини намоён этадиган маънавий экзистенция деб қарайдилар. Мазкур оқим вакиллари Сартр, Камю, Хайдеггер, Ясперс ва бошқалар инсоният тарихи жараёнини ҳар хил тушуниб етган бўлсалар-да, яшашнинг мазмунини бир хилда – инсон моҳиятини ижтимоий, тарихий ва миллий борлиқни ҳисобга

¹ Иктибос куйидаги китобдан олинди: Философия. Учебник / Под ред. В.Н. Лавриненко, В.П. Ратникова. 563-б.

² Поппер К. Открытое общество и его враги. Т.1. – М., 1992. с. 38-102.

олган ҳолда күриб чиқиш орқали ёритишга ҳаракат қилдилар. Масалан, немис экзистенциалист файласуфи М.Хайдеггер (1889–1976) тарих жараёнини унинг таркибий қисмларидан бири – ҳозирги замонни мутлаклаштириш орқали ёритишга ҳаракат қилади.

Бошқа бир таникли немис экзистенциалисти – Карл Ясперс (1883–1969) инсон борлигининг мохиятини билишга нисбатан бир кадар бошқача ёндашади. У тарих мазмунини инсон борлигининг мақсади ва маъноси билан боғлашга ҳаракат қилади ҳамда инсоният тарихининг уч хоссасини қайд этади:

– тарих бир-бирини алмаштирувчи даврларнинг бирлиги белгиси остида ҳаракатланади;

– ушбу вактларнинг алоқаси инсоният тарихи ўзининг ҳозирги тузилишини касб этган «вакт ўқи» (мил. авв. VIII–III асрлар) мавжудлиги билан таъминланади;

– «вакт ўқи» барча замонлар учун шахсий масъулият умуминсоний тамойилини яратади ва шу тариқа Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ривожланиши учун умумий манба бўлиб хизмат қилади¹.

Сўнгги йилларда эълон қилинган бир қанча янги илмий-фалсафий концепцияларда тарих жараёнига аграр, индустрιал ва постиндустриал боскичларнинг изчил алмашиши деб қаралади. Машхур америкалик социолог ва файласуф О.Тоффлер ушбу боскичларни цивилизациянинг биринчи, иккинчи ва учинчи боскичлари деб таърифлайди².

Айрим тадқиқотчилар постиндустриал жамиятнинг ахборот жамияти тарзидаги амалиётидан келиб чиқиб, цивилизациянинг янги ҳолатини инсониятнинг сифат жиҳатидан янги жамият сари тадрижий ривожланиши деб таърифлашга ҳаракат қилмоқдалар. Ушбу янги жамиятни йирик гарб социологлари, файласуфлари ва иқтисодчилари (П.Драккер, Д.Гэлбрейт, О.Тоффлер, Д.Мидоуз ва бошк.) келажак очик жамияти деб таърифламоқдалар.

Куриб турганимиздек, фалсафий, социологик ва диний тафаккурнинг узок ва яқин ўтмишига кичик бир сафар ҳам уларда илгари сурилган таълимотлар ва концепциялар ҳар хил ва бир-бирига қарама-қарши эканлигига қарамай, уларнинг аксарияти тарих жараёнини машаккатлар ва ғовлар оша инсоният ҳаётининг янги шакллари ва турларига, унинг иқтисодий, ижтимоий ва миллий ҳаётининг глобаллашувига яқин-лашадиган мураккаб, зиддиятли, аммо хужумкор ҳаракат деб ҳисоблашини курсатади.

¹ Ясперс К. Смысл и назначения истории. – М., 1991. 50–99 б.

² Toffler A. The Third Wave – NY., 1980.

³ Новая постиндустриальная волна на Западе. Антология. Под ред. В. Иноземцева. – М., 1999.

9.2. Инсоният тарқоқлиқдан яхлитликка

Ушбу чукур фалсафий муаммо давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир, зоро, инсоният тақдири ҳақида ўйламасдан бирорта ҳам минтақавий ва ҳатто маҳаллий аҳамиятга молик масалани тушуниб етиш мумкин эмас.

Жаҳон, айникса, Совет Иттифоки парчаланганидан кейин, ўз ривожланишининг янги босқичига қадам кўйди. У янги глобал тартибга интилмоқда. Бугунги кунда ушбу мавзу тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

«Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг кутбларга бўлиниши барҳам топди», деб қайд этади И.А.Каримов. Хўш, XXI асрда у қандай бўлади? Биз қаёққа қараб кетяпмиз? Шу ерда, деб фикрини давом эттиради Президент, – «биз яшаётган давр қандай хусусиятларга эга? Сўнгги вактларда жаҳонда юз берган, дунёнинг жўғрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган ўзгаришлар ҳозирги замон ва келажак учун қандай тарихий аҳамиятга молик? Булар ҳақида мулоҳаза юритиш ва уларга тўғри баҳо бериш жуда мухим».

Ўзбекистон Президентининг ушбу пурмаъно сўzlари XX аср охири – XXI аср бошида ер юзида вужудга келган вазиятни кўп кутблилар жараёнининг бошланиши деб тавсифлайди. Ушбу жараёнда жаҳон халклари ва мамлакатларининг қарама-каршилиги эмас, балки аста-секин яқинлашуви биринчи ўринга чиқади.

Шу билан бирга, ўзи йўлидан кетаётгани ҳозирги цивилизация қарама-карши кучлар ва ҳолатлар бирлиги, тобора кўпайиб бораётган муаммолар ва зиддиятлар мажмуи тарзида намоён бўлаётганини ҳам қайд этиб ўтиш керак.

Кишилик тараққиётининг ҳозирги боскичи инсоният олдига бир қанча муаммоларни кўйдики, уларни фалсафий англаб етмасдан тушуниш мумкин эмас. Шартли равишда уларни мусбат ва манфий белгили муаммолар деб талқин килиш мумкин. Мусбат белгили муаммоларга инсониятнинг яқинлашиши ва дунё миқёсида тил топишишга йўналтирилган тенденцияларни, манфий белгили муаммоларга эса – тараққиётга ва умуман тирикликка муайян даражада хавф солаётган муаммоларни киритиш мумкин. Сўнгги қайд этилган муаммолар ҳал қилинmas экан, ягона цивилизация шакланиши мумкин эмас. Ушбу муаммоларни шартли равишда З гурухга ажратиш мумкин:

биринчидан, бу, энг аввало, глобал муаммолар, чунончи: экологик, демографик муаммолар, тинчликни сақлаш ва терроризмга қарши кураш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. –Т., «Ўзбекистон», 1997. 3–4-б.

иккинчидан, жаҳон халқлари ривожланишида ижтимоий, иқтисодий, илмий-техник ва маданий-маърифий даражаларни нисбатан тенглаштириш;

учинчидан, жаҳон халқларининг ягона умуминсоний цивилизация сари ҳаракатида одамлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий бирлигига эришишнинг оқилона йўллари ва воситаларини топиш.

Биринчи гурухга киравчи муаммолар олдинги мавзуда ва қисман ушбу мавзунинг биринчи қисмида муайян даражада ёритилган.

Иккинчи гурухга киравчи муаммолар муфассалроқ тұхталишни тақозо этади, чунки бу ерда, бизнинг назаримизда, ҳозирги жамият шаклланишининг табиатини тушунишда бир қанча муаммолар мавжуд.

Инсоният ўз тараккиётининг ҳозирги босқичида постиндустриал ахборотлашган жамият погонасида турибди ва буни очиқ жамият барпо этиш арафасида деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Ж.Гэлбрейтнинг одил жамият ҳақидаги таълимоти, П.Дракернинг «Посткапиталистик жамият», В.Иноземцевнинг «Иқтисодий жамият ташқарисида», К.Поппернинг «Очиқ жамият» асарлари шулар жумласидан¹. Ушбу таникли олимларнинг фикрларига қўшилмай бўлмайди.

Айни вактда, шу нуктаи назардан бир нарсани аниклаб олиш керак деб ўйлаймиз. Бу ерда бутун инсоният түгрисида сўз юритиляптими ёки унинг муайян бир қисми тўғрисидами? Гап шундаки, ҳозирги дунё иқтисодий, илмий-техник ва маърифий жихатдан ҳар хилки, бутун инсоният тараккиётининг постиндустриал даражасига кўтарилиши түгрисида сўз юритишга ҳали эрта.

Бугунги кунда жаҳон икки қарама-қарши гурухга – «Бой Шимол» ва «Камбағал Жануб»га аниқ ажралган. Бунда камбағалларнинг бойлардан кўплиги нисбати 5:1 ни ташкил этади.

Шу нуктаи назардан В.С.Егоровнинг «Очиқ жаҳон фалсафаси» номли фалсафий-социологик тадқиқоти дикқатга сазовор². Унда айтилишича, БМТнинг «Инсонпарвар глобализация» деб номланган 1999 йилги докладида бешта энг бой ва бешта энг камбағал мамлакатлар нисбати 1960 йилда 30:1 ни, 1990 йилда – 60:1 ни, 1997 йилда эса – 74:1 ни ташкил этган. Ушбу тафовут кейинги йилларда ошишда давом этмоқда³.

БМТ бош котиби Кофи Аннан 2001 йил марта қўйидаги маълумотларни келтириб ўтди: Ер курраси ахолисининг бешдан бир қисми кунига бир доллардан кам маблағга яшаб келишга ҳаракат қил-

¹ Galbraith J K. The Good Society. The Humane Agenda. – Boston-NY., 1996, Drucker P F. Post Capitalist Society. NY., 1995; Иноземцев В.И. За пределами экономического общества. – М., 1998. Поппер К. Открытое общество и его враги. Т.1. – М., 1992.

² Егоров Н.С. Философия открытого мира. – Москва-Воронеж, 2002. с.320.

³ Ўша ерда 228-6

моқда, жаҳонда яшайдиган 6 миллиард аҳолининг 4 миллиарди ярим оч ҳолда, қашшоқ кун кечирмоқда¹.

Ушбу шароитларда, образли қилиб айтганда, жаҳоннинг аксарият мамлакатлари кирғонини ҳозирча фақат биринчи тўлқин (агар жамият) ва қисман иккинчи тўлқин (индустрисал жамият) сувлари ювмолада. Учинчи тўлқин сувларига келсақ, улар жаҳоннинг жуда оз мамлакатлари (АҚШ, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Жануби-Шаркий Осиёдаги айрим ривожланган давлатлар) кирғогига етган. Бу мамлакатларда Ер курраси аҳолисининг атиги бешдан бир қисми яшайди.

Шу муносабат билан ривожланаётган мамлакатларнинг асосий вазифаси кибернетик майдонга сакраш эмас, балки қолоқ халқларни ўрта даражага, ўрта даражадаги халқларни эса – ривожланган даражага кўтариш, уларни фан-техника тараққиёти ва ахборот технологияларига ошно этишининг узоқ йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Инсоният тараққиёти ва унинг ягона цивилизация сари ҳаракатланиши йўллари ва воситаларини излаш муаммосини ёритишида юқорида қайд этилган бой ва камбағал мамлакатлар ўртасидаги тафовут улардан бирининг фаоллигини ва иккинчисининг пассивлигини англатмаслигини қайд этиб ўтиш керак. Ушбу қарама-қаршилик, энг аввало, жаҳон халқлари ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари, уларнинг жўғрофий ўрни ва айниқса, мустамлака ўтмиши билан боғлиқ. Инсоният ирқий, миллий ва бошқа биологик ва ижтимоий белгиларга кўра қарама-қарши қўйилиши мумкин эмас. У ўз тузилишига кўраёқ ягонадир.

Замин одамлари моҳиятига кўра, ижтимоий жиҳатдан бирдир. Қадимда, кишилик тараққиётининг ilk босқичида айнан предметли дунёни қайта ишлашда инсон биринчи марта ўзини уруғдош мавжудот сифатида намоён этган, ишлаб чиқариш унинг уруг жамоасидаги фаолиятига айланган.

Замин аҳолиси интеллектуал жиҳатдан бирдир. Мантикий тафаккурнинг ҳар қандай ҳаракатида миллионлаб кишиларни ва юзлаб авлодларни ўзаро боягайдиган ришталарни кўриш мумкин. Тафаккур табиати (унинг тарихийлигига қарамай) барча халқларда ва шахсларда ягона, бирдир.

Рус файласуфи Н.А.Бердяев «Инсон қавми Инсониятга айланиб боради» деб қайд этган эди. Ушбу фикр инсониятнинг тарихийлигини, у англаб етилмаган, ибтидоий борликдан ўз ҳаётини ягона ижтимоий организм сифатида тушуниб етиш сари ҳаракатланишини қайд этади. Тъбیر жоиз бўлса, бу ерда «ўзидағи» инсониятнинг «ўзи учун» инсониятга айланиши рўй беради.

¹ Ўша ерда.

Табиийки, турли даврларда инсониятнинг яхлитлик даражаси ҳар хил бўлган. Шуни қайд этиш керакки, «бутун» ва «яхлитлик» айни бир ишси эмас. Улар яқин, аммо ҳар хил тушунчалардир. «Яхлитлик» тушунчаси бутуннинг идеал тұлиқлигига эришишнинг муайян дараҗасини ифодалайди.

Тарихий тарақкىёт жараёнида одамларнинг маконда тарқоқ ҳамжамиятлари ўртасида алоқалар ўрнатиш имконияти аниқланди ва кешгайиб борди. Бевосита алоқалар одамларнинг моҳияттан бирлигини янада ошириди ва бойитди.

Яхлитлик тарқоқликдан устун келади. Тарих жараёнининг вақтдаги (диахроник) бирлигига тұла ҳажмда макондаги (синхроник) бирлик қўшилади. Алоҳида мамлакатлар ҳаёти, тиллар ва маданиятлар ранг-баранглиги, ривожланиш мароми ва шаклларининг ҳар хиллиги оша тарихнинг ягона умуминсоний йўли кўзга ташланади.

9.3. Дунёning глобаллашуви

Ҳозирги дунёning XX аср охиридан шаклдана бошлаган жараён, минтақалар, мамлакатлар ва давлатлар яқинлашуви билан боғлиқ тенденциясини белгиловчи уч асосий омилни қайд этиш керак. Биринчиси – иқтисодий омил.

XX аср охири XXI аср бошида ушбу йўналишда ҳам ижобий, ҳам салбий ўзгаришлар рўй берди. Фан-техника инқилоби, фаннинг амалда ва кенг кўламда бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиши мазкур ўзгаришларнинг ўзига хос марказига айланди. Кибернетизация, компьютерлаштириш, ахборотлаштириш жараёнлари кенг қанот ёди, мутлақо янги технологиялар пайдо бўлди. Моҳият эътибори билан, XX асрда етакчилик маънавий ишлаб чиқаришга ўтди, яъни инсон тафаккури аста-секин ҳозирги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кўлами, суръати ва бутун қиёфасини белгиловчи омилга айланди¹.

Глобализация жараёнининг иккинчи муҳим шарти ёки омили ижтимоий хусусиятга эга.

Бу ерда одамлар ижтимоий интеграцияси муаммосини ёритувчи уч ҳолатни қайд этиш мумкин:

биринчидан, инсониятнинг бутун дунёни қамраб олувчи ижтимоий бирлик сифатида ривожланиши. Инсоният доим ижтимоий бирлик сифатида яшаган ватабиийки, интеграл ижтимоий алоқаларининг ривожланганлик даражаси билан фарқ қилиган. XX аср жаҳон тарихининг шундай бир босқичи бўлди, унда инсониятни боғловчи ришталар мустаҳкамланди;

¹ Губин В.Д. Философия. – Челябинск -М., 1999. с.360–393.

иккинчидан, XX асрда ижтимоий тараққиёт вектори илгари жуда катта ижтимоий-йұналтирувчи күчга эга бўлган ижтимоий-синфий бирликлардан жұшқын микроижтимоий бирликлар сари силжимокда;

учинчидан, XX асрда миллий-этник муносабатлар соҳасида улкан ұзаришлар содир бўлди. Бир томондан, жуда кўп халқлар, элатлар ва иркларга зулм қилған мустабид тизим емирилди. Иккинчи томондан, охирги йигирма йилда жаҳонда миллатчилик, ұзаро нифок, халқаро терроризмнинг кучайишини таъкидлаш жоиз.

Глобализациянинг учинчи шарти – ҳар хил, қарама-қарши сиёсий жараёнлар ҳамда жаҳон ижтимоий тараққиётида ұзаришлар рўй берди. Энг аввало, омманинг сиёсий жараёнлар доирасида иштирокининг кескин ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Шу сабабли XX асрни омма сиёсат субъектига айланган аср деб номлаш мумкин.

Жаҳоннинг глобаллашуви муаммолари устида фикр юритар эканмиз, инсон борлигининг жиҳати – глобаллик ушбу ҳодисанинг энг теран негизини ташкил этишини қайд этиб үтмокчимиз. Айнан инсон моҳиятининг универсаллиги, инсон қобилиятларининг чексизлиги (улар орасида онг ва меҳнатни биринчи ўринга қўйиш лозим) глобал жараёнларнинг мухим илдизлари хисобланади. Бунда ұзаришлар жараёни ўсиб борувчи тезликда рўй берди. Масалан, вербал (офзаки) муроқотдан ёзувнинг вужудга келишигача инсоният 3 миллион йилни, ёзувдан матбаачиликнинг кашф этилишигача тахминан 5 минг йилни, матбаачиликдан телефон, радио, телевидениенинг кашф этилишига тахминан 500 йилни босиб үтган бўлса, замонавий компьютерларга ўтиш учун атиги 50 йил керак бўлди. Ҳозирда янги кашфиётлардан улардан амалда фойдаланишигача бўлган муддатлар кун сайин қисқариб бормоқда; улар энди йиллар билан эмас, балки ойлар билан ўлчамоқда. XX асрда инсон ва инсоният ўртасидаги алоқанинг янги кирралари аниқланди. Ушбу алоқа инсоният ва ҳар бир инсон қаршисида очилган жарликка қулаш хавфининг бирлигига намоён бўлди. XX аср агар одамлар бирлашмаса, бутун инсоният ҳалок бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Ушбу хавфлар ҳам одамлар, бутун инсоният яқинлашиши зарурлиги аста-секин англааб етилишининг мухим омиларидан биридир¹.

Шундай килиб, глобализация – асрлар мобайнида ривожланаётган тарихий жараён. У жаҳоннинг бирлашишини, одамлар ягона тамойилларга мувоғиқ яшаши, кадриятлар, хулқ-атвор коидаларига риоя қилишини, яқинлашуви-уйғуллашуви ҳамма нарсаларни универсаллаштиришга интилишини англатади.

Глобализация – кучайиб бораётган ұзаро алоқаларнинг эътироф этилиши демак. Миллий ва давлат суверенитети муайян даражада


¹ Иқтисодий глобализация муаммолари кейинги мавзуда муфассалроқ қўриб чиқилади.

сусайиши, Европа иқтисодий ҳамжамияти мамлакатлари унинг асосий натижаси сифатида намоёни бўлаётганлиги мисолида кўриб турибмиз.

Нихоят, глобализация бу иқтисодий интеграция жараёнига асосланган жаҳон иқтисодиётининг бунёд этилиши демакдир. Унинг мөхияти ва мазмуни кейнинг мавзуда ёритилади.

15-чизма

Дунёнинг глобаллашуви, унинг шакллари ва кўринишлари



Қискача холосалар

1. XX аср охири ва XXI асрнинг боши фан бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиши, кибернетизация, компьютерлаштириш, янги ахборот технологияларнинг вужудга келтирилиши билан тавсифланади.

2. Ҳозирда ижтимоий тараққиёт вектори илгари жуда катта ижтимоий-регулятив кучга эга бўлган ижтимоий-синфий бирликлардан жўшқин микроижтимоий бирликлар сари силжимокда.

3. Глобализация ижтимоий муносабатларни, жаҳон ҳалклари ва мамлакатларининг сиёсий, миллий-давлат ва иқтисодий алоқаларини қамраб олмоқда. Инсон тафаккури эришган ютуклар умумий аҳамият касб этмоқда. Жаҳон ижтимоий муносабатларининг глобаллашуви инсоният ютукларини ҳам, унинг камчиликлари, нохушликларни ҳам ўзига хос тарзда намоён этмоқда. Ана шундай нохушлик хавфнинг энг ёмон кўринишларидан бири ҳалқаро терроризмдир.

Асосий тушунчалар

Қиёмат куни – Диний китобларда башорат қилинган «охир замон».

Глобализация – умуминсоний омиллар асосида жаҳон мамлакатлари яқинлашувининг фалсафий-социологик таърифи.

Диахрония – муайян жараён ривожланишининг тарихий кетма-кетлиги.

Ижтимоий фалсафа – жамиятнинг вужудга келиши, ривожланиши ва унинг истиқболлари ҳақидаги фалсафий таълимот.

Саволлар

1. Ҳозирги дунёнинг ривожланиш тенденцияси қандай?
2. Сизнингча, инсоният қайси йўналишда харакатланяпти?
3. Кишилик жамиятининг глобаллашуви нима?
4. Ҳозирги ижтимоий тараққиётда глобал жараёнларнинг қайси хусусиятлари айниқса ёрқин намоён бўлмоқда?
5. «Давримизнинг глобал муаммолари» ва «инсониятнинг глобаллашуви» тушунчалари ўртасидаги ўхшашик ва фарқларни аниqlанг.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Алексеев П.В. Социальная философия. Учебник. М., 2005.

Барулин В.С. Социальная философия. Учебник для ВУЗов. – М., 1999.

Губин В.Д. Философия. – М., 2005.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва – Воронеж, 2002.

Кохановский В.П. Философия. Учебник для ВУЗов. – Ростов Д., 1996.

Тойнби А. Постижение истории. – М., 1997.

Фалсафа. Қомусий луғат. Т., 2004.

Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М., 1994.

10-мавзу. ИҚТИСОДИЁТ ФАЛСАФАСИ

10.1. Иқтисодиёт тушунчаси

Хар қандай жамият, у ўз ривожланишининг қайси босқичида бўлмасин, ишлаб чиқаришсиз яшай олмайди. Бу иқтисодчиларга ва ишлаб чиқариш бошқарувчиларига яхши маълум. Шу билан бирга, бир қанча масалалар ҳам борки, уларни фалсафа ҳам четлаб ўтиши мумкин эмас. Бу биринчидан, жамиятнинг ўз-ўзидан ривожланадиган ижтимоий тизим сифатидаги моҳияти ва унинг ривожланиш асослари ҳақидаги масалалар, шу жумладан, *иқтисодий муаммо; иккинчидан, жамият ва унинг иқтисодий ҳаёти нисбатини аниқлаш муаммоси; учинчидан, иқтисодий онгнинг шаклланиши ва унинг жамият иқтисодий ҳаётига таъсири масалалари.*

Табиийки, жамият ва унинг ривожланишини фалсафий билиш юкорида қайд этилган шу уч муаммо билан чекланмайди. Улар каторига яна ижтимоий (иктисодий) тараққиёт объектив ва субъектив томонларининг ўзаро нисбати, турли ижтимоий гурухлар ва синфлар иқтисодий манфаатларининг ўзаро таъсири, иқтисодий конунлар вужудга келиши ва ривожланиши масалаларини, шунингдек жамият иқтисодий ҳаёти ва иқтисодий ислоҳотларнинг ўзаро нисбати муаммосини киритиш мумкин. Уларни фалсафа иқтисодий фанлар, иқтисодий назария иқтисодий тадқиқотларида «оқ доғлар» мавжуд-лиги учун эмас, балки билишнинг, шу жумладан, иқтисодий борликни инсоният яхлит ижтимоий организмининг таркибий қисми сифатида билишнинг умумназарий, умуммиллий методологик тамойилларини айнан фалсафа ишлаб чиққани учун тадқиқ қиласди. Шу муносабат билан ўтмиш фалсафий-иктисодий таълимотларининг вужудга келиш тарихига, жамият тараққиёти жараёнида уларнинг эволюциясига мурожаат этиш зарурияти туғилади.

Маълумки, «экономика» – «иктисод» қадимги юононча тилда, дастлаб рўзгорни бошқариш санъати маъносида қўлланган ва кейинчалик иқтисодиёт – ишлаб чиқариш тизимидағи маълум ижтимоий муносабатларнинг тарихан шаклланган мажмуи, моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва уларни тақсимлаш усуслари ҳақидаги ҳозирги таълимотга айланган.

Бу ўринда биз яна бир ўзига хос хусусиятга эътиборни қаратиш керак деб ўйлаймиз: антик, ўрта аср ва ҳатто Янги даврнинг айрим ижтимоий-фалсафий қарашларида «жамият», «иктисодиёт», «давлат» бир хил маънога эга тушунчалар деб қаралган. Иқтисодий тафаккур ўша даврда анча яхши ривожланган Қадимги Юнонистонда ушбу муаммога Платон ва Аристотель катта эътибор берганлар.

Қадимги Юнонистонда милоддан аввалги биринчи мингийиллик ўрталаригача вужудга келган иқтисодий тизим ягона эмас. У

ўзининг ҳар хиллиги ва турли шаҳар-полисларда жойлашганлиги билан тавсифланарди. Улар орасида энг юксак маданий-иктисодий ривожланиш даражасига Афина ўзининг кўп тармокли ишлаб чиқариши, қуллар меҳнатидан унумли фойдаланишга асосланган ишлаб чиқариш тармоклари (узумчилик, зайдун мойи ишлаб чиқариш), қулдорлар мулкларининг товар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги билан эришган эди. Камбагал фуқароларни моддий тъминлаш сиёсатини олиб борган, шаҳар хаёти ва шаҳар ҳунармандчилиги жадал суръатларда ривожланган, классик қулдорлик тизими вужудга келган Афинанинг демократия маркази сифатида аҳамияти ҳам ошиб борди.

Ушбу шароитларда Платон ва Аристотель, ҳар бири ўзича ва ҳар бири ўз даврида, давлат ва унинг иқтисодиётининг шаклланиши ҳакида ўз карашларини баён этдилар. Шу нуктаи назардан Платоннинг давлатни вужудга келиши сабаблари ҳакидаги фикр-мулоҳазаларида давлатнинг иқтисодий негизи аниқ кўзга ташланади. «Биз ҳар биримиз ўз эҳтиёжларимизни қондира олмаган ва кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлганимиз ҳолда давлат вужудга келади», дейди Платон асарининг қаҳрамони Адимант. «Ҳар бир одам, деб давом этади у, ўзининг муайян эҳтиёжларини қондириш учун дам у, дам бу одамни жалб этади. Кўп нарсаларга муҳтоҷ бўлган кўпчилик баҳамжиҳат яшаш ва бир-бирига ёрдам бериш учун бир ерга тўпланади: ушбу манзилгоҳ бизда давлат деб аталади»¹.

Шу ўринда бир савол туғилади: агар муайян ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулоти билан бозорга келиб, унга харидор топмаса, вақтини бехуда совурган бўладими? «Йўқ, дейди Платон, ушбу аҳволни кўриб, унга ўз хизматини таклиф қиласиган одамлар топилади... Улар бозорда пулга ниманидир харид қилишни ... ва уни яна пулга айирбошлишни кутиб ўтирадилар»².

Бу кейинчалик Қадимги Юнонистон тафаккурининг яна бир дахоси – Аристотель таълимотида ёрқин намоён бўлди. У давлат ва жамият уртасида фарқ мавжуд деган фикрни биринчи бўлиб илгари сурди. Ўзининг «Сиёсат» рисоласида у яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик каби тушунчаларни фақат ижтимоий мавжудот – инсон идрок этишга қодир деб қайд этади. «Буларнинг барчаси, оила ва давлат негизини ташкил этади»,³ деб давом этади файласуф. Бунда «ўз табиатига кўра давлат оиласи ва ҳар биримизга нисбатан бирламчи ҳисобланади...»⁴.

Кўриб турганингиздек, антик давр файласуфлари асарларидан парчалар келтиришдан мақсад қадимдаёқ улар иқтисодий назарияга анча яқин келганлиги, жамият, давлат ва уларнинг иқтисодий асоси ҳақидаги янги таълимотларга замин яратганликларини таъкидлашдир.

¹ Мыслители Греции. От мифа к логике – Москва-Харьков 1999. с 142.

² Ўша ерда. 145-б.

³ Ўша ерда. 444-б.

⁴ Ўша ерда. 444-б.

Платоннинг давлат ҳақидаги таълимоти давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги кейинги назарияларга, шу жумладан;¹ Янги давр инглиз файласуфлари Т.Гоббс (1588–1679) ва Ж.Локк (1632–1704) таълимотларига муайян даражада таъсир кўрсатди. Платоннинг ҳеч ким ҳеч қачон, урушда ҳам, тинчлик даврида ҳам бошлиқсиз қолмаслиги керак деган ғоясига таяниб, Гоббс ўзининг ижтимоий шартнома ҳақидаги таълимотида подшога анча катта ваколатлар берилиши, у жамият манфаатларида ҳатто ўз фуқаролари ҳаётини курбон келтириши мумкин, деб хисоблади.

А.Смит (1723–1790)нинг меҳнат жамияти назарияси тўғрисида сўз юритар эканмиз, унинг меҳнат ижтимоий тақсимотига асосланган ижтимоий алоқалар ўрнатилиши зарурлиги ҳақидаги таълимотига ҳам Платон ғоялари билвосита таъсир кўрсатганини қайд этиб ўтиш керак деб ўйлаймиз. Ниҳоят, буюк немис файласуфи Г.Гегел (1770–1831)-нинг фуқаролик жамияти ҳақидаги назариясида Аристотелнинг «жамият» ва «давлат» тушунчаларини синонимлар тарзида ажратиш зарурлиги ҳақидаги фикрининг олис соясига дуч келамиз.

Давлат ва жамият ҳақидаги таълимотларнинг ривожланишига Марказий Осиёдан чиққан ўрта аср буюк мутафаккирлари қўшган хисса ҳақида тўхталиб ўтмасак, ижтимоий-фалсафий таълимотлар тарихига сафаримиз тўлиқ бўлмайди деб ўйлаймиз. Ушбу нуқтаи назардан бу ерда олдинги мавзуларда тилга олинган Форобий, Ибн Сино ва Беруний номларини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Иқтисодий қурилиш амалиётини ишлаб чиқишига Амир Темур ҳам ўз «Тузуклари» билан катта хисса қўшди.

Айтилганларга мисол тариқасида Шарқ Ренессанси даврининг буюк мутафаккири Форобийнинг ижтимоий қарашларига бир назар ташлайлик. Форобий Яқин ва Ўрта Шарқда биринчилардан бўлиб ўз даври феодал жамиятининг сиёсий ва иқтисодий ҳолатини ва даражасини фалсафий жиҳатдан тушуниб етишга ҳаракат килди. Ўзининг «Фозил одамлар шахри» номли ижтимоий-фалсафий рисолисида Форобий инсон вижданан меҳнат қилмаса, ҳаётга фаол мунисибатда бўлмаса, саодатга эришиши мумкин эмас, бунга фақат юксак иқтисодий негизли жамиятда эришилиши мумкин, деган фикри асослади. «Одамлар ишларда бир-бирига ёрдам кўрсатиш учун бирлашган шахар фазилатли шахар, одамлар саодатга эришиш мақсадида бир-бирига кўмаклашадиган жамият эса фазилатли жамиятдир», деб қайд этади Форобий².

Ўша даврнинг яна бир мутафаккири – Беруний ҳам давлатнинг вужудга келиши, энг аввало, одамларнинг иқтисодий эҳтиёжлари билан боғлик деган фикрдан келиб чиқади. «Кучсиз инсон, (химоя) органлари йўқлиги туфайли, ҳар хил синовлардан ўтиш жараённида

¹ Асмус В.Ф. Платон – М., 1993. с. 74

² Джумабаев Ю. Ўзбекистонда фалсафий ва ахлокий фикрлар тараққиёти тарихидан. Т., 1997, 45. б.

доим ҳимояга ва ўз (эҳтиёжлари) кондирилишига муҳтоҷ бўлади», деб ёзди у¹. Шуни қайд этиш керакки, Беруний ўзининг «Ҳиндистон» асарида мазкур мамлакатнинг ўша даврдаги ҳаёти, иқтисодиёти ва маданияти ҳакида муфассал маълумот берган.

Шундай килиб, узок ва яқин ўтмиш иқтисодий ривожланишининг айrim масалаларини фалсафий жиҳатдан тушуниш у ўша даврда одатда фалсафий билим тизимида амалга оширилган деган хуносага келиш имконини беради. Кейинчалик иқтисодиёт ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёти жараёнларини фалсафий тушуниш сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилиди. Ушбу босқич фалсафа ва иқтисодиётнинг ажralиши билан боғлиқ. Шу даврда (XIX аср бошида) француз файласуфи О.Конт жамият ҳакидаги таълимот – *социологияни яратди*, унда жамият ўз ривожланиш жараёнида уч босқичдан (илохиёт, метафизик ва позитив босқичлардан) ўтиши ҳакидаги гояни ривожлантириди.

XIX аср ўрталарида К.Маркс (1818–1883)нинг иқтисодий назарияси вужудга келди. У ҳам жамиятга яхлит тизим деб қаради, жамиятни таркибий қисмларга ажратди ва бутун ижтимоий тизимнинг яхлитлигини ва унинг фаолият курсатиш имкониятини таъминловчи асосий тизим ҳосил қилувчи алоқаларни курсатиб берди. Аммо, ушбу гояни илгари сургач, марксизм жамият ҳакидаги барча «ноилмий», «зараарли» ва «реакцион» таълимотларни четта сурди ва «козодлик салтанати»га йўл факат «объектив конуниятлар» орқали ўтади деган гояни илгари сурди. Одамлар тажрибаси, ижтимоий амалиёт жамият (утопик) ҳаёлий оламда эркин бўла олмаслиги, ўз орзуларини рӯёбга чиқара олмаслигини, уларга факат меҳнат орқали эришиш мумкинлигини курсатди.

Кейинчалик, XX асрда ижтимоий ривожланиш ҳакида яна бир қанча қизиқарли назариялар ва таълимотлар пайдо бўлди. Индустрнал жамият концепцияси (Э.Дюргейм, Р.Арон, Д.Белл), постиндустриал жамият ҳакидаги таълимот (Д.Белл, З.Бжезинский, О.Тоффлер ва бошк.) шулар жумласидан. Бу ўринда Ж.Гэлбрейтнинг «янги индустрнал жамият» ҳакидаги таълимотини, У.Ростоунинг «иқтисодий ўсиш босқичлари» назариясини, А.Тойнбининг «тарихий айланиш назарияси»ни ҳам қайд этиб ўтиш керак. Ушбу таълимот ва назариялардан айримларининг мазмунини мавзунинг кейинги кисмida кўриб чиқамиз.

10.2. Фалсафа ва иқтисодиёт – билиш функцияларининг бирлиги ва фарқлари

Илмий тафаккурга эга ҳар бир иқтисодчи ва файласуф жамиятнинг иқтисодий ҳаётини ҳодисалар ўртасидаги зарур, муҳим ва тақорланувчи алоқалар ифодаси деб тушунади. Лекин ушбу тушу-

¹ Ўша ерда 53-б.

нишга уларнинг ҳар бири иқтисодиёт ва фалсафа учун умумий бўлган категориялар ҳамда фақат айни фанга хос бўлган тушунчалар ёрдамида ҳар хил ёндашади.

Маълумки, XVII асрдан – биринчи илмий инқиlob давриданоқ фалсафадан мустақил фанлар ажралиб чиқа бошлади. Улар орасида тадқиқот обьекти иқтисодиёт хисобланган таълимотлар ҳам пайдо бўлди. Иқтисодиёт одамларнинг моддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган товарлар, предметлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш, уларни таксимлаш, айирбошлиш ва улардан фойдаланиш бўлгани учун иқтисодчилар ҳам, файласуфлар ҳам унга жиддий эътиборни қаратдилар.

Иқтисодий эҳтиёжларни ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан боғлиқ эҳтиёжларни доим иқтисодий назария ва фалсафа биргаликда ўрганиб келади. Бу ерда эҳтиёжни ифодалашнинг икки шакли – фалсафий ва иқтисодий шакллари тўқнашади ва ўзаро таъсирга киришади. Маълумки, иқтисодий эҳтиёжлар иқтисодий зарурият тарзида намоён бўлади. Озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой, ҳаракатланиш воситалари, рўзгор анжомларига эҳтиёж шулар жумласидан. Ушбу эҳтиёжлар ҳам ижтимоий (уларни фалсафа ўрганади), ҳам иқтисодий (уларни иқтисодий назария тадқиқ қиласиди) ўрганиш обьектини ташкил этади¹.

Шу билан бирга, мазкур китоб муаллифларининг автомобиль, модали кийим-кечакка (хозирги ёшларда буни фарқлаш қийин, чунки уларнинг ҳаммаси мода бўйича кийинади) бўлган эҳтиёжлар ижтимоий, ҳаётда озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга бўлган эҳтиёжлар эса – иқтисодий хусусиятга эга, деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Ҳақиқатдан ҳам қайд этилган эҳтиёжларнинг барчаси ягона ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга, фақат уларни тадқиқ қилишга фалсафа ва иқтисодий назария ҳар бири ўз нуктаи назаридан ёндашади.

Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш усули ва мулкчилик муносабатлари ҳам жамият иқтисодий ҳаётини тадқиқ қилишнинг иккала шакллари учун «умумий» хисобланади. Хуллас, ушбу икки фаннинг тадқиқот йўллари доим ўзаро кесишади, чунки улар айни бир обьект – иқтисодиётни тадқиқ қиласиди.

Айни вактда, фалсафа ва иқтисодий назария ушбу тадқиқот обьектини таҳлил қилишга ҳар хил нуқтаи назардан ёндашади. Чунончи, иқтисодий таълимот ишлаб чиқариш ривожланишининг иқтисодий хусусиятларини тадқиқ қиласиди, одамлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ёритади, уларнинг иқтисодий манфаатларини, иқтисодий эҳтиёжларини қондириш йўллари ва усулларини асослашга ҳарарат қиласиди. Фалсафа эса жамият ривожланишининг моддий, иқтисодий асосларини инкор этмаган ҳолда, унинг ижтимоий томонини аниқлаш вазифасини ўз олдига қўяди.

¹ Философия Под ред В.Н. Лавриненко, В.П. Ратникова. – М., 2000. с. 405–406.

Шу сабабли, А.Смитдан бошлаб, иқтисодий таълимот (ўша даврда сиёсий иқтисод) ўзининг асосий эътиборини жамият ривожланишининг иқтисодий асосларини тадқик килишга, фалсафа эса – унинг ижтимоий асосларини ўрганишга қаратади.

Буни мазкур икки таълимотнинг деярли бир даврда яшаган атокли вакиллари – иқтисодчи Адам Смит ва файласуф Георг Гегел мисолида кўриб чиқамиз. А.Смит илмий асослаб берган сиёсий иқтисод иқтисодий таълимотнинг ривожланишига қўшилган катта ҳисса бўлди. Унинг замирида ётувчи қийматнинг меҳнат назарияси («*меҳнат жамияти назарияси*») одамлар ўртасида ижтимоий алоқалар меҳнатнинг ижтимоий тақсимоти асосида, улар ўз меҳнати меваларини айрбошлиши орқали ўрнатилади, бунда одамлар иқтисодий фаолиятининг асосий мотиви меҳнат хисобланади, деган фикрдан келиб чиқади. Смит инсон ва меҳнат ўзаро алоқасининг қуйидаги тамойилидан келиб чиқади: ҳар ким ўзи учун ишлар экан, бошқалар учун ишлашга ҳам мажбур бўлади ва аксинча, бошқалар учун ишлар экан, ҳар ким ўзи учун ҳам ишлайди. Бинобарин, инсон яхши яашага интилишининг асосий шарти ва жамият равнақининг манбаи меҳнат хисобланади. А.Смит жамият равнақининг уч асосий шартини қайд этди: ҳусусий мулкнинг мавжудлиги, иқтисодиётга давлатнинг аралашмаслиги ва шахсий ташабbus ривожланиши учун говларнинг йўклиги. Смитнинг жамият синфий тузилишини тушуниши у яратган иқтисодий назариянинг муҳим жиҳатидир. Унга асосланиб, Смит уч асосий синфи: ёлланма ишчилар, капиталистлар ва йирик ер эгалари синфларини қайд этади. Бунда ёлланма ишчиларнинг иқтисодий манфаатлари капиталистлар ва йирик ер эгаларининг манфаатларига зиддир.

Фуқаролик жамияти назариясини ишлаб чиқсан Гегель таълимотида фалсафий оҳанг кучлирок. Агар Смит ижтимоий ходисалар таҳлилида асосий эътиборни иқтисодий ҳусусиятга эга муаммоларга қаратган бўлса, Гегелнинг дикқат марказида ижтимоий аҳамиятга молик муаммолар туради. Жамиятнинг ривожланишини у диалектик метод ёрдамида таърифлайди. Смитдан фарқли ўлароқ, Гегель моддий ва маънавий дунёга қотиб қолган нарса деб эмас, балки муттасил ўзгарувчи ва ривожланувчи жараён деб қарайди. Гегель биринчи бўлиб «*фуқаролик жамияти*» тушунчасини ишлаб чиқди, унга «*сумумий боғлиқлик тизими*» деб таъриф берди, унда «*бир кишининг тирикчилиги, фаровонлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан мавжудлиги барчанинг тирикчилиги ва фаровонлиги билан узвий боғланади, шуларга асосланади ва фақат ана шу боғлиқликда ҳақиқий ва таъминланган бўлади*»¹, деб қайд этди. Шу ерда икки буюк мутафаккирнинг ушбу таълимотларини солиштириб, уларнинг жамият (яни айни бир тадқиқот обьекти) талқини айrim масалалар бўйича мос келади, айrim муаммолар бўйича эса мос келмайди, деган хуласа чиқариш мумкин.

¹ Человек и общество. – М. 1993. с. 2.

Уларнинг меҳнатнинг роли ва унинг ижтимоий тақсимотдаги аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари бир-бирига мос келади. Аммо Смит, Гегелдан фарқли ўлароқ, диалектикани деярли тадқик қилмайди. Бу XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ Смитнинг баъзи бир қоидаларига тузатиш киритиш, айримларини эса бутунлай қайта кўришни тақозо этди.

Смитнинг хизмати шундаки, у ўз иқтисодий таълимотини асослаш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ягона ва ҳақиқий мезони меҳнат эканини биринчи бўлиб илмий жиҳатдан асослаб берди, барча замонларда ва барча жойларда барча товарларни меҳнатга караб баҳолаш ва уларнинг қийматини солиштириш мумкинлигини қайд этди¹. Лекин у бу ерда ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари диалектикасига, ишлаб чиқариш усулининг вужудга келиши ва ривожланиши диалектикасига фақат яқинлашди, аммо уни ёритиб бермади.

Гегель эса ўзининг ижтимоий ривожланиш хусусияти ҳақидаги қоидаларини диалектик ёндашув ёрдамида асослаб берди ва улар ишлаб чиқаришга боғлиқ эканини қайд этди. Аммо, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланиши муаммоларига алоҳида эътибор берган ҳолда, у Смитдан фарқли ўлароқ, тарихга фақат «озодликни англаган рух тараққиёти» деб қаради.

Кўриб турганимиздек, Смит таълимоти ҳам, Гегель таълимоти ҳам ижобий жиҳатлар билан бир каторда, айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Иқтисодчи ва социолог К.Маркс ўз иқтисодий таълимотида ана шу камчиликларни муайян даражада бартараф этди, уларнинг бир канча хато қоидаларини қайта тушуниб етди ва қўшимча қиймат назариясини асослаб берди².

Шу билан бирга, олдинги мавзууларда қайд этиб ўтганимиздек, Маркснинг жамият «порлоқ келажак»ка келиши ҳақидаги фундаментал қоидасини тўғри деб бўлмайди. Давримизнинг машхур социолог ва файласуфлари Г.Скирберк, Н.Гилье машхур назариётчи бўлган Маркс маълум хато ва камчиликларга йўл қўйганини қайд этади. Масалан, Маркснинг капитализм ҳалокати муқаррар экани ҳақидаги қоидаси янглиш бўлиб чиқди, капитализмнинг ривожланиши синфий тафовутларнинг кучайишига олиб келади деган қоидаси эса нафақат тасдиқланмади, балки бутунлай хато бўлиб чиқди. «Ҳозирда АҚШ ва Шимолий Фарбий Европадаги ишчиларнинг аксарияти эга бўлган шахсий истеъмол даражаси Маркснинг камбагаллашиш назариясига мос келмайди», деб қайд этади юқорида қайд этилган муаллифлар³.

XIX аср охири – XX аср бошида фалсафий ва иқтисодий таълимотларнинг ажralиш жараёни кучайди. Янги, соф иқтисодий назариялар, чунончи: Э.Бем-Баверкнинг ўта фойдалилик назарияси, М.Фрид-

¹ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов – М. 1962 с 194

² Маркс К., Энгельс Ф. Соч Т. 46. Ч.2 с 221

³ Философия Под ред В Н Лавриненко, В П Ратникова. – М., 2000 с 406

меннинг монетаристик назарияси, Ж.Кейнснинг иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солиниши назарияси вужудга келди.

Хозирги замон ижтимоий-иктисодий фанида индустрисал, постиндустрисал ва ахборот жамияти концепцияларига алоҳида эътибор берилади. Ушбу жамиятларнинг вужудга келиши товар ишлаб чиқарувчи иқтисодиётдан хизмат кўрсатувчи иқтисодиётга ўтилиши, жамиятнинг синфий бўлниши ўрнига касбий бўлнишга келиши билан тавсифланади. Шу ўринда америкалик машҳур сиёсатшунос З.Бжезинский (1928 й. тугилган) номини тилга олиш мумкин. У «постиндустрисал жамияти» назариясининг варианatlаридан бирини таҳлил қилиб, жамиятни ижтимоий-иктисодий ва илмий-техник модернизация қилишни унинг «америкалашуви» билан бир деб ҳисоблади ва янги «интеллектуал элита» вужудга келишини асослайди.

Яна бир америкалик социолог Д.Белл ўзининг «Келажак постиндустрисал жамияти» (1973) китобида янги жамиятда соф капиталистлар ўрнига маълумот ва билим даражаси билан фарқ қиласиган хукмрон элита келади деб қайд этади.

Иқтисодий таълимотлар ва фалсафада билиш функцияларининг бирлиги ва фарқларининг айрим жиҳатлари ана шулардан иборат. Умуман олганда, улар ҳам, булар ҳам, ҳар бири ўзича қўйидаги умумий хуросаларга келади:

- agar жамият муттасил равишда моддий неъматлар ишлаб чиқармаса, у мавжуд бўла олмайди;
- иқтисодий эҳтиёжлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш эҳтиёжлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади;
- жамиятнинг иқтисодий ҳаётини билиш жараёнида унинг объектив омиллари (ишлаб чиқариш жараёнида объектив иқтисодий қонунларининг амал қилиши; ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро таъсири, бунда уларнинг биринчиси иккинчисига мос келиши керак; жамият маънавий ҳаётининг ривожланиши учун зарур моддий шарт-шароитлар яратилиши ва бошк.) ҳам, субъектив омиллари (жамият ва муайян шахснинг иқтисодий манбаатлари, одамлар иқтисодий онгининг шаклланиши ва бошк.) ҳам ҳисобга олиниши керак.

Хуллас, жамиятнинг иқтисодий ҳаёти фақат объектив ва субъектив омилларининг ўзаро таъсирида мавжуд бўлиши мумкин. Шу ерда бошқа бир фалсафий-иктисодий муаммо – мулк масаласи кўндаланг бўладики, уни биз навбатдаги мавзуда муфассал кўриб чиқамиз.

10.3. Иқтисодий глобализация ва ҳозирги замон

Иқтисодий глобализация «ягона жаҳон иқтисодиёти, жаҳон бозори, пировард натижада, жаҳон ҳамжамиятининг барпо этилишидир, деб қайд этади В.С. Егоров – У Марказ – АҚШ бошлигидаги иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг периферия – учинчи ва тўртинчи

дунё мамлакатлари, ривожланётган ва посткоммунистик мамлакатларга нисбатан мафкуравий, сиёсий ва иқтисодий экспансияси йули билан миллий давлатлар чегарасидан ўтади (уларни қупориб ташлади)».

Чиндан ҳам шундайми? Дунё миқёсида бозор ташкил этиш учун зўрлик ишлатилиши шартми? Бизнинг назаримизда, муаллиф бу ерда кўп жиҳатдан ҳақ. Кўп жиҳатдан, лекин тӯла эмас. Агар глобализация иқтисодий тазийк ва сиёсий бўйсундириш чора-тадбирларига асосланган жараён деб тушунилса, у чиндан ҳам ҳақ. Лекин ушбу жараёнларга муайян тарихий нуктаи назардан қарайдиган, иқтисодий глобализацияни фақат экспансионизм натижаси эмас, балки иқтисодий жиҳатдан нисбатан тенг бўлган давлатларнинг ихтиёрий равишда астасекин бирлашиши, қолок мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятини оширилиши ва тенглаштирилиши билан боғлиқ узоқ давом этадиган мураккаб жараён деб тушунадиган бўлсак, бу ерда бошқача ёндашув, бошқача талқин зарур. Аммо ҳали дунёнинг биронта ҳам ривожланган давлати шуни ўз олдига бош вазифа қилиб қўйгани йўқ.

Юкорида кайд этилган жуда қизиқарли ва фойдали илмий-фалсафий тадқиқот муаллифи айнан шу ҳақда сўз юритади. У глобализация натижасида ривожланган ва ривожланётган мамлакатлар ўртасида тафовут кучайиб бораётганини, XX аср охирига келиб улар ўртасидаги иқтисодий тафовут нисбати 74:1 га етганини ташвиш билай кайд этади¹. Ривожланган мамлакатлар глобализациядан тобора кўпроқ наф кўрмоқдалар, улар жаҳон иқтисодиётига қўшилиш ниятидаги янги мамлакатларга ўз «ўйин қоидалари»ни қабул қилишни шарт килиб қўймоқдалар, натижада, глобализация жараёнлари ягона марказ – АҚШдан туриб тартибга солинмоқда ва назорат қилинмоқда².

Иқтисодий глобализацияга шу нуктаи назардан қаралса, ушбу жараённи рўй берган ҳодиса деб эмас, балки унга сари ҳаракат деб тавсифлаш мумкин.

Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида глобализация эмас, балки **регионализация** жараёнлари рўй бермокда. Шу нуктаи назардан социологик лугатлардан бири муаллифларининг «глобализация – муайян маҳаллий кичик тизимларга табақалашган жаҳон умумий ижтимоий-маданий тизимининг вужудга келиши»³, деган фикрига қўшилиш мумкин.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, иқтисодий глобализация сари ҳаракат тўғридан-тўғри эмас, балки иқтисодий салоҳияти тенг мамлакатларнинг минтақавий (маҳаллий) уюшмалари орқали амалга оширилмоқда. Бу ерда тенг салоҳиятли дегани бир хил деган маънони англатмайди. Марказий Европадаги айрим собиқ социалистик мамлакатлар Европа иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши шундан

¹ Егоров В.С. Философия открытого общества. с. 227.

² Ўша ерда. 228–229-б.

³ Учебный социологический словарь. Под ред. С.А. Кравченко. – М., 1999. с.52.

далолат беради. Маълумки, ушбу мамлакатлар ўз иқтисодий курсаткичларига кўра Европа ҳамжамиятининг эски аъзоларидан анча орқада.

Ушбу тушуниш жаҳоннинг ривожланган давлатлари иқтисодий ҳамжамиятига қўшилишнинг бошқа йўлларини истисно этмайди. Аммо бунга эришиш жуда ҳам қийин. Факат иқтисодий ривожланган қудратли давлатлардан бири бўлган Россиянинг «Катта еттилик»ни тенг хукукли аъзоси бўлиши билан уни «Катта саккизликка» айланнишига сабаб бўлди.

Кўриб турганимиздек, глобализацияга ўтиш шакллари жуда серкирра ва ранг-барангdir. Улар жамият ҳаётининг деярли барча жабхаларида: сиёсий ва ижтимоий соҳаларда, иқтисодиётда, маданиятда, миллатлараро муносабатларда намоён бўлади.

Хозирги замон иқтисодиёт фани иқтисодиёт соҳасида глобализациялашувнинг уч асосий йўналишини қайд этади:

а) молиявий глобализация;

б) жаҳон савдо-сотик унумдорлигини ошириш;

в) дунё миқёсидаги транснационал уюшмалар (ТНК) тармоғининг вужудга келиши ва кенгайтирилиши.

Ушбу йўналиш доирасида глобализациянинг куйидаги асосий жараёнларини қайд этиш мумкин:

– иқтисодиётнинг интернационаллашуви;

– жаҳонда ягона алоқа тизимининг ривожланиши;

– ахборот, билимлар ва эксперталар аҳамиятининг ошиб бориши;

– транснационал иқтисодий дипломатиянинг яратилиши.

Иқтисодиётдаги глобализациянинг тарафдорлари бўлиши билан бирга танқидчилари ҳам мавжуд. Айримлар глобализацияга ижобий ҳодиса деб карайди, чунки у бутун жаҳонда меҳнат унумдорлигини ва одамларнинг турмуш даражасини оширишга қодир. Уларнинг фикрича, дунё миқёсидаги иқтисодий интеграция меҳнат таксимотини яхшилайди, меҳнат ҳаки паст мамлакатларга кўп меҳнат сарфини талаб этувчи ишлаб чиқаришларга ихтисослашиш, меҳнат ҳаки дара-жаси катта бўлган мамлакатларга эса ишчи кучидан янада унумлироқ фойдаланиш имконини беради. Глобализация капитални инвестициялар учун қулайроқ шартлар асосида таклиф қилган исталган мамлакатга жойлаштиришга, маҳаллий молиявий лойиҳаларнинг паст даромаддорлиги тузогига илинмасликка имконият яратади.

Глобализация рақиблари эса бунга қарама-қарши фикрларни илгари суради. Уларнинг таъкидлашича, меҳнат ҳаки даражаси паст бўлган ривожлананаётган мамлакатлар томонидан ракобатнинг кучайиши ривожланган мамлакатларда иш жойлари қискартирилиши ва ҳатто меҳнат ҳақининг камайтирилишига олиб келади.

Шу нуктаи назардан «Труд-7» газетасида эълон қилинган бир макола¹ диккатга сазовор. Унда кўк рангли жинси (blue jeans) ишлаб чиқарувчи машхур «Леви Страус» компаниясининг тақдири ҳақида сўз

¹ «Джинсовое счастье». Газета «Труд-7», 18 апреля 2002 г. №68.

юритилади. Компанияга ракобат тазики кучайиши натижасида у ишлаб чиқариш ҳажмининг бир қисмини ишчилар ўз меҳнати учун кўп ҳак тўламайдиган жойларга, яъни ривожланаётган мамлакатларга кўчиришга мажбур бўлди. Мақола муаллифларининг фикрича, ушбу тазик замирида айнан глобализация жараёнлари ётади. Унда ривожланган мамлакатлар ўз ракобатбардошлигини ошириш учун меҳнат ҳақини ва ижтимоий таъминот нафақаларини камайтиради, атроф-мухит устидан назоратни сусайтиради. Рақобат тазики натижасида аксарият давлатлар ўз иктисадий сиёсатини амалга ошириш имкониятидан маҳрум бўлади. Иктисадий тангликларни вужудга келтиришга кодир молия корчалонлари таъсири кучайиб бораётгани ҳам жиддий ташвиш уйғотади.

Шу муносабат билан миллий иктисадиётлар ягона жаҳон ҳўжалигига қўшилиши жараёни илгари рўй берган жараёнларга қараганда бир канча ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчи хусусият XX аср бошида жаҳоннинг катта қисми глобал иктисадиётда иштирок этмас эди. Бугунги кунда савдо-сотиқ ва инвестицияларга ўз чегараларини очиб қўйган мамлакатлар сони жуда кўпайди. Нафақат ривожланган мамлакатлар, балки ривожланаётган мамлакатлар ҳам бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ ислоҳотларни амалга ошироқдалар.

Иккинчи хусусият алоқа воситалари нархи камайиши ҳисобига транспорт харажатларининг қисқаришида ифодаланади. Арzon ва самарали коммуникациялар тармоғи фирмаларга ишлаб чиқариш жараённинг ҳар хил таркибий қисмларини турли мамлакатларга жойлаштириш имконини беради. Бундан ташкари, замонавий ахборот технологиялари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида юзма-юз музокарада бўлиш заруриятини анча камайтиради ва уларга илгари ҳалқаро бозорларда сотишнинг иложи бўлмаган товарларга харидор топишнинг янги шаклларини топиш имконини беради.

Учинчи хусусият – ялпи ҳалқаро молиялаштириш оқимлари тобора кўпайиб бормоқда. Масалан, ер юзида чет эл валютасининг кундалик айланмаси 1973 йилги 15 млрд. АҚШ долларидан 2006 йилда 1,5 трлн. АҚШ долларига кўпайди.

Тўртинчи хусусият фан-техника тараққиёти ва «ахборотлашган жамияти»нинг шаклланиши билан боғлиқ. Оммавий саноат ишлаб чиқариши оддий ҳодисага айланди. Учинчи дунё мамлакатларидағи таълим дастурлари ва техник тараққиёт натижасида турли мамлакатлар ишчиларининг меҳнати бир хиллашди, бинобарин, меҳнат ҳақидаги катта тафовут ҳисобига ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имконияти кенгайди.

Транснационал корпорациялар глобал иктисадиёт ривожланишини харакатлантирувчи кучлардан бирига айланниб бормоқда. Масалан, транснационал корпорациялар ўз мамлакатларидан ташқарида амалга оширган сотиш ҳажмлари экспорт ҳажмларидан 20–30 % тезрок ўсмоқда. Транснационал корпорациялар умумий сотиш ҳажмининг ўрта

хисобда 45 %ни экспорт ташкил этади. Молия бозорларида транснационал корпорациялар муҳим операциялар ҳолатини белгиловчи қудратли кучга айланмоқда. Уларнинг ялпи валюта захиралари жаҳоннинг барча Марказий банклари умумий валюта захираларидан бир неча баравар кўп.

Хуллас, глобализация ҳам давлатлараро, ҳам транснационал шаклларда ривожланадиган икки ёқлама жараён. Шу сабабли унинг тармоқлари ҳам кенг: давлатлар, уларнинг иттифоқлари, халқаро ташкилотлар, ноҳукумат ташкилотлари. Иқтисодий глобализациянинг табиати икки қарама-қарши тенденция: 1) ранг-барангликнинг камайишига қараб бир хиллашиш ва 2) турмуш даражаси ва тарзида тафовутларнинг улушида ҳам намоён бўлмоқда.

Хозирги иқтисодий глобализация муаммоларининг таҳлилида Ўзбекистон Республикасида рўй берадиган глобализация жараёни ва унинг жаҳон ҳамжамиятига, шу жумладан, халқаро иқтисодий ҳамжамиятга қўшилиши биз учун алоҳида ўрин тутади.

Ушбу жараёнда республикамиз ўрнини белгилар экан, И.А.Каримов Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътиборга сазовор бўлиб бораётганини қайд этади. «Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек умуман–бутун сайёрамиз кўламида ҳам событқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб хисобламоқ зарур»¹.

Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда – дунё миқёсида ва минтақа кўламида – интеграция жараёнларида катнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоклашмасликка амал қиласди².

Шу сабабли Ўзбекистон алоҳида мамлакатлар билан ҳам, турли давлатлараро бирлашмалар, уюшмалар билан ҳам ўзаро фойдали асосда иқтисодий ҳамкорлик килмоқда, жаҳоннинг барча давлатлари билан иқтисодий, илмий-техник ва бошқа алокаларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очмоқда. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатда ташки иқтисодий алокаларни йўлга қўйиш, жаҳон иқтисодий тизимиға Ўзбекистоннинг қўшилиши

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 288-б.

² Ўша ерда. 290-б.

йўлларини мустақил белгилаш тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда.

2001 йил июнда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида сўзлаган нутқида И.А.Каримов Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида нафоқат сиёсий, балки иқтисодий алоқаларни ҳам янада мустаҳкамлашга чақирди ва: «Бизнинг дикқатмарказимизда кўп киррали иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик тизимини ташкил этиш ва чуқурлаштириш мунтақадаги халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамловчи қудратли восита сифатида қаралмоги зарурлиги масаласи туриши лозим»,¹ деб қайд этди.

Қисқача холосалар

1. Иқтисодиёт – моддий неъматлар (товарлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, айирбошлиш, истеъмол қилиш, сотиш ва сақлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг тарихий белгиланган мажмуу.

2. Ижтимоий эркинлик, демократия ва жамиятнинг иқтисодий равнақи одамларнинг изчил, онгли, фидокорона, ижодий меҳнат фаолиятига асосланади.

3. Иқтисодиётнинг ривожланиши кишилик жамиятининг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёjlари қондирилиши билан бевосита боғлиқ.

4. Жамиятнинг иқтисодий ҳаётини ижтимоий-фалсафий таҳлил килиш предметини ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектик алоқаси, ишлаб чиқариш усуллари, мулкчилик муносабатлари, бозор ва рақобатнинг ривожланиши ташкил этади.

5. Иқтисодий назария ишлаб чиқариш ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қиласи, одамлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ёритади ва одамларнинг иқтисодий манфаатларини, уларнинг эҳтиёjlарини қондириш ўйлари ва усулларини асослайди. Фалсафа жамият ривожланишининг ижтимоий томонларини аниклайди ва тадқиқ қиласи. Шундай қилиб, ижтимоий фалсафа ва иқтисод фани бир-бирини тўлдиради ва бойитади.

Асосий тушунчалар

Глобализация (иқт.) – ягона жаҳон иқтисодиёти бунёд этилиши асосида жаҳон давлатлари ва халқлари яқинлашувининг фалсафий-социологик таърифи.

Интеграция (иқт.) – хўжалиги ҳаётининг интернационализациялашви шакли, глобализация шароитида ҳозирги давлатлар ривожланишиннинг объектив жараёни.

Бирлик – ҳаёт фаолияти жараёнида бевосита ёки билвосита алоқалар билан ҳамжамиятга бирлашган индивидлар (оила, жамоа, халқ, миллат, мамлакат, инсоният) мажмуюи.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз 9-жилд. – Т., 2001. 347-6

Ҳамжамият – маълум белгиларга қараб, ҳалқлар ва давлатларнинг бирлашишини белгиловчи тушунча (сиёсий +, иқтисодий +.).

Иқтисодиёт – жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган моддий неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш тизими; ишлаб чиқариш муносабатларининг тарихан белгиланган мажмуи, иқтисодий базис; муайян мамлакат ёки бутун дунёning тегишли ишлаб чиқариш усули ва турлари билан тавсифланувчи хўжалиги; таълим ва фан тармоқлари.

Саволлар

1. Ҳозирги дунё иқтисодий ривожланиши тенденциялари қандай?
2. Иқтисодий глобализация нима?
3. Ҳозирги дунёда рўй берадиган иқтисодий жараёнларнинг асосий хусусиятларини айтинг.
4. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашувида транснационал корпора-циялар қандай рол ўйнаяпти?
5. Жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши асосий жараёнларини мисоллар билан ёритиб беринг.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т. 9. Т., «Ўзбекистон», 2001.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи» газетаси, 13 феврал №31.

Асмус В.Ф. Платон. – М., 1993.

Барулин В.С. Социальная философия. – М., 1999.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва-Воронеж, 2002.

Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков, 1999.

Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М., 1962.

Философия: Под ред. *В.И. Лавриненко, В.П. Ратникова.* – М., 2000.

11-мавзу. СОБИҚ ИТТИФОҚ МАМЛАКАТЛАРИ БОЗОР ИҚТІСОДИЁТИГА ҮТИШИ ШАРОИТИДА МУЛКНИИГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

11.1. Мулк тушунчаси

Мулк – жуда мураккаб ва зиддиятли тушунча. Унинг мазмуни ва моҳияти асрлар мобайнида шаклланган. Агар дарсликлар, лугатлар, күлланмалар ва ушбу мәсалага оид тадқиқотларга мурожаат этсак, мулк тушунчасини талқин қилишга нисбатан ҳар хил ёндашувларга дуч келамиз. Уларнинг айримлари мулкка ашё деб, айримлари – ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштириш юзасидан одамларнинг ўзаро муносабатлари деб, кимдир – «моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигига булиши ва улар томонидан ўзлаштирилиши» деб, кимдир – «муайян объектларнинг субъектта тегишлилиги» деб, яна кимдир – «жонсиз ва жонли объектларга бўлган ҳуқуклар мажмуи» деб қарайди¹.

Бундай търифлар рўйхатини давом эттириш мумкин, аммо уларнинг мураккаблиги, қарама-қаршилиги ва тарихан ўзгарувчанлигини англаш учун мулкка берилган шу тавсифларнинг ўзи етарли деб ўйлаймиз.

Ушбу тушунчани муфассал этимологик таҳлил қилиш вазифамизга кирмайди. Шу сабабли биз мазкур тушунчанинг ижтимоий-фалсафий даражаси сифатидаги табиатини аниқлаш билан кифояланамиз.

Мулк тушунчасини фалсафий тушунишга бўлган илк уринишга қадимги юонон таълимотларидаёт дуч келамиз. Платон «Давлат» асарининг бешинчи китобида «хусусий» ва «умумий» тушунчаларининг ўзаро нисбатини тушунишга яқинлашади, «мулк» ва «мол-мулк» тушун-чаларига синоним деб қарайди, шунингдек ҳукуматнинг мулкни қайта тақсимлаш ҳуқуқини кўриб чиқади².

Мулкнинг янада чуқуррок таҳлилига биз қадимнинг яна бир буюк файласуфи – Аристотель асарларида дуч келамиз. Жамият ривожланишининг ҳуқукий, ижтимоий ва иқтисодий масалаларини тадқиқ қилишга бағищланган асарларида у Сукрот ва Платон анъаналарини давом эттириб, мулк табиати ҳақидаги масалага янада реалистик нұктай назардан ёндашди ва қадимги юонолар ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётининг тарихан таркиб топган шаклларига нисбатан ўз қарашларини баён этди. Платоннинг оила ва хусусий мулк бекор

¹ Философский энциклопедический словарь. М., 1983; Политическая экономия Словарь М., 1983; Политическая экономия. Учебник для вузов. М., 1990; Барулин В С. Социальная философия. Учебник для вузов. М., 1999; Большой юридический словарь М., 1998; Учебный социологический словарь. Под общ. ред. С А Кравченко, М., 1999, Рыночный экономический словарь. Под ред. Г Я Кипермана. М., 1995.

² Мыслители Греции От мифа к логике. «Политика», Москва-Харьков, 1999. с 252–553.

бўлиши ҳакидаги лойиҳасига шубҳа билдириб, Аристотель хусусий мулкнинг жамоат мулкидан афзалигини асослаб берди. «Ўз-ўзидан равшанки, мулк хусусий, ундан фойдаланиш эса – умумий бўлгани маъкул..., зеро, нимадир ўзига тегишли эканини англашдан инсон қанчалар лаззат олади...», деб қайд этади у.

Шундай қилиб, кўриб турганимиздек, мулк масалалари қадимдаёқ кишилик жамиятининг ривожланишида ижтимоий муносабатлар ролининг таҳлилида алоҳида ўрин эгаллаган.

Кейинчалик, ўрта асрларда, мулк масалалари Гарб ва Шарқ, шу жумладан, Марказий Осиё мутафаккирлари томонидан ҳам муайян тарзда кўриб чиқилди. Масалан, Форобий таълимотида, унинг «Фозил одамлар шахри» рисоласида (IX аср) фозил Шаҳар ҳокими шаҳар аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилган ўн иккита тугма фазилатга эга бўлиши кераклиги, аммо хусусий ва умумий фойдаланишдаги мулксиз бунга эришиб бўлмаслиги қайд этилади².

Мулк муносабатлари ҳакидаги қизикарли фикрларга биз Амир Темур «Тузуклари»да (XIV аср) ҳам дуч келамиз. Фуқаролар фаровонлиги ҳакида қайғурган Соҳибқирон солиқ (мол ва хирож) йиғишда фуқароларни талон-торож қилмасликни, мамлакатни қашшоқликка маҳкум этмасликни, зеро, фуқароларнинг мулқдан ва оиласдан ажралиши давлат ғазнасининг бўшашига ва пировард натижада, давлат ҳокимиятининг заифлашишига олиб келишини қайд этади³.

Кўриб турганимиздек, мулк масалалари барча замонларда ҳам ўта мураккаб бўлган ва бизнинг назаримизда, ҳанузгача ўзининг узилкесил ечимини топмаган. Мулкка, айниқса, хусусий мулкка баҳо беришда ҳар хил, баъзан мутлақо қарама-қарши фикрлар кузатилади. Янги даврдаёқ айрим француз маърифатчи файласуфлари (XVIII аср) одамлар ўргасидаги тенгликни сиёсий тенглик деб эътироф этишдан келиб чиқкан бўлсалар (Вольтер), айримлари XVII аср инглиз мутафаккирлари Т.Гоббс ва Ж.Локкнинг ижтимоий шартнома гоясига қўшилган ҳолда, мулкий ва ижтимоий тенглик ўрнатиш зарурлигини исботлашга ҳаракат килганлар (Ж.-Ж.Руссо), бунда инсон ўз табиий эркинлигини маълум даражада йўқотган ҳолда, фуқаролик эркинлигини ва ўзининг барча мулкига эгалик қилиш хукукини қўлга киритади, деб қайд этганлар.

Инглиз иктисадчиси ва файласуфи А.Смит (XVIII асрнинг иккичи ярми) мулк табиатини ёритувчи бир қанча янги гояларни илгари сурди. Мехнатни фаровонликка эришишнинг бош манбаи деб таърифлаб, А.Смит хусусий мулкка давлат, бинобарин, унинг ҳар бир аъзоси равнақ топишининг асосий шартларидан бири деб қаради.

¹ Мыслители Греции. От мифа к логике. «Политика», Москва-Харьков, 1999. с. 371 б.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. Т., 1999

³ Темур тузуклари. Т., 1999.

Машхур немис файласуфи Г.Гегель (XVIII аср охири XIX аср боши) фуқаролик жамияти гоясини илгари сурди, ушбу жамиятда «мулк эркинликнинг биринчи қадамидир», деб қайд этди¹.

Мулк муаммосининг таҳлилида энг кескин ҳолат жамият ривожланишида мулкнинг аҳамияти ва ролини тушунишда марксизмнинг ўрни кўриб чиқилиши билан боғлик.

Инсоният ривожланишининг асосий босқичларини ўрганиб, марксистик таълимот асосчиси К.Маркс капитализм ўрнига янги ижтимоий тузум – коммунизм келиши, одамлар ўртасидаги тенгсизликнинг асосий айбори бўлган хусусий мулк ўрнини жамоат, умумхалқ мулки эгаллаши керак, деган холосага келди.

Аммо тарихий тажриба марксистик таълимотнинг бир қанча асосий қоидалари (хусусий мулк ва бозор муносабатларининг тугатилиши, синфий кураш, пролетариат диктатурасининг ўрнатилиши ва ҳ.к.)ни нафакат тасдикламади, балки XX асрда Ер юзи аҳолисининг катта қисмини зўрлик ва асоссиз қатағонларга гирифтор этди. Ҳозирги олимларнинг аксарияти Маркс капитализмнинг ўз-ўзидан ривожланиш имкониятини англамаганини қайд этмоқдалар. Маълумки, капитализм фан-техника инқилоби ютуклари, одамларнинг чексиз имкониятларини идрок этиб, уларни эркин шахсий ташаббус асосида амалга ошириди ва шу заминда ўз мамлакатлари аҳолисининг фаровонлигини таъминлашга муваффақ бўлди. Бугунги кунда ҳатто ўзини социалистик деб ҳисоблайдиган давлатлар (Хитой, Вьетнам, Куба) ҳам ўз иқтисодиётига бозор муносабатларини жорий этиш йўлида ҳаракат қилмоқдалар, бу уларга ҳалқаро рақобатга дош бериш ва ўз фуқароларининг ижтимоий-иктисодий турмуш даражасини ошириш учун имконият яратмоқда.

Хуллас, мулк даражаси ҳам тарихий, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мураккаб, зиддиятли ва узил-кесил асосланмаган тушунчалар қаторига киради. Олимлар, файласуфлар ва иқтисодчиларнинг қарашларида мулк тушунчасини бир хил тушуниш ҳанузгача шаклланмаган. Шу боис мулк масаласига ойдинлик киритиш учун энг аввало, мулкнинг ўзи нималигини аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлаймиз. Ҳуш, мулк ўзи нима – нарса (предмет)ми ёки нарса (предмет)га муносабатми; мулк ва ишлаб чиқариш воситаларининг ўзаро нисбати қандай? Бу ерда факат мулкка ким эгалик килиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, қандай эгалик килиши, фойдаланиши ва тасарруф этиши эмас, балки нима учун у мулқдор ҳисобланишини аниқлаш ҳам мухим.

Мулкка моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигига бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилиши усули, яъни обьектнинг субъектга тегишлилиги деб қарашда у (мулк) нарсанинг ўзи эмас, балки нарса юзасидан одамлар ўртасидаги муносабатлар эканини назарда тутиш керак. Мулкнинг шундай талқинига биз

¹ Гегель Г. Соч. Т.7. с. 59.

Аристотелда дуч келамиз. Мулкнинг нарса эгаси билан нарса ўртасидаги муносабатни ифодалаш хусусиятини буюк файласуф ўша даврдаёк пайқаган эди. «Агар ҳар бир меҳнат қуроли ўзига хос бўлган ишни ўзи бажара олганида..., тўқимачилик дастгохлари ўзи тўқиганида, плектралар кифарани ўзи чалганида, мъеморлар ишчиларга муҳтоҷ бўлмаган, бойларга қуллар керак бўлмаган бўларди. Меҳнат қуролларининг вазифаси иш унумдорлигини оширишдан иборат (poietika), мулк эса иш қуроли (praktikon) хисобланади; зеро, тўқимачилик дастгоҳидан фойдаланиб, биз унинг қўлланилишидан бошқа нарса оламиз», деб қайд этади файласуф.

Шу муносабат билан, «мулк» тушунчасини ёритишда уни тушунишнинг қуйидаги уч усулини қайд этиш керак деб ўйлаймиз:

- а) оддий тушуниш;
- б) иқтисодий-фалсафий тушуниш;
- в) хукуқий тушуниш.

Биринчи ҳолда мулк деганда, қачон ва қай усулда эгалланганидан қатти назар, муайян шахсларга тегишли бўлган ҳар қандай нарса (нарсалар гурухи), предмет (предметлар гурухи) тушунилади.

Иккинчи ҳолда мулк – иқтисодий (фалсафий) категория бўлиб, унинг замирида субъект билан объekt ҳамда субъект билан субъект ўртасидаги муносабатлар ётади.

Учинчи ҳолда мулк муайян шахсга (шахслар гурухи, жамоа, давлатга) берилган ва юридик (ёки конунда белгиланган бошқа усулда) мустаҳкамланган моддий ва маънавий неъматларга эгалик қилиш хукуки деб тавсифланади.

Бинобарин, ҳар қандай нарса, неъмат, предмет мулк обьекти булиши мумкин. Худди шунингдек инсоннинг қобилияти, жисмоний ва маънавий салоҳияти ҳам мулк обьекти булиши мумкин. Шу сабабли бу ерда қайси обьект ёки субъект мулк хисобланишини ва қандай қилиб субъект мулк-дорга, обьект (субъект) эса – мулкка айланишини қайд этиш, бошқача қилиб айтганда, жамиятдан тарихан шаклланган мулк шакли, типи ва турларини ажратиш мухимдир. Тарихга тегишли ишлаб чиқариш усулларидан келиб чиқувчи қуйидаги мулк типлари маълум:

- а) ибтидоий жамоа мулки;
- б) қулдорлик мулки;
- в) феодал мулк;
- г) буржуа мулки (капиталистик мулк);
- д) социалистик мулк.

Аммо, тарихий тажриба шуни кўрсатдики, сўнгги қайд этилган мулк типини қарор топтиришга бўлган уриниш мувваффакиятсиз тугади, чунки мамлакат аҳолиси аксарият қисмининг манфаатларини акс эттиргади, шахс ва жамоа ҳаётининг муносаб шаклларини таъминлай олмади. Бу ҳол, И.А.Каримов таъбири билан айтганда, реал ишлаб

¹ Мыслители Греции. с.446.

чиқариш катнашчиларининг ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлишига, эгалик ҳиссининг йўқола боришига, иқтисодий манфаатлорлик ва меҳнатдан рағбатланишнинг пасайишига олиб келди¹.

Шу сабабли бугун жаҳонда XX аср охирида рўй берган ва Ер куррасининг бутун жўғрофий-сиёсий тузилишини тубдан ўзгартириб юборган ўзгаришларни англаб етиш муҳимдир. Совет Иттифоқи нарчаланганидан кейин унда ўз сиёсий мустақиллигига тинч йўл билан ёришган ва мустақил ривожланиш йўлига кирган янги мустақил давлатлар пайдо бўлди.

11.2. Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти

Янги мустақил давлатлар қаршисида муваффакиятсиз тугаган тарихий экспериментнинг фожиали оқибатларини қисқа вақт ичida тугатиш, одамларнинг муносабиб турмуш тарзини таъминлаш, уларнинг ҳукуклари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қодир бўлган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик жамият қуриш вазифаси қўндаланг бўлди. Давлат мулки монополиясини тугатиш ва уни хусусийлаштириш орқали кўп укладли иқтисодиётни шаклантириш зарур эди.

«Мулкчилик масаласини ҳал қилиш, деб қайд этади И.А.Каримов, бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қиласди»². Бу масала социалистик тузумдан кейин бозор муносабатлари йўлини танлаган мамлакатларда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир. «Худди шу масалани ҳал қилиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилади. Режалаштиришга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни бозор иқтисодиётига айлантиришнинг янги мустақил давлатлар танлаб олган турлича ёндашувлари ва моделлари кўп жиҳатдан айнан мулкчилик масаласини ҳал этиш хусусиятлари билан фарқланади»³.

Собиқ Иттифок худудида ташкил топган мамлакатларнинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлларини белгилар экан, И.А.Каримов одамлар «инсоният тарихида ҳеч қачон бир тизимдан мутлақо янги тизимга ўтиш силлиқ кечмаганини, бунинг учун жамият доимо муайян кийинчиликларни бошидан кечириши табиий ва объектив ҳол эканини амалда англаб олишлари зарур», деб алоҳида қайд этиб ўтди. Ушбу башорат тўла ўнгидан келди, иқтисодий ислоҳотлар жараёни ўз-ўзидан содир бўлади деб ўйлаган, ўтиш жараёнининг узоклиги ва мурак-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. 42-б.

² Каримов И А Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. 40-б.

³ Ўша ерда

⁴ Каримов И А Ўзбекистон XXI асрга интилмокда. Т., 1999. 7-6.

каблигини хисобга олмаган мамлакатлар иқтисодиёти ва баркарорлигига қаттқи зарба берди.

Аммо ҳәёт ўзгарувчан, айниңса, жамият ҳәётининг ижтимоий-иктисодий асослари тубдан ислоҳ қилинаётган шароитда бу яққол намоён бўлмоқда. Эрта ёки кеч бўлса ҳам соғлом ақл ўзини мамлакат бунёдкорлик ишларида, бозор муносабатларига ўтишнинг асоси ва зарурӣ шарти бўлган кўп укладли иқтисодиёт, серкиррали мулкчиликнинг хукукий асосларини шакллантиришда намоён қиласи.

Мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини амалга ошираётган мамлакатларнинг аксарияти мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасида илғор тажрибаларга таяниб, ўзига хос тажрибага ҳам эга бўлдилар, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўз ёндашувлари, моделларини ишлаб чиқдилар. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» номи билан жаҳонда довруқ қозонган модель шулардан биридир.

Хозирги ҳар бир республикада иқтисодиёти баркарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари ечими зўр бериб изланаётгани, ўз дастурий ёндашувларини ишлаб чиқаётгани ҳам ҳақиқатдир. Бу дастурларни ўрганиш шундан далолат берадики, уларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиётини барпо этишга қаратилгани холда, ислоҳотни амалга ошириш усули, босқичлари ва муддати билан бир-биридан тубдан фарқ қиласи. Уларда кўзда тутилган чора-тадбирлар маълум даражада Ўзбекистоннинг манфаатларига ҳам тааллуқлидир, чунки республикалар ўртасида таркиб топган иқтисодий алоқалар хозир ҳам давом этмоқда.

11.3. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда мулк масаласининг ҳал қилиниши

XX аср айниңса, унинг иккинчи ярми иқтисодий ҳәётни ташкил этишнинг икки қарама-қарши варианatlари: бозор иқтисодиёти ва маъмурий-буйруқбозлик имкониятларини намойиш этди.

Биринчи вариантда бозор иқтисодиёти тизими хаос ва анархия эмас, балки товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар фаолиятини мувофиқ-лаштиришнинг вақт синовидан ўтган, пухта ишлаб чиқилган механизмидир. У жамият билан бирга ривожланади ва хусусий мулк устувор аҳамиятга эга бўлган кўп укладли иқтисодиётга асосланади. Бу ерда ишлаб чиқарувчи бозордаги талаб ва таклифнинг ўзаро нисбатига қараб, нима, қанча ва қандай ишлаб чиқаришни мустакил ҳал қиласи.

Иккинчи вариантда мулкчиликнинг ранг-баранг шакллари ўрнига ягона – «умумхалқ» мулки мавжуд бўлиб, унга амалда давлат якка эгалик килар эди. Бу пировард натижада, иқтисодий манфаатдорлик ва меҳнатга рағбатнинг ўйқолишига олиб келарди.

Шу сабабли Ўзбекистонда «иктисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг гоят муҳим вазифаси давлат мулки монополизмини тугатиш

на бу мулкни хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантиришдан иборат эди»¹.

Бошқа республикалардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишнинг бутунлай бошқа йўлидан борди. Бу ерда мулк шаклларини ўзгартириш ишлари инқилобий сакрашларсиз, босқичмабосқич амалга оширилди. «Жамиятни янгилашнинг инқилобий усулларига биз мутлақо қаршимиз. Биз тадрижий – эволюцион ислоҳотлар йўли тарафдоримиз ва бунга қатъий амал қиласиз»², деб қайд этди И.Каримов. Бу Ўзбекистонга ўтиш даври қийинчиликларини анча осон сенгаш, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), саноат ва қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқариши ҳажмлари кескин камайишига йўл қўймаслик имконини берди,

Ўзбекистон танлаган иқтисодий ислоҳотлар стратегияси мамлакатнинг жўғрофий-иктисодий хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олган ва бу ўтиш даври қийинчиликларини анча осон енгиз имконини берди. Бунинг устига, саноат ишлаб чиқариши соҳасида Ўзбекистон етти йил ичидаги 1990 йил даражасига етибгина қолмасдан, балки ундан ўзиб ҳам кеттан, ҳолбуки, МДҲнинг бошқа мамлакатлари шу давр ичидаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ярми ва ундан кўпроғини йўқотган.

МДҲнинг бошқа давлатларига солиштиргандаги Ўзбекистоннинг нисбатан барқарор иқтисодий ҳолати, энг аввало, Президент И.Каримов бошчилигида ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг ўз модели маҳсулидир. Унда мамлакатимиз маъмурӣ-буйруқбоззлик тизимидан узил-кесил воз кечди ва кўп укладли иқтисодиёт бунёд этиш йўлини танлади, унда хусусий мулк, кичик ва ўрта бизнеснинг устуворлиги назарда тутилди. «Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга... асосланади, деб қайд этади И.Каримов. Айни чоғда бизнинг моделимиз жаҳон тажрибаси, мамлакат ва жамиятни янгилаш ҳамда ўзгартиришнинг мураккаб йўлини босиб ўтган мамлакатлар тўплаган энг яхши жиҳатларни ўзида мужассам этган»³.

Миллий ўзига хослик ва ҳалқаро тажрибанинг бундай уйгунилиги мамлакат бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантириши учун қуладай замин яратди.

Ривожланишнинг ўзбек моделини назарий жиҳатдан асослаш ва ималга ошириш билан бирга, И.А.Каримов постсоциалистик мамлакатлар бозор иқтисодиётига ўтиши назарияси ва амалиётининг шаклланиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшишда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. – 43-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., 1999. – 13-б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартнамари, тарикхиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997. 181–182 б.

давом этмоқда. И.Каримов фаолиятининг шу томонини ёритар экан, сиёсатшунос Л.Левитин Ўзбекистоннинг охирги ўн йилликда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишига бағишенган тадқиқотида Ўзбекистон Президенти танлаган йўл, энг аввало, ўз халқи ижтимоий ҳаётининг ҳакиқий эҳтиёжларини ва муайян шароитларда уларни қондиришнинг реал имкониятларини теран англаб етиш натижаси эканини қайд этади¹.

Ушбу китобда анча кўп статистика маълумотлари, назарий хуло-салар ва бошқа манбалар жамлангани учун заруратга қараб улардан қўйида фойдаланамиз.

Муаллиф қайд этишича, бозор иктисодиётiga ўтишнинг биринчи (1992–1993 йиллар) ва иккинчи (1994–1997 йиллар) босқичлари нати-жасида 1997 йилгача республикада барча корхоналарнинг 85 % хусусийлаштирилган, улар орасида жамоа мулкининг улуши 42 % ни, хусусий ва индивидуал мулк улуши – 20,7 %, аралаш мулк улуши – 2,7 %, чет эл капитали иштирокидаги мулк улуши – 2,6 %, давлат мулки улуши – тахминан 32 %ни ташкил этган².

Шу муносабат билан Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига асос қилиб олинган тамойиллар ва моделларга яна бир карра эътиборни қаратмоқчимиз. Зеро, уларсиз бозор муносабатларига ўтиш жараёни бир қанча қийинчиликларни келтириб чиқарган бўларди. Бу биринчидан, иктисодиётнинг сиёсатдан усту-нлиги; иккинчидан ва энг муҳими – давлат ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланишлар ва ўзгаришлар сиёса-тини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши; учинчи-дан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида демократия тамойиллари ва қонуннинг устуворлиги; туртинчидан, аҳолининг демографик тарки-бини ҳисобга олган ҳолда, кучи ижтимоий сиёсат юритиш; ва ниҳоят, бешинчидан – бозор иктисодиётiga объектив иктисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Иктисодий ислоҳотлар жараённига ушбу тамойилларнинг жорий этилиши мамлакатга ишлаб чиқариш ҳажмлари камайишини тўхта-тибина қолмасдан, иктисодиёт ўсиш йўлига чиқишини таъминлаш имконини ҳам берди. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган хусусий-лаштиришнинг учинчи босқичи мамлакатни янги, янада юкори даражага олиб чиқади. Ушбу босқич замирида иктисодий жараёнларга аҳоли тоифаларини кенг жалб қилишнинг муҳим шарти – хусусийлаштириш инвестиция фондлари ташкил этиш ётади. Бу ўз навбатида, рақобат муҳити вужудга келиши ва хусусий ташаббуснинг ривож-ланишига имконият яратади.

¹ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001. с.206.

² Ўша ерда. 210–21-б.

Айни вактда, хусусийлаштиришни ўтказишина эмас, балки одамлардаги эскича тафаккурни, котиб қолган қараашларни ўзгартериш ҳам жуда мухимдир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартериш зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадрияларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас»¹.

Шу сабабли Президент иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлайди.

Давлат тизимини ўзгартериш, оламшумул режалар тузиш, иқтисодиётни жадал суръатларда ҳар томонлама ўзгартериш мумкин. Аммо, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг қотиб қолган қараашларини ўзгартирмасдан, уларда янгича дунёқараш ва мустақил фикрлаш тарзини шакллантиримасдан янги жамият барпо этиш, унинг ижтимоий тузилишини ўзгартериш мумкин эмас.

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси хисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги ҳақида бормоқда. Шу сабабли Президент И.Каримов сўзлари билан айтганда, «биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз хукуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самародорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди»².

Бугунги кунгача Ўзбекистонда жами корхоналарнинг 80 %дан кўргоги хусусийлаштирилган (нефть-кимё, машинасозлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа айрим тармоқларидағи йирик корхоналардан ташкари). Бинобарин, мамлакатда мулкдорлар табақаси ҳам маълум даражада шаклланди. Маълумотларга кўра, 1997 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди³. Бундан ташкари, ҳозирги даврда 19,0 мингдан ортиқ деҳкон (фермер) хўжалиги ташкил этилган. ва уларда салкам 1,4 млн, киши меҳнат қилмоқда. Муҳими –

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. 11-б

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарғлари, гараккиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 189-б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шарғлари, гараккиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 189-б.

давом этмоқда. И.Каримов фаолиятининг шу томонини ёритар экан, сиёсатшунос Л.Левитин Ўзбекистоннинг охирги ўн йилинда ижтимоий-иктисодий ва сиёсий ривожланишига бағишланган тадқиқотида Ўзбекистон Президенти танлаган йўл, энг аввало, ўз халқи ижтимоий ҳаётининг ҳакиқий эҳтиёжларини ва муайян шароитларда уларни қондиришнинг реал имкониятларини теран англаб етиш натижаси эканини қайд этади¹.

Ушбу китобда анча кўп статистика маълумотлари, назарий хуласалар ва бошқа манбалар жамлангани учун заруратга қараб улардан кўйида фойдаланамиз.

Муаллиф қайд этишича, бозор иктисодиётiga ўтишнинг биринчи (1992–1993 йиллар) ва иккинчи (1994–1997 йиллар) босқичлари натижасида 1997 йилгача республикада барча корхоналарнинг 85 % хусусийлаштирилган, улар орасида жамоа мулкининг улуши 42 % ни, хусусий ва индивидуал мулк улуши – 20,7 %, арташ мулк улуши – 2,7 %, чет эл капитали иштироқидаги мулк улуши – 2,6 %, давлат мулки улуши – тахминан 32 %ни ташкил этган².

Шу муносабат билан Ўзбекистонда иктисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига асос қилиб олинган тамойиллар ва моделларга яна бир карра эътиборни қаратмоқчимиз. Зоро, уларсиз бозор муносабатларига ўтиш жараёни бир канча қийинчиликларни келтириб чиқарган бўларди. Бу биринчидан, иктисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; иккинчидан ва энг муҳими – давлат ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, янгиланишлар ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши; учинчидан, жамият ҳаётининг барча соҳаларида демократия тамойиллари ва қонуннинг устуворлиги; тұртингчидан, ахолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучи ижтимоий сиёсат юритиш; ва ниҳоят, бешинчидан – бозор иктисодиётiga объектив иктисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Иктисодий ислоҳотлар жараёнига ушбу тамойилларнинг жорий этилиши мамлакатта ишлаб чиқариш ҳажмлари камайишини тұхтабиGINA қолмасдан, иктисодиёт ўсиш йўлига чиқишини таъминлаш имконини ҳам берди. Ҳозирги кунда амалга оширилаётган хусусийлаштиришнинг учинчи босқичи мамлакатни янги, янада юқори даражага олиб чиқади. Ушбу босқич замирида иктисодий жараёнларга ахоли тоифаларини кенг жалб қилишнинг муҳим шарти – хусусийлаштириш инвестиция фондлари ташкил этиш ётади. Бу ўз навбатида, рақобат муҳити вужудга келиши ва хусусий ташабbusнинг ривожланишига имконият яратади.

¹ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001. с.206.

² Ўша ерда 210–216.

Айни вақтда, хусусийлаштиришни ўтказишгина эмас, балки одамлардаги эскича тафаккурни, котиб қолган қараашларни ўзгартирши хам жуда мухимdir. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «одамларнинг ўзида жамиятни янгилаш ва ўзгартирши зарурлигига ишонч туғдирмасдан туриб, ҳаракатлантирувчи кучларни ва қадриятларга муносабатни, далилий сабабларни ўзгартирмасдан туриб, ислоҳ қилиш йўлидан амалда олға бориш, айниқса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас»¹.

Шу сабабли Президент иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлади.

Давлат тизимини ўзгартирши, оламшумул режалар тузиш, иқтисодиётни жадал суръатларда ҳар томонлама ўзгартирши мумкин. Аммо, одамларнинг, айниқса, ёшларнинг котиб қолган қараашларини ўзгартирмасдан, уларда янгича дунёқарааш ва мустақил фикрлаш тарзини шакллантиримасдан янги жамият барпо этиш, унинг ижтимоий тузилишини ўзгартирши мумкин эмас.

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли катламнинг мавжуд булиши унинг сиёсий асоси эканлиги ҳакида бормоқда. Шу сабабли Президент И.Каримов сўзлари билан айтганда, «биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб хис этмас экан, ўз хукуклари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди»².

Бугунги кунгача Ўзбекистонда жами корхоналарнинг 80 %дан кўпроғи хусусийлаштирилган (нефть-кимё, машинасозлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа айrim тармоқларидағи йирик корхоналардан ташкари). Бинобарин, мамлакатда мулкдорлар табакаси ҳам маълум даражада шаклланди. Маълумотларга кўра, 1997 йил бошида хусусий ва кичик корхоналар сони 100 мингдан ошиб кетди³. Бундан ташкари, ҳозирги даврда 19,0 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилган. ва уларда салкам 1,4 млн, киши меҳнат қилмоқда. Мухими –

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995. 11-б

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 189-б.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 189-б.

кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда.

Шу билан бирга, мулкдорлар ўрта табақасининг шаклланиш жараёни муайян даражада чўзилмоқда. Маълумки, ижтимоий синф, айниқса, ишлаб чиқарувчи мулкдорлар синфи муайян ижтимоий ишлаб чиқариш тизимидаги энг барқарор уюшган, ишлаб чиқариш воситаларига муносабати тегишили қонун хужжатлари билан мустаҳкамланган ижтимоий гурухни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, ижтимоий (иқтисодий) синф бу қонун хужжатлари билан расмийлаштирилган ва мустаҳкамланган мулкдорларнинг катта барқарор гурухидир. Бундай мулкдорлар синфи мамлакатда ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш хисобига ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рагбатлантириш, қимматли қофозлар бозорини яратиш хисобига кўп укладди иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирила бошланди. Аммо тадбиркор-мулкдорлар синфининг шаклланиш жараёни ҳанузгача, айниқса, кичик ва ўрта бизнес соҳасида етарли даражада ривожлангани йўқ. Бундай ноxуш аҳволнинг бош сабаби, Президент сўзларига қараганда, «корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, яъни самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида»². Мулк шакли номигагина ўзгарди. Бу Президент таъбири билан айтганда, «...тармоқ бошқарув идоралари, корхоналар маъмурияти ва раҳбарлари даражасидаги қаршилик ҳамда айрим ҳолларда мулкдорлар янги авлодининг ўз ҳак-хукуқини ҳимоя кила олмаслиги оқибати» бўлди. Уларнинг меҳнатга муносабати ва рагбати ҳам ўзгармасдан қолмоқда³.

Бу ерда иккита ижтимоий-иқтисодий муаммо биринчи ўринга чиқади: хусусийлаштиришни мантиқий охирига етказиш ва мулкдорнинг психологик моҳиятини ўзгартириш, унда хусусийлаштиришнинг учинчи боскичи талаблари даражасида иқтисодий тафаккурни шакллантириш.

Биринчидан, хозирда вужудга келган иқтисодий инфратузилма бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Хусусийлаштирилган корхоналар ҳали сотилмаган акциялар пакетларини реализация қилишда ҳар хил кийинчиликларга тўкнаш келмоқдалар; хусусийлаштирилган корхоналарнинг аксарияти бўйича хусусийлаштиришдан кейинги қўллаб-қувватлаш механизми деярли ишлаб чиқилмаган.

Иккинчидан, юридик макомга эга бўлган мулкдор ҳали бир қанча кўрсаткичлар бўйича бозор иқтисодиёти талабларига жавоб

¹ Каримов И.А. Яигаланиш ва барқаро тараккиёт йўлидан яиада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаравон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи». 2007 йил 13 февраль.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард максадимиз. 8-жилд. – Т., 2000. 371-б.

³ Уша ерда.

бермайди. Маълумки, давлат мулкини хусусийлаштириш энг аввало, шахсий ташаббуснинг ривожланиши, рақобат мухити вужудга келиши ва монополияларнинг тугатилнши билан боғлик.

Биринчи ҳолда мулкдор айрим ҳолларда ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан ёки ўз корхонасини тор шахсий манфаатлари йулида қайта ихтисослаштириб, шунчаки расман мулкдор бўлиб колаётир.

Иккинчи ҳолда рақобат мухитининг ривожланишига монополиячи корхоналар мавжудлиги монелик қилмоқда. Сўнгги йилларда бундай корхоналар сони нафакат камаймади, аксинча, 1993 йилги 493 тадан 1996 йилда 878 тага кўпайди. Ушбу корхоналар жами 5133 турда маҳсулот ишлаб чиқариб ва хизматлар кўрсатмоқда¹.

Учинчи ҳолда тадбиркорлар, мулк эгалари синфини – мустақил, ўз хусусий ишига эга кишилар тонфасини шакллантириш ҳам ҳозирча ҳукуматимиз ва маҳаллий ҳокимликларнинг бош мақсади ва вазифаснга айланмаяпти. «Бунинг устига, деб қайд этади Узбекистон Президенти И.Каримов, янги шакланаётган ижтимоий қатлам тадбиркор ва иш-билармонлар, кичик ва ўрта корхона эгалари ўз фаолиятларида амалий ёрдам ўрнига лоқайдликка, айрим ҳолларда эса жойларда давлат мансабдорлари ва маҳаллий ҳокимият вакилларининг қаршилигига дуч келмоқда»².

Ниҳоят, аграр ислоҳот ўзбекистонда амалга оширилаётган иктисадий ислоҳотларнинг мухим таркибий қисми ҳисобланади. Барча иктисадий ислоҳотлар якуни, жамият равнақи ва одамлар фаровонлиги аграр ислоҳот қандай амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлик. Хусусийлаштиришнинг дастлабки икки босқичи мобайнида ўзбекистонда 218 минг гектардан ортиқ ер шахсий фойдаланишга берилди. Натижада, шахсий фойдаланишдаги ерларнинг умумий майдони қарийб 650 минг гектарга етди, фермер хўжаликларини кўшганда эса 850 минг гектардан ошиб кетди. Бу мамлакат умумий ер фондининг 20 %ни ташкил этади. Шу асосда жамоа хўжаликлари ширкатларга айлантирилди, совхозлар деярли тугатилди (1991 йилда 1108 та бўлса, 1996 йилда 16 та қолди), 1500 дан ортиқ чорвачилик фермаси акциядорлик жамиятларига айлантирилди. 1991–1996 йилларнинг ўзида фермер хўжалигилари миқдори 3,8 баравар кўпайди ва қарийб 20 мингтага етди, натижада, 1998 йили қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 % (пахтадан ташқари) нодавлат секторида ишлаб чиқарилди³.

Шу билан бирга ҳозирги пайтда, одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгариш, дехқонлармизда ерга егалик ҳиссини шакллантиришга киритилган иктисадий ислоҳотларнинг изчил амалга ошири-

¹ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И Каримова. – М., 2001. с 211.

² Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Т., 2000. 373–375-б.

³ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И Каримова. – М., 2001. с. 212–213.

лиши натижасида қишлоқ ҳўжалиги соҳасида чукур ўзгаришлар рўй бермокда. Жумладан, фермер ҳўжаликлари амалда қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига отланиб, 2006 йилда етиширилган паҳта ҳосилининг 86 фоизи бошокли дон экинлар етиштиришнинг 75 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Қишлоқ жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясининг янги шакллари, янгича ҳўжалик муносабатлари тизими қарор топмоқда.¹

Қисқача хуросалар

1. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали үтади.

2. Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, кимматли коғозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

3. Стратегик жиҳатдан барқарорликни сақлаш, иқтисодий мустақиликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика ахолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти – иқтисодиётда, ички ва ташки сиёсатда, республикамиз ахолисининг маънавий ҳаётида чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан иборат².

Асосий тушунчалар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – миллий иқтисодиёт чегаралари доирасида жойлашган ишлаб.чиқаришининг барча шакллари, мансублигидан қатъи назар, ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

Хусусийлаштириш – давлат саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа обьектларининг муайян шахс, шахслар гурухи, жамоалар, ташкилотларга берилиши (сотилиши).

Мулк – моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигига бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилишининг тарихан белгиланган усули; ишлаб чиқариш воситаларини ва улар ёрдамида яратиладиган моддий неъматларни ўзлаштириш юзасидан одамларнинг ўзаро муносабатлари; муайян шахсга тегишли бўлган маълум нарса.

Хусусий мулк – муайян шахс ёки шахслар гурухи, фирмалар ва бошқа ташкилотларнинг капитал, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа корхоналар, ер ва ўзга активларни эгаллаш, уларга эгалик қилиш,

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва баркарорлик тараққиёти йўлида янада изчил ҳаракат килиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халк сузи», 2007 йил 13 февраль.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. 172, 189, 196-б.

улардан фойдаланиш, уларни назорат қилиш, сотиш ва мерос қолдириш хукуку.

Иқтисодиёт – жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур моддий неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш тизими; иқтисодий муносабатларнинг тарихан белгиланган мажмуйи, жамиятнинг иқтисодий базиси; таълим ва фан тармоқлари.

Адабиётлар

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

Барулин В.С. Социальная философия. – М., 1999.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва-Воронеж, 2002.

Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001.

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи газетаси». 2007 йил 13 феврал.

Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков, 1999.

Философия. Курс лекций / Под ред. В.Л. Калашникова. – М., 2001.

Ўзбекистон: 13 йил мустакил тараққиёт йўлида. Статистик тўплам. – Т., «Ўқитувчи», 2004.

лиши натижасида кишлоқ хўжалиги соҳасида чукур ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, фермер хўжаликлари амалда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига отланиб, 2006 йилда етиширилган паҳта ҳосилининг 86 фоизи бошокли дон экинлар етиширишнинг 75 фоизи улар ҳиссасига тўғри келди.

Кишлоқ жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясиининг янги шакллари, янгича хўжалик муносабатлари тизими қарор топмокда.¹

Қисқача ҳолосалар

1. Жамиятни сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий янгилаш асосан янги мулкчилик муносабатлари орқали ўтади.

2. Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, кимматли қофозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

3. Стратегик жиҳатдан барқарорликни саклаш, иқтисодий мустақилликка эришиш ва иқтисодий ўсиш, республика ахолисининг фаровонлигини таъминлашнинг энг муҳим шарти – иқтисодиётда, ички ва ташки сиёсатда, республикамиз ахолисининг маънавий ҳаётида чукур таркибий ўзгаришларни амалга оширишдан нборат².

Асосий тушунчалар

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – миллий иқтисодиёт чегаралари доирасида жойлашган ишлаб чиқаришнинг барча шакллари, мансублигидан қатъи назар, ишлаб чиқарган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

Хусусийлаштириш – давлат саноат, кишлоқ хўжалиги ва бошқа обьектларининг муайян шахс, шахслар гурухи, жамоалар, ташкилотларга берилиши (сотилиши).

Мулк – моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигида бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилишининг тарихан белгиланган усули; ишлаб чиқариш воситаларини ва улар ёрдамида яратиладиган моддий неъматларни ўзлаштириш юзасидан одамларнинг ўзаро муносабатлари; муайян шахсга тегишли бўлган маълум нарса.

Хусусий мулк – муайян шахс ёки шахслар гурухи, фирмалар ва бошқа ташкилотларнинг капитал, саноат, кишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар, ер ва ўзга активларни эгаллаш, уларга эгалик қилиш,

¹ Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарорлик тараққиёти Йўлида янада изчил ҳаракат килиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сузи», 2007 йил 13 февраль.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: ҳавфисзликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997. 172, 189, 196-6.

улардан фойдаланиш, уларни назорат қилиш, сотиш ва мерос қолдириш хукуки.

Иқтисодиёт – жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур моддий неъматларни ижтимоий ишлаб чиқариш тизими; иқтисодий муносабатларнинг тарихан белгиланган мажмуи, жамиятнинг иқтисодий базиси; таълим ва фан тармоқлари.

Адабиётлар

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

Барулин В.С. Социальная философия. – М., 1999.

Егоров В.С. Философия открытого мира. – Москва-Воронеж, 2002.

Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001.

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил харакат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи газетаси». 2007 йил 13 февраль.

Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков, 1999.

Философия. Курс лекций / Под ред. В.Л. Калашникова. – М., 2001.

Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Статистик тўплам. – Т., «Ўқитувчи», 2004.

12-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИННИГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ

12.1. Фуқаролик жамияти – муаммолар ва мулоҳазалар

«Жамият» ва «давлат» тушунчаларига узоқ вақт синоним деб қараб келинди. Аста-секин, назарий тафаккурнинг ривожланишига қараб, жамият давлатга қараганда кенгроқ тушунча экани, жамият ҳаётининг давлат томонидан бевосита тартибга солинмайдиган жабҳалари ҳам мавжудлигига ишонч мустаҳкамланиб борди.

Аммо бундай тушуниш сари йўл жуда узоқ ва машаққатли бўлди. Жамият ҳаёти жуда мураккаб ва кўп қиррали экани бизга фалсафа курсидан маълум. У ҳеч қачон бир жойда котиб турмайди, балки муттасил ўзгаришда бўлади. Унинг суръати ва қулами ривожланишининг инсонга боғлиқ бўлмаган объектив конунларига ва субъектив омилларга, яъни тарихнинг ҳар бир босқичида ҳар хил намоён бўлувчи одамларнинг манфаатлари, мотивлари, кайфиятлари, ҳаракатлари ва қилмишларига қараб, тубдан ўзгариб келади.

Узоқ қадимда, жамият ривожланишининг ilk босқичида дунёning тушунишнинг асосий усули *мифология* эди. Унда инсоннинг ўзини ва ўзини қуршаган дунёни тушунишга бўлган эҳтиёжи фантастик шаклда ўз ифодасини топган эди.

Одамлар (жамият)нинг келиб чиқиши ҳақидаги қадимги мифларда иккита гоя: *яралии гояси* (дунё муайян гайритабиий мавжудот томонидан яратилган) ва *ривожланиши гояси* (дунё қандайдир шаклсиз ҳолатдан аста-секин ривожланган) қайд этилган. Шу сабабли жамият ҳақидаги ilk қарашлар ҳам мифологик дунёкараш асосида ривожланган. Ушбу қарашлар орасида одамларнинг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналарни қайд этиш керак. Бунга Рамаяна ҳақидаги ҳинд достони мисол бўлади. Ҳинд «Ведалари»да одамлар ташкилотининг дастлабки шакли – табиий ва қондошлиқ-уруғдошлиқ алоқалари асосида вужудга келган *жамоа*нинг шаклланиши ёритилади. Илк ижтимоий (ишлаб чиқариш, оила-рӯзгор ва маънавий-мафкуравий) функциялар йиғиндисини ўзида мужассамлаштирган жамоа жамиятнинг дастлабки шакли тарзида намоён бўлади.

Кейинчалик одамлар борлигининг абадий саволларига кейинрок вужудга келган дин ва фалсафа жавоб излай бошлади.

Дин янги дунёкараш шакли бўлиб амал қилди. Унинг замирида Худога, унинг қудратига, ўзгармас қадриятларга эътиқод ётади. Мифологик дунёкарашдан диний дунёкарашга ўтиш давридаги ilk қарашларга ёқ одамлар табиий кучлар қаршисида ўзининг ожизлигини, аммо ушбу кучларга қарши туриш учун улар жамоалар, гурухларга бирлашиши зарурлигини англаб етиши хосдир. Бирок, ушбу жамоалар,

гурухларга мустақил, үзига түқ тузилмалар деб эмас, балки бошқа – чин, ҳақиқий борлық – Худо ёки худоларнинг иккиласуми тажассуми деб қаралган. Одамлар томонидан ўрнатилган ижтимоий тартибга осмондаги тартибининг инъикоси деб қараб, динглар инсонга одамлар ҳаётини тұла белгілайдиган курдатлироқ кучларни күрсатади.

Фалсафа дунёning бошқача манзарасини яратади. Ҳиндистон ва Хитой, Марказий Осиё ва Қадимги Юнонистон цивилизациянинг одамлар үзаро алоқаси ва уларнинг биргаликдаги фаолияти турли томонларининг үзаро таъсириғоялари фалсафий жиҳатдан биринчи марта асослана бошлаган үчокларига айланди. Бу йұналишда илк қадамни қадимги хиндерлар ташлади. Улар одамлар дунёсининг ижтимоий тузилишини муайян изчил космик иерархия инъикоси тарзida ишлаб чықди. Хитой фалсафаси дахолари, айникса, *Конфуций* (мил. ав. 551–479 йиллар) инсон, оила ва давлат муносабатлари фалсафасини ишлаб чықди. Үнда давлатни бошқариш оилани бошқаришга үхшаш деб қаралди ва оила-уруғдошлиқ тушунчаларидан тавсифланди (подшо – «халқ отаси», давлат – «ягона оила»). Ижтимоий муносабатларнинг шунга үхшаш манзарасини зардыштийлик таълимотида ҳам кузатиш мүмкін. Ушбу таълимотта күра, одамларнинг үзаро муносабатлари икки асос – яхшилик ва ёмонлик үртасидаги кураш атрофида шаклланади. Аммо инсон, одамлар үртасидаги ижтимоий муносабатлар ҳақидағы билимлар ва қарашларнинг ривожланиш тарихида энг ёрқин ва мазмунлы сахифаны Қадимги Юнонистон фалсафаси қолдирди. Ушбу сахифада Платон ва Аристотелнинг фалсафий қарашлары алохидә үрин әгаллады.

Платон (мил. ав. 427–347 йиллар) сиёсий фалсафанинг ривожланишидан бир неча асрға үзіб кетган ва унинг асосий муаммоларини таърифлаб берган қадимнинг илк мутафаккирларидан бири ҳисобланади. У давлатнинг келиб чиқиши ва мохияти, унинг асослари ва уни ҳаракатлантирувчи кучлар ҳақидағы фалсафий масаланы биринчилардан бўлиб илгари суради ва үзига хос тарзда ҳал қиласди. «Давлат» ва «жамият» тушунчалари үртасида жiddий фарқ кўрмаган Платон давлатнинг (бинобарин, жамиятнинг ҳам – муаллифлар) шаклланиш жараёнини вужудга келган иктисадий муносабатлар билан боғлиқ тарихий зарурият деб тавсифлайди. «Биз ҳар биримиз үз эҳтиёжларимизни қондира олмаган ва кўп нарсаларга мухтож бўлган ҳолда давлат вужудга келади», дейди Платон. Шу сабабли «ҳар бир одам үзининг муайян эҳтиёжларини қондириш учун дам у, дам бу одамни жалб этади. Кўп нарсаларга мухтож бўлган кўпчилик баҳамжиҳат яшаш ва бир-бирига ёрдам бериш учун бир ерга тұпланади: ушбу манзилгоҳ бизда давлат деб аталағи»¹. Бундай манзилгоҳ, Платоннинг фикрича, аҳолини ташқи душманлардан ҳимоя қилиш ва мамлакат ичидә тартибни саклаш имконини беради.

¹ Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков. 1999. с 142.

Қадимнинг яна бир буюк мутафаккири – Аристотель Платоннинг давлат ҳақидаги ғояларини ривожлантирап экан, у ҳам давлат ва жамият ўртасида фарқ ўтказмайди, давлат деганда асосий ўзагини оила ва қишлоқ ташкил этадиган одамлар ўртасидаги алоқалар негизини тушунади. Бир неча қишлоқдан ташкил топган жамият одамлар эҳтиёжини қондириш учун, яъни тарихий зарурият туфайли вужудга келган тугал давлатдир, деб қайд этади Аристотель. «Бинобарин, - деб давом этади у ҳар қандай давлат (жамият – муаллифлар), илк алоқалар сингари, табиий тарзда вужудга келади»¹.

Кўриб турганимиздек, қадимги юон мутафаккирлари давлат (жамият)нинг вужудга келиши инсоният тарихининг муқаррар босқичи, бунда давлат инсонга нисбатан кенг ҳуқуқларга эга, деган фикрни илгари сурғанлар. Давлатга нисбатан инсон ҳуқуклари ҳақидаги масалани эса улар кўймаганлар.

Ушбу масала Худо олдида одамлар teng деган христианликда, сўнгра исломда қўйилди. Хусусан, исломда инсоннинг яшаш, мулкка эгалик қилиш ва уни эркин тасарруф этиш ҳуқукларига инсоннинг табиий, Оллоҳ томонидан берилган ҳуқуклари деб қаралади.

XVI–XVII асрларда «инсоннинг табиий ҳуқуклари» назариясининг дунёвий варианtlари вужудга келди. Уларнинг муаллифлари инглиз файласуфлари Т.Гоббс ва Ж.Локк ижтимоий шартнома назариясини ҳар бири ўзича ишлаб чиқди ва ушбу шартномага биноан одамлар ўз табиий ҳуқукларининг бир қисмини давлатга берадилар ва бунинг эвазига қолган ҳуқукларини ўзларида сақлаб қоладилар, бундай ҳуқуклар фуқаролик ҳуқуқлари деб аталади, деган гояни илгари сурди.

XVIII аср – XIX аср бошида инглиз файласуфи ва иқтисодчisi А.Смит ва буюк немис файласуфи Г.Гегель жамият ва инсон ҳуқуклари ҳақидаги янги теран ва мухим ғояларни илгари сурдилар.

А.Смит меҳнат жамияти назариясини ишлаб чиқди. Унга кўра, одамлар ўртасида шундай ижтимоий алоқалар ўрнатилади, ҳар ким ўзи учун ишлаш жараёнида бошқалар учун ҳам ишлайди вааксинча, бошқалар учун ишлаш жараёнида ўзи учун ҳам ишлайди. Ушбу назарияда жамият тузилиши янги талқинининг шакл-шамойиллари кўзга ташланади. Унда инсоннинг иқтисодий ҳуқуклари биринчи марта ижтимоий меҳнат тақсимоти асосида таърифланади.

Аммо жамият, унинг вужудга келиши ва ривожланиш йўллари ҳақидаги энг теран гояни Г.Гегель илгари сурди. У жамият давлатга қараганда кенгроқ тушунча деган фикрни биринчи бўлиб назарий жиҳатдан асослаб берди, жамият ҳаётининг давлат томонидан бевосита тартибга солинмайдиган жабхаларини белгилади, фуқаролик жамияти инсон борлигининг энг оқилона ва мақсадга мувофиқ тузилмаси деган масалани кўтарди.

¹ Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков. 1999. с. 443.

Фуқаролик жамиятини, энг аввало, одамлар моддий, иқтисодий ҳаёти ва фаолияти соҳаси деб таърифлаб, Гегель уни умумий боғлиқлик тизими деб тавсифлайди, унда бир кишининг тирикчилиги, фаровонлиги ва хукуклари барчанинг тирикчилиги, фаровонлиги ва хукуклари билан чамбарчас боғлиқ, уларга асосланади ва шундагина ҳақиқий ва таъминланган бўлади, деб қайд этади. «Фуқаролик жамиятида ҳар ким ўзи учун – мақсад, қолганлар унинг учун ҳеч ким эмас. Аммо бошқаларга боғлиқ бўлмаган ҳолда у ўз мақсадларига тўлиқ эриша олмайди»¹.

Инсонпарварлик руҳи билан сугорилган фалсафий тафаккурнинг энг яхши анъаналарини давом эттириб, Гегель фуқаролик жамияти назариясига инсоннинг эркинлиги ғоясини асос қилиб олди ва унга эришиш усусларини ёритиб берди.

Таникли ўзбек иқтисодчиси ва социологи М.Шарифхўжаев фуқаролик жамияти концепциясини ишлаб чиқишига Гегель қўшган бекиёс хиссага баҳо берар экан, унинг фуқаролик жамияти инсон борлигининг энг оқилона ва мақсадга мувофиқ тузилмаси деган ғоясини алоҳида қайд этади, унда оила, мулк, шахс, эркинлик, хукуқ, маънавият, тартиб ва давлатчилик фуқаролик жамиятининг энг муҳим қадрияtlари, шахс ва бутун жамият эркинлигининг асосий шартлари хисобланишини, ушбу жамиятда ижтимоий ҳаёт тузилишининг асос модели ва таянчи сифатида оила муҳим рол йўнашини кўрсатиб ўтади².

Ўзбек олимининг яна бир фикри – ҳозирги фуқаролик жамияти шахсий ҳокимият режими, волюнтаризм, тоталитаризм, зўравонликка йўл қўйилмайдиган, қонун, ахлок, инсонпварлик ва одиллик тамойиллари эъзозланадиган эркин, демократик, хукуқий маърифатли жамият³, деган фикри ҳам дикқатга сазовор (ушбу олим илгари сурган фуқаролик жамиятининг мазмуни ва моҳияти ҳақидаги қоидалар ва хуласаларга биз кўйида амал қиласиз).

Мазкур қизиқарли тадқиқот муаллифи Ўзбекистонда фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этишда гарб андозаларидан кўр-кўрона нусха кўчириш ва жамият ривожланишининг бизга хос бўлмаган шаклларини жалб қилиш ярамаслигини жуда тўғри қайд этади⁴. Бу фикр, бизнинг назаримизда, яна шунинг учун ҳам муҳимки, гарб файласуфлари, социологлари ва иқтисодчиларининг фуқаролик жамиятининг шаклланиш йўллари ҳақидаги олдинги ва ҳозирги таълимотларининг аксариятида европоцентристик карашлар устунлик қилади. Бу тушунарли, чунки ҳатто А.Смит ва Г.Гегель каби буюк мутафаккирлар ҳам, энг аввало, гарб цивилизациясига, гарб турмуш тарзига

¹ Гегель Г.Ф. Философия права – М., 1990. с.228.

² Шарифходжаев М.Ш. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т., 2002. с.11.

³ Ўша ерда. 10-б.

⁴ Ўша ерда. 136-137-б.

қараб мүлжал олган. Бу ерда анъанавий шарқ жамиятидан ҳозирги замон жамиятига, аграр жамиятдан индустрисал жамиятта, ундан ахборот жамиятига ўтиш ҳаётнинг гарб андозаларидан фарқ қилишини Ѽтиборга олиш мухимдир. Шу муносабат билан, давлатимизнинг эркин фуқаролик жамияти сари ҳаракатининг асосий йўналишини белгилар экан, И.А.Каримов: «Бу гўзл орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини таомиллаштириш, умуминсоний қадрияларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбик этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яаша каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам саклаб, юксалтириб боришимиз зарур»¹, деб қайд этади.

Кўриб турганимиздек, кишилик жамияти эволюцияси ва ривожланишининг ҳозирги талқинида икки асосий бир-бирини белгиловчи тенденция – бирликка ва ранг-баранглилкка интилиш намоён бўлади. Бу миллий ва анъанавий жиҳатлар маълум даражада сакланган ҳолда, давримизда жамият ҳаёт фаолиятининг иктиносидёйдан дингача бўлган турли жабхаларида Гарб ва Шаркнинг ўзаро таъсири рўй берадиганинг англатади. Ушбу ҳолатни давримизнинг таникли файласуфи ва социологи В.Канке ҳам қайд этади. Унинг фикрига кўра, Шарк ва Гарб тушунчаларини муайян мамлакатларга қатъий боғлаша ярамайди. Зоро, «Гарб» ва «Шарк» тушунчалари жўрофий атамалар эмас, улар цивилизациялар ва маданиятлар ранг-баранглиги типларидан бирини тавсифлайди. Бу муайян мамлакат ўз ривожланиши жараёнида ҳам Гарб, ҳам Шаркка хос бўлган хусусиятлар касб этиши мумкин деганидир².

Кўриб турганимиздек, ҳозир дунёнинг глобаллашуви шароитларида турли цивилизациялар ва маданиятлар ўзига хос тарзда кўшилиши рўй бермоқда, улар ўртасидаги алоқалар тобора ранг-баранг тус олиб бормоқда, фалсафий, иктиносий, ижтимоий-сиёсий токлар Гарбдан Шаркка ҳам, Шарқдан Гарбга ҳам узатилмоқда³.

Шундай қилиб, ҳозирда шакланаётган очиқ фуқаролик жамиятининг замирида бир қанча омиллар ётадики, улар орасида иктиносий, сиёсий, хукукий, ижтимоий, оиласиб-маиший омилларни ҳамда инсон билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг айрим бошқа соҳаларини қайд этиш лозим.

Ушбу соҳаларнинг айримларини муфассалроқ кўриб чиқамиз. Фуқаролик жамиятини, энг аввало, одамлар ҳаёти ва фаолиятининг моддий, иктиносий соҳаси деб тавсифлар экан, Гегель ҳар бир инсон (оила)нинг фаровонликка интилиши фуқаролик жамияти шакланишининг асосий шартидир деб қайд этади. Унинг фикрига кўра, фаровонлик фуқароларга ўз мулкини эркин тасарруф этиш хукуқини беради

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т., 1999. 295-б.

² Канке В.А. Философия. Исторический и систематический курс. – М., 2004. с. 263-264.

³ Ўша ерда. 263-б.

ва айни вактда, уни фаровонликнинг асосий омили – бошқа мулкдорлар билан боғлади.

Фуқаролик жамияти шаклланишининг яна бир муҳим омили давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабат ҳисобланади. Машхур француз тарихчиси *Ф.Гизо* (1787–1874) давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги муносабатни ҳокимият ва шахсий эркинлик ўртасидаги муносабат деб таърифлайди. Бошқача қилиб айтганда, конунларда, давлат ҳуқуқида белгиланган ва мустаҳкамланган демократия ва инсон ҳуқуқларисиз фуқаролик жамияти реал фаолият кўрсатиши мумкин эмас. Буни собиқ Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар мисолида кўриш мумкин. Маълумки, ушбу мамлакатларда фуқаро-ларнинг сиёсий ҳуқуқлари факат расман белгиланган эди. Бу ерда шаклланган тоталитар муносабатлар ушбу ҳуқуқлардан амалда фойда-ланиш имконини бермасди. Бунинг замирида, И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «ҳуқуқий жаҳолат, ҳуқуқий саводсизлик, маъмурий-ҳуқуқий органларнинг қонунсиз зўравонлиги, ўтмишимизда рўй берган қатағонларнинг мудхиш тъсири»¹ ётар эди.

Шу муносабат билан фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишини кўп жиҳатдан белгилайдиган яна бир муҳим масала туғилади. Бу давлат ва фуқаролик жамиятининг ўзаро муносабатлари масаласи.

Биз мавзунинг бошида факат қадимги мутафаккирлар (Конфуций, Платон, Аристотель) таълимотларида эмас, балки кейинги даврдаги концепцияларда ҳам, Гоббс ва Локкача (XVII аср) «давлат» ва «жамият» тушунчаларига айний деб қаралганини қайд этиб ўтдик. Аммо жамият тараққиётида бу тушунчаларнинг ҳар бири қандай рол ўйнаганини аниқлаш учун тарихга мурожаат этиш керак.

Маълумки, жамият инсон уругининг ифодаси тарзида давлатдан анча олдин вужудга келган. Бундан одамлар пайдо булиши билан фуқаролик жамияти ҳам вужудга келади деган холоса чиқариш мумкинми? Йўқ, алб-батта. Ибтидоий жамоа таҳлили ушбу шароитларда фуқаролик жамияти вужудга келиши мумкин бўлмаганини кўрсатади. Чунки ибтидоий жамоа даврида фуқаролик жамияти шаклланиши учун зарур шарт-шароитларгина эмас, балки фуқаролик, фуқаро тушунчаларининг ўзи ҳам бўлмаган. Мазкур тушунчалар анча кейин, давлат пайдо булиши ва цивилизациянинг («civilis» – фуқаролик) шаклланиши шароитида вужудга келган. Бинобарин, фуқаролик жамияти тушунча сифатида инсон ҳуқуқлари англаб етилган пайтда вужудга келган, деб ҳисоблаш мумкин. Фуқаролик жамияти унсурлари илк давлатларда – Қадимги Юнонистон полис-ларида, Қадимги Римда Республика бошқаруви даврида вужудга келган. Улар Қадимги Русь Новгород Республикасида (XII–XV асрлар) ҳам ўзига хос тарзда на-моён бўлган.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қурамиз. 7-жилд. – Т., 1999. 294-б.

«Фуқаролик жамияти» тушунчасининг вужудга келиши, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, немис файласуфи Г.Гегель номи билан боғланади. Гегель давлат томонидан инсон ҳукуклари ва эркинликларининг белгиланиши ва уларга мажбурий тарзда риоя қилинишига асосланган мутлако янги муносабатларнинг шаклланиш йўллари ва усуллари ҳақидаги таълимотни назарий жиҳатдан асослаб берди. Бунда Гегель, ўз замондоши А.Смит каби, жамиятни бошқаришда давлат ролидан тўла воз кечилишини эмас, балки ушбу ролнинг чекланишини (хусусан, иқтисодиётга ва одамлар шахсий ҳётига давлатнинг аралашмаслиги масаласида) қайд этди.

Бинобарин, фуқаролик жамияти бу шундай бир жамиятки, унда инсоннинг барча ҳукуклари ва эркинликлари ҳукуқий асосда таъминланади, унда давлат, жамият сиёсий тизимининг асосий ўзаги сифатида, мамлакат ривожланишининг стратегик йўналишини демократик ва ҳукуқий асосда таъминлади.

Ўзбекистон ривожланишининг асосий йўналишини белгилар экан, И.А.Каримов: «Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очик демократик ва ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлини танладик», деб қайд этиб ўтди. Куйида буни муфассал кўриб чиқамиз.

12.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари шакллантирилишининг фалсафий масалалари

Маълумки, эркин фуқаролик жамиятига жаҳоннинг аксарият давлатлари асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарнинг ривожланиши асосида келади. Мустақил Ўзбекистон ҳам шундай йўлдан бормоқда. Ушбу йўл, Президент И.А.Каримов сўзлари билан айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қатъий йўналтирилган. «Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги харакатларимизни сифат жиҳатидан янги боскичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш...»¹.

Ўзбекистонда рўй берадиган миллий тикланиш, тұлақонли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнларининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш учун ўзбек халқи кулликдан, қарамликдан озодликка, миллий мустақилликка эришгунга қадар босиб ўтган йўлни тушуниб етиш, ушбу ўтишнинг объектив шартлари ва субъектив омилларини аниқлаш зарур.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари: Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқизинч сессиясидаги маъруза. «Халқ сўзи газетаси», 2002 йил 30 август.

Бугунги кунда Узбекистонда рўй бераётган чукур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар, уларнинг назарий асослари ва амалий дастури Президент И.Каримов асарлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган. Уларда мамлакат олдида турган муҳим вазифалар, чунончи: Узбекистон халқларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириш, уларни демократлаштириш кўриб чиқилган. Ушбу асарлар ва маърузалар орасида И.А.Каримовнинг иккинчи чақирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруzasи (2002 йил август) алоҳида ўрин тутади. Ушбу маъruzada Президентимиз Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб, назарий жиҳатдан асослаб берди¹.

Маълумки, янги жамият, айниқса, фуқаролик жамияти куриш жуда оғир, зиддиятли ва узоқ жараён. Унда мақсадлар пухта ўйланган ва муфассал ишлаб чиқилган дастуриламал асосида аниқ ва муайян тарзда белгиланган бўлиши керак. Юртбошимиз ўз маъруzasida кайд этиб ўтган етти устувор мақсад ана шундай дастуриламал ҳисобланади. Куйида шу устувор мақсадларни фалсафий тушуниб этишга ҳаракат қиласиз.

Барча устувор мақсадлар орасида биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад. Президент сўзлари билан айтганда, тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан бўён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя килиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Факат мустақиллик ва унинг янада мустаҳкамланиши халқимизга ўз тақдирини ўзи ҳал килиш, ўз келажагини ўз қўли билан барпо этиш, мамлакатни демократлаштириш жараёнларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Бугунги кунда демократия жамиятни ижтимоий-сиёсий ташкил этишнинг энг олий ва энг етук шакли экани умум эътироф этилган. Тарихий амалиёт ва илмий тафаккур демократик жамиятнинг асосий умумий тамойилларини таърифлаб берган: ўз фикрини эркин ифодалаш, камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқаролар тенг ҳукуклилиги эълон қилиниши, жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этишга барча фуқаролар тенг ҳукуклилиги. Ушбу тамойиллардан давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиши, улар сайловчилар, сайлов органлари олдида ҳисобдорлиги ва бошқа тамойиллар келиб чиқади.

Демократия – факат гарб анъанасига хос ҳодиса деган фикр кенг тарқалган. Бошқа, хусусан, шарқ жамиятларини демократлаштириш гарб демократик қадриятларини янги заминга кўчириш деб ҳисобланади. Аммо ушбу фикр объектив асосга эга эмас ва бизнинг назарий

¹ Каримов И.А. Узбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: Иккинчи чақирик Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъруза. «Халқ сўзи газетаси», 2002 йил 30 август.

«Фуқаролик жамияти» тушунчасининг вужудга келиши, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, немис файласуфи Г.Гегель номи билан боғланади. Гегель давлат томонидан инсон хукуклари ва эркинликларининг белгиланиши ва уларга мажбурий тарзда риоя қилинишига асосланган мутлақо янги муносабатларнинг шакланиш йўллари ва усуслари ҳакидаги таълимотни назарий жиҳатдан асослаб берди. Бунда Гегель, ўз замондоши А.Смит каби, жамиятни бошқаришда давлат ролидан тұла воз кечилишини эмас, балки ушбу ролнинг чекланишини (хусусан, иқтисодиётга ва одамлар шахсий ҳаётига давлатнинг аралашмаслиги масаласида) қайд этди.

Бинобарин, фуқаролик жамияти бу шундай бир жамиятки, унда инсоннинг барча хукуклари ва эркинликлари хукукий асосда таъминланади, унда давлат, жамият сиёсий тизимининг асосий ўзаги сифатида, мамлакат ривожланишининг стратегик йўналишини демократик ва хукукий асосда таъминлайди.

Ўзбекистон ривожланишининг асосий йўналишини белгилар экан, И.А.Каримов: «Халқимизнинг хоҳиш-иродаси, азму қарорини бажо келтириб, очик демократик ва хукукий давлат куриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш йўлинни танладик», деб қайд этиб ўтди. Куйида буни муфассал кўриб чиқамиз.

12.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари шакллантирилишининг фалсафий масалалари

Маълумки, эркин фуқаролик жамиятига жаҳоннинг аксарият давлатлари асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарнинг ривожланиши асосида келади. Мустақил Ўзбекистон ҳам шундай йўлдан бормоқда. Ушбу йўл, Президент И.А.Каримов сўzlари билан айтганда, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қатъий йўналтирилган. «Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги харакатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш...»¹.

Ўзбекистонда рўй бераётган миллий тикланиш, тўлақонли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнларининг қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини ёритиш учун ўзбек халқи қулликдан, қарамлиқдан озодликка, миллий мустақилликка эришгунга қадар босиб ўтган йўлни тушуниб етиш, ушбу ўтишнинг объектив шартлари ва субъектив омилларини аниқлаш зарур.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришининг асосий йўналишлари: Иккинчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўқизинч сессиясидаги маъруза. «Халқ сўзи газетаси», 2002 йил 30 август.

Бугунги кунда Ўзбекистонда рўй бераётган чукур иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ўзгаришлар, уларнинг назарий асослари ва амалий дастури Президент И.Каримов асарлари ва маърузаларида ўз ифодасини топган. Уларда мамлакат олдида турган муҳим вазифалар, чунончи: Ўзбекистон халқларининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётини тубдан ўзгартириш, уларни демократлаштириш кўриб чиқилган. Ушбу асарлар ва маърузалар орасида И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъruzasi (2002 йил август) алоҳида ўрин тутади. Ушбу маъruzada Президентимиз Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб, назарий жиҳатдан асослаб берди¹.

Маълумки, янги жамият, айниқса, фуқаролик жамияти куриш жуда оғир, зиддиятли ва узоқ жараён. Унда мақсадлар пухта ўйланган ва муфассал ишлаб чиқилган дастурilамал асосида аниқ ва муайян тарзда белгиланган бўлиши керак. Юртбошимиз ўз маъruzасида қайд этиб ўтган етти устувор мақсад ана шундай дастурilамал ҳисобланади. Куйида шу устувор мақсадларни фалсафий тушуниб этишга харакат қиласми.

Барча устувор мақсадлар орасида биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад, Президент сўзлари билан айтганда, тенгсиз олий неъмат – мустақилликни бундан бўён ҳам асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади. Факат мустақиллик ва унинг янада мустаҳкамланиши халқимизга ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, ўз келажагини ўз қўли билан барпо этиш, мамлакатни демократлаштириш жараёнларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради.

Бугунги кунда демократия жамиятни ижтимоий-сиёсий ташкил этишининг энг олий ва энг етук шакли экани умум эътироф этилган. Тарихий амалиёт ва илмий тафаккур демократик жамиятнинг асосий умумий тамойилларини таърифлаб берган: ўз фикрини эркин ифодалаш, камчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқаролар тенг ҳукуқлилиги эълон қилиниши, жамият ва давлатни бошқаришда иштирок этишга барча фуқаролар тенг ҳукуқлилиги. Ушбу тамойиллардан давлат асосий органларининг сайлаб қўйилиши, улар сайловчилар, сайлов органлари олдида ҳисобдорлиги ва бошқа тамойиллар келиб чиқади.

Демократия – факт гарб анъанасига хос ҳодиса деган фикр кенг тарқалган. Бошқа, хусусан, шарқ жамиятларини демократлаштириш гарб демократик қадриятларини янги заминга қўчириш деб ҳисобланади. Аммо ушбу фикр объектив асосга эга эмас ва бизнинг наза-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маъзуза. «Халқ сўзи газетаси», 2002 йил 30 август.

римизда, жаҳонда рўй бераётган тарихий-сиёсий жараёнларга европо-центристик ёндашиш маҳсулидир.

Буни Ўзбекистонда янги жамият қуриш амалиёти кўрсатади. Бу ерда, бир томондан, ўта индивидуализм ва одамларнинг ҳаддан ташқари сиёсийлашуви билан боғлиқ айrim гарб демократик қадриятлари бизга ёт ёки ҳали шарт-шароит ва ҳалқ онги етилмаган бўлса, иккинчи томондан, демократик қадриятларнинг аксарияти мамлакатимиз ҳаётига муваффакият билан жорий этилмоқда. Бунда, табиийки, шарқона колорит, миллӣ ўзига хослик ва мамлакатдаги муайян тарихий вазият хисобга олинмоқда.

Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлислигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминламасдан Ўзбекистонда фуқаролик жамияти пойдеворини барпо этиш мумкин эмас. *Иккинчи устувор йўналиши* ана шу муҳим муаммони ифодалайди. Унда мамлакатимизни ислоҳ қилишга нисбатан янгича ёндашувларни шакллантириш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, жамияти-мизда бағрикенглик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қарор топтиришга алоҳида ўрин ажратилади.

Бу ерда одамларда янгича тафаккурни, миллӣ мустакиллик ва маънавий янгиланиш ғоялари ва тамойилларини шакллантиришга йўналтирилган уч асосий масалани қайд этиш муҳим.

Биринчи масала – экстремизм ва ашаддий ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши изчил курашиш йўлида барча имкониятларимизни ва куч-кудратимизни сафарбар қилиш.

Иккинчи масала – мамлакатимизда хукм суроёттан миллатлар ва динлараро тотувликни, фуқаролар ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш.

Учинчи масала – мамлакатнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлаш.

Бу жараёнда ўтмишдан салбий мерос бўлиб қолган нуқсон ва иллатлардан ҳолос бўлиш, миллатчилик, маҳаллийчилик, уруғ-аймокчилик кўринишларига қарши курашиш билан бир каторда, ҳалқаро терроризм ва ички реакцияга қарши муросасиз кураш олиб бориш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бериш керак деб ўйлаймиз. 2004 йилнинг 29–30 март ва 1 апрель кунлари мамлакатимизда содир этилган мудхиш террорчилик ҳаракатлари тўгрисида сўз юритар экан, И.А.Каримов юқорида қайд этилган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди. Юртбошимиз ҳозирги вақтда терроризмнинг тажовузидан ўзини холи ҳис киласиган бирорта китъа ёки давлатнинг ўзи йўқлигини, бизнинг юртимизда рўй берган қўпорувчилик ҳолатлари ана шу ҳалкаро террорчилик ҳаракатлари билан бевосита боғликлигини қайд этди¹.

¹ Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т., «Ўзбекистон», 2004. 22-6.

Шу сабабли ҳозирги кунда диний экстремизм мафкурасига, қўпорувчилик-террорчиликка қарши курашдаги асосий вазифа – ахоли ўртасида, айниқса, ёшлар билан олиб бориладиган тарғибот-ташвиқот ва тарбиявий ишларни изчил, чуқур ўйланган тизим асосида ташкил этиш ва уларнинг таъсирчанлигини кескин кучайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бунинг учун, И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «шираси, таъсири йўқ, умумий, ҳавойи гаплардан воз кечиб, ақидапараастликнинг ўзи нима, диний экстремистик оқим ва ҳаракатларнинг асл мақсади нималигини, уларнинг эл-юртимиизга, ота-боболаримиздан қолган асл динимиизга қандай катта зарар етказишини тушунтириб бера олишимиз даркор»¹.

Учинчи устувор йўналиш – бозор ислоҳотларини янада чукурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этишдан иборат.

Бу йўналиш, *биринчидан*, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

Иккинчидан, ташкил иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш, миллий валютанинг жорий операциялар буйича эркин алмашувини таъминлаш, миллий валютамиз–сўмимизнинг барқарорлиги ва харид қувватини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тараккиётимизнинг янги босқичидаги асосий вазифаларимиздан биридир.

Учинчидан, ташкил ва ички инвестицияларни бутун иқтисо-диётизмни янгилашга, олтин-валюта захираларимизнинг барқарор ўсишига хизмат киладиган етакчи тармоқларга биринчи навбатда йўналтириш, халқаро молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлигимизни янада кучайтириш, дунё иқтисодий тизимига интеграциялашув ҳам энг муҳим ишларимиз қаторида туради.

Шу масалаларни қўйида муфассалроқ кўриб чиқамиз, чунки уларнинг ҳал қилиниши давлатимизнинг иқтисодий барқарорлиги ва мустакиллигини таъминлайди.

Маълумки, ҳозирги дунёда жаҳоннинг аксарият мамлакатлари хўжалиги фаолияти ва иқтисодиёти замирида бозор муносабатлари ётади. Аммо ҳар бир мамлакатда бозор иқтисодиёти ўз моделига кўра ривожланади. Ушбу моделга, бир томондан, миллий хусусиятлар ва анъаналар, иккинчи томондан эса – эркин рақобат ва давлат томонидан тартибга солишининг уйғунлик даражаси, ижтимоий йўналтирилганлик даражаси, шунингдек макроиктисодий масалаларнинг устувор йўналишлари таъсир кўрсатади. Масалан, «америкача» моделга эркин рақобатнинг кучлилиги, «япон» ва «француз» моделларига – хўжалиги фаолиятини ташкил этишда давлат анча фаол иштирок этиши,

¹ Ўша ерда 28-б

«немис» ва «швед» моделларига – ижтимоий йўналишнинг кучлилиги хос. Ривожланаётган мамлакатларда асосий эътибор иқтисодиётни барқарорлаштиришга, бюджет тақчиллигини кескин камайтиришга, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилади. Жануби-Шарқий Осиёнинг янги саноатлашган мамлакатлари (Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг)га кучли давлатнинг сакланиши ва бозор иқтисодиёти ёркин кирраларининг мужассамлашиши хосдир.

Собиқ Иттифоқ худудида ташкил топган янги мустакил давлатлар бозор иқтисодиётига ўтишда бошқа йўлдан бормоқда. Бундай ўтиш табиий, иқтисодиётни оддий модернизация қилиш ва такомиллаштириш хисобланмайди. Бу бир сифат ҳолатидан бошқа сифат ҳолатига, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг бир тизимидан мутлақо янги тизимга ўтиш демак. У режалаштириш ва тақсимлашга асосланган марказлаштирилган иқтисодиётни, унинг маъмурий-буйруқбозлика асосланган бошқарув тизимини қўпориб ташлашни ва бозор иқтисодиётининг табиий қонунларига кўра ривожланадиган иқтисодий муносабатларни шакллантиришни назарда тутади. Ушбу жараён Ўзбекистон ривожланишининг ўзига хос шароитларида, бирнчидан, бир актли, иккинчидан, стихияли ҳодиса бўлиши мумкин эмас. У анча узок давом этадиган ўтиш даврини назарда тутади. Ушбу ўтиш даври мобайнида давлат эски муносабатлардан воз кечиб, янги муносабатларни шакллантириш бўйича изчил иш олиб боради. Бунда хусусий мулкни рад этадиган, эркин рақобат, нархларни эркинлаштириш мавжуд бўлмаган социалистик иқтисодиётда бозор иқтисодиётининг илдизлари йўклигини эътиборга олиш керак.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига босқичмабосқич ўтиш амалга оширилмоқда. Бунинг учун биз ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. У «ўзбек модели» номини олди¹.

Биринчи босқичда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, танглиқка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини хисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш вазифалари ҳал қилинди.

Ушбу вазифаларни ҳал қилишда ишлаб чиқариш суръатининг, аҳоли турмуш даражасининг кескин тушиб кетишига йўл қўймаслик, қўп укладли иқтисодиёт асосларини яратиш, ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Зарур институционал ўзгаришлар ҳукуқий негизининг яратилиши иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли бошланишини таъминловчи муҳим воситалардан бири бўлди. Бу даврда муҳим қонунлар, чунончи: давлат мустакиллиги тўғрисида, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., 1995; Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., 1999.

қонунлар, мамлакат Конституцияси, шунингдек мулк, банклар ва банк фаолияти, аҳолини иш билан таъминлаш, ташки иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари тұғрисидаги қонунларнинг дастлабки вариантлари қабул қилинди. Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни бошланди. Республика Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 21 январда қабул қылган «Давлат қишлоқ хұжалиги корхоналарига молиявий ёрдам күрсатиш ва уларнинг хұжалиги юритиш шаклларини такомиллаштириш тұғрисида»ги Қарорига мувофиқ, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни қишлоқ хұжалигига ҳам бошланди. 1992 йилнин үзіде республикада зарарга ишләтгандан 360 та совхоз кооператив ширкат ва хұжалигиларнинг бошқа нодавлат турларига айлантирилді. Уларнинг банклар ва таъминотчилардан қарздорлығи бекор қилинди. 1993 йил давомида ва қисман 1994 йилда давлатнинг қолоқ қишлоқ хұжалиги корхоналари қайта тузилди, шу таріқа асосан хұжалигиге юритишнинг жамоавий шаклидан иборат бұлған күп уклады тизимнинг пойдевори барпо этилди.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг бошқару тармоқлари ҳам хусусийлаштириш билан қамраб олинди. Республика фуқароларига турар жойни хусусий мулкка сотиш (бериш), шунингде кичик хусусийлаштириш амалга оширилди, у савдо, умумий овқаттаниш, маҳаллий саноат, хизматлар күрсатиш соҳасини қамраб олди саноат, транспорт, қурилиш комплексида оммавий хусусийлаштириш жараёни бошланди.

Ислоҳотлар бошқарув соҳасини ҳам қамраб олди, күргина вазирликлар қайта ташкил этилди, уларнинг үрнида бозор иқтисодиёті талабларига жавоб берадиган бошқарувнинг янги шакллари тузилди. Бозор иқтисодиёті инфратузилмаси объектлари, чунончи: товар-хом ашё биржалари, меҳнат биржалари ташкил топди, банк тизими қайта қурилди, нархларни қисман әрқинлаштириш жараёни бошланди. 1993 йил охирида республикада миллий валюта – сүм жорий этилди, бу мустакил пул-кредит сиёсатини бошлаш имконини берди.

Аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш мақсадида асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига қайд этилган нархларда сотиш тартиби жорий этилди.

Умуман олганда, иқтисодиётни тубдан ислоҳ этишнинг бириңчи босқичида мулкчиликнинг турли шакллари ҳаётта татбиқ этилди. давлатчилик шакллантирилди ва мустаҳкамланди, ишлаб чиқариш суръати кескин тушиб кетишига йўл қўйилмади, аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш ва унга ижтимоий кафолатлар бериш механизми яратилдики, бу мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни саклаш бозор иқтисодиётига ўтишнинг үз моделини амалга ошириш имконини берди.

Иккинчи босқичда хусусийлаштириш жараёнларини чукурлаштириш, ракобат мұхитини шакллантириш ва иқтисодиётда таркиибий ўзгартиришларни кенгайтириш давом эттирилди. Бу мамлакатда ин-

ституционал ва таркибий ўзгаришларни янада чукурлаштиришга турткى берди, чет эл инвестицияларини жалб қилиш, тадбиркорлик фаолияти ва ташки савдони эркинлаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратди.

Шу даврда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни билан нафақат кичик, ўрта корхоналар, балки йирик саноат корхоналари ҳам камраб олинди. Уларда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёни асосан акциядорлик корхоналарига айлантириш орқали амалга оширилмоқда. Натижада, мамлакатда акциядорлик жамиятлари сони анча кўпайди. Агар 1994 йилда улар 2,9 мингта бўлса, 1996 йилда акциядорлик жамиятлари сони 4,5 мингтага етди. Уларнинг аксарияти очик акциядорлик жамиятларидир. 1996 йилда «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, Тошкент трактор заводи, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каби йирик корхоналар акциядорлик корхоналарига айлантирилди. Бу шунчаки акциядорлик жамиятлари микдори кўпайганини эмас, балки ислоҳотлар янги босқичининг ривожланишида жиддий сифат ўзгаришлари рўй берганни, мамлакат аҳолиси саноат корхоналари ва бошқа корхоналар эгаси булиш имкониятини кўлга киритганини, капитални демократлаштириш соҳаси кенгайганини англатар эди.

Ушбу даврда мамлакат аграр секторида рўйхатга олинган дехкон (фермер) хўжалигилари сони 7,5 мингтадан 19,3 мингтага кўпайди.

Корхоналарни акциядорлик корхоналарига айлантириш мулкни давлат тасарруфидан чиқаришнинг ягона усули бўлгани йўқ: савдо ва хизматлар кўрсатиш корхоналарини улар жойлашган ер майдонларига қўшиб жисмоний шахсларга сотиш амалиёти кенг. жорий этилди. Ушбу корхоналарни сотишдан олинган маблағлар хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-кувватлаш, ихтисослигини ўзгартариш ва техник жихатдан қайта жихозлашга йўналтирилди. Шундай қилиб, икки босқичда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури амалга оширилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмида нодавлат секторининг улуши (1996 йил маълумотларига кўра): саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида – 50 %; дан кўпроқ; кишлоқ хўжалиги соҳасида – 95 %; чакана савдода – 94 %; пудрат ишлари ҳажмида – 61 %ни ташкил этди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини, чунончи: транспорт, куришиш, кишлоқ хўжалигини ҳам қамраб олди. «Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорацияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил топди. Ушбу жараён ноишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмалари тизимиға ҳам кириб борди. Хусусийдорихоналар, оптика дўконлари, стоматология муассасалари, шифохоналар, маданият муассасалари ишлай бошлади.

Шундай қилиб, иқтисодиётни ислоҳ этишининг иккинчи босқичида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг камайиши нафақат тўхта-тилди, балки унинг ўсиши ҳам таъминланди: ЯИМ 1995 йил даражага

сига нисбатан 1996 йилда 101,4 %ни ташкил этди, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5 %га ошди, натижада, «халқимиз елкасига тушган ва ўтиш даврида муқаррар бўлган энг оғир синовлар»дан ўтилди¹.

Умуман олганда, иқтисодиётни ислоҳ килишнинг биринчи ва иккинчи босқичлари натижасида 1996 йил охирига келиб барча корхоналарнинг 85 % нодавлат секторига ўтказилди, бу ерда жами ишчи кучининг 65 % банд бўлди ва миллий даромаднинг 67 % ишлаб чиқарилди².

Учинчи босқичда давлат мулкини хусусийлаштириш, хусусий ташаббусни ривожлантириш, рақобат мухитини вужудга келтириш жараёнлари давом эттирилди. Энергия ташувчилар ва озик-овқат маҳсулотларининг асосий турлари бўйича мамлакат ўзини ўзи таъминлашига эришилди.

Ушбу босқичда кичик, ўрта бизнес ва якка тадбиркорликни янада ривожлантириш стратегик мухим аҳамият касб этади. 2000 йил бошига кадар бўлган ҳолатга кўра, 160 мингтага яқин кичик ва ўрта бизнес корхоналари рўйхатга олинган, улар ЯИМнинг атиги 12,6 %ни, саноат маҳсулотининг – 6,2 %ни ишлаб чиқарар, курилишда эса бу курсаткич 12,3 %ни ташкил этарди. Кейинчалик республикада ЯИМнинг ўсиши давом этди ва 1999 йилга нисбатан 2000 йилда 104 %ни, 2000 йилда эса – тегишинча 104,5 %ни ташкил килди.

Ўзбекистон саноати ҳам ўсишда давом этди. 1999 йилга таққослаганда саноат маҳсулотлари ҳажми 64 % га кўпайди; 2001 йилда унинг ўсиши олдинги йилга нисбатан 4,5 % ни; 2002 йилда – 8,1 %; 2003 йилда – 8,4 %ни ташкил килди³.

Қишлоқ хўжалигига амалга оширилган чуқур иқтисодий ислоҳотлар натижасида мамлакатда колхозлар ва совхозлар негизида 2002 йилгача 1,4 млн. аъзодан иборат 1900 та ширкат хўжалиги ташкил топди. 2002 йил ўрталарига келиб, республикада 55,4 мингта фермер хўжалиги, 1,5 млн.дан ортиқ деҳқон хўжалиги фаолият олиб борар эди. Фалла ишлаб чиқариш 1991 йилги 1908,2 минг тоннадан 2003 йилда 5400 минг тоннага кўпайди. Бу республикага аҳолининг ғалла ва ем учун белгиланган донга бўлган эҳтиёжини деярли тўла кондириш имконини берди.

1994–2003 йилларда мамлакат иқтисодиётига 28,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ жойлаштирилди. Шундан 50 %га яқинини чет эл инвестициялари ташкил килди⁴.

Хўш, иқтисодиётни эркинлаштириш деган пурмаъно тушунга замираидар нималар ётади, унинг асосий йўналишлари қандай?

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., 1999. 7-6.

² Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И. Каримова. – М., 2001. с. 211.

³ Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараккиёт йўлида. Т., «Ўқитувчи», 2004. 19-б

⁴ Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараккиёт йўлида. Т., «Ўқитувчи», 2004. 18–20-б

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2000 йил 1 февралдаги йигилишида килган маърузасида эркинлаштириш деганда нималар тушунилишини ва унинг асосий йўналишларини муфассал баён этди.

Бу аввало, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсикларни бартараф этиш.

Иккинчидан—иқтисодиётнинг барча жабҳаларида хусусий мулкни кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш.

Учинчидан – бозорга, иқтисодий фаолиятнинг бозор муносабатларига асосланган механизмларига кўпроқ эркинлик бериш, бунда уларнинг қонунчилик базасини мунтазам такомиллаштириб бориш, зарур шарт-шароит яратиш ва кафолатлар бериш.

Тўртингчидан – бозор иқтисодиёти инфратузилмаси тизими, айниқса, унинг бизнесга хизмат кўрсатувчи қисми янада ривожланишини таъминлаш.

Бешинчидан—молия ва банк тизимларини бундан бўён ҳам ислоҳ килиш.

Олтинчидан—ташқи иқтисодий фаолиятни ва энг аввало, валюта бозорини эркинлаштириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, жаҳон иқтисодий тизимига миллий иқтисодиётнинг кириши имкониятларини кенгайтириш.

Иқтисодий ислоҳотлар давлатнинг бутун ижтимоий-сиёсий тузумини, одамлар онгини ва албатта, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ўзgartириш билан ягона комплексда амалга оширилиши керак.

1997 йил августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Таълим тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг янги тамойиллари белгиланди, таълим тизими ва турлари қонунийлаштирилди.

Мазкур қонунга мувофик, республикада узоқ даврга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ишлаб чиқилди. Ушбу Дастурда бутун таълим тизимини ва таълимнинг барча турлари – мактабгача таълимдан олий ўқув ютидан кейинги таълимгача, шу жумладан, кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ислоҳ қилиш назарда тутилган.

Жамиятни демократлаштиришнинг муҳим шартларидан бири оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Улар мамлакатдаги ва ундан ташқаридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг энг мураккаб масалаларини теран таҳлил қилишлари ва тушунтириб беришлари керак. Жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги ишларнинг муваффақияти, фуқароларнинг ҳуқуклари ва эркинликларининг зарур кафолатларини таъминловчи демократик

тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиниши оммавий ахборот воситаларининг фаоллигига боғлик.

Ушбу тўртминчи устувор йўналишини кайд этар экан, И.А.Каримов ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари – матбуот, радио-телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий қисмига айланиши зарурлигини таъкидлаб ўтди. «Қисқа килиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода «тўртминчи ҳокимият» даражасига кўтарилимоғи лозим»¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда 689 номда газета ва 162 номда журнallар ўзбек, рус тилларида ва Ўзбекистон халқларининг бошқа тилларида нашр этилиши таъминланган. Республика мизда 3 ахборот агентлиги, 50 дан ортиқ телерадиокомпаниялар ва студиялар фаол иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон телевидениесининг кундалик кўрсатувлари 51,5 соатга етди, республика радио эшилтиришлари эса 100 соатдан ошиб кетди.

Бу тўғрида гапирганда, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид бўлган баъзи бир масалалар ҳакида ҳам тўхталиб ўтиш ўринли, деб биламиш. Шуни очиқ айтишимиз керакки, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узоқ вактлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг бу ҳолатдан чикиши, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин хис этиши қийин кечмоқда. Шу сабабли улар ўзи учун янги бўлган ҳозирги вазиятда баъзан ҳали ҳам нима қилиш ёки нима килмаслик ҳақида юкоридан кўрсатма кутиб ўтиргандек кўринади.

Оммавий ахборот воситалари олдида ўз ишини ҳозирги кунталаблари даражасига кўтариш вазифаси турибди. Зоро, ҳакикий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва яшаши ҳам мумкин эмас. Президент И.Каримов таъбири билан айтганда:

«Халқимиз оммавий ахборот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида холис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органдарни ва бошқарув тузилмалари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, ислоҳотлар ва янгиланишлар йўлидан илгари боришимизга тўсик бўлиб турган нуқсонлар, ҳаётдаги долзарб муаммолар хусусида ошкора, профессионал таҳлилий материалларни кутади»².

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини демоклаштириш ва унинг ҳукуқий асосларини янада мустаҳкамлашмақсадида 2007 йил январ ойида «Оммавий ахборот воситалари тўғ-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини

² Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз- жамиятни демоклаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир Т., «Ўзбекистон», 2005, 52 бет.

рисида»ги Конунининг янги таҳрири қабул қилинди. Бу эса уларнинг тұлақонли әркін фаолияти учун катта имкон беради.

Жамиятда ошкоралик ва очикликни таъминлаш масаласи жа-моатчилик фикрини үрганиш усул-устубларининг кай даражада ри-вожланғани билан ҳам бевосита боғлик. Жамоатчилик фикри – фуқаролик жамиятининг ҳолатини үзіда анық акс эттирадиган бами-соли бир күзгү. Бу ерда тұла ошкоралик ва очиклик таъминланмоғи даркор, чунки жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институттарини шакллантириш аввало, ахоли сиёсий фаолигининг үсиши, тарақкый топған демократик давлатлар тажрибаси асосида юртимизда ҳақиқий құппартиявийлик тизимиң карор топтирилиши ва демократик оппозиция пайдо булиши билан узвий боғлик. Ҳозирғи даврда мамлакатимизда 5 та сиёсий партия мавжуд булиб, уларнинг Олий Мажlis Конунчилік палатасыда үз Фракциясига зәға ва улар үртасыда маълум ракобат мухити пайдо бўлмоқда.

Мамлакатда сиёсий партиялар фаолияти учун мустаҳкам хукукий ва иқтисодий база яратылған булиб, бу соҳада қатор қонунлар қабул қилинди:

1. «Жамоат бирлашмалари тұғрисида» (1991 й).
2. «Саёсий партиялар тұғрисида» (1997 й).
3. «Сиёсий партияларни молиятириш тұғрисида» (2004 й).
4. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тұғрисида» (2007 й).

5. «Давлат бошқарувининг янгилаш ва ғана демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнин ролини күчайтириш тұғрисида»ги конституцияның Конун (2007 й).

«Шу билан бирга, – деб таъкидлайды И.Каримов, – сиёсий партиялар халқни, миллатни қадим–қадимда ғылыми бирлаштириб келаётгандар муштарақ ғоялар ҳам борлигини доимо әсдәу тутиши зарур. Шу боис улар үз манфааттарини химоя қилишда бир-бирига ракиб ёки муюн лифат булиши мумкин, лекин ягона халқ манфаатлари ҳақида гана кетгандан ҳаммаси бир мушт булиб бирлашип даркор».

Жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг үрни вә ахамиятини кескин күчайтириш фуқаролар жамиятини шакллантиришнинг мухим шартидир. Ўзбекистонда демократик үзгаришларнан янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияттер асосларини шакллантиришнинг ушбу бешинчи устувор ийнешлиши замирида «Кучлар давлатдан кучли жамият сары» деган тамойиғтады.

Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишинин үзиге хос шароитларыда бу жамият ҳаёти билан боғлик күп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалариниң ролини камайтириш үзүн болып, бу вазифаларни босқичма-босқич жамоаттар ташкилотларига үтказып боришни тақозо этади. Фуқароларнинг үзинде үзи бошқариш органдары – махалла институти, турли жамоат бирлашмалари ҳамда ташкило-

¹ Уша ерда, 14. бет.

ларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масаласи бизнинг доимий эътиборимизда туриши лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли соҳоларда 5 митгдан ортиқ нодавлат но тижорат ташкилотлари иш юуртмоқдалар ва улар фолиятининг кафолатлари ҳақида алоҳда янги конун кабул килинди.

Суд-хукук соҳасини ислоҳ қилиш демократик жараёнларни амалга оширишнинг муҳим босқичидир. Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-хукук идораларининг мустакиллиги ва таъсирчан фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлашдан иборат. Бу конун устуворлигини, инсоннинг хукук ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш тамойилини илгари сурувчи *олтинчи устувор йўналиши*дир. «Судлар том маънода мустакил бўлган ҳол дагина конунларнинг катъий ижроси, уларнинг ҳакикий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустакил бўлмас экан, шу ерда конун талаблари ва адолат бузилиши мукаррар»¹, деб кайд этади Президент.

Мамлакатимизда суд-хукук тизими қурилишнинг мутлако яиги Конценция амалда жорий этилди. Судларнинг жиной фукаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди.

2008 йилдан бошлаб шахсни утлаб туриш, хибсга олш шунинdek бошқа ироцессуал мажбурий ҷаримларни қўллаш учун санкция бериш хукукларининг ҳам судларга ўтказимти ва ўлим жазосининг бекор килиниши суд-хукук тизилиши либераллат либрлашида муҳим босқигчидир. Ниҳоят, *еттинчи устувор вазифа* – бу барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир. Бу – демографик ва бошка миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш демакдир. «Бу борада бир нарсани ҳеч қачон хаёлимиздан чикармаслигимиз керак. Юртимиздаги ҳар кайси вилоят, шаҳар ва қишлокларимизда шу соҳага атрофлича эътибор берар эканмиз – ҳеч шубҳасиз, аҳолимизнинг, ҳалқимизнинг бунга жавобан миннатдорлигига ва сиёsatимизни қўллаб-куvvatлашига эришган бўламиз»².

Олдимиизда турган барга муаммо ва вазифаларни ечмида «Ислоҳат ислоҳат учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатлаърини таъминлаш учун деган теран маноли фикрни асло унутмаслигимиз керак»³.

Хулоса килиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда амалга оширилаётган фукаролик жамияти асосларини шакллантириш жараёни жуда мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. «Бизнинг асосий узок

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Иккичи Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиснинг Тўkkизинчи асосидаги марзуза «Хал сўзи» гапетаси, 2002 йил 30 август.

² Каримов И.А. Инсон, унинг хукук ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият Г., 2006, 6-бет

³ Каримов И.А. Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва яшилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., 2005, 34-бет.

муддатлик ва стратегик вазифамиз аввалигича қолади, - деб таъкидлайди мамлакатимиз раҳбари И.А. Каримов, - бу демократик давлат, фуқаролик амияти куриш араёлари ва бозор ислохотларини янада чукур-лаитириш, одамлар онгида демократик қадрилийларни мустаҳкамлаш йўлидан оғитлай, изчил ва қатият билан боришидир.

Кисқача холосалар

1. Фуқаролик жамияти – тарихан шаклланадиган эркин фуқаролар уюшмаси бўлиб, бунда жамиятда марказий ўринни инсон, шахс эгаллайди. Фуқаролик жамияти конун, ахлоқ, инсонпарварлик ва одиллик тамо-йиллари асосида курилган замонавий эркин, демократик, ҳуқуқий, маърифатли ҳамжамиятдир.

2. Фуқаролик жамияти мавжуд давлат билан ўзаро алокада ривожланади ва фаолият кўрсатади. Унда мамлакатни ижтимоий-иктиносидий ривожлантиришнинг кўпгина вазифаларини ҳал қилишда давлатнинг роли аста-секин, босқичма-босқич камайтириб борилади ва «Кучли давлатдан кучли жамият сари» тамойили қарор топтирилади.

3. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш мураккаб ва нисбатан узоқ давом этадиган жараён бўлиб, бутараён мамлакатимиз раҳбари И. Каримов бошчилигига барча ҳокимиёт жабхалари билан ҳамкорликда босқичма – босқич қатъилтлик билан амалга оширилмоқда

Асосий тушунчалар

Акциядорлик жамияти – юридик шахсларнинг хўжалиги фаолиятини амалга ошириш мақсадидаги уюшмаси.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) – мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий ҳажми.

Фуқаролик жамияти – инсон, фуқаро марказий ўрин эгаллайдиган эркин демократик ва ҳуқуқий жамият.

Очиқ иктиносидёт – товар ва хизматларни эркин экспорт ва импорт қиласидиган мамлакат иктиносидёти.

Хусусийлаштириш – жисмоний шахсларга ёки шахслар гурухига, жамоаларга, ташкилотларга давлат мулкининг берилиши ёки сотилиши.

Саволлар

1. Фуқаролик жамияти нима?
2. Ушбу тушунчани назарий жиҳатдан ривожлантиришга Гегель қандай ҳисса қўшган?
3. Фуқаролик жамиятини шакллантириш замирида қайси тамойиллар ётади?
4. И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари ҳакида.

Адабиётлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т., «Ўзбекистон», 2003.

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., Ўзбекистон, 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Инсон, унинг ҳукуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият. Т., 2005.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т., «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т., 2002.

Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз кучкүдратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. Т., «Ўзбекистон», 2004.

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи газетаси». 13 феврал №31.

Канке В.А. Философия. Исторический и систематический курс. – М., 2004.

Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001.

Шарифходжонов М.Ш. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т., 2002.

Ўзбекистон: 13 йил мустақил тараққиёт йўлида. Статистик тўплам. – Т., «Ўқитувчи», 2004.

13-мавзу. ФАН ВА ДИН ЎЗАРО НИСБАТИНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

13.1. Фан ва дин – дунёни билишнинг икки шакли

Илмий ва диний билимнинг ўзаро нисбати муаммоси кўп асрлардан бери фан ва фалсафанинг диккат марказида бўлиб келмоқда.

Ушбу муаммо хозирги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. «Вопросы философии» журнали саҳифаларида шу масала юзасидан бўлган мунозарада унинг турли фалсафий жиҳатлари ҳакида ҳар хил фикрлар билдирилди¹.

Мунозара иштирокчиларидан бири Г.Д.Левин «...борликнинг тузилиши ҳақидаги диний билимни илмий гипотезаларга тенглаштириш мумкинми?» деган саволга «...диний қоида илмий гипотеза бўлиши мумкин эмас», деб жавоб берди². Тўғри, шу ерда мазкур мақола муаллифи: «...диний қоида илмий гипотеза билан рақобат қилиши, у билан тенг ҳуқукларга эга бўлиши мумкин», деб қўшимча қилган.

Мунозаранинг яна бир иштирокчиси М.О.Шахов юқорида кайд этилган муаммога қарама-қарши нұқтаи назардан ёндашади ва «дунё ҳақидаги диний билим, ғайритабийлик ва унинг дунёга таъсири тўғрисида сўз юритганда, реал ҳолатни муайян даражада акс эттириши, яъни ҳақиқий бўлиши мумкин»³, деган фикрдан келиб чикади.

Қизиқарли фалсафий тадқикот муаллифи В.С.Егоров ҳам шунга ўхшаш фикрга келади⁴. А.М.Ковалёвнинг «дунёнинг мақсадга муво-фикалиги ва гўзаллигини Худо эмас, балки мъянавий ва моддий асосларни ўз ичига олган моддий-мъянавий субстанция яратади», деган фикрига қўшилиб, В.Егоров шундай деб ёзади: «Бошқача килиб айтганда, бу ерда табиатнинг моддий ва идеал асослари ҳамма нарсанинг негизи, деган фикр илгари сурилмоқда. Бу бизнинг фикримизга тўла мос келади»⁵.

Шу сабабли кўриб чиқилаётган муаммонинг вазифаси муҳокама қилинаётган масаланинг у ёки бу томонига ўтиш эмас, балки дунёни билишга нисбатан шу икки қарама-қарши ёндашув оқибатлари мажмунини тушуниш ва фалсафий талқин қилишга уриниш ва шунинг асосида ушбу қарашлар абадий қарама-қарши ёки улар ўртасида дунёнинг келиб чиқиши ва моҳияти ҳақидаги қарашларда маълум даражада муросага келиш мумкин, деб хулоса чиқаришдан иборат.

¹ Вопросы философии. №11 – М., 2004. с. 65–88.

² Левин Г.В. Можно ли религиозное знание приравнять к научным гипотезам? Вопросы философии. №11. – М., 2004. с. 8.

³ Ўша ерда.

⁴ Егоров В С. Философия открытого мира – Москва-Воронеж, 2002. с. 15–22.

⁵ Ўша ерда.

Шу нүктаи назардан дин ва илк илмий билимлар қандай вужудга келгани, шакллангани, үзаро боглиқ булгани, кейинчалик эса – бирбиирин истисно этганини кузатиш мухимдир.

Ушбу мураккаб фалсафий муаммони тушуниш, илмий ва диний билимларнинг маълум қарама-қаршилиги сабабларини муайян даражада аниқ талқин қилиш учун мазкур икки дунёқараш вужудга келиши ва ривожланишининг айрим тарихий, ижтимоий, онтологик ва гносеологик илдизларини аниқлаш зарур.

Диний эътиқоднинг тарихий асослари тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, инсон, дин ҳимоячилари айтганидек, аввал диндор бўлганми ёки фан тарафдорлари қайд этганидек, дин унга анча кейин келганми, деган саволга жавоб топиш керак.

Ушбу саволга кўп сонли археологик топилмалар, қадимги одамлар ҳаёти ва турмушига оид тадқиқотлар деярли бир хил жавоб беради: ибтидоий одам онги диний эътиқодлардан мутлақо холи бўлган. Уларнинг онгига фақат ўз кундалик ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар акс этган. Дин куртаклари анча кейин, орадан бир неча ўн минг йил ўтгач, табиятнинг даҳшатли ҳодисалари олдида кўркув, очлик ва совук олдида ожизлик таъсирида шаклланана бошлаган.

Бизгача етиб келган илк маълумотлар қадимги одамларда ғайритабии нарсалар ва ҳодисаларга ишонч уларда мавхумлаштириш қобилияти шаклланиши билан пайдо бўлганини кўрсатади. Ушбу қобилият одамларда қўйи палеолитдан юкори палеолитга ўтиш даврида (30–40 минг йил муқаддам) пайдо бўлган. Шу даврда ҳозирги одам – *Homo sapiens* шаклланган, у 300–500 минг йил олдин яшаган *Homo habilis* (фаол одам) ўрнини эгаллаган.

Дастлабки одамлар ҳозирги давр одамларидан шакл-тамойилига кўра кескин фарқ қилган бўлсаларда, миясининг ҳажмига кўра ибтидоий одам юксак хайвонларда биздан жуда узок ўтмишда ҳам ўзи англамаган холда ижтимоий одам, ўз тарихининг субъекти сифатида гавдаланади.

Шу даврда ғайритабии нарсалар ва ҳодисаларга ишончнинг илк белгилари пайдо бўлган. Бунга одамларнинг ўша замондаги ўта оғир турмуш шароити ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. Мавхумлаштириш қобилиятининг шаклланиши шунга олиб келганки, ибтидоий одамлар ўз муваффақиятсизликлари ёки муваффақиятларининг сабабларини турли табиий ҳодисалар, одамларнинг тушлари, туғилиши ва ўлишининг ғайри табиий (сирли) кучлардан излай бошлаганлар. Шу тариқа қадимги одамларда аста-секин ғайри табиий нарсалар ва ҳодисаларга ишонч сажда қилиш пайдо бўлган ва вакт ўтиши билан у диний эътиқодга айланган (диннинг онтологик илдизлари).

Диний эътиқоднинг ижтимоий илдизлари тўғрисида сўз юритганда, улар ибтидоий жамоа ривожланишининг анча юкори босқичида шаклдана бошлагани ва инсон амалий фаoliyatining butun mажмуи, унинг ижтимоий муносабатлари мураккаблашуви жараённida амалга ошганини қайд этиб ўтиш мухим.

Бинобарин, диннинг вужудга келиши қадимги инсон ва унинг ақлзаковати ривожланишининг юкори даражаси, яъни назарий тафаккур куртаклари ва уни реал дунёдан узиш имконияти пайдо бўлган (диннинг гносеологик илдизлари) босқич билан боғлик.

Шундай қилиб, тадқик қилинаётган муаммо мазмунини ёритар эканмиз, биз бу ерда дунёнинг илоҳий келиб чиқишини рад этиш ёки тасдиқлаш ҳақида сўз юритилмаётганини, бу бутунлай бошқа илмий ва илоҳий муаммо эканини қайд этиб ўтмоқчимиз.

Бу ерда диндорлик инсонга азалдан хосми ёки у тарихий ривожланиши жараёнида ўзлаштирилганми, деган савол берилади.

Кўриб турганимиздек, тарихий, ижтимоий ва илмий асослар диндорлик тарихий ривожланиши жараёнида келиб чиқкан ва инсоннинг маънавий ривожланиши жараёнида шаклланган, деган фикрни тасдиқлайди.

Айни вактда, атроф олам ҳақидаги фантастик қарашлари билан бир каторда, инсоннинг ўз ривожланиши жараёнида ижобий билимлар ва кўникмаларни ҳам ўзлаштириб жамлаб борган.

Одамларнинг амалий эҳтиёжлари, турмуш шароитини яхшилашга интилиш уларни табиат билан курашибга мажбур қилган. Ушбу кураш жараёнида инсонда кузатиш ва тажриба ортиб борган. Табиат кучлари билан тўқнашган ва уларнинг кудратини ўзида ҳис этган одамлар табиий кучларнинг заарли таъсири сабабларини билмокчи бўлганлар, уларни бўйсундириш ва бошқариш мумкинми, умуман, борлиқ ўзи нима ва унда инсон қандай ўрин эгаллади, деган саволга жавоб излаганлар. Атроф-муҳитни синчилаб кузатиб, улар турли табиат ҳодисаларнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаганлар. Фаннинг илк куртаклари ана шундай пайдо бўлган. Милоддан бир неча минг йил муқаддам Бобил, Қадимги Миср, Ҳиндистон ва Хитойда одамлар осмон ва юлдузларни муттасил кузатиб борганлар, йил фасли ва кун қисмига қараб уларнинг манзараси ўзгаришига эътибор берганлар. Бу мамлакатларда ҳўжалиги ҳаёти аниқ тақвимга эҳтиёж бўлган. Экин мавсуми, ёмғирлар мавсуми қачон бошланишини билиш талаб этилган. Бу осмонда Ой, Куёш, юлдузлар ҳолатини кузатиш йўли билан аниқланган. Масалан, Мисрда экин-тиқин ишлари Нил дарёсининг тошиши тўхташи билан амалга оширилган. Мисрликлар Сириус юлдузи эрта тонгда шарқда пайдо бўлиши дарё тошишидан дарак беришини аниқлаганлар. Осмон жисмлари ҳаракатини ўрганиб, одамлар минг йиллар муқаддам тақвимлар тузишни, қуёш ва ой тутилишини башорат қилишни ўргангандар.

Бир неча минг йиллар олдин инсон илк илмий билимларни туплай бошлаган. Қадимги Миср ва Бобилда, Ҳиндистон ва Хитойда математика ва астрономия, кимё ва тиббиёт вужудга келган. Ўша даврда механика ва агрономия куртаклари ҳам пайдо бўла бошлаган.

Бу ерда диний таълимотларнинг вужудга келишида ҳам, илк илмий билимларнинг шаклланишида ҳам коҳинларнинг тарихий ролини қайд этиб ўтиш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Коҳинлар Қадимги дунё-

нинг архаик динларида факат диний расм-руsumларни бажо келтириш билан шуғулланган, деган фикрга улар астрономия, математика, геометрия, тиббиёт, зироатчилик асослари ҳамда қадимги одамларнинг бошқа айrim билим соҳаларида илк илмий қарашларнинг шаклла-нишига анча катта ҳисса қўшганини қайд этиб ўтиш керак.

Шу нуқтаи назардан коҳинлар инсон билимининг диний ва илмий қарашларини янада ривожлантирган тармоги – фалсафанинг вужудга келиши омилларидан бири бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Илмий ва диний билимларнинг ушбу синтези Қадимги дунё мутафаккирларининг фалсафий қарашлари ва таълимотларида айниқса ёрқин намоён бўлди. Масалан, Платонда дунёнинг вужудга келиши муаммоси биринчи сабаб, яъни Олами яратувчиси билан боғланади. Аммо бу унга ўз диалектик таълимоти асосларини таърифлашга монелик қilmади. Унда буюк файласуф факат диалектик метод барча фаразларни биринчи асосга боғлашини қайд этади.¹

Аристотелда диний ва илмий билим синтези янада аникроқ намоён бўлди. Худога эътиқод буюк мутафаккирга кўп сонли илмий таълимотлари ва изланишларида монелик қilmади, балки кўп жиҳатдан ёрдам берди: «Худо – ўзини ўзи фикрлайдиган ақл-заковат... ва унинг фикри тафаккур ҳақидаги фикрdir».

Шунга ўхшаш манзарани биз Марказий Осиёнинг буюк файласуфлари Форобий ва Абу Али ибн Сино таълимотларида ҳам кузатамиз. Улар илк ўрта асрларнинг бошқа арабийзабон мутафаккирлари билан бирга илмий ва диний билимлар муштарак бўлган фалсафий таълимот – *фалсафани яратдилар*.

Аристотелнинг издошлари ва шархловчиларидан бири – Форобий таълимоти бунинг ёрқин мисолидир. У эманация ҳақидаги таълимотни, яъни борлик муаммосини ҳал этишда «вужуди вожиб» ва «вужуди мумкин» ўзаро нисбатига мурожаат қилиш анъанасини таърифлаб берди.³

Шундай қилиб, билим ва эътиқод, фан ва диннинг тарихий ривожланишида уларнинг ўзаро нисбати тўғрисида фикр юритар эканмиз, дастлабки илмий билимлар факат одамларнинг кундалик амалиёти ва тафаккури таъсирида эмас, балки маълум даражада коҳинларнинг илк таълимотлари таъсирида ҳам шаклланган, деган холосага келишимиз мумкин. Кейинчалик фан ва диннинг ажралиши рўй берди, бу жараён XIV–XVI асрларда айниқса кескин тус олди (олимлар қувғин қилинди, инквизиция гулханида куйдирилди, черковдан четлатилди ва х.к.), фан ва дин икки муросасиз лагерга ажралишига олиб келди.

¹ Фалсафа Комусий лугат Т., 2004, 326-б

² Ўша ерда

³ Ўша ерда, 431-бет

13.2. Дунёнинг ҳозирги илмий ва диний манзараси

Фан ва илмий билимлар, уларнинг келиб чикиши ва моҳияти масалалари курсимизнинг дастлабки мавзуларида маълум даражада тўлиқ баён этилгани учун ҳозирги шароитда фан ва диннинг ўзаро муносабати, ҳозирги дунёнинг умумий манзарасида уларнинг роли ҳақидаги муҳим масалаларга тўхталиб ўтамиш.

Бугунги кунда фан ва дин дунёнинг таркибий қисми, ягона манзарасини ташкил этса-да, методология ва дунёқарашиб соҳаларида улар ўртасида сакланаётган тафовут оламни тушунишга икки хил ёндашув фан ва динни бир-бирини истисно этувчи икки дунёқарашиб ажратсада, бу икки дунёқарашиб ўртасида, таъбир жоиз бўлса, гўёки сулҳ тузилгандай.

Хўш, бунга улар қайси йўлдан келдилар? Бу икки дунёқарашиб ўзаро тил топиши, муросага келиши мумкинми? Уларни кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

Дин дунёқарашиб тарзида шаклланиш жараёнида бир қанча боскичларни босиб ўтди. Уларнинг асосийлари куйидагилардир:

а) *дин пайдо бўлишидан олдинги давр*. Бу даврда қадимги одам ўзини табиатдан ажратмаган, абстракт фикрлашга ҳали яхши мослашмаган ва шу сабабли унда дин пайдо бўлиши эҳтимоли кам бўлган;

б) *дин вужудга келган давр*. Инсонда абстракт фикрлаш қобилияти шаклланиши, гайритабиий нарсалар ва ҳодисаларга ишонч пайдо бўлишининг дастлабки боскичи билан боғлик. Илк эътиқод шакллари ўта примитив, чунончи: ҳайвонлар, ўсимликлар, Ой, Куёш, табиий ва ижтимоий ҳодисаларга сигиниш билан боғлик бўлган;

в) *цивилизация вужудга келишидан олдинги давр* ёки синфсиз жамиятнинг диний дунёқараши. Бу даврда диннинг қуйидаги қадимги шакллари кенг таркалган: тотемизм (муайян нарса ёки табиий ҳодисага сигиниш); фетишизм (жонсиз нарсага сигиниш); (магия) сехр-жодуга сигиниш; анимизм (рухга сигиниш); аждодлар рухига сигиниш ва ҳ.к.;

г) *глобализациядан олдинги давр* дини ёки синфий жамият динлари. Бу кўп худоликдан якка худоликка, маҳаллий чекланган динлардан мингака даражасидаги ва дунё миқёсидаги динларга ўтиш даври, зардуш-тийлиқдан христианлик ва исломгача бўлган давр;

д) *ҳозирги замон динлари*. Уларнинг дунёқараши ҳақида сухбат ҳали олдинда.

Фан ҳам ўз шаклланиши ва ривожланиши тарихида шунга ўхшаш мураккаб ва машакқатли йўлни босиб ўтди.

Юқорида кайд этиб ўтганимиздек, илмий билимнинг ilk кўришилари қадимги жамиятларда ёк пайдо бўла бошлади. Бу ҳали фан эмас, ҳатто ilk фан ҳам эмас, балки анча аниқ билимлар эди. Улар дастлаб коҳинлар томонидан тўпланиши ва йил фаслларини ҳисоблаш, қишлоқ хўжалигини юритишнинг зарур шартлари бўлиб хизмат килди. Бу ерда шу нарса дикқатга сазоворки, ilk илмий билимлар диний манбалардан олинган, чунки Қадимги дунёда черков ҳокимияти айнан авлоддан-авлодга ўтувчи ибодатхона коҳинлар кўлида бўлган.

Илмий билим ривожланишининг иккинчи босқичи фалсафанинг вужудга келиши билан боғлиқ. XVII–XVIII асрларда рўй берган илмий инқилобга қадар илмий билимлар фалсафа тизимида ривожланди.

Ниҳоят, фан тараққиётидаги учинчи босқич унинг фалсафадан ажралиши ва фан сифатида ривожланиши билан боғлиқ (XVIII аср охири ҳозирги давр). Ушбу босқичда фанда бир канча сифат ўзгаришлари рўй берди. Бугунги кунда у қаршимизда ўзининг инсонпарварликка йўналтирилган постноклассик қиёфасида намоён бўлаётгир.

Бу ерда икки дунёқарашнинг ўзаро қарама-қаршилиги муаммоси биринчи ўринга чиқади. Аммо ҳар қандай диалектик қарама-қаршилилк уларнинг нисбий бирлигини ҳам такозо этгани учун ҳам бу икки дунёқараш ривожланишининг баъзи бир жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Маълумки, дунёқараш ижтимоий борлиқ инъикоси, одамлар ишлаб чиқариши жараёнида юзага келадиган моддий ижтимоий муносабатлар мажмуудир. Шу сабабли биз муайян дунёқарашда дуч келадиган барча қарашлар замирида одамлар ҳётидан олинган материал ётади; уларда борликка бевосита боғлиқ бўлмаган, уни акс эттирмайдиган хеч нарса йўқ. Аммо дунёқарашда ана шу нарсаларни акс эттириш шакли ҳар хил бўлиши мумкин.

Илмий дунёқараш борлиқни амалда қандай бўлса, шундай акс эттиришни ўз олдига мақсад килиб кўяди. Дунёнинг тузилиши ва унинг ривожланиш қонуниятлари ҳакидаги қарашлар мажмуи илмий дунёқарашнинг мазмунини ташкил этади. Диний дунёқарашда ҳам одамларнинг дунёвий ҳёти акс эттирилади, аммо дин борлиқни бошқача шаклда акс эттиради. Диний дунёқараш дунёни мавжуд ва яратилганга ҳаёлий ажратади, бунда дунёвий кучлар илохий шакл касб этади. Диний образлар ва қарашларда одамлар ўз орзулари, сезгилари, интилишларини акс эттиради. Улар ўзларининг соғ инсонга хос хусусиятларни ва одамларнинг ижтимоий ҳётига мос бўлган муносабатларни улар беихтиёр ўзларини қуршаган табиат оламига кўчиради. Фан эса мутлако бошқа – реал дунёни ёритади. Мисол учун, фаннинг микродунёга кириш жараёнини олайлик. Олимлар томонидан аникланишича, дунёда атомларнинг ўнлаб, юзлаб турлари мавжуд ва улар бир-биридан нафақат оғирлиги, катта-кичиклиги билан, балки бошқа зарралар билан кимёвий биринишга қодир бўлган кимёвий хоссаларга эгалиги билан ҳам фарқ қиласди. XIX аср охири XX аср бошида фанда вакт ўтиши билан парчаланадиган радиоактив атомлар топилди. Атомларни ҳам бўлиш мумкинлиги, чунки улар модданинг бошқа, янада кичикроқ зарралари – электронлар, протонлар ва нейтронлардан ташкил топиши аникланди.

Шундай қилиб, фаннинг бир неча асрлик тараққиёти давомида атомлар ҳакидаги таълимотда катта ўзгариш рўй берди. Аммо бу ўзгаришлар таълимотнинг ўзини инкор этмади, балки уни янги-янги билимлар билан тўлдирди, чукурлаштириди. Қадимги атомистлар атомнинг ички тузилишини аниклаш учун уни ичдан тадқик қилиш имкониятига эга эмас эди. Қадимги давр олимлари факат атомистика асоси-

ларини яратди ва бу таълимот кейинчалик аста-секин ривожлантирилди.

Деярли ҳар қандай илмий концепция ана шундай ривожланади. Ҳали тұлық ва аниқ бұлмаган дастлабки билимлардан у аста-секин шунга қараб борадики, бизнинг муайян табиий ҳодиса ҳақидаги билимларимиз янада чукурлашади, аниклашади ва кенгаяди, чунки фан эскирган қарашлардан воз кечишдан күркмайди.

Илмий дунёқарааш атроф оламни билиш, яъни борлық инсон онгыда тұғри ва теран акс этиши мумкинligини тан олади. Шусиз инсон үз турмуши шароитларига мослаша олмаган, борлықни үзи учун маңқул йұналишда үзгартыролмаган бұларди. Одамларнинг атроф олам ҳақидаги билимларининг ҳақиқийлиги тажрибада текширилади ва тасдиқланади ёки рад этилади. Бунда ҳақиқат тагига чексиз билиш жарайёнида зришилади, бунда инсон борлықнинг тұла ва мұкаммал инъикосига, яъни мутлақ ҳақиқатга тобора яқынлашиб боради.

Диннинг айрим ашаддий тарафдорлари илмий дунёқарааш ҳақида у үзини үзи инкор этади: бир томондан, у инсон борлықни билади, деб қайд этади, иккінчи томондан эса, инсон ҳеч қағон борлықни мұкаммал била олмайды, дейишлари мүмкін. Айни ҳолда биз диалектик қарама-қаршиликка дуч келамиз. Биринчидан, илмий дунёқарааш инсон муайян мутлақ ҳақиқатларни (хусусан, материя объектив тарзда, яъни онға боғлық бұлмаган ҳолда мавжудлигини, материя бирламчи, онг эса – иккіламчи эканлигини, дунёни билиш мумкинligини ва х.к.ни) билишини инкор этмайди.

Иккінчидан, инсон дунёни бирийде тұлық акс эттириш имкониятига зға әмаслигига қарамай, у дунёни қысмларга бұлиб, аста-секин билади. Нисбий ҳақиқатни билиш асносида у мутлақ ҳақиқатнинг ҳам тагига етади, чунки мутлақ ҳақиқат нисбий ҳақиқатлар йигиндисидан ташкил топади ва шу сабабли ҳар бир нисбий ҳақиқат замирида мутлақ ҳақиқатнинг бир улуши ётади.

Илохиётчилар билишнинг иккى объектини фарқлайдилар: биринчидан, бу «Худога аён ҳақиқатлар»ни билиш ва иккінчидан, моддий дунёни билиш. Биринчи билиш объектининг манбаи Худо юборган вахий бұлиб, у «мұқаддас китоблар», авлиёларнинг тушларida үз аксини топади. Вахийни идрок этиш, унда яшириңган маңноларни топиш асносида одамлар ҳақиқат тагига етадилар ва улардан диний таълимот шаклланади. Дин ҳимоячиларининг бир қисми диний билиш объектлари, яъни гайритабиий нарсалар ва ҳодисалар маълум нұкталарда моддий дунёни билиш соҳаси билан кесишиши мумкинligини қайд этадилар. Бундан хулоса шуки, бир соҳани билиш иккінчи соҳани билиш орқали амалга ошиши мүмкін. Хусусан, Худо юборган вахийда намоён бўлган моддий борлық манзарасини үрганиш асносида инсон үзини куршаган моддий дунёни ҳам билади. Шундай қилиб, дин табиат ва ижтимоий ҳаётни бевосита эмас, балки билвосита, яъни Худо орқали, у юборган вахийни үрганиш орқали «тадқиқ қиласи». Дунёни, моддий объексларни бевосита билиш масаласига келсак, дин

нұқтаи назаридан, инсон моддий дунёни билишга ожиздир. У үзининг бу ниятини фақат Худонинг изми билан ва фақат унинг ёрдамида амалга ошириши мумкин. «Черков оталари»дан бири авлиё Августин тақидалаганидек, «барча билимларни Худо вахий орқали юборади, инсон тафаккури ҳақиқатни Худодан олади».

Инсоннинг моддий дунё ҳақидаги билимлари дин учун илгари унчалик қимматга эга эмас, умуман олганда, кераксиз деб қарап эди. «Исо Масихдан кейин бизга қизиқиш билимга интилишнинг кераги йўқ; Инжилдан кейин бизга хеч қандай тадқиқот керак эмас», деган эди христианликнинг таникли арбоби Тертуллиан. «Сирли нарсани қидирма, муқаддас нарсан тадқиқ қилма», «Билимни кўпайтиранг - қайғуни оширасан», деб огохлантиради Инжил. Аммо тарихий жараён ва унинг асносида фан обрусиининг ошиши ҳозирда дин ҳимоячиларини илмий билишга нисбатан ўз муносабатини қайта кўришга мажбур қилаёттир. Бугунги кунда айрим илоҳиётчилар илмий ғояни қуидагича тавсифламоқдалар: инсон табиат сирлари моҳиятига чукур кириб борса, у Худонинг борлигини тасдиқловчи далилларни шунча кўп топади. Уларнинг фикрига кўра, табиатни Худо яратган, бино-барин, табиатни билиш асносида инсон маълум даражада Худонинг ўзини ҳам билади, унинг заковати, қурдатини англайди.

Илмий дунёкараш борлиқни акл-идрок нұқтаи назаридан тушуниришга таянади. «Хатто табиатда, моддий дунёда ҳам инсон акл-идрок нұқтаи назаридан унга бемаъни бўлиб туюладиган ҳодисаларга дуч келади, рух дунёсида акл-заковатга таянуви тафаккурнинг чекланганлиги намоён бўлади», деб қайд этади ҳозирги замон илоҳиётчиларидан бири. Кўриб турганимиздек, айни ҳолда илоҳиётчилар мутлақо ҳар хил нарсаларни аралаштиришга ҳаракат қиласидар. Гап шундаки, фан дуч келадиган борлиқ ҳодисаларининг «абсурдлиги» вактингчалик хусусиятга эга. Инсоннинг дунё ҳақидаги билимлари чуқурлашиши пировард натижада, ушбу ҳодисаларнинг ҳақиқий ва табиий сабаблари аниқланишига олиб келади.

Илмий билим ва диний эътиқод ўртасида кўп асрлардан бери кескин мунозара давом этмоқда. Айни вактда, дин ҳам, фан ҳам, ҳар бири алоҳида, одамларга атроф олам ҳақидаги қарашларнинг муайян мажмуини беради, инсоннинг бу дунёдаги ўрнини белгилайди, уни талқин қиласи ва унга баҳо беради. Қарашларнинг бундай мажмуи ёки дунёкараш, инсоннинг нарсалар ва ҳодисаларга муносабатини белгилар экан, инсон ҳаётининг барча томонларига, унинг маънавий эҳтиёжларига (баъзан жуда жиддий) таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Оlam тузилиши ҳақидаги диний таълимотнинг ўзига хослиги шундаки, у антропоцентрик хусусиятга эга. Антропоцентризм (юонон. антропос – «инсон») инсон – Худо яратган энг мукаммал мавжудотларнинг гултожидир. Унинг пировард максади, Худо дунёдаги барча нарсаларни инсон учун яратган, деган ғоядан келиб чиқади.

Диний антропоцентризм геоцентризм билан бевосита боғлиқ. Геоцентризм таълимотига кўра, одамлар яшайдиган жой – Ер Оламнинг

марказидир. «Инсон Худо учун, унга хизмат қилишга яратилгани каби, Олам ҳам инсон учун, унга хизмат қилишга яратилган; шу сабабли инсон Олам марказига жойлаштирилган», деб ёзган эди ўрта аср илохиётчиларидан бири. Ҳаракатсиз бўлган ана шу «марказ» атрофида осмон жисмлари ҳаракатланади.

Илохиётчилар асрлар мобайнида геоцентризмни – Олам ҳақидаги нотўғри қарашни тарғиб қилиб ва каттиқ химоя қилиб келдилар. Маълумки, геоцентристик қарашлар узоқ ўтмиш даврларда вужудга келган ваэнг аввало, олис аждодларимиз билим даражасининг етарли эмаслиги билан боғлик бўлган. Узок ўтмишда инсон факат ўз кўзи билан кўрган кичкина оламнингина билган. Олам ҳақидаги барча илк қарашларда Ер дунёнинг маркази деган фикр ўз ифодасини топган. Осмон-чи? Уни ўрганиш имконияти мавжуд бўлмаган ва одамлар осмон «осий ер»га ўхшамайдиган бошқа олам, Ҳудолар яшайдиган абадий, ўзгармас ва такомилига етган олам, дегувчи диний қарашларга ишонгандар.

Юлдузли коинот ҳақидаги илмий маълумотларнинг ривожланиши инсоннинг ўзини қуршаган оламга юз тутишига туртки бўлди.

Диний таълимотга қарама-қарши ўлароқ, илмий дунё қараш вакт ва фазода муайян конунларга кўра ривожланадиган материядан бошқа дунё мавжуд эмаслигини, бу дунёда хеч қандай гайритабиий, номоддий кучлар йўклигини, унда нимаики мавжуд бўлса, ҳаммасини ҳаракатланувчи материя туфайли вужудга келганини исботлашга ҳаракат киласи. Ердаги турли жисмлар таркибини ўрганган, олимлар барча нарсалар, буюмлар, организмлар оз сонли оддий моддалар – кимёвий элементлар: кислород, азот, углерод, фосфордан таркиб топганини аникладилар. Бир-бири билан ҳар хил уйгунилкда бирикиб, улар ранг-баранг дунёни ҳосил қиласи. Табиатнинг жонсиз жисмлари ҳам, барча тирик организмлар ҳам айни бир моддалардан таркиб топади, чунки тирик организмлар билан жонсиз табиат ўртасида ўтиб бўлмайдиган чегара мавжуд эмас. Үсимликлар ва ҳайвонларнинг яшаш шароитлари, озиқланиши улар яшайдиган мухит билан белгиланади. Жонли дунё жонсиз табиат орасида мавжуд бўлади ва у билан яқин алоқада ривожланади.

Оламнинг бошқа самовий жисмлари табиати ҳақида ҳам жуда кўп аниқ, ишончли маълумотлар олинган. Вакти-вақти билан Ерга «осмон тошлари» – космик модда бўлаклари – метеоритлар тушади. Ушбу тошларни тадқиқ қилиш нафакат уларнинг таркибида номаълум Кимёвий элементлар йўклигини, балки улар ўз таркибига кўра ер жисмларига ўхшашлигини ҳам кўрсатади. Ер ва бошқа сайёralарни ўз ичига олган Куёш системаси улкан юлдузлар системаси – галактика-нинг кичик бир қисми, холос. Олимларнинг ҳисоблашича, ушбу галактикада 100 млрд.дан кўпроқ юлдузлар бор. Куёш, юлдузлар ва кометаларнинг кимёвий таркибини ўрганиш ҳам дунёнинг моддий жихатдан ягоналигини тасдиқлайди. Ердаги жисмлар ҳам, барча осмон жарти ҳам айни бир кимёвий элементлардан таркиб топган.

Масалан, Қуёшда водород, гелий, углерод, натрий, темир ва бошка элементлар топилди. Юлдузлар ва Қуёш системасидаги сайёralар ҳам ана шу элементлардан таркиб топган. 2003 йил охири 2004 йил бошларида АҚШ ва Европадан учирилган космик аппаратлар – марсоходлар ҳам шундан далолат беради. Ушбу тадқиқотлар Ер ва Марс кимёвий элементлари, моддаларнинг физик тузилиши бир хил эканини кўрсатди ва Марсда собиқ, балки ҳозир ҳам мавжуд бўлган примитив ҳаёт изларини топиш бўсагасида турибди.

Шундай қилиб, дунёнинг ҳозирги манзараси ягона, яхлит эмас, балки кўп сонли таркибий қисмлар мажмуи бўлиб, улар орасида дунёнинг сиёсий ва диний манзаралари айниқса бўртиб кўриниб туради, фан эса сояда унча кўзга ташланмайди. Аммо бу ерда бизга улкан муз тоғнинг чўққисигина кўринади. Ваҳоланки, унинг сув остидаги жуда катта қисми фан-техника тараққиёти тизимида фаол иштирок этмоқда, сайёрамизнинг одатдаги қиёфасини тубдан ўзгартироқда, глобализация жараёнининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари билан қўркитмоқда.

Шу сабабли ҳозирги дунё ривожланиши объектив жараёнининг ўзи жамият ҳаётининг маънавий ва илмий томонларини яқинлаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани кўндаланг қилиб қўйди.

13.3. Билим ва эътиқод: қарама-қаршиликнинг давомими ёки келишувими?

«XX асрнинг охири ажойиб илмий кашфиётлар асли, инсоннинг Коинот сирлари қўйнига кириб бораётган аср, ахборот ва ғоят улкан техникавий имкониятлар асли бўлди. Шу билан бирга у канчалик гайри оддий бўлмасин, диний қадриятларнинг уйғониши даври, вазмин, беҳуда уринишлардан холи бўлган диний маънавиятга ўзига хос тарзда қайтиш даври бўлиб қолди»¹.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ушбу пурмаъно сўzlари мингйилликлар чегарасида кишилик жамиятининг тараққиётини, қарама-қаршилик эмас, балки муросага келиш, мураккаб масалалар ва муаммоларни тинч йўл билан баҳамжиҳат ҳал қилишга интилиш ҳозирги бизнинг нотинч давримиз одамлари ўртасидаги муносабатлар негизига айланиши кераклигини тавсифлайди.

Шу муносабат билан фан ва дин ривожланишининг ҳозирги босқичда уларнинг ўзаро нисбатини ўрганишнинг фалсафий асослари билан боғлик бўлган камида иккита муаммони кўриб чиқиши ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

Биринчидан, фан ва дин бир-бирига зидми, одамлар ижтимоий онгининг доим бир-бирига қарши курашувчи шаклларими?

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997 33-б.

Иккинчидан, фан-техник тараққиётининг ҳозирги босқичида диний ва илмий билимнинг яқинлашиш жараёни тарихий зарурият хисобланадими?

Биринчи масалани ёритиш борасида, шуни қайд этиш керакки, ушбу муаммо муросасиз бўлиб туюладиган иккى қарашни бир-бирига аниқ қарши қўйишни тақозо этади. Аммо бу факат бир қарашда халос...

Бу ерда бир жиҳатни аниқлаб олиш керак: айни ҳолда эътиқод ва билим, шу жумладан, илмий билимнинг ўзаро нисбати түғрисида сўз юритиляптими ёки бу ерда диний билим билан илмий билимнинг ўзаро муносабати қондага айлантириляптими?

Биринчи ҳолда Худога сидқидилдан эътиқод қилиш, мисол учун, немис олим Иоган Кеплернинг (1571–1630)га астрономия соҳасида оламнинг тузилиши ҳақидаги илоҳий таълимотларга мос келмайдиган бир канча муҳим қашфиётлар қилганидан кейин ҳам: «Фан оркали осмонга кўтарилиш имкониятига эга одам накадар баҳтли! У ерда у Худо ижодининг энг олий натижасини кўради», деб хитоб қилишди. Ҳорун ар-Рашид (763–809) ҳақида ҳам жуда кўп мақтov сўзлари айтиш мумкин. Маълумки, «Оллоҳнинг ердаги сояси» ҳисобланган халифа Ҳорун ар-Рашид ва унинг ўғли халифа ал-Маъмун фанни юксак баҳолаган, олимларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаган, улкан кутубхоналар ташкил этган. Уларнинг даврида Араб халифалигида фан гуллаб-яшнаган, ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино каби буюк алломалар довруғи оламга кетган.

Иккинчи ҳолда бошқача ёндашувга қатъий амал қилиш керак: дунёнинг пайдо бўлиши, объектив борлиқнинг вужудга келиши ёки абадий мавжудлиги ва ривожланиши муаммоларини тушунишда илоҳий (диний) ва табиий илмий қарашлар ўзаро мос келадими?

Бу ерда ҳозирги замон фалсафий тафаккури мазкур муаммога ҳар хил, баъзан қарама-карши нуқтаи назардан қарайди. Айни ҳолда яна бир муҳим жиҳатни аниқлаб олиш керак. Айрим фалсафий мулҳазаларда муайян муаммо моҳиятининг ўз фалсафий талқинини гўёки тасдиқланган илмий маълумотлар билан мустаҳкамлашга уриниш кўзга ташланади, ҳолбуки, амалда улар факат ҳақиқатнамо фаразлар ҳисобланади ва келгусида улар абадий шундай бўлиб қолиши ёки соҳталаштирилиши мумкин.

Буни биз мисолларда кўриб чиқайлик. Дунё пайдо бўлишининг онтологик моҳиятини ёритар экан, россиялик файласуф М.О.Шахов: «Модомики, Худонинг йўқлигини илмий асослаш мумкин эмас экан, диний билимда ифодаланган Худонинг борлиги ҳақидаги фараз ҳақиқий бўлиб чиқиши мумкин»¹, деб қайд этади.

Яна бир мисол. В.С.Егоров дунёнинг онтологик негизини тадқик қилар экан, антиматерияга фалсафий тушунча деб қарайди ваайни

¹ Шахов М.О. Религиозное знание, объективное знание о религии и науке / Вопросы философии. №11. 2004. с. 68-.

ва охирига, бутун борлиққа ва унинг биринчи асосиға муносабатига боғлаб тадқик қиласди.

Мисол учун, инсоннинг келиб чикиши ҳакидаги диний таълимотни оламиз ва уни илмий таълимотга солиштирамиз. Агар уларни айни бир, бир хилда таърифланган саволга икки ҳар хил жавоб деб тушунадиган бўлса, улар айни бир ҳодисалар соҳасининг икки ҳар хил назарияси ва улар ўртасида чексиз қарама-каршилик мавжуд. Лекин амалда бундай эмас; иккала таълимотда ҳам айни бир нарса ҳакида эмас, балки ҳар хил нарсалар тўғрисида сўз юритилади; фан инсоннинг «нисбий келиб чикиши нисбати» ҳакида, яъни бошқа, оддий организмларга биологик жиҳатдан боғлиқлиги ҳамда ижтимоий ташкилот тўғрисида сўз юритади, дин эса – инсоннинг азалий келиб чикиши, уни Худо яратгани тўғрисида сўз юритади. Дин инсонни бутун ҳайвонот дунёсидан фарқ қиласидиган олий мавжудот деб, уни Худо ўзига ўхшатиб яратган деб кўрсатади. Айтиш мумкинки, дин бизга инсон келиб чикишининг тарихий моҳиятини эмас, балки унинг ўзгарувчан моҳиятини ёритиб беради. Илмий қарашлар эса ўзгариши мумкин ва улар мукаррар тарзда ўзгариши ва ривожланади, бугун бизга исботланган ва рад этиб бўлмайдигандек туюлган нарса юз йилдан кейин бизнинг ҳозирги соддалигимизни кўрсатиб, кулиб эслашга сабаб бўлар.

Иккинчи муаммони ёритишга ўтишдан олдин, энг аввало, нима учун одамлар Худога ишонади, нима уларни бунга мажбур қиласди ёки ишонтиради? деган саволларга жавоб топиш керак. Шуни очик айтиш керакки, ҳозирги шароитда ушбу жараёнда рухонийлар, масjid үнчалик мухим рол ўйнамайди. Шунга қарамай, жуда кўп одамлар ўзлари Худога интилмокдалар. Кўпчилик, лекин ҳамма эмас. Динга юз тутганлар орасида сиёсий ёки бошқа кучлар таъсирида ҳаракат килаётганлар ҳам, ҳозирги «мода»га берилганлар ҳам, катордан четда қолмаслик, «даҳрий» деган ном олмаслик учун шундай килаётганлар ҳам бор. Асрлар мобайнида, оғир синовлар даврида, чунончи: уруш, юқумли қасаллик, табиий оғатлар рўй берган йилларда, баъзан эса бошига мусибат тушган ва ўзи ёлғиз колган пайтларда инсон инстинктив тарзда худодан кўмак излайди ва дастлаб ҳатто уни ўйламай унга интилади. Ҳозирда мавжуд диний тизимларнинг аксарияти ижтимоий, сиёсий тангликлар, инқирозлар, урушлар ва фалокатлар даврида шакллангани бежиз эмас.

Дунёнинг ҳозирги манзараси табиат ва жамият ҳакидаги қарашлар ва таълимотларнинг ҳамда оддий, диний ва илмий дунёкарош доирасидаги тафаккурнинг яхлит тизими, сиёсий, мағкуравий, қуролли тўқнашувлар тизими демақдир. Аммо ушбу ранг-баранг ҳодисалар орасида инсониятнинг глобализация сари ҳаракати умумий йўналиши кўзга ташланади. Ақлий тафаккур босқичи (фан-техника тараққиёти) ва маънавий-ахлоқий (жумладан, диний) асос ушбу йўналишнинг икки томонидир. Мазкур қарама-каршиликларни бирлаштирувчи, боғловчи бўғин фалсафа бўлиб, буни чизма кўринишида тахминан шундай ифодалаш мумкин:

Дин

— Дин
фалсафаси

— Фалсафа

— Фан
фалсафаси

— Фан

Дунёнинг умумий манзарасида марказий ўринни эгаллашга даъвогар бўлмаган ҳолда, фалсафа, кўриб турганимиздек, ушбу икки Дунекарааш: инсон ақл-заковати ва эътиқоднинг фалсафий ва методологик асосини белгилайди ва дунёқарашининг ўзагини ташкил этади.

Дунёни умумий билишда фан ва илмий билимлар роли олдинги мавзуларда акс эттирилгани учун, бу ерда фан ва дин ўзаро муносабатининг ҳозирги ҳолатини кўрсатувчи жиҳатларнигина кўриб чиқишида давом этамиз.

Худо, Инжил (Куръон), Муқаддас китоб (Калом) каби тушунчаларни диннинг асосий тушунчалари тарзида қолдирган ҳолда, дин фалсафаси эътиқод ва билим, дин ва фанни уйғунлаштириш ғоясига яқинлашмоқда.

Якиндагина тугаган XX аср тарихида ғарб диний фалсафасида неотомизмни (Ж.Маритең, Э.Жильсон), креационизм (дунёни Худо йўқликдан яратгани ҳақидаги диний таълимот)нинг замонавий кўринишларини, диний экзистенциализмни (М.Бубер, Г.Марсель) қайд этиш мумкин.

Чунончи, неотомизм фалсафасида фанни илохиёт билан бирлаштириш зарур, бунда фалсафа уларни боғловчи кўпприк бўлиб хизмат килади, деган фикр тарафдорлари кўпайиб бормоқда. Агар илохиёт неотомистлар таъкидлашича осмондан ерга тушса, фалсафа (фан) дунёвийдан илохий сари юксалиши ва пировард натижада, илохиёт билан бир хил хуласаларга келиши керак.

Ҳозирги кунда динга қизиқиши тиклаш зарурлиги ҳакида муқаддам кўтарилиган масалани давом эттириб, бизга яқинроқ дин – Исломга эътиборимизни қаратамиз.

Кўп сонли сиёsatчилар, олимлар, публицистлар ушбу ҳодисани ҳар хил ном билан, чунончи: «ислом ренессанси», «исломга қайтиш», «ислом-нинг тикланиши» деб атамоқда.

Ўзбекистон Президентининг сўзлари билан айтганда, дин, шу жумладан, ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганингидан далолат беради. Жамият маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, ҳамма учун мажбурий хулк-атвор коидаларига айлантирган, маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг чекланганлик ва бошқалардан бегонасирашни енгиб баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда¹.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик ништлари, тараккиёт кафолатлари – Т., «Ўзбекистон», 1997. 34-б.

2003 йилда татар ёшлари ўткасига ўтказилган социологик тадки-
қотлар ислом одамларга, шу жумладан, ёшларга катта таъсир кўрса-
таётганини яна бир карра тасдиклади. Сўров натижаларига кўра, татар
ёшларининг 80 %дан кўпроғи ҳатто татар тилини яхши билмайдиган-
лар ҳам ўзини мусулмон деб хисоблайди².

Шу муносабат билан бошқа бир савол туғилади: христиан (асосан
католик) динида бўлаётганидек, ислом ҳам янгиланиш, такомил-
лашиб, фанга ва илмий билимга юз буришга қодирми?

Ислом динининг ривожланиши тарихидан маълумки, ушбу дин,
баъзи бир ҳоллардан ташқари, ҳеч качон фанга Ғарбдагидек қаттиқ
карши турмаган. Шундай давр ҳам бўлганки, фан Шарқ илохий та-
факкури таркибиға кирган (фалсафа, тасаввуф). Аммо кейинчалик бир
қанча тарихий сабабларга кўра ислом илмий тафаккури ўз ривож-
ланиш суръатини секинлаштирган. Ҳатто бугунги кунда ҳам мусулмон
мамлакатларида фундаментал илмий қашфиётлар қилинаётгани, юксак
технологиялар ихтиро этилаётгани йўқ. Бу ерда замонавий техника ҳам
жуда кам ишлаб чиқарилади.

Аммо ҳаёт ислом оламида ҳам тўхтаб колгани йўқ. Ислом янги-
ланишга қодирми, деган масала илохий соҳасидаги мунозаралардан
сиёсий амалиёт соҳасига ўтганига кўп бўлди. Исломга янгича қараш –
тафаккур гарови, деб ёзди таникли олимлар гурухи БМТ Таракқиёт
дастури доирасида эълон килинган Араб дунёсида инсон тараққиёти
ҳакидаги маърузасида. Исломга янгича қараш, ислом динини модер-
низация қилиш бугунги кунда мусулмон дунёсини демократ-лашти-
ришнинг бош шарти, халқаро терроризмга қарши курашнинг муҳим
омилига айланмокда.

Шу ерда ислом илоҳиётчилари, шу жумладан, ҳозирги илоҳиёт-
чилар ҳам унутган (ёки эътиборга олмайдиган) ислом ва билим (фан)
ўзаро нисбати мезонини элаш ўринли бўлади деб ўйлаймиз. Ушбу
мезонга кўра, билим олиш ҳар бир мусулмон учун фарзdir. Муҳаммад
алайхиссалом: «Ҳамма нарсанинг ўз йўли бўлади. Жаннатга йўл эса
билим орқали ўтади», деб уқтиради. Ўзини, атрофидаги дунёни,
Оlamни билишга интилиш ҳакиқатни, яъни Оллоҳнинг ўзини билиш
демакдир. Ҳар қандай фан, билим Худо сари ташланган қадамdir:
«Кимки фанни бошқаларга ўргатиш мақсадида ўрганса, унга етмиш
авлиёнинг савоби тегади».

Айни вактда, фан ва техника ўта равнақ топган ҳозирги кунда
эскича диний қарашларга таяниш ярамаслигини ҳам қайд этиб ўтиш
керак. Илмий билиш ва одамлар маданиятининг ривожланиши шунга
олиб келмоқдаки, ҳозирги замон илоҳиётида дунёнинг яратилиши
ҳакидаги диний таълимотларга муайян тузатиш ва ўзgartishлар кири-
тилиши керак, деган фикр тарафдорлари кўпайиб бормоқда, ҳозирда
илмий асосда ишлаб чиқилаётган дунёнинг манзарасини кўпгина
илоҳиётчи олимлар маъқул деб баҳоламоқдалар, баъзи ҳолларда эса

² Манба: Интернет, «Время новостей», 20.11.2003, №217.

ҳозирги замон фанининг асосий қоидаларини диний дунёқарааш билан боғлаш зарур деб ҳисобламоқдалар. Бу ерда И.Каримовнинг: «Диний дунёқарааш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганлигини ҳам таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнмаён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган»¹, деган сўзларини эслаш ўринли бўлади.

Ҳозирги замон илоҳиётчиларининг қарашларини умуман олганда куйидагича тавсифлаш мумкин:

биринчидан –улар табиат, Олам бир неча миллиард йиллик тарихга эга, Ерда ҳаёт тахминан 3 млрд. йил олдин пайдо бўлган (бу Инжилдаги йил ҳисобига зид) деган фикрга кўшилади; иккинчидан –эволюция жараёнининг асосий илмий хусусиятларини ва қонуниятларини улар тан олади; ниҳоят, учинчидан –инсон ўтмиш аждодлари ҳайвондан қоматлари табиий тадрижий ривожланиш тарзida булиши мумкин, деб ҳисоблайди.

Шундай қилиб, олам инсон учун яратилган, деган фикр илоҳиётчи олимларнинг аксариятида эътиroz уйгота бошламоқда. Боз устига, айрим илоҳиётчilar ҳатто ҳозирги замон фанининг кўплаб дунёлар мавжудлиги ҳақидаги фикрини ҳам қабул килиш мумкин деб ҳисоблаб, Оламнинг ягоналиги ҳақидаги диний таълимотга шубҳа кўзи билан қарамоқдалар.

Бугунги кунда диннинг кучайиши фан ва дин, билим ва эътиқоднинг ўзаро нисбатини ҳозирги замон фалсафаси нуқтаи назаридан тушуниб этиш зарурлиги ҳақидаги масалани кўндаланг қилиб қўйди. Бугунги кунда файласуфлар ва турли йўналиш олимларининг ҳам, таникли илоҳиётчи олимларнинг ҳам фикр-мулоҳазаларида фан ва диннинг яқинлашиши, илмий ва диний билим вакиллари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш зарурлиги ҳақидаги фикр асослана бошламоқда. Ушбу муаммо соҳасидаги йирик мутахассислардан бири америкалик илоҳиётчи олим Х.Ролстон, электронга бир вактнинг ўзида ҳам тўлқин, ҳам зарра деб қарааш мумкин бўлганидек, фан ва дин ўртасидаги муносабатларга ҳам шу йўсинда ёндашиш мумкин, шу маънодаки, улар бир-бирини истисно этиши ҳам, бир-бирини тўлдириши ҳам мумкин.

Сўнгги йилларда, айниқса, XX аср охири – XXI аср бошида жаҳон цивилизациясида рўй берган тангликлар муносабати билан эзотеризмга – борлиқни ноилмий билиш шаклига қизиқиш кучайиб бормоқда.

Эзотеризм фан ва диний билиш ўртасидаги муайян бўшлиқни тўлдириб, муаммоларнинг ўзига хос ечимини таклиф киласди, бунда у оқилона далилларни ҳам, муқаддас китобга ҳаволаларни, вахийга муражгаат этишини ҳам талаб қилмайди, факат «сир тили»га қулок солишга чақиради.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 35-б.

Бугунги кунда қўпгина илоҳиётчилар илмий назариялар катта ресурсларга эга эканлигини, улардан илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ҳам унумли фойдаланиш мумкинлигини қайд этмоқдалар. Таникли рус файласуфи Н.А.Бердяевнинг фикрича, фан ва илоҳиёт ўртасидаги муносабатларни тартибга солишида фалсафа катта рол ўйнайди, чунки билиминг ҳам, эътиқоднинг ҳам чексизлиги факат фалсафада таъкидланади.

Бердяев таъкидлайдики инсон моҳиятининг тубида билим ва дин (эътиқод) айни бир нарса билим дин эканлиги, дин эса билимлигини ўз қарама-каршиликларини англаш жараёнида намоён этади.

Ўз навбатида, ҳозирги замон илоҳиётчи олимларининг аксарияти дунёning ягона, яхлит манзарасини яратишга нафакат фаннинг, балки диннинг ҳам энг муҳим вазифаларидан бири деб қарай бошладилар. Бу масалани ҳал қилиш учун улар борликни билишнинг диний ва илмий йўлларини бирлаштириш зарур деб ҳисобламоқда. Шу муносабат билан Рим папаси Иоанн Павел II Исо Масихга бўлган эътиқодимиз замираида биз борлиқда ҳис қиласидиган бирлик, ягоналик кишилик жамиятларимизда ҳозирги замон фани ютукларида акс эттирилган ва ҳатто улар билан мустаҳкамланган, деб таъкидлади.

Шундай қилиб, фан, илмий билимларнинг улкан салоҳияти, имкониятларидан илоҳиётчи олимлар ҳам ўз билиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда фойдалана бошламоқдалар. Бошка томондан, Бердяев таъбири билан айтганда, маънавий моҳиятга эга бўлмаган фан ҳам ўз тадқиқотлари жараёнида диний эътиқод нури билан ёритилиши керак.

Қисқача хуносалар

1. Дунёning ҳозирги манзараси табиат ва жамият ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг ҳамда оддий, диний ва илмий дунёқараш доирасидаги тафаккурнинг яхлит тизимиdir. Оқилона асос (фан-техника тараккиёти) ва маънавий-ахлоқий (имкони юкорирок диний) асос унинг икки томонидир.

2. Шу муносабат билан илмий ва диний билимнинг ўзаро нисбатини фалсафий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси ўта долзарб аҳамият касб этади.

3. Шу нұктай назардан фалсафа ва файласуфларнинг бош вазифаси юкорида қайд этилган икки дунёқараш – жаҳон цивилизацияси таракқиётининг ҳозирги босқичида фан ва диннинг моҳиятини ёритувчиғоялар ва концепцияларни ишлаб чиқиш ва шунга асосланиб ҳозирги илмий ва фалсафий билимларнинг диний эътиқод билан ўзаро муносабатлари жараёнини талқин қилишдан иборат.

Асосий тушунчалар

Креционизм – дунё йўқликдан яратилгани ҳақидаги ноилмий таълимот.

Диний дунёқарааш – дунёга, унинг тузилишига ҳамма нарсани Худо яратган деган нүқтаи назардан ёндашиш.

Дин – дунё ва инсонни Худо яратганига сўзсиз ишончга асосланган таълимот.

Эзотеризм – борлиқни ноилмий билиш шакли.

Саволлар

1. Дунёнинг хозирги илмий ва диний манзаралари, уларнинг ўзаро нисбати қандай?
2. Илмий дунёқарааш нима?
3. Дунёнинг диний талқини қандай?
4. Бугунги кунда илмий ва диний билимлар муросага келиши (якинлашиши) мумкинми?
5. Ушбу масалалар ҳакида сизнинг шахсий фикрингиз.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Жильсон Э. Философ и теология. – М., 1995.

Вопросы философии. 2004. №11.

Кохановский В.П. История философии. – М., 2000.

Философия и методология науки / Под ред. *В.И. Купцова*. – М., 1989.

Интернет: «Время новостей». 20.11.2003. №217.

Фалсафа. Қомусий луғат. Т., 2004.

Бугунги кунда кўпгина илоҳиётчилар илмий назариялар катта ресурсларга эга эканлигини, улардан илоҳиёт соҳасидаги тадқиқотларда ҳам унумли фойдаланиш мумкинлигини кайд этмоқдалар. Таникли рус файласуфи Н.А.Бердяевнинг фикрича, фан ва илоҳиёт ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда фалсафа катта рол ўйнайди, чунки билимнинг ҳам, эътиқоднинг ҳам чексизлиги факат фалсафада таъкидланади.

Бердяев таъкидлайдики инсон моҳиятининг тубида билим ва дин (эътиқод) айни бир нарса билим дин эканлиги, дин эса билимлигини ўз қарама-каршиликларини англаш жараёнида намоён этади.

Ўз навбатида, ҳозирги замон илоҳиётчи олимларининг аксарияти дунёнинг ягона, яхлит манзарасини яратишга нафакат фаннинг, балки диннинг ҳам энг муҳим вазифаларидан бири деб карай бошладилар. Бу масалани ҳал қилиш учун улар борлиқни билишнинг диний ва илмий ўйларини бирлаштириш зарур деб хисобламоқда. Шу муносабат билан Рим папаси Иоанн Павел II Исо Масихга бўлган эътиқодимиз замирида биз борлиқда ҳис киладиган бирлик, ягоналик кишилик жамиятларимизда ҳозирги замон фани ютукларида акс эттирилган ва ҳатто улар билан мустаҳкамланган, деб таъкидлади.

Шундай қилиб, фан, илмий билимларнинг улкан салоҳияти, имкониятларидан илоҳиётчи олимлар ҳам ўз билиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда фойдалана бошламоқдалар. Бошка томондан, Бердяев таъбири билан айтганда, маънавий моҳиятга эга бўлмаган фан ҳам ўз тадқиқотлари жараёнида диний эътиқод нури билан ёритилиши керак.

Қисқача холосалар

1. Дунёнинг ҳозирги манзараси табиат ва жамият ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг ҳамда оддий, диний ва илмий дунёкараш доирасидаги тафаккурнинг яхлит тизимиdir. Оқилона асос (фан-техника тараққиёти) ва маънавий-ахлоқий (имкони юқорирок диний) асос унинг икки томонидир.

2. Шу муносабат билан илмий ва диний билимнинг ўзаро нисбатини фалсафий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси ўта долзарб аҳамият касб этади.

3. Шу нұктай назардан фалсафа ва файласуфларнинг бош вазифаси юқорида қайд этилган икки дунёкараш – жаҳон цивилизацияси тараққиётининг ҳозирги босқичида фан ва диннинг моҳиятини ёртувчи гоялар ва концепцияларни ишлаб чиқиши ва шунга асосланиб ҳозирги илмий ва фалсафий билимларнинг диний эътиқод билан ўзаро муносабатлари жараёнини талкин қилишдан иборат.

Асосий тушунчалар

Креционизм – дунё йўқликдан яратилгани ҳақидаги ноилмий таълимот.

**Диний дунёқарааш – дунёга, унинг тузилишига ҳамма нарсани
Худо яратган деган нуқтаи назардан ёндашиш.**

**Дин – дунё ва инсонни Худо яратганига сўзсиз ишончга асос-
ланган таълимот.**

Эзотеризм – борлиқни ноилмий билиш шакли.

Саволлар

1. Дунёнинг ҳозирги илмий ва диний манзаалари, уларнинг ўзаро
нисбати қандай?
2. Илмий дунёқарааш нима?
3. Дунёнинг диний талқини қандай?
4. Бугунги кунда илмий ва диний билимлар муросага келиши
(яқинлашиши) мумкинми?
5. Ушбу масалалар ҳақида сизнинг шахсий фикрингиз.

Адабиётлар

*Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳ-
дид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекис-
тон», 1997.*

Жильсон Э. Философ и теология. – М., 1995.

Вопросы философии. 2004. №11.

Кохановский В.П. История философии. – М., 2000.

*Философия и методология науки / Под ред. В.И. Купцова. – М.,
1989.*

Интернет: «Время новостей». 20.11.2003. №217.

Фалсафа. Қомусий лугат. Т., 2004.

Бугунги кунда кўпгина илоҳиётчилар илмий назариялар катта ресурсларга эга эканлигини, улардан илоҳиёт соҳасидаги тадқикотларда ҳам унумли фойдаланиш мумкинлигини қайд этмоқдалар. Таникли рус файласуфи Н.А.Бердяевнинг фикрича, фан ва илоҳиёт ўртасидаги муносабатларни тартибга солища фалсафа катта рол ўйнайди, чунки билимнинг ҳам, эътиқоднинг ҳам чексизлиги факат фалсафада таъкидланади.

Бердяев таъкидлайдики инсон моҳиятининг тубида билим ва дин (эътиқод) айни бир нарса билим дин эканлиги, дин эса билимлигини ўз қарама-каршиликларини англаш жараёнида намоён этади.

Ўз навбатида, ҳозирги замон илоҳиётчи олимларининг аксарияти дунёнинг ягона, яхлит манзарасини яратишга нафакат фаннинг, балки диннинг ҳам энг муҳим вазифаларидан бири деб қарай бошладилар. Бу масалани ҳал қилиш учун улар борликни билишнинг диний ва илмий йўлларини бирлаштириш зарур деб ҳисобламоқда. Шу муносабат билан Рим папаси Иоанн Павел II Исо Масихга бўлган эътиқодимиз замирида биз борликда ҳис қиласиган бирлик, ягоналик кишилик жамиятларимизда ҳозирги замон фани ютукларида акс эттирилган ва ҳатто улар билан мустаҳкамланган, деб таъкидлади.

Шундай қилиб, фан, илмий билимларнинг улкан салоҳияти, имкониятларидан илоҳиётчи олимлар ҳам ўз билиш соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишда фойдалана бошламоқдалар. Бошка томондан, Бердяев таъбири билан айтганда, маънавий моҳиятга эга бўлмаган фан ҳам ўз тадқикотлари жараёнида диний эътиқод нури билан ёритилиши керак.

Қисқача хуросалар

1. Дунёнинг ҳозирги манзараси табиат ва жамият ҳақидаги қарашлар ва таълимотларнинг ҳамда оддий, диний ва илмий дунёқараш доирасидаги тафаккурнинг яхлит тизимиdir. Окилона асос (фан-техника тараккиёти) ва маънавий-ахлоқий (имкони юқорирок диний) асос унинг икки томонидир.

2. Шу муносабат билан илмий ва диний билимнинг ўзаро нисбатини фалсафий жиҳатдан тушуниб етиш муаммоси ўта долзарб аҳамият касб этади.

3. Шу нуткаи назардан фалсафа ва файласуфларнинг бош вазифаси юкорида қайд этилган икки дунёқараш – жаҳон цивилизацияси тараккиётининг ҳозирги босқичида фан ва диннинг моҳиятини ёритувчи ғоялар ва концепцияларни ишлаб чикиш ва шунга асосланиб ҳозирги илмий ва фалсафий билимларнинг диний эътиқод билан ўзаро муносабатлари жараёнини талқин қилишдан иборат.

Асосий тушунчалар

Креционизм – дунё йўқликдан яратилгани ҳақидаги ноилмий таълимот.

**Диний дунёқарааш – дунёга, унинг тузилишига ҳамма нарсанни
Худо яратган деган нуқтаи назардан ёндашиш.**

Дин – дунё ва инсонни Худо яратганига сўзсиз ишончга асосланган таълимот.

Эзотеризм – борлиқни ноилмий билиш шакли.

Саволлар

1. Дунёнинг ҳозирги илмий ва диний манзаралари, уларнинг ўзаро нисбати қандай?
2. Илмий дунёқарааш нима?
3. Дунёнинг диний талқини қандай?
4. Бугунги кунда илмий ва диний билимлар муросага келиши (якинлашиши) мумкинми?
5. Ушбу масалалар ҳақида сизнинг шахсий фикрингиз.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Жильсон Э. Философ и теология. – М., 1995.

Вопросы философии. 2004. №11.

Кохановский В.П. История философии. – М., 2000.

Философия и методология науки / Под ред. В.И. Купцова. – М., 1989.

Интернет: «Время новостей». 20.11.2003. №217.

Фалсафа. Қомусий лугат. Т., 2004.

14-мавзу. ИЛМИЙ БАШОРАТНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

14.1. Муаммонинг қўйилиши

Ҳозирги замон жамиятининг ривожланишини фан-техника тарақ-киётисиз, инсон ва жамият хаётига илфор илмий ишланмалар, илмий тафаккурга асосланган ишлаб чиқаришларнинг кенг татбиқ этилишисиз тасаввур килиб бўлмайди. Бунга, энг аввало, фан, илмий билимларни ривожлантириш орқали эришилади. Зоро, фан, илмий билимлариз келажакка йўл очиш мумкин эмас.

Ҳар кандай одам ўзи учун муҳим бир қарор қабул қилишдан, бирон-бир ишга қўл уришдан олдин дастлаб ушбу ишнинг фойдали томонларини пухта ўйлаб кўриши, унинг муваффақиятли тугашига (мутлак ёки қисман бўлсада) ишонч ҳосил қилиши керак. Аммо у доим ҳам муваффақиятли тугайвермайди, инсон қаршисида келажак пардаси доим ҳам очилавермайди, кўпинча натижа унинг ўйлаганининг бутунлай акси бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Нега шундай бўлади? Умуман, инсон келажакни аниқ башорат килишга қодирми?

Буни XVI асрда Францияда яшаган машхур башоратчи Нострадамус (дунёвий исми Мишель де Нотр Дам) мисолида қўриб чиқишига ҳаракат қиласиз.

Нострадамус тириклигига ҳам, вафотидан кейин ҳам жуда машхур бўлган (ҳозир ҳам шундай). Унинг «Юз йилликлар» асари Европанинг деярли барча тилларига таржима қилинган, нашр сони «Инжил»дан кейин иккинчи ўринда. Нострадамус ўзининг астрологик хисоб-китоблари билан ғалаба қозонди. У юлдузларга қараб муайян шахсларнинг, айниқса, зодагонларнинг тақдирини ва келгуси тарихий воқеаларни башорат қиласиз.

Аммо келажакни башорат қилишда Нострадамус факат астрологик кузатишларгагина таянмас эди. Бўлажак воқеаларнинг муайян ва ўзига ҳос жиҳатлари унинг онгига акс этарди. Шундан кейин Нострадамус уларни шеър шаклида баён қиласиз.

Аммо Нострадамус яшаган даврда ҳам, унинг вафотидан кейин ҳам, унинг кўпгина замондошлари ва башоратчи фаолиятининг тадқиқотчилари унинг башоратларига катта шубҳа билан қараганлар, ўнгидан келмайгина қолмасдан, балки унинг мижозларига жиддий зарар ҳам етказган башоратларга ўнлаб мисоллар келтирганлар.

Нострадамусни черков раҳнамолари айниқса қаттиқ коралаганлар, ҳатто уни Геростратга тенглаштирганлар.

Бизнинг назаримизда, бу ерда бир жиҳатга эътибор бериш керак. Гап шундаки, Нострадамус вафотидан кейин довруқ таратган даврлар доим кишилик жамияти тараққиётида кескин бурилиш ясаган йил-

ларга, чунончи: асрлар алмашиши, жаҳон урушлари, жаҳон миқёсидаги бошқа фалокат ва тангликлар рўй берган даврларга тўғри келади. Бундан нафакат ғаламислар, балки кўпгина йирик сиёсий арабблар ва йирик давлат бошликлари ҳам фойдаланганлар.

Мисол учун, иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939–1945) немис авиацияси нацистларнинг тарғибот ишлари вазири Геббелс буйругига биноан Европанинг кўпгина мамлакатларига гўёки XVI асрда Нострадамус томонидан башорат килинган Германия сўзсиз ғалабаси ҳакидаги кўплаб варакалар ташлаган.

Шу нарса диккатга сазоворки, Англия махфий хизмати буни жиддий қабул қилган ва ўз навбатида, Нострадамус иттифоқчилар кўшини ғалабасини башорат килишилигини кайд этган ўз варакаларини ташлаганлар.

Бу ерда биз Нострадамуснинг оламшумул башоратлари амалда рўй берганидан кейин, баъзан орадан бир неча йил, баъзан эса – ўн йиллар ва ҳатто асрлар ўтганидан сўнг қайд этилганини кўрамиз. Бошқача қилиб айтганда, бундай башоратчиларнинг барча машхур башоратлари рўй берганидан кейинчалик қайд этилган ёки умуман қайд этилмаганини кўрамиз.

Хўш, бу катъийян келажакни башорат қилиш мумкин эмас, деган маънени англацадими? Ўтмиш ва ҳатто, XX асрнинг аксарият мутафаккирлари келажакни башорат қилиш имкониятига ишончсизлик билан қараганлар. Мисол учун, К.Поппер, бундай башоратларни танқид қилас экан, тарих бугун тугайди, у эртага қандай бўлиши ҳозир мавжуд одамларга боғлик, деб қайд этган¹. Бу масалага дин вакиларининг муносабати ҳам катъий бўлиб, улар, Поппердан фарқли ўлароқ, инсон келажакни башорат қилишга мутлақо кодир эмаслигини ҳамма нарса Худонинг изни билан бўлишини қайд этадилар.


Аммо, инсоннинг келажакка назар ташлаш имкониятини тўла рад этиш ҳам нотўғри. Бу фикрни жаҳон тарихи тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Башорат келажакни кўриш шакли тарзида одамлар аклини доим эгаллаб келади. Дастлаб одамларнинг амалий фаолияти доирасида вужудга келган башорат ўз ривожланишида қадимги, ноилмий шакллардан ҳозирги илмий асосланган прогнозлар ва башоратларгача бўлган узок йўлни босиб ўтди.

Бу ўринда шуни қайд этиб ўтиш керакки, башорат билим шакли сифатига доим таҳдил предмети ва одамлар амалий фаолиятининг ифодаси бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Қадимда коҳинлар ёки бошқа башоратчилардан рухсат тегмагунича дехқон экишга киришмаган, чўпон подани қиши (ёзги) қўтонга хайдамаган, овчи овга чиқмаган.

Урф-одатлар пайдо бўлган, анъаналар шаклланган, улар одамларнинг ўтмишдаги тажрибасига таянибгина қолмасдан, балки келажакка ўзига хос туйнук дарча бўлиб ҳам хизмат қилган.

¹ Философия Учебное пособие для вузов. – Ростов-на-Дону, 1996 с. 564-565



Чизмадан кўриниб турганидек, башоратнинг дастлабки шакли сезги, ишора, ақида, кундалик тажрибага асосланган одатдаги (интуитив) башорат хисобланади.

Диний (мантиқ) шакл, қоида тариқасида, башорат килиш, «вахий келиши», олдиндан айтиш шаклида намёён бўлади.

Башоратнинг илмий (илк илмий) шакли анча кейин вужудга келган ва муайян билимларга, инсон тажрибасига асосланади.

Айни вақтда, башоратнинг ушбу шакллари мазмунини ёритишда, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини таъкидлаб ўтиш керак. Башорат шакллари ўзаро алоқасининг диалектикасини тавсифлашда унинг ҳар бир кейинги шакли ўзидан олдинги шаклдан келиб чиқишини ва айни вақтда, унга тескари таъсир кўрсатишини қайд этиш мухимдир. Масалан, одатдаги (интуитив) башорат кейинги даврларда (айниқса, Ўрта асрда) диний башорат билан бирлашган ва унинг шаклларидан бирига айланган.

Илмий башоратга келсак, бу ерда диний ва илк илмий башоратнинг диалектик бирлиги яққол кўзга ташланади. Бошқача қилиб айтганда, илк илмий башорат нафақат табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини кўп йиллик кузатиш, уларнинг хулосалари ва натижаларидан, балки табиий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ҳакидаги муайян билимлардан ҳам келиб чиқади (осмон жисмларининг харакати ва тутилиши, экиш ва ҳосилни ўриб олиш муддатлари, об-ҳаво қулай ва ноқулай келадиган йиллар, илк математик ва геометрик хисоблашлар ҳакидаги аниқ башоратлар ва бошк.). Уларнинг аксарияти кейинчалик янги илмий билимлар вужудга келиши жараёнида асос бўлиб хизмат килди.

Бирор, шуни қайд этиш керакки, кейинчалик, айниқса, Ўрта асрда диний башорат мантиқий шакл ва фаталистик хусусият касб этган.

Исломда (бошқа динларда бўлганидек) ҳамма нарса олдиндан белгиланганлиги ҳакидаги ақида башоратнинг мухим жиҳатларидан биридир. Мухаммад алайхиссалом таълимотига кўра, дунёда ҳеч нарса Оллоҳ иродасидан ташкарида мавжуд бўлмаган ва мавжуд бўлиши

мумкин эмас. «Ҳар бир жон факат Оллоҳнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ӯлади» (Куръони карим. 3:145).

Илмий башоратдан «оккульт фанлар»ни ёки «параллель фанлар»ни фарқлаш керак.

Идеалистик, диний, мистик ва бошқа шунга ўхшаган таълимотлар қўшилишидан вужудга келган, соҳта илмий тушунчалар ва атамаларга таянадиган ушбу «фанлар» (астрология, спиритизм, теософия, атропо-софия ва бошк.) ваҳийни билишнинг бош манбаи деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, улар ўзини келажакни башорат қилишда билишнинг илмий методлари – эксперимент ва айниқса, илмий муроҳададан фойдаланадигандек қилиб қўрсатади. Илмийлик даъво килувчи параллел фанлар ва оккультизм намояндлари агар материалистик фан ходисаларнинг факат ташки томонини тушуниб етса, оккульт фанлар нарсалар ва ходисаларнинг ички моҳиятига кириб боради ва келажакни ҳам фактат улар башорат қилиши мумкин, деган ғоядан келиб чиқади.

Илмий башоратга келсак, у тарихан билиш жараёнида ҳали расмий тус олмаган, аммо объектив тарзда вужудга келган таҳминий муроҳадалардан муайян табиий ёки ижтимоий ҳодисаларнинг маълум мулдатларини башорат қилишгача шаклланган.

Милоддан аввалги 585 йилдаёқ қадимги юонон файласуфи Фалес булажак қуёш тутилиши вақтини жуда аниқ башорат қилган. Яна бир қадимги мутафаккир Демокрит атомлар мавжудлигини башорат қилганки, уларнинг амалда мавжудлиги XIX асрнинг иккинчи ярмидагина экспериментал йўл билан исботланган.

Шу ўринда жуда кўп илмий кашфиётларни олдиндан башорат қилган Марказий Осиё мутафаккирлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак деб ўйлаймиз. Улар орасида Абу Али ибн Сино (Авиценна) алоҳида ўрин тутади. У тиббиёт ва илмий билимнинг бошқа соҳалари (астрономия, кимё, математика, геология)нинг ривожланишига катта ҳисса қўшиш билан бирга, кейинги асрларнинг жуда кўп илмий кашфиётларини олдиндан айтиб берди¹. Унинг замондоши Абу Райхон Беруний Коперник ва Галилейдан анча олдин биринчи бўлиб глобус ясади, Ер катталигини аниқлади ва тарихий жараён цикллардан иборатлиги ҳақидаги ғояни башорат қилди².

Аммо, илмий башорат яхлит таълимот тарзида изчил мантиқий тизим шаклига анча кейин, XVI–XVIII асрларда рўй берган биринчи илмий инқилоб кучайган даврида кирди.


Ҳозирда илмий башорат негизини изчил илмий назария ташкил этади. Ушбу назария билишнинг мантиқан бoggланган, бир-бiriини тақозо этувчи конунлари занжиридан ташкил топган бўлиб, улардан муайян ҳодисаларнинг хоссалари, муносабатлари ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги ахборотни ифодаловчи оқибатлар келтириб чиқади.

¹ Фалсафа асослари Дерслик. М.А.Аҳмедова, В.С.Хан таҳририда – Т., 2005. 100-бет.

² Фалсафа Конусий лугат. Т., 2004, 51-бет 3

Үша даврларда башорат одатдаги (интуитив), диний (мантиқ) ва илмий (илк илмий) соҳаларга ажрала бошлаган (17-чизма)

17-чизма



Чизмадан кўриниб турганидек, башоратнинг дастлабки шакли сезги, ишора, ақида, кундалик тажрибага асосланган одатдаги (интуитив) башорат хисобланади.

Диний (мантиқ) шакл, қоида тариқасида, башорат килиш, «вахий келиши», олдиндан айтиш шаклида намоён бўлади.

Башоратнинг илмий (илк илмий) шакли анча кейин вужудга келган ва муайян билимларга, инсон тажрибасига асосланади.

Айни вактда, башоратнинг ушбу шакллари мазмунини ёритишда, уларнинг барчаси ўзаро боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини таъкидлаб ўтиш керак. Башорат шакллари ўзаро алоқасининг диалектикасини тавсифлашда унинг ҳар бир кейинги шакли ўзидан олдинги шаклдан келиб чиқишини ва айни вактда, унга тескари таъсир кўрсатишини қайд этиш мухимdir. Масалан, одатдаги (интуитив) башорат кейинги даврларда (айниқса, Ўрта асрда) диний башорат билан бирлашган ва унинг шаклларидан бирига айланган.

Илмий башоратга келсак, бу ерда диний ва илк илмий башоратнинг диалектик бирлиги яққол кўзга ташланади. Бошқача килиб айтганда, илк илмий башорат нафақат табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини кўп йиллик кузатиш, уларнинг ҳуросалари ва натижаларидан, балки табиий ва ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги муайян билимлардан ҳам келиб чиқади (осмон жисмларининг харакати ва тутилиши, экиш ва ҳосилни ўриб олиш муддатлари, об-ҳаво қулай ва нокулай келадиган йиллар, илк математик ва геометрик хисоблашлар ҳақидаги аниқ башоратлар ва бошк.). Уларнинг аксарияти кейинчалик янги илмий билимлар вужудга келиши жараённада асос бўлиб хизмат килди.

Бироқ, шуни қайд этиш керакки, кейинчалик, айниқса, Ўрта асрда диний башорат мантикий шакл ва фаталистик хусусият касб этган.

Исломда (бошка динларда бўлганидек) ҳамма нарса олдиндан белгиланганлиги ҳақидаги ақида башоратнинг мухим жиҳатларидан биридир. Мухаммад алайҳиссалом таълимотига кўра, дунёда хеч нарса Оллоҳ иродасидан ташқарида мавжуд бўлмаган ва мавжуд бўлиши

мумкин эмас. «Ҳар бир жон фақат Оллохнинг изни билан ва аниқ белгилаб қўйилган муддатда ўлади» (Куръони карим. 3:145).

Илмий башоратдан «оккульт фанлар»ни ёки «параллель фанлар»ни фарқлаш керак.

Идеалистик, диний, мистик ва бошқа шунга ўхшаган таълимотлар қўшилишидан вужудга келган, соҳта илмий тушунчалар ва атамаларга таянадиган ушбу «фанлар» (астрология, спиритизм, теософия, атропо-софия ва бошк.) ваҳийни билишнинг бош манбаи деб ҳисоблайди. Шу билан бирга, улар ўзини келажакни башорат қилишда билишнинг илмий методлари – эксперимент ва айниқса, илмий мушоҳададан фойдаланадигандек қилиб кўрсатади. Илмийлик даъво қилувчи параллел фанлар ва оккультизм намояндлари агар материалистик фан ходисаларнинг фақат ташки томонини тушуниб етса, оккульт фанлар нарсалар ва ходисаларнинг ички моҳиятига кириб боради ва келажакни ҳам фақат улар башорат қилиши мумкин, деган ғоядан келиб чиқади.

Илмий башоратга келсак, у тарихан билиш жараёнида ҳали расмий тус олмаган, аммо объектив тарзда вужудга келган тахминий мушоҳадалардан муайян табиий ёки ижтимоий ходисаларнинг маълум муддатларини башорат қилишгacha шаклланган.

Милоддан аввалги 585 йилдаёқ қадимги юнон файласуфи Фалес бўлажак күёш тутилиши вақтини жуда аниқ башорат килган. Яна бир қадимги мутафаккир Демокрит атомлар мавжудлигини башорат қилганки, уларнинг амалда мавжудлиги XIX асрнинг иккинчи ярмидагина экспериментал йўл билан исботланган.

Шу ўринда жуда кўп илмий қашфиётларни олдиндан башорат килган Марказий Осиё мутафаккирлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш керак деб ўйлаймиз. Улар орасида Абу Али ибн Сино (Авиценна) алоҳида ўрин тутади. У тиббиёт ва илмий билимнинг бошқа соҳалари (астрономия, кимё, математика, геология)нинг ривожланишига катта хисса қўшиш билан бирга, кейинги асрларнинг жуда кўп илмий қашфиётларини олдиндан айтиб берди¹. Унинг замондоши Абу Райхон Беруний Коперник ва Галилейдан анча олдин биринчи бўлиб глобус ясади, Ер катталигини аниклади ва тарихий жараён цикллардан иборатлиги ҳақидаги гояни башорат қилди².

Аммо, илмий башорат яхлит таълимот тарзида изчил мантикий тизим шаклига анча кейин, XVI–XVIII асрларда рўй берган биринчи илмий инқилоб кучайган даврида кирди.

Ҳозирда илмий башорат негизини изчил илмий назария ташкил этади. Ушбу назария билишнинг мантиқан боғланган, бир-бирини такозо этувчи конунлари занжиридан ташкил топган бўлиб, улардан муайян ходисаларнинг хоссалари, муносабатлари ва бошқа хусусиятлари ҳақидаги аҳборотни ифодаловчи оқибатлар келтириб чиқади.

¹ Фалсафа асослари Дерслик. М.А. Аҳмадова, В.С.Хан таҳририда. – Т., 2005. 100-бет.

² Фалсафа Конусий лугат. Т, 2004, 51-бет 3

рилади. Келажакка нисбатан олганда улар илмий башорати тарзида амал қиласы.

Замонда муайян даражада аник ва анча тұлғык бұлган ахборотни олдиндан айтишга одатда башорат дейилади. Менделеев кимёвий элементлар даврий системаси ана шундай илмий башоратта мисол бұлади. Ушбу жадвалдаги бүш катаклар кейинчалик даҳо олим башорат күлгән элементлар билан тұлдирила борди. Юқори энергиялар физикасининг ривожланиши ҳақида хам шундай дейиш мумкин. Бу ерда физик олимлар олдиндан башорат күлгән ўнлаб элементар заралар қашф этилди.

Шундай қилиб, илмий башорат табиат ва жамият ҳодисаларининг илмий асосланған ҳолати ёки айни даврда номағым, лекин аниклаш мумкин бұлган ҳодисалар ҳақидаги таълимот, деб хулоса чиқариш мумкин¹.

Бошқача қилиб айтганда, илмий башорат назарий ғағолияттың шундай бир турики, у табиат, жамият, ижтимау қағида юз беріш ёки келажакда қашф этилиш ва ўрганилиш әхтимоли мавжуд бұлган ҳодиса, воеалар, жараёнларни, рухий ҳолатларни аниклаш ва тавсифлашда намоён бұлади.

Илмий башорат детерминистик чизма бүйича хам, әхтимоллик чизмаси бүйича хам амалға оширилиши мумкин. Бириңчи ҳолда ҳар бир ҳодиса жуда аник башорат қилинади, замон ва маконда аник маҳаллийлашади (ерга яқын учиш ёки космик аппараттнинг учиш траекториясы).

Иккінчи ҳолда башорат қилишнинг әхтимолий-статистик методи күлланилади (ақолининг күпайиши, тиғиз соаттарда транспорт ҳаракати ва бошк.).

Мураккаб системалар соһасига оид бұлган ва күп сони омыллар таъсир күрсатадиган, тұла хисобға олишнинг иложи бұлмаган ҳодисаларни (квант микрофизикаси, иқтисод, сиёсат, психология ва бошк.) башорат қилиш учун әхтимолий-статистик башорат ёки прогноз қилишнинг түрли чизмаларидан фойдаланилади. Бу ерда илмий билиш хусусияти ва унинг ишончлилик даражаси факат фан муайян тармоғыда амал қылувчи қонунлар тузилиши ва уларнинг объектив ҳақиқиyyиттік даражасига эмас, балки муайян ҳодисанинг дастлабки шартларини тавсифловчы эмпирик маълумотларнинг аникилығы ва тұлғыларында қамағанда қашф этилди.

Үтмиш ва ҳозирги замоннинг номағым ҳодисаларини башорат қилиш, үтмиш ҳодисаларини айрим сақланған фрагментларға қараб тиклаш ёки башорат қилиш (қадимги бинолар ёки шикаст етган санъет асарларини тиклаш), келажакни башорат қилишнинг муайян методи кай даражада ишончли эканини аниклаш мақсадида маълум ҳодисанинг узок үтмишдан яқинроқ үтмишга ривожланишини имитацион күриб чиқиш ёки башорат қилиш хам учрайди.

¹ Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. с. 524.

Күриб турганимиздек, башорат килишнинг юқорида күриб чиқилган деярли барча масалалари билишнинг фалсафий муаммоларидан муайян тарзда келиб чиқади, уларда илмий башорат айни турининг негизини гносеология, эпистемология ва башорат мантиқи, уларнинг гипотеза, назария ва мантиқ билан ўзаро нисбати ташкил қиласди. Уулар инсон маънавий, ижодий ҳаётининг муҳим томонларидан бири эканини намоён этади.

14.2. Келажакни билиш шакллари ва методлари

Ҳозирда инсоният кишилик жамиятининг тарихий истиқболларини билишнинг тегишли илмий методлари ва воситаларига эга. Маълумки, келажак ҳақидаги билим, инсониятнинг узок ўтмиши ҳақидаги барча билимлар каби, ҳозирги замондан узоклашишига қараб, ўз муайянли ва аниқлигини йўқотиб, тобора умумий, мавхум, тахминий бўлиб боради. Келажакни олдиндан кўриш кишилик жамияти оқилона иқтисодий ва хўжалик фаолияти юритиши, ўтган замонлардагидан анча мураккаб муаммоларни ҳал қилиш учун айниқса зарурдир.

Одамларнинг эҳтиёжлари, имкониятларидан келиб чиқиб, башорат қилиш механизмлари ва алгоритмлари вақт ўтиши билан тубдан ўзгариб ва ривожланиб боради. Башорат турлари анча кўп бўлиб, у олдиндан кўриш тарзида ҳам, прогноз тарзида ҳам амал қиласди ва келажак ҳақидаги мулоҳазаларнинг турли шаклларида намоён бўлади.

Бинобарин, илмий башорат табиат, жамият ҳодисалари ва маънавий жараёнларнинг келажакдаги ҳолати ҳақидаги эмпирик ва назарий жиҳатдан асосланган тахминидир. Амалий фаолиятда илмий башорат, юқорида қайд этиб ўтганимиздек, прогноз қилиш ва олдиндан айтиш шаклида амалга оширилади. Бунда муайян ҳодисанинг ривожланиш истиқболларига оид маҳсус илмий тадқиқотлар назарда тутилади. «Башорат, олдиндан айтишга караганда кўпроқ даражада назарий ва тажрибада кўрилган маълумотларни умумлаштиришга, ҳодисаларнинг конуниятлари ва алоқаларини ҳисобга олиш билан бирга у билингандарни ҳали билинмаган соҳаларга кенг жалб этишга асосланади»¹.

Келажакни тадқиқ қилишда билишнинг жуда кўп ва ранг-баранг илмий методлари, маҳсус тавсия, қўлланмалари, мантикий ва техник воситалари қўлланилади.

Аммо башорат қилишнинг асосий методлари қўйидагилардир (колган методлар уларнинг турли уйғунликдаги кўринишлари ва варианtlари ҳисобланади): экстраполяция; тарихий тақкослаш; моделлаштириш; келажак сценарийсини тузиш; эксперт баҳолаш. Ушбу методларни илмий башоратнинг уч асосий усули: экстраполяция, моделлаштириш ва прогноз қилишга боғлаш мумкин. Мазкур тасниф анча шартли, чунки прогностик моделлар экстраполяция ва эксперт

¹ Краткая философская энциклопедия – М., 1994 с 574

баҳолашни назарда тутади, эксперт баҳолаш эса экстраполяция ва моделлаштиришнинг натижаси ҳисобланади.

Юқорида келтирилган методларни Ўзбекистоннинг ўтиш даври иқтисодиёти мисолида кўриб чиқамиз. Ушбу методларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга.

Маълумки, экстраполяция муайян соҳа (замон)га оид тушунчалар (воеалар, ҳодисалар)нинг бошқа соҳа (давр)га татбиқ этилишидир.

Хўш, у Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитига қай даражада мос келади?

Япония, Жанубий Корея, Тайван ва Сингапурдаги ўтиш даври тажрибаси Ўзбекистон улардан ўрганиши кераклигини кўрсатди. Бу, энг аввало, шу билан бөғлиқки, уларнинг бозор муносабатларига ўтиш жараёни мамлакатимизга бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида маълум даражада муҳим мўлжал бўлиб хизмат килиши керак. Бугунги кунда ўтиш даври илмий йўналиш – транзитология мақомини олган тушунча бўлиб, унда ўтиш даври ижтимоий вақт бўллаги, асосий мазмуни жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларини модернизация қилиш, янги тубдан янгилашдан иборат бўлган ижтимоий таракқиёт босқичи, деб таърифланади¹.

Бинобарин, экстраполяция бозор иқтисодиётига ўтишнинг умумий конунгиятларини ишлаб чиқишга асосланган илмий йўналиш экан, ушбу назариядан Ўзбекистондаги ўтиш даври амалиётида ҳам фойдаланиш мумкин.

Аммо, бошқа томондан, амалиёт, келажакка қараб илгарилаган сари, экстраполяциянинг аниқлик даражаси камайиб боришини, уни ҳозирги замоннинг оддий микдорий давоми деб ҳисоблаб бўлмаслигини кўрсатди. Келажакни башорат қилишни тарихий аналогияга нисбатан қўллаш имконияти ҳам анча чекланган, чунки келажак ўзининг асосий жиҳатларида ўтмишни такрорлаши мумкин эмас. Буни Гегел ҳам жуда яхши тушунган ва тарих тажрибасидан келиб чиқиб, ҳалклар ва ҳукуматлар ҳеч қаҷон тарихдан сабоқ олмаган, ундан ўрганиб иш кўрмаган, деб қайд этган эди.

Шу сабабли экстраполяцияни эксперт баҳолаш прогноз қилишнинг анча ишончли методи ҳисобланади, башарти у обьект ҳақидаги тўғри назарий қарашларга таянса, бошқа методлар ёрдамида олинган натижалардан фойдаланса ва ушбу натижаларни тўғри талқин қилса.

Айни вактда, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатади, илмий амалиёт эса буни тасдиқлайдики, иқтисодий ва сиёсий йўлни ижобий ва илфор андозалардан кўчириш, уларни бошқа миллий ва ижтимоий заминга кўр-кўронга ўтказиш самарали ва тўлалигича мақсаддага мувофиқ бўлиши мумкин эмас.

Шу сабабли Ўзбекистон «бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели» деб ном олган ўз иқтисодий стратегиясини ишлаб чиқди. Унинг сценарийсини Президент И.А.Каримов тайёрлади ва ёзиб берди.

¹ Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте с 188-189.

Маълумки, бундай сценарийнинг ёзилиши илмий башорат қилиш методи бўлиб, у воқеаларнинг мантикий кетма-кетлигини аниқлашга ва мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, келажакдаги ҳолат босқичма-босқич қандай шаклланиши мумкинлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди. Ушбу таърифни американлик машхур иқтисодчи ва башоратчи Г.Кан (1922–1983) берган. У ишлаб чиқсан метод моделлаштиришга хос бўлган системали ёндашувни ўз ичига олади¹.

Ўзбекистон Президентининг хизмати шундаки, И.Каримов, бошқа давлатлар тажрибасидан маълум даражада фойдаланган ҳолда, ўз иқтисодий стратегиясини, ўз иқтисодий моделини ишлаб чиқди. Ушбу модель олдинги мавзуларда анча тўлиқ акс эттирилгани учун, бу ерда у ўзининг барча кўрсаткичлари бўйича мустакил Ўзбекистон шароитларига тўла мос келганини қайд этиш билан кифояланамиз.

Яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланаётган ривожланиш жараёнларини прогноз қилиш илмий башоратнинг учинчи шаклидир.

Назарий жихатдан прогноз қилишнинг икки тури: тадқик (изланиш) ва норматив прогноз фарқланади. Тарихий тенденцияларни таҳлил қилиш асосида ривожланишининг объектив мавжуд тенденцияларини прогноз қилиш тадқиқот прогнози деб аталади. Ушбу прогноз тури инерцияли ривожланиш тамойилига асосланади. Бунда прогнозга замонда мўлжал олиш «ҳозирдан келажакка» чизмасига кўра амалга оширилади.

Яна бир ҳолда башорат қилиш замонда мўлжал олиш «келажакдан ҳозирги замонга» чизмасига кўра амалга оширилади.

Ўзбекистонда тарихий ва миллий ҳусусиятлардан, ўзбек ҳалқининг миллий ўзига хослигидан келиб чиқиб, мамлакат ривожланишининг устувор йўналишларини ишлаб чиқиша прогнознинг юкорида қайд этилган иккала шаклидан ҳам самарали фойдаланилди. Бунда XXI аср арафасида ва дастлабки йилларида мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш муаммоларига алоҳида эътибор берилди.

Ўзбекистонда, айниқса, иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда янгиланиш жараёнларининг ҳозирги ва келгуси истиқболларига баҳо берар экан, И.Каримов мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажагини боғловчи асосий бўғин сиёсий ва иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш, «давлатнинг бошқарувчилик ролини чегарааш, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ҳусусий мулк ривожи доирасини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавзеи ва ҳуқукларини мустахкамлаш»² эканини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кўриб турганимиздек, илмий башорат методини муайян обьектга нисбатан қўллашда ана шу обьектта хос бўлган ҳусусиятлар албатта хисобга олиниши керак. Мухими шундаки, мазкур метод қўйилган

¹ Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. с.242.

² Каримов И А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т., «Ўзбекистон», 1999, 16 б

вазифаларни амалга ошириш жараёнида илмий тадқиқотнинг бошқа методлари ва шакллари билан бирга қўлланган тақдирдагина самара бериши мумкин.

Айни вактда, бўлажак ёш мутахассислар ушбу методларнинг амалда қўлланилиши бир мухим шарт – илмий башорат ва прогноз килишнинг тури шакллари ва методларини пухта билиш ва тушуниш билан боғлиқ эканлигини ёдда тутишлари керак. Умумий тарзда танишириш учун куйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз.

Бу прогноз килишнинг намунавий методикаси бўлиб, у тадқиқотнинг куйидаги асосий боскичларидан ташкил топади: башоратдан олдин **мўлжал олиш** (тадқиқот обьекти, предмети, муаммоси, мақсади, вазифаси, қамров доираси, вақти, ишчи гипотезалари, тузилишини ва уни қандай ташкил этишни белгилаш); **прогноз фони** (объектнинг ривожланишига таъсир кўрсатадиган маълумотларни тўплаш); **бошлангич** модел, яъни объектнинг тузилиши ва хусусиятини акс эттирувчи курсаткичлар тизими; изланиш иргонзиги (келажакда тугилиши мумкин бўлган муаммоларни аниқлаш мақсадида, прогноз фони омилларини ҳисобга олган ҳолда, бошлангич моделнинг келажакдаги ҳолатини тадқиқ килиш); **норматив прогноз** (кўйилган мақсадларга ва меъёрларга мувофиқ, бошлангич моделнинг келажакдаги ҳолатини тадқиқ килиш); прогнозик моделларнинг ишончлилик даражасига баҳо бериш ва уларга аниқлик киритиш (одатда, эксперталар ўртасида сўров ўtkазиш орқали амалга оширилади); қарорларни оқилоналаштириш учун тавсиялар ишлаб чикиш (прогностик моделлар асосида ишлаб чиқилади).

14.3. Илмий башоратда синергетиканинг роли

Фан – инсон фаолиятининг шундай бир жабҳаси, у ўз олдида турган муаммоларни ҳал қилиш учун маълум ва номаълум билимлардан фойдаланиш асосида табиий ва ижтимоий ривожланишнинг янги, инсонга номаълум қонунлари бўлиши мумкинлигини назарда тутади.

Фан ўз табиатига кўра номаълум нарсаларни аниқлаш билан боғлиқ обьектив жараён, яъни келажакка назар ташлайдиган ва унинг ривожланиш қонунларини билиш асосида уларни ўз эҳтиёжларига мослаштирадиган кучдир.

Аммо фаннинг хужумкор ҳаракати аста-секин юксалишдан эмас, балки фақат микдорий кўпайишдан иборат. У диалектика қонунлари ва тамойилларига тўла мувофиқ тарзда намоён бўлади. Бу ерда ҳар бир янгилик эскини диалектик инкор этиш ўки бўйлаб юксалиш, қарама-карши кучлар (хулосалар ва карши хулосалар, тан олиш ва рад этишлар, топиш ва йўқотишлар ва х.к.) бирлиги ва кураши, ниҳоят, микдор ва сифат ўзгаришлари чексиз жараёни демакдир. Бунда илмий билимлар ривожланишининг бош шарти ворислик ҳисобланади. Бусиз келажак сари ҳеч қандай ҳаракатланиш мумкин эмас. Шу боис ҳам

Ньютон фандаги ўз эришган ютуқларига елкасида туриб ўзидан олдин ўтган ўтмишдошлари туфайли эришганини қайд этган эди.

Бинобарин, башорат ва прогноз килишнинг барча бошқа шаклларидан фан ўз барқарорлиги, объектив изчиллиги ва ворисийлиги билан фарқ қиласи. Унинг муҳим шаклларидан бири **илмий кашфиёт** дир.

Илмий кашфиёт – моддий дунёнинг илгари маълум бўлмаган, билишнинг ривожланиш даражасини тубдан ўзгартирадиган, объектив тарзда мавжуд қонуниятлари, хоссалари ёки ҳодисаларини аниқлаш демакдир.

Илмий кашфиёт – келажак сари олға силжишдир. Унинг замира иносон ва унинг билимлари тадрижий ривожланишини белгилайдиган объектив, табиий ва ижтимоий қонуниятлар ётади, «ходисанинг моҳиятига кириш эса жараён кечишининг қонуниятларини топиш, унинг турли бўғинлари ўртасидаги, унинг вужудга келиши ва ривожланишини белгилайдиган турли омиллар ўртасидаги алоқаларни илмий кашфиёт ўз мантикий ниҳоясига етган деб хисоблаш мумкин бўлган пайтгача аниқлашни англатади».

Ўрганилаётган муаммога ана шу нуқтаи назардан қаралиши керак. Бунда илмий башорат, келажакка назар ташлаш жараёни сифатида, асосан фаннинг ривожланиш хусусиятига, одатда, келажак жараёнларини ҳозирги замонда мужассамлаштирадиган илмий инқилобларга олиб келадиган фундаментал илмий кашфиётларга таянади. Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Н.Коперник, Г.Галилей, И.Ньютон, М.Ломоносов, М.Фарадей, Д.И.Менделеев, Ч.Дарвин, К.Маркс, Г.Мендель, А.Эйнштейн, В.И.Вернадский каби буюк олимлар фанга қўшган билимлар инсоният тарихида ана шундай бурилишларга сабаб бўлган.

Ҳозирги шароитда янги парадигма – **синергетика** фан тараккиётининг, унинг келажакка назар ташлаш имкониятларининг муҳим шартларидан бири хисобланади. У уч асосий гоя: ўз-ўзидан ташкил бўлиш, очиқ системалар ва чизиқсизликни ўз ичига олади.

Илмий фикрлаш методологиясининг энг янги шаклларидан бири бўлган синергетика табиий фанлардан бошлаб социологиягача бўлган системалар муайян тоифасининг ўз-ўзини ташкил килиш механизmlарини ўрганади.

Синергетикада ривожланишга мумкин қадар кўпроқ барқарорликка эришишга интилиш натижасида тартибсизликдан изчилликка ўтишнинг кучайиши деб қаралади. Ушбу тушунччанинг универсаллиги шу билан белгиланадики, синергетика тушунчасининг таърифига ҳозирги даврдаги ва келажакдаги табиий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солиш ва яхлит ташкил этиш тамойиллари ҳам киритилган.

Иносон фаолиятининг ҳар хил турларини ўз ичига олган жамиятнинг ривожланиш истиқболларини ёритар экан, синергетика жамиятнинг келажак сари ҳаракатланиши жараёнида муаммоларни қўйиш ва ҳал қилишнинг янги шакли, модели сифатида, ҳар бир лаҳзада муво-

занат ҳолатида бўлмаган ўз-ўзидан ташкил бўлувчи система шаклланишинг асосий шартларидан бири хисобланади.

Фикримизга мисол тариқасида америкалик таникли файласуф, социолог ва футуролог, «ўта индустрисал цивилизация» фояси муаллифларидан бири О.Тоффлер ижодига тўхталиб ўтамиз.

Унинг фоялари «Учинчи тўлқин» ва «Олдиндан билиш ва башорат килиши» китобларида айниқса ёрқин ифодасини топган. Ушбу асарларида О.Тоффлер келажак жамиятининг манзарасини шакллантириш билан индустрисал цивилизациядан олдинги даврга, лекин янги технологик асосда қайтиш деб тушунади. Тарихга узлуксиз тўлқинли ҳаракат деб қараб, О.Тоффлер келгуси дунёнинг ўзига хос хусусиятларини, чунончи, унинг иктиносидай асосини электроника ва ЭҲМ, космик ишлаб чиқариш, океан туби бойликларидан фойдаланиш ва биоло индустрияни ривожлантириш зарурлигини қайд этади. Агар инқилоб (бининчи тўлқин) ва саноат инқилоби (иккинчи тўлқин) ўрнига келадиган «учинчи тўлқин» хисобланади.

Д.Беллда биз техника фалсафасининг янада мураккаброқ қўринишига дуч келамиз. Ҳозирги ялпи компьютерлаштиришга «рўй берадиган техник инқилоб рамзи ва ифодаси» деб қараб, америкалик файласуф унда шаклланаётган «постиндустриал» жамият шакл-шамойилларини қўради. Унда «асосий белгилар» – моддийлик (яъни ишлаб чиқариш соҳаси) ва маънавият (маданий институтлар соҳаси) ички қарама-каршиликка эга бўладики, бунда Белл «ахборотлашган» жамиятининг аниқ пароканда бўлиш хавфини қўради.

Сўнгги йилларда бунга қарама-карши концепция – технофобия, яъни техниканинг барча соҳаларга кириб бориши хавфидан қўрқиши концепцияси ҳам кенг тарқалмоқда. Инсон фан-техника тараққиётини темир исканжасида ўзини қўғирчоқдай ожиз ҳис қиласди. Шу нуқтаи назардан фан-техника тараққиёти шу кадар кенг қўлам касб этмоқдаки, жамият назоратидан чиқиб кетиб ва цивилизацияни вайрон қиласдиган кучга айланиши, инсон яшайдиган мухит – табиатга ва инсон яшайдиган табиий мухитга, инсонни ўзига ҳам катта зиён етказиши мумкин. Бу бутун инсониятни ташвишга солмоқда, чунки қайта бартараф этиб бўлмайдиган хавфли куч сифатида, инсониятга хос бўлган акл ибтидоси аҳамиятини йўқка чиқармоқда. Фалсафанинг ушбу концепцияси антисциентизм таълимотида ўз ифодасини топган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш керакки, бир қанча илмий, илмий-техник, ижтимоий-иктиносидай ва бошқа тадқиқотлар ва таълимотларда фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичи ҳар хил талқин қилинади. Турли назарий системаларда у ҳар хил номланади. Масалан, марксистик терминологияда ва айрим гарб олимлари терминологиясида – «фан-техника инқилоби», О.Тоффлернинг цивилизацион типологияси бўйича – «ижтимоий-техник инқилоб». Кўпинча у ахборот-компьютер ва ахборот-экологик инқилоб деб номланади, электрон-компьютер ва биотехнологик технологияларнинг яратилиши ва тарқалиши унинг ички ўзагини ташкил этади. Янги цивилизация, шартли

килиб айтганда, «постиндустриал жамият», «аҳборот жамияти», «аҳборот-экологик жамияти» ушбу инқиlob натижаси бўлиши мумкин.

Шакл-шамойиллари эндигина намоён бўлаётган жамият шу билан тавсифланадики, унда аҳборот ва билимлар алоҳида, муҳим ўрин эгалайди. Ҳозирнинг ўзидаёк энг ривожланган мамлакатларда саноат ва кишлоп ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий соҳалари, алоқа ва коммуникациялар, майший хизмат кўрсатиш, дам олиш, таълим ва маънавий ҳаёт асосан техника ютукларига таянмоқда, уларга фан тобора чукурроқ кириб бормоқда. Билимларни излаш, яратиш, ўстириш ва саклаш, уларнинг маъносини ўзгартириш, кўпайтириш ва тарқатиш одамлар фаолиятида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Аҳборот энг кимматли маҳсулот ва асосий товарга ҳаттоқи сиёсий таъсир қуролига айланиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан инсон ҳар доим ижтимоий-иқтисодий тизим ва аҳборот тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда. Синергетик маънода инсон тартиб мезони бўлиб амал қиласи, мавжуд ва шаклланаётган ижтимоий тузилмада муайян барқарорлик ёки бекарорликни келтириб чиқаради, нафакат жамиятни, балки ўз атрофидаги предмет-моддий соҳани ҳам ўзгартиради.

Жамиятнинг бундай ўз-ӯзидан ташкил бўлиш жараённига айрим одамларнинг фаоллиги, интилишлари ва хоҳиш-истаклари, уларнинг «эркин иродаси» имконият яратади. Ҳар бир инсоннинг муайян ҳаракатларига жуда кўп сабаблар туртки беради. Одамлар фаоллигининг бекарорлигига айрим оқимларни кузатиш мумкин. Бинобарин, ушбу бекарорлик узлуксиз структураланади ва табиийки, бунга қайси механизмлар имконият яратади, деган савол тугилади.

Синергетик методнинг ижтимоий жараёнларга қўлланилишини кўриб чиқишада машхур олим, академик Н.Н.Моисеев ижодига таяниш мумкин. У бозор иқтисодиётининг шаклланишини одамлар ижтимоий ҳаётидаги тасодифий ҳодиса эмас, балки одамларнинг ишлаб чиқариш фаолиятида ва савдо (айирбошлаш) соҳасида ўз-ӯзидан ташкил бўлиш умумий тамойилларининг амалга оширилиши деб таърифлади. Инсон ўз фаолиятида инсоният тарихининг муайян босқичида бозор иқтисодиёти тамойилларидан фойдаланмаслиги мумкин эмас эди. Узоқ ўтмишда у мазкур тамойилларни онгсиз, стихияли равишда ўз эҳтиёжларига мослаштириди. Ҳозирги замон ва келажак бозор иқтисодиётининг эволюциясида янги босқич унга ақл-заковатли инсоннинг кириши билан боғлиқ. Инсон унга олдиндан айтиб бўлмасликнинг янги унсури – танлаш эркинлигини ҳам олиб киради. Шу муносабат билан бозор иқтисодиёти механизмларига инсоннинг аралашиши, хусусан, саралаш ва танлаш жараёнларида, статик тескари алоқаларни динамик алоқалар билан алмаштириш жараёнларида илмий башоратдан фойдаланилишини англатади. Энг муҳими – узоқ муддатли мақсадларни танлаш таомилларига инсоннинг ўзи ҳам аралашади. Натижада, танлаш жараённи маълум даражада изчил тус олади, унинг имкониятларини жуда кенгайтиради, лекин, умуман олганда, ҳеч нарсани ўзгартирмайди:

жонли дунёда тортишувлик, ракобат, танланиш сақланиб қолади, фагат мураккаброқ тус олади. «Бозор» – «бозор» булиб колади, аммо уни маълум даражада башорат килиш имконияти пайдо булсада, барибир ривожланиши шунинг бўлган кисмлари соҳалари сирлигича қолиши мумкин. Бозор иқтисодиёти механизмига инсон ақл-заковатининг қўшилиши – хозирги шароитда бозор муносабатлари ривожланишида ташланган мухим қадамдир.

Шундай килиб, илмий башорат назарий ва тажрибада кўрилган билимларни умумлаштиришга, ҳодисаларнинг қонуниятлари ва алоқаларини хисобга олишга асосланади, у олинган билимларни аникланмаган нарсалар соҳасига татбиқ этиш воситаси булиб хизмат қилади. Прогноз эса, илмий башоратнинг етакчи шакли сифатида, олдиндан айтишни сикиб чиқаради. Олдиндан айтиш ўз илмий аҳамиятини йўқотади.

Бу вазиятнинг илмий жихатдан янгилиги шундаки, биринчи марта иқтисодий манфаат, меҳнатга муносабат пайдо бўлади, у, бир қарашда алоҳида субъектларга таалтуқли бўлмаса-да, лекин амалда уларни бирлаштиради. Ушбу иқтисодий манфаат муайян шахсларнинг ўзаро манфаатларига дахлдор бўлмайди, балки кенг омманинг ўзаро муносабатларини қамраб олади, уларни ягона ишлаб чиқарувчи тизимга ўюштиради.

Шу нуктаи назардан синергетикани бевосита ишлаб чиқарувчилар билан ишлаб чиқариш қуроллари ва воситаларининг эгалари, яъни иш берувчиларни ўюштирувчи серкирра тизим сифатида тушуниш мумкин.

Иқтисодий муносабатларни шу нуктаи назардан кўриб чиқиши бизга жамият тараккиёти мураккаб системасини тушуниш имконини беради. Ушбу тизимда хусусий мулкнинг пайдо булиши тасодифий ҳол эмас, балки тарихий зарурият, инсониятнинг ривожланиши тарихидаги тегишли тараккиёт бўлган.

Ўз-ўзидан ташкил булиш соҳасида катта салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон мустакиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда катта ютукларни кўлга киритди. Айни вақтда, мамлакатни олдинда модернизация килиш билан боғлик мураккаб жараён кутмоқда. Шу боис келажак ҳақидаги прогнозларда пухта ўйланган оптимизмни намоён этиш, мураккаб муаммоларни ҳал килишда дуч келиниши мумкин бўлган кийинчиликларни олдиндан кўра олиш, айни вақтда, хозирги Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳотлар қайтмас, тараккий этувчи хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқиш керак.

Ушбу шароитда Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ривожланиши истиқболлари ва устувор вазифаларини олдиндан белгилаш айниқса долзарб аҳамият касб этади.

Мамлакатда юзага келган вазиятга баҳо берар ва уни янада ривожлантириш ўйларини белгилар экан, И.Каримов хозирда мавжуд кийинчиликларни қандай тушунишини куйидаги сўзларда ифодалади:

«Мохиятни тушуниб етмасдан, юмук күз ва шошмашошарлик билан мақсад сари эркин сузишга чиқиш мумкин эмаслигини биз ҳаммамиз яхши тушунишимиз керак. Бунинг учун авваламбор, аник йұналишни белгилаш, мустаҳкам кемани танлаш, ишончли жамоани түплаш, уни оғир шароитларда сузишга үргатиши ва фақат шундан кейин йұлға чиқиш керак»¹.

Ушбу сұздардан күриниб турибиди, мамлакат олдига құйилған вазифалар нақадар мураккаб бұлmasин, уларни нафакат олдиндан айтиш, балки ҳал қилиш ҳам мумкин.

Шу нұқтаи назардан Президент И.Каримовнинг иккинчи чакирик Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги (2002 йил 29 август) маъруzasи алоҳида дикқатга сазовордир. Ушбу маърузада Юrtбошимиз мамлакатни келажакда ривожлантириш стратегиясининг асосий мохиятини акс эттириди. Бу мақсадларга яқын келажакда эришиш учун Президент уч асосий вазифани қўйди:

– биринчидан, мамлакатнинг янгича сиёсий тузилиши концепциясини амалга ошириш, «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этишини кўзда тутиш;

– иккинчидан, иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш асосида бозор иқтисодиётининг кучли инфратузилмасини барпо этиш, эркин иқтисодиёт тамойилларини амалга ошириш;

– учинчидан, янги жамият қуриш, Америка, Европа ва Осиёнинг энг ривожланган демократик давлатлари етган турмуш даражасига эришиш.

Шундай килиб, И.Каримов асарларидан ишлаб чиқилған ва назарий жиҳатдан асослаб берилған Ўзбекистонда ижтимоий йұналтирилған бозор иқтисодиётига асосланған фукаролик жамияти пойдеворини барпо этиш вазифалари илмий ва ижтимоий башорат концепциясига кўшилған катта илмий-амалий хисса бўлди.

Қисқача холосалар

1. Фан-техника тараққиети жадал суръатларда давом этаётган ҳозирги шароитда илмий башорат муаммоси ўта долзарб аҳамият касб этади.

2. Башорат тарих жараённан шаклланған, бир неча босқич, чунончи: интуитив, диний, фалсафий ва илмий босқичларни босиб ўтган.

3. Ҳозирги замон илмий башоратининг асосий шакллари экстраполяция, тарихий аналогия, моделлаштириш, прогноз, синергетика ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилған, «бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек модели» номи билан довруқ таратган жамиятни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий стратегияси илмий башоратнинг ёрқин мисолидир.

¹ И.А. Каримов. Ватан саждагох каби мұқаддасдир. – Т., 1995. 6-6

Асосий тушунчалар

Интеллект – тафаккурнинг ўтмиш, ҳозирги замон ва келажакни окилона билиш қобилияти.

Мантика – ирим-сиримларга асосланган эскича қарашларда фол очиш, келажакни башорат қилиш усуллари.

Моделлаштириш – билиш объекtlарини тадқиқ қилиш методи; мавжуд предметлар келажақда қандай намоён булишини билиш учун уларни тузиш ва ўрганиш.

Башорат (илмий) – айни пайтда маълум бўлмаган, лекин аниклаш мумкин бўлган муайян нарсанинг келажақдаги ҳолати ҳакида асослантирилган тахмин.

Прогноз қилиш – башорат қилиш, олдиндан айтиш; муайян ходисанинг келажақдаги ҳолати тўғрисида тахминий мулоҳаза юритиши.

Экстраполяция – объекtnинг муайян қисмини кузатиш натижасида чиқарилган хуласаларни унинг бошқа қисмига татбиқ этиши.

Энтропия – тизим, системанинг муайян ҳолатда қолиш (сақлашиш) мезони.

Саволлар

1. Илмий башорат нима?
2. Келажакни башорат қилишнинг қандай методлари ва шакллари бор?
3. Башорат, прогноз – фанми ёки фол очиши?
4. Яқин келажакнинг тахминий шакл-шамойиллари қандай?
5. И.Каримов XXI асрда Ўзбекистоннинг ривожланиш истиқболлари ҳақида.

Адабиётлар

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т., «Ўзбекистон», 1995.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. – Т., 2002.

Губин В.Д. Философия. Элементарный курс. – М., 2001.

Годы, равные векам. – Т., 2001.

Левитин Л. Узбекистан на историческом повороте. Критические заметки сторонника Президента И.Каримова. – М., 2001.

Основы философии в вопросах и ответах. – Ростов-на-Дону – Москва 1997.

Тойнби А. Постижение истории. – М., 1997.

Туленова К. Предвидение и реальность. – Т., 1998.

Фалсафа асослари. Дарслик. М. Ахмедова таҳририда. Т., 2005.

Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. – Минск, 2003.

15-мавзу. ФАННИНГ ИНСОНПАРVARЛАШУВИ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА ОЛИМ МАСЪУЛИЯТИ

15.1. Ҳозирги замон фани: яхшилиқми ёки ёмонликми?

Қадимги юонон фалсафасининг буюк намоёндаси Сукрот ўзаро баҳслашувнинг моҳир устаси, ҳақиқат моҳиятига етишнинг саволжавобга асосланган усули асосчиларидан бири эди. У мазкур усулга, энг аввало, ахлок тушунчаларни таърифлаш усули деб қарар эди. Платоннинг илк, «сукротона» диалогларида («Давлат») Сукрот диалектикасидан, унинг ўз сұхбатдошини «синовдан ұтказиш» орқали моҳирона жавоб олиш усуллари, ҳақидаги жуда күп мисолларга дуч келамиз¹. Куйидаги Сукротта тааллукли диалог «яхшилик» ва «ёмонлик» тушунчаларини ёритувчи шундай мисоллардан бирилер.

Бир куни ўз шогирдлари билан Афина қўчалари бўйлаб кетаётуб, Сукрот бир танишини учратиб колди ва ундан:

- Яхшилик ва ёмонлик нималигини биласанми? – деб сўрайди.
- Албатта, биламан, итим ҳақи қасам ичаман, Сукрот, буни ким билмайди!²

– Унда айт-чи: алдаш – ёмонликми?
– Албатта!

– Агар она болага дорини ичириш учун уни шириң деб алдаса-чи, бу ҳам ёмонликми?

– Йўқ.
– Одам ўлдириш, албатта, ёмонлик, шундайми?
– Бўлмаса-чи!
– Агар киши ўз уйи, оиласини ҳимоя қилиб, одам ўлдирса-чи, бу ҳам ёмонликми?

– Итим ҳақи, билмайман, Сукрот. Илгари яхшилик ва ёмонлик нималигини яхши тушунаман деб ўйлардим, энди бунга шубҳаланиб колдим.

Ушбу диалогда биз Сукротнинг сұхбатдоши яхшилик ва ёмонлик тушунчаларига аниқ таъриф топа олмаганини кўрамиз. Бундай таърифни савол берувчининг ўзи ҳам топа олмаган. Аммо бу бир қараашда шундай, чунки Сукрот донишманд одам (у, шубҳасиз, донишманд эди), агар у ўз килмишларининг барча оқибатларини пухта ўйлаган бўлса, ҳеч қачон хато қилмайди. Шу боис ўз сұхбатдоши билан диалогни Сукрот куйидаги сўзлар билан яқунлади: «Сен илгари ҳеч нарса ўйламагансан, шунчаки каердадир ўқиган ёки кўрган нарсаларингга ўйламасдан ишонгансан. Ўзинг, балки, энди ўйлай бошларсан».

¹ Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва-Харьков. 1999. с. 91–127.

² «Итим ҳақи қасам ичаман» – Сукрот яхши кўрган ибора.

Инсон пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик муаммоси мавжуд. У қадимги диний-фалсафий таълимотлардан бири – зардустийлика айни́кса ёркин намоён бўлган. Милоддан олдин VIII-VII асрларда Марказий Осиё куйи Амурдарё худудида вужудга келган ушбу таълимот яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги кураш оламдаги барча жараёнлар мазмунини ташкил этиши ҳақидаги гоя асосига қурилган.

Зардустийлик таълимоти дунёдаги ҳамма тартиблар яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги курашга боғлиқ, деб тушунтиради. Бу кураш абадий давом этади. Зардустийлик яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашда оламдаги жараёнлар мазмунини, эзгулик тантанасига ишончни кўради. Аммо ғалаба дарров келмайди: жаҳонда кўп асрлар мобайнида уруш, жанжал, можаролар «Олтин» аср қайтмагунча давом этади.

Шу нуктаи назардан охирги уч мингийиллик тарихи зардустийлар башоратини тасдиқлади. Маълумки, инсоният тарихи чексиз урушлар, истилолар ва бошқа қуроллли тўқнашувлар остида ўтди. Инсоният яқин тарихининг ўзида 14 550 дан ортиқ катта-кичик урушлар, шу жумладан, икки жаҳон уруши бўлиб ўтди. Шу урушлар оқибатида 3,6 млрд.дан кўпроқ одам, яъни хозирги Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпроги ҳалок бўлди, очлик ва юкумли касалликлардан жон берди¹.

Шундан келиб чиқиб ҳисоблаш мумкинки, ҳар юз йилда ўрта ҳисобда тахминан 2,5 млн. ёки ҳар йили 25 000 киши ҳалок бўлган, қурбонлар сони йилдан йилга кўпайиб борган, арифметик прогрессиядан геометрик прогрессияга ўтган. Қурол-аслаҳалар сони кўпайиши ва сифати яхшиланиши билан турли урушлар қурбонлари микдори айни́кса кескин кўпайди, XX аср охирига келиб бу муаммо оламшумул аҳамият касб этди. Афсуски, ушбу жараёнда фан ва техника, у ишлаб чиқкан одамларни оммавий қиргина килиш қурол ва воситалари катта «рол» ўйнади.

XX асрнинг ўзида урушларда 100 млн.дан кўпроқ одам ҳалок бўлди. Ҳалок бўлганларнинг аксарияти тинч аҳолидир. 1914–1918 йилларда бўлиб ўтган биринчи жаҳон урушидаёқ кимёвий қурол кўлланди, бунинг натижасида нафакат ўн минглаб харбийлар, балки тинч аҳоли, шу жумладан, заҳарли моддалар билан зааралangan худуддаги барча тирик жонзорлар қирилиб кетди.

Аммо иккинчи жаҳон уруши (1939–1945) натижалари ундан ҳам даҳшатли бўлди, у 50 млн.дан кўпроқ одамнинг ёстиғини курилди. Уруш охирида Хиросима ва Нагасаки шаҳарларининг тинч аҳолиси устига ташланган атом бомбалари унинг мудхиш якуни бўлди.

Бу ерда ҳам ахлоқий, ҳам фалсафий англаб этишни тақозо этадиган саволлар туғилади: истеъоди ва тафаккури маҳсулидан инсониятга қарши ҳарбий мақсад ва харакатларда фойдаланилаётгани билган олимлар жавобгар бўладими? Бизнинг назаримизда, бу саволга аниқ, узил-кесил жавоб мавжуд эмас, чунки ҳар бир ҳарбий харакат

¹ Философский энциклопедический словарь. – М., 1983. с. 88.

замирида ўз сабаблари, XX асрда инсоният тараққиёти йўлини белгилаб берган объектив ва субъектив омиллар ётади. Бу, энг аввало, фан-техника тараққиёти бўлиб, унинг вужудга келиши тарихий зарурият билан инсоният хужумкор ривожланишининг муқаррар босқичи тарзида белгиланади.

Бугунги кунда, постиндустриал, ахборот ва технотрон жамияти вужудга келаётган асрда, ижтимоий ва социал тараққиётда фан ва техника ролини, фан жамиятнинг ҳозирги парадигмаларини белгиловчи куч эканини инкор этиш хеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди.

Айни вақтда, Ер юзи ахолисининг аксарият қисмига эмас, балки бутун инсониятга таҳдид солаётган энг мукаммал ва энг даҳшатли қирғин қуроллари бугунги кунда олимларнинг бевосита иштирокида яратилаётганини ҳам тан олишга мажбурмиз. Шу нуқтаи назардан мазкур муаммо ҳимоясига ҳам, унга қарши ҳам жуда кўп далиллар келтиришимиз мумкин, чунки кундалик илмий фаолиятда олинган билимлар фойдали, одамларга кераклими ёки уларга потенциал ё реал ҳавф соладиган илмий тадқиқот натижасими – олдиндан баҳолаш қиин, баъзи ҳолларда эса бунинг умуман иложи йўқ.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиётини уларда олимлар ва техник жараёнлар иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, фан ва техника тараққиёти – давр талаби. Бу – масаланинг бир томони. Аммо, иккинчи томондан, ўз илмий фаолияти натижалари учун олимлар ҳам масъулдирлар. Фан-техника тараққиёти даврида яшаш ва объектив тарзда ушбу жараёнга жалб қилиниб, ўз фаолияти учун жавобгар бўлмаслик мумкин. Аммо фанни олимлар, яъни одамлар яратади, бинобарин, инсоний ҳислатлар ва иллатлар уларга ҳам бегона эмас. Улар одамлар фойдасини кўзлаб ҳам вааксинча, ёвуз ниятларда ҳам иш кўриши мумкин. Иккинчи жаҳон уруши йиллари абадий навқиронлик эликсирини топиш ёки одамларни оммавий қирғин қилишга мўлжалланган биологик-тиббий қуролини ихтиро қилиш ниятида одамларда ғайриинсоний тажрибалар ўтказган нацистларнинг фан «арбоблари» бунинг ёрқин далилидир. Улар ўша йилларда «қасос қуроли» – атом бомбасини яратиш устида ҳам кизғин иш олиб бордилар, аммо ишни якунлашга улгурмадилар. Лекин ушбу қирғин қуролини американлик ҳарбийлар 1945 йил августда виждони кийналмай тинч ахолига карши қўлладилар.

Маълумки, нацист ҳарбий жиноятчилари, шу жумладан, ғайриинсоний тажрибалар ўтказган шифокорлар ҳам Нюренберг шахрида ҳалқаро ҳарбий трибунал олдида жавоб берди ва қилмишига яраша муносиб жазосини олдилар.

Бу ерда олим энг аввало, муайян маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга инсон эканини; олим – ўзи яшайдиган мамлакат фукароси ва шу туфайли унинг қонунларига бўйсунишга мажбурлигини; ва ниҳоят, олим – истеъмолчи ва шунинг учун у илмий тадқиқотларга тижоратнинг аралashiши қонунларига бўйсунишини билиш мухимдир. Илмий тадқиқотларга тижоратнинг аралашуви эса илмий ҳамжамият олдига

шундай муаммоларни кўймоқдаки, уларни ҳал қилишга фаннинг норматив-қадриятлар тизими ҳали мослаша олгани йўқ¹.

Бундан хулоса шуки, мазкур фалсафий муаммо фан-техника тараққиёти тизимида олимнинг ролини соғ илмий тушуниш доирасидан анча четга чикади, у олимнинг ички борлиғига чукур кириб боради, унинг фуқаролик бурчига бориб тақалади. Олимнинг нафақат фан, балки бошқа одамлар билан ҳам ўзаро алоқаси инсонга мос бўлиши керак бўлган илмий билимнинг табиатига ҳам, унинг ўз илмий тадқиқотини тушуниб етишига ҳам муайян даражада таъсир кўрсатади.

Шу сабабли бугунги кунда, бир томондан, илмий ихтиrolарни ҳаётга, амалиётга татбик этиш, иккинчи томондан эса – олимнинг инсоният олдидаги масъулияти масалалари ўта долзарб, баъзан эса – оламшумул аҳамият касб этмокда. Бунга мисоллар кўп: ядро ва термоядро соҳасида эришилган ютуқлар, биология ва ирсий инженерия соҳасидаги кашфиётлар, сунъий яратиладиган ҳар хил нурланишларнинг ихтиро қилиниши, шу давргача дахлсиз ва муқаддас деб хисобланган инсоният руҳиятига кирилиши – сунъий интеллектнинг яратилиши ва нихоят, инсон клонини яратиш усулининг ихтиро қилиниши кабилар.

Шу муносабат бил... ҳозир фанда жоиз ва ножоизлик чегаралари масаласи олимлар қаршисида айниқса кескин бўлиб турибди. Бугунги кунда олим жамият тараққиётининг мураккаблигини ҳисобга олиб, ўз ихтироси оқибатларини олдиндан кўра олиши ва зарур холда ўз ишини тўхтатиши керак. Бу жиҳатдан американлик детектив асрлар устаси Д.Ж.Чейзнинг романларидан бири дикқатга сазовордир. Ушбу романда қандайдир янги қотишмани ихтиро килган, аммо ихтироси одамлар бошига чексиз кулфатлар солиши мумкинлигини ўз вақтида англаб етган олим тўғрисида сўз юритилади.

Муаллиф ўз қаҳрамони тили билан «ҳар қандай янги кашфиёт – ихтирочи учун катта масъулият», чунки у одамларга қарши қаратилиши зиён келтириши мумкин, деган масалани кўтаради: «Мен ўз кашфиётимни сир сакладим, –дейди роман қаҳрамони. – У биз яшаётган хаста, телба дунёга хавф солмаслигига, балки одамларга фойда келтиришига ишонч ҳосил қилмокчи бўлдим». Бунинг аксига ишонч ҳосил қилгач, олим ўз ихтироси формуласини ёқиб юборади².

Хуллас, фан соҳасида яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги масала узил-кесил ечимга эга бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай илмий фаолият доим келажакка олға силжиш нима мақсадда ва ким учун амалга ошириляпти, деган савол билан бөглиқ бўлиши керак. Исо Масих сўзлари билан айтганда: «Бир вақтнинг ўзида ҳам Худога, ҳам мамонага (бойликка) хизмат қилиш мумкин эмас».

¹ Философия и методология науки. Под ред. В.И.Купцова. – М., 1996. с. 471.

² Ж. Зарубежный детектив: век XX. – Т., 1993.

15.2. Фан этоси

Фан этоси – олимлар орасида авлоддан авлодга ўтиб келаётган, инсон ва фан учун мажбурий хисобланган маънавий қадриятлар ва қоидалар мажмуи. Шу билан бирга, фан этоси бу фаннинг инсон-парварлашуви, унинг маърифий, маънавий ва фалсафий, билиш, ахлоқ ва дунёкараш элементларини унсурларни ўзида йўғунлаштирган ҳолда инсонийлик касб этиши ҳакидаги масала ҳамдир.

Маълумки, ҳар қандай билим, айниқса, илмий билим инсонга, унинг интеллектуал ва психофизиологик имкониятларига бοглиқ булган усуслар ва воситалар ёрдамида яратилади.

«Фан этоси» ва «илмий ахлоқ» тушунчалари маъносига кўра ҳам, моҳиятига кўра ҳам, мазмунига кўра ҳам яқин. Иккала тушунча ҳам фан инсонсиз мавжуд була олмаслигини англатади. В.И.Вернадский таъбири билан айтганда, «илмий тафаккур ҳам индивидуал, ҳам ижти-моий ҳодиса, у инсондан ажралмасдир»¹.

Шу билан бирга, ҳозирги замон фанига фан этоси тушунчаси кўпроқ мос келади, чунки у, соф ахлоқий категориялар билан бирга, фалсафий-социологик жиҳатни ҳам ўз ичига олади. Бундан гашкари, улар ўртасидаги фарқ билиш объектининг ўзига хослигига ва улар ижти-моий аҳамиятининг хусусиятида ҳам кўзга ташланади. Борлиқни фақат маънавий-ахлоқий шаклларда акс эттирадиган ахлоқдан фарқли ӯлароқ, фан буни ахлоқ нормалари яширин тарзда мавжуд бўлган абстракт тушунчалар, қоидалар, гипотезалар, қонунлар, назариялар шаклида амалга оширади.

«Фан этоси» тушунчаси америкалик социолог Роберт Мертоннинг «Фаннинг меъёрий таркиби» (1942) асарида янада тўла ифодасини топган. Муаллиф унда фан нормаларини тўрт асосий қадрият атрофига жойлаштиради.

Бу энг аввало, фанда универсаллашув талаби. Фанда ўрганиладиган табиий ҳодисалар бир хилда кечиши туфайли, уларнинг ҳакиқийлиги ушбу ҳакиқатни таърифловчи шахсга боғлиқ бўлмаган тарзда баҳолан-моги керак. Бу демак, ёш олимнинг ҳам, тажрибали олимнинг ҳам ишлари бир хилда қаттиқ текширилиши ва танқид қилиниши лозим.

Иккинчидан, илмий билим монополиялаштирилиши мумкин эмас. У умумхалқ мулки бўлиши керак.

Учинчидан, ҳакиқатни бегараз излаш, ундан ҳеч қандай шахсий манфаатни кўзламаслик олим фаoliyatinинг биринчи ва энг асосий мезони бўлиши керак.

Нихоят, тўртинчидан, фанда биронта ҳам машхур шахсга кўр-кўрона ишонмаслик керак, олим нафақат ўз манфаатларини қаттиқ

¹ Вернадский В.И. О науке. Т.1. – М., Дубна, 1997. с.464

туриб химоя килиши, балки фикрлари хато бўлиб чиқкан тақдирда, улардан воз кечишда ҳам жасорат кўрсата билиши лозим¹.

Кейинчалик Мертон «Олимнинг амбивалентлиги» (1962) асарида фан этоси талқинига маълум тузатишлар киритди. Бунда у асосан айни бир объект икки қарама-карши сезгилар уйғотган ҳолда, олим қарама-карши норматив талабларни мувозанатга келтира олиши керак, деган қарашдан келиб чиқди.

Мана, Р.Мертон келтирган олимнинг амбивалентлигига баъзи бир мисоллар:


1) у (олим) ўз натижалари ҳакида ҳамкасларини ҳам мумкин қадар тезроқ ҳабардор килиши керак.

Айни вактда, у ушбу натижаларни нашрий эълон қилишдан олдин, уларни синчилаб текшириб кўриши керак

2) у янги ғояларга таъсирчан бўлиши керак.

аммо у фандаги модага кўр-кўронга эргашмаслиги керак².

18-чизма



Чизмадан кўринадики, олим ҳар қандай, ҳатто чорасиз туюлган вазиятларда ҳам маълум йўл топа олиши ва айни вактда, ўзига нисбатан ҳам, ўз ҳамкаслари – олимларга нисбатан ҳам мумкин қадар хурмат кўрсатиши лозим. Фан ахлоқ нормаларининг бузилиши, энг аввало, қоидабузарнинг ўзини кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Аммо улар оммавий тус олгудек бўлса, нафақат қоидабузар, олимнинг ҳамкаслари, балки фан ҳам хавф остида колиши мумкин. Шунинг учун олимлар ўзаро ишонч муҳити сакланишидан ўзлари манфаатдор бўлишлари керак.

Фалсафа фан учун ишлаб чиқкан умумий тамойиллар орасида **фаннынг инсонпарварлашуви** тамойили ҳам мухим ўрин тутади. Ушбу тамойил илмий кашфиётлар билан улар келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлар ўргасидаги алоқани янада чуқурроқ таҳлил килиш имконини беради. Илмий тадқикот жараёнига ва унинг пировард натижаларига катта таъсир кўрсатадиган фалсафий қарашлар

¹ Р.Мертон фан этосининг асосий қоидаларини баён этишда биз қўйидаги манбадан фойдаландик: Философия и методология науки. Под ред В.И Купцова. – М., 1996. с.474–483.

² Ўша ерда.. 476-6.

ва қадриятлардан келиб чиқадиган фаннинг инсонпарварлашуви масалалари эпистемологиянинг муаммолар майдонига тобора кенгрок кириб бормоқда.

Шу сабабли олимнинг илмий изланиш эркинлиги, унинг маънавий ва ижтимоий масъулияти, ҳозирги замон фанининг гуманистик мөхияти масалалари бугунги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

15.3. Олимнинг эркинлиги ва масъулияти

Юкорида қайд этиб ўтганимиздек, ҳозирги шароитда олимнинг хулк-авторини белгиловчи ахлок коидалари мажмуини ўзида мужас-самлаштирган «фан этоси» тушунчаси тобора кенг татбиқ этилмоқда.

Р.Мертоннинг ҳозирги фан коидалари юкорида қайд этилган тўрт қадрият атрофида тизилади, деган фикрига қўшилган ҳолда, фанда, А.Эйнштейн таъбири билан айтганда, олим ижодининг маҳсулини эмас, балки унинг маънавий фазилатлари – маънавий кучи, инсоний олижаноблиги, ҳалоллиги, ниятларининг соғлиги, сотилмаслик ишга содиқлиги, тиришкоқлиги ҳам муҳимлигини¹ қайд этиб ўтмоқчимиз.

Илмий фаолият натижалари одамлар ва бутун жамият ҳётига асосан ижобий таъсир кўрсатган олдинги замонларда билим, фан эзгуликка хизмат қиласи деган қарашдан келиб чиқиш мумкин эди. Шу сабабли ўша даврда фанга факат билимларни ўстириш шакли ва шу нуқтаи назардан у ахлоқан эътибор этилган деб караларди.

Фан ривожланишининг ҳозирги шароитида ушбу қарашнинг бирёкламалиги яққол кўзга ташланади. Умуман олганда аввал бошдан фаннинг ўзи айбисиз, бегубормиди ёки азалдан гуноҳкорми? деган савони мухокама килиш ўринисиздир. Фан тараққиёти муаммоли ҳолатлар доирасини шу қадар кенгайтироқдаки, олимлар ва бутун инсоният тўплаган маънавий тажриба уларни ечишга ожизлик килмоқда.

Шу муносабат билан инсон юраги ва бошқа аъзоларини кўчириб ўтказиш билан боғлик олиб борилаётган ишлар юзасидан тиббиёт соҳасидаги олимларнинг маънавий ва касбий масъулиятини белгилаш ва баҳолаш жуда муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда ва жаҳоннинг бошқа кўпгина мамлакатларида инсон эмбрионлари билан боғлик тажрибалар ҳам, инсон клонини яратиш билан боғлик тажрибалар ҳам тақиқланган. Бундай тажрибалар инсон ва инсониятга қарши хатти-харакатлар деб эълон қилинган.

Юкорида айтилганлар фанда ахлок муаммолари эволюцияси мурakkabлашмоқда, муаммолар эса янада кескин тус олмоқда, деб хулоса чиқариш имконини беради.

ХХ асрнинг 60-йиллари ўрталарида урушдан кейинги йиллар тажрибаси хақида фикр юритар экан, машҳур немис физиги М.Борн (1882–1970) «реал фанда ва унинг ахлокида ўзгаришлар рўй берди, натижада, бизнинг авлод ишонган эски идеалнинг сакланиши мумкин

¹ Эйнштейн А. Физика и реальность. – М. 1965 с 8

бұлмай колди. Биз фан ҳеч қачон ёмонлик келтирмаслигига, ҳақиқатни излаш үз ҳолиша яхшилик эканлигига ишончимиз комил эди. Жаһонда рүй берган воқеалар бунинг шириң туш эканини күрсатди¹, деб қайд этган эди.

Күриб турғанимиздек, ушбу машхур олимнинг фикр-муло-ҳазалари фан ривожланишида парадигма ўзгарганини, фан романтиклари (М.Борн, В.Гейзенберг, П.Л.Капица, М.Планк, А.Эйнштейн ва бошк.) улар ҳаётининг мазмуни – атом энергиясидан инсон манфаат-ларидан фойдаланиш тинч ахоли устига атом бомбалари ташланишига олиб келган бошқа замонга, бошқа қадриятлар парадигмасига тушиб қолғанини тавсифлайди.

Бундан фан энди ахлоқий нұқтаи назардан баҳолаш обьекти бұла олмайды, олимлар қаршиисида қолған бирдан-бireнистиқ бол – фантехника тараққиети ва унинг олдиндан айтиб бұлмайдиган оқибатларига, фан ютуқларига тижоратнинг фаол аралашувига күр-күронан таъзим қилиш, деган хулоса келиб чиқадими?

Масалан, ҳозир қурол-аслаха, ҳарбий техника ва бошқа кирғин қуроллари билан савдо қилиш кенг йүлға қўйилганига қандай ёндашиш мумкин? Ахир бунга олимлар ва бошқа ҳарбий техника яратувчилари бевосита иштирокчилар-ку. Боз устига, таникли олимларнинг аксарияти қурол-аслаха яратувчи фирмалар ва корпорацияларга раҳбарлик қилмоқда. Улар раҳбарлик қилибгина қолмасдан, ҳарбий маҳсулотни сотища ҳам фаол иштирок этмоқда. Буни қурол-аслаха лари ва ҳарбий техникаси жаһонда кенг тарқалған, нағақат мудофаа, балки хужум максадларидан, турли террорчилик тадбирларини тайёрлаш ва амалға оширишда ҳам қўлланилаётганини АҚШ, Россия, Чехия, Франция, Хитой, Истроил ва бошқа давлатлардаги мисолларда кўриш мумкин.

Оммавий кирғин қуроллари, масалан, термоядро қуролини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш халқаро ҳамжамият томонидан тақиқланганига қарамай, айрим мамлакатлар (Истроил, Покистон, Ҳиндистон ва бошк.) гўёки мудофаа максадларидан атом зарядлари ва уларни нишонга етказиш воситаларини ишлаб чиқарди. Табиийки, ушбу қуроллар ҳам асосан олимлар-конструкторлар томонидан яратилди.

Ха, XX аср охири ва ҳозирги аср бошида жаһонда катта ўзгаришлар рүй берди. Романтика ўрнини аник мүлжал әгаллади, олимлар илмий фаолиятининг шарт-шароитлари ҳам ўзгарди.

Фан-техника тараққиети фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш күчига айлантирган даврда у олим бир үзи ишлайдиган соҳа бұлмай колди. Ҳозирда фан деярли ҳамма жойда давлат ёки илмий-саноат корпорациялари назорати остида комплекс ривожланмоқда. Бундай шароитда истебдодли ихтирочи-олим күдратли, лекин рухсиз конвейер тарзидан айланадиган илмий-саноат ишлаб чиқаришининг жуда күп омилларига тұла боғлиқ бўлиб қолмоқда.

¹ Физика в жизни моего поколения. – М. 1963 с. 108.

Шу билан бирга, фан таракқиётининг салбий томонини мутлаклаштирувчи, фан ва техникада инсониятнинг тинч-тотув яшашига асосий таҳдидни кўрувчи, фан ва техникани, улар билан бирга олимларни ҳам қаттиқ тандид килувчи антисциентистлар томонига узил-кесил ўтиш ҳам ярамайди.

Сциентизм («фан ҳамма нарсадан устун туради») ҳам, **антисциентизм** ҳам, муайян камчиликлар билан бирга, ижобий жиҳатларга эга эканлиги шубҳасиз. Бу икки йўналишни синтез қилиш фаннинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва аҳамиятини янада аникроқ белгилаш имконини беради. Шу нұктай назардан фанни ижтимоий онгнинг бошка шакллари билан диалектик алоқада тадқиқ қилиш, ушбу алоқанинг мураккаб ва кўп даражали хусусияти-томонларини ёритиш зарур.

Бугунги кунда олимнинг илмий изланиш эркинлиги ва масъулияти, фанни тартибга солиш имкониятлари ва чегаралари, илмий ихтиrolар оқибатларининг хусусияти масалалари ҳам ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ерда В.И.Вернадскийнинг қўйидаги фикрларига қўшилмай иложимиз йўқ. У илмий тадқиқот эркинлиги муаммосини ёритар экан, ҳозирги фундаментал тадқиқотлар, коида тариқасида, кўп сонли олимлар жамоасининг баҳамжиҳат меҳнатини ва анча кўп моддий харажатларни талаб қилишини қайд этади. Шу сабабли чексиз тадқиқот эркинлиги гояси ҳозирда ушбу эркинлик узвий боғлиқ бўлган ижтимоий масъулиятни ҳисобга олмасдан идрок этилиши мумкин эмас. «Олимлар ўз илмий изланишлари, илмий таракқиёт келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлардан кўз юммасликлари керак, деб таъкидлайди В.И. Вернадский. Улар ўз кашфиётлари келтириб чиқарган оқибатлари учун ўзларини жавобгар деб билишлари лозим»¹.

Илмий изланиш эркинлиги тўғрисида сўз юритар экан, В.И. Вернадский ҳокимијат илмий тафаккур эркинлигини (очик ёки яширин тарзда) чекламаслиги, унинг ривожланишига ҳар томонлама имконият яратиши учун давлат ҳокимијати билан фан ўртасида муросага келиниши кераклигига эътиборни қаратади. Умуман олганда, илмий тафаккур, давлат ўз ишини тўғри олиб борган тақдирда, унинг кучи билан тўқнаш келмаслиги керак, чунки фан халқ бойлигининг асосий манбаи, давлат қудратининг негизи ҳисобланади².

Бу ерда биз ушбу муаммонинг камида уч жиҳатига, чунончи: олимнинг ахлоқий, ижтимоий ва ҳуқуқий масъулияти масалаларига дуч келамиз.

Ушбу муаммони ёритища олимнинг ҳар бир масъулияти даражасини аниқлаш, бунда солиштириш учун бадиий адабиётдаги шундай муаммоларга таяниш мухимdir.

Мисол учун ўтган асрнинг 30-йилларида донг таратган фантаст-ёзувчиси А.Беляевнинг уч бадиий асарига мурожаат этамиз.

¹ Вернадский В.И. О науке. с 136.

² Ўша ерда 405-6

бўлмай қолди. Биз фан ҳеч қачон ёмонлик келтирмаслигига, ҳакиқатни излаш ўз ҳолица яхшилик эканлигига ишончимиз комил эди. Жаҳонда рўй берган воқеалар бунинг ширин туш эканини кўрсатди¹, деб қайд этган эди.

Кўриб турганимиздек, ушбу машхур олимнинг фикр-муло-ҳазалари фан ривожланишида парадигма ўзгарганини, фан романтиклари (М.Борн, В.Гейзенберг, П.Л.Капица, М.Планк, А.Эйнштейн ва бошк.) улар ҳаётининг мазмуни – атом энергиясидан инсон манфаат-ларида фойдаланиш тинч аҳоли устига атом бомбалари ташланишига олиб келган бошқа замонга, бошқа қадриятлар парадигмасига тушиб қолганини тавсифлайди.

Бундан фан энди ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш обьекти бўла олмайди, олимлар каршисида колган бирдан-бир мистиқбол – фан-техника тараққиёти ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган окибатларига, фан ютукларига тижоратнинг фаол аралашувига кўр-кўронга таъзим қилиш, деган хулоса келиб чиқадими?

Масалан, ҳозир қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа қирғин қуроллари билан савдо қилиш кенг йўлга қўйилганига қандай ёндашиш мумкин? Ахир бунга олимлар ва бошқа ҳарбий техника яратувчилари бевосита иштирокчилар-ку. Боз устига, таникли олимларнинг аксарияти қурол-аслаҳа яратувчи фирмалар ва корпорацияларга раҳбарлик қилмоқда. Улар раҳбарлик килибгина қолмасдан, ҳарбий маҳсулотни сотишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Буни қурол-аслаҳа лари ва ҳарбий техникаси жаҳонда кенг тарқалган, нафакат мудофаа, балки хужум мақсадларида, турли террорчилик тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳам қўлланилаётганини АҚШ, Россия, Чехия, Франция, Хитой, Истроил ва бошқа давлатлардаги мисолларда кўриш мумкин.

Оммавий қирғин қуроллари, масалан, термоядро қуролини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш ҳалқаро ҳамжамият томонидан тақиқланганига қарамай, айрим мамлакатлар (Истроил, Покистон, Ҳиндистон ва бошк.) гўёки мудофаа мақсадларида атом зарядлари ва уларни нишонга етказиш воситаларини ишлаб чиқарди. Табиийки, ушбу қуроллар ҳам асосан олимлар-конструкторлар томонидан яратилди.

Ха, XX аср охири ва ҳозирги аср бошида жаҳонда катта ўзгаришлар рўй берди. Романтика ўрнини аниқ мўлжал эгаллади, олимлар илмий фаолиятининг шарт-шароитлари ҳам ўзгарди.

Фан-техника тараққиёти фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантирган даврда у олим бир ўзи ишлайдиган соҳа бўлмай қолди. Ҳозирда фан деярли ҳамма жойда давлат ёки илмий-саноат корпорациялари назорати остида комплекс ривожланмоқда. Бундай шароитда истеъододли ихтирочи-олим қудратли, лекин руҳсиз конвойер тарзида айланадиган илмий-саноат ишлаб чиқаришининг жуда кўп омилларига тўла боғлиқ бўлиб қолмоқда.

¹ Физика в жизни моего поколения – М. 1963. с. 108.

Шу билан бирга, фан тараққиётининг салбий томонини мутлак-лаштирувчи, фан ва техникада инсониятнинг тинч-тотув яшашига асосий таҳдидни кўрувчи, фан ва техникани, улар билан бирга олимларни ҳам қаттиқ танқид қилувчи антисcientistлар томонига узил-кесил ўтиш ҳам ярамайди.

Сcientизм («фан ҳамма нарсадан устун туради») ҳам, антисcientизм ҳам, муайян камчиликлар билан бирга, ижобий жиҳатларга эга эканлиги шубҳасиз. Бу икки йўналишни синтез қилиш фаннинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва аҳамиятини янада аникроқ белгилаш имконини беради. Шу нуктаи назардан фанни ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан диалектик алоқада тадқиқ қилиш, ушбу алоқанинг мураккаб ва кўп даражали хусусияти-томонларини ёритиш зарур.

Бугунги кунда олимнинг илмий изланиш эркинлиги ва масъулияти, фанни тартибга солиш имкониятлари ва чегаралари, илмий ихтиrolар оқибатларининг хусусияти масалалари ҳам ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ерда В.И.Вернадскийнинг куйидаги фикрларига қўшилмай иложимиз йўқ. У илмий тадқиқот эркинлиги муаммосини ёритар экан, ҳозирги фундаментал тадқиқотлар, қонда тариқасида, кўп сонли олимлар жамоасининг баҳамжихат меҳнатини ва анча кўп моддий харажатларни талаб қилишини қайд этади. Шу сабабли чексиз тадқиқот эркинлиги гояси ҳозирда ушбу эркинлик узвий боғлиқ бўлган ижтимоий масъулиятни ҳисобга олмасдан идрок этилиши мумкин эмас. «Олимлар ўз илмий изланишлари, илмий тараққиёт келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатлардан кўз юммасликлари керак, деб таъкидлайди В.И. Вернадский. Улар ўз кашфиётлари келтириб чиқарган оқибатлари учун ўзларини жавобгар деб билишлари лозим»¹.

Илмий изланиш эркинлиги тўғрисида сўз юритар экан, В.И. Вернадский ҳокимият илмий тафаккур эркинлигини (очик ёки яширин тарзда) чекламаслиги, унинг ривожланишига ҳар томонлама имконият яратиши учун давлат ҳокимияти билан фан ўртасида муросага келиниши кераклигига эътиборни қаратади. Умуман олганда, илмий тафаккур, давлат ўз ишини тўғри олиб борган тақдирда, унинг қучи билан тўқнаш келмаслиги керак, чунки фан ҳалқ бойлигининг асосий манбаи, давлат курдатининг негизи ҳисобланади².

Бу ерда биз ушбу муаммонинг камида уч жиҳатига, чунончи: олимнинг ахлоқий, ижтимоий ва ҳукукий масъулияти масалаларига дуч келамиз.

Ушбу муаммони ёритишида олимнинг ҳар бир масъулияти даражасини аниқлаш, бунда солиштириш учун бадий адабиётдаги шундай муаммоларга таяниш мухимdir.

Мисол учун ўтган асрнинг 30-йилларида донг таратган фантаст- ёзувчиси А.Беляевнинг уч бадий асарига мурожаат этамиз.

¹ Вернадский В.И. О науке. с.136.

² Ўша ерда. 405-б.

бўлмай қолди. Биз фан ҳеч қачон ёмонлик келтирмаслигига, ҳақиқатни излаш ўз ҳолида яхшилик эканлигига ишончимиз комил эди. Жаҳонда рўй берган воқеалар бунинг ширин туш эканини кўрсатди¹, деб қайд этган эди.

Кўриб турганимиздек, ушбу машхур олимнинг фикр-муло-ҳазалари фан ривожланишида парадигма ўзгарганини, фан романтиклари (М.Борн, В.Гейзенберг, П.Л.Капица, М.Планк, А.Эйнштейн ва бошк.) улар ҳаётининг мазмуни – атом энергиясидан инсон манфаат-ларида фойдаланиш тинч ахоли устига атом бомбалари ташланишига олиб келган бошқа замонга, бошқа қадриятлар парадигмасига тушиб қолганини тавсифлайди.

Бундан фан энди ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш обьекти бўла олмайди, олимлар каршисида қолган бирдан-бир мистикбол – фантехника тараққиёти ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларига, фан ютукларига тижоратнинг фаол аралашувига кўр-кўронна таъзим килиш, деган хулоса келиб чиқадими?

Масалан, ҳозир қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва бошқа қирғин қуроллари билан савдо қилиш кенг йўлга қўйилганига қандай ёндашиш мумкин? Ахир бунга олимлар ва бошқа ҳарбий техника яратувчилари бевосита иштирокчилар-ку. Боз устига, таникли олимларнинг аксарияти қурол-аслаҳа яратувчи фирмалар ва корпорацияларга раҳбарлик килмоқда. Улар раҳбарлик килибгина қолмасдан, ҳарбий маҳсулотни сотишда ҳам фаол иштирок этмоқда. Буни қурол-аслаҳа лари ва ҳарбий техникиаси жаҳонда кенг тарқалган, нафакат мудофаа, балки хужум мақсадларида, турли террорчилик тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда ҳам қўлланилаётганини АҚШ, Россия, Чехия, Франция, Хитой, Истроил ва бошқа давлатлардаги мисолларда кўриш мумкин.

Оммавий қирғин қуроллари, масалан, термоядро қуролини ишлаб чиқариш ва синовдан ўтказиш халқаро ҳамжамият томонидан тақиқланганига қарамай, айрим мамлакатлар (Истроил, Покистон, Хиндистон ва бошк.) гўёки мудофаа мақсадларида атом зарядлари ва уларни нишонга етказиш воситаларини ишлаб чиқарди. Табиийки, ушбу қуроллар ҳам асосан олимлар-конструкторлар томонидан яратилди.

Ҳа, XX аср охири ва ҳозирги аср бошида жаҳонда катта ўзгаришлар рўй берди. Романтика ўрнини аниқ мўлжал эгаллади, олимлар илмий фаолиятининг шарт-шароитлари ҳам ўзгарди.

Фан-техника тараққиёти фанни жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айлантирган даврда у олим бир ўзи ишлайдиган соҳа бўлмай қолди. Ҳозирда фан деярли ҳамма жойда давлат ёки илмий-саноат корпорациялари назорати остида комплекс ривожланмоқда. Бундай шароитда истеъододли ихтирочи-олим қудратли, лекин руҳсиз конвейер тарзида айланадиган илмий-саноат ишлаб чиқаришининг жуда кўп омилларига тўла боғлиқ бўлиб қолмоқда.

¹ Физика в жизни моего поколения. – М., 1963. с. 108.

Шу билан бирга, фан тараккиётининг салбий томонини мутлақ-лаштирувчи, фан ва техникада инсониятнинг тинч-тотув яшашига асосий таҳдидни кўрувчи, фан ва техникани, улар билан бирга олимларни ҳам қаттиқ танқид қилувчи антисциентистлар томонига узил-кесил ўтиш ҳам ярамайди.

Сциентизм («фан ҳамма нарсадан устун туради») ҳам, антисциентизм ҳам, муайян камчиликлар билан бирга, ижобий жиҳатларга эга эканлиги шубҳасиз. Бу икки йўналишни синтез қилиш фаннинг ҳозирги дунёдаги ўрни ва аҳамиятини янада аниқроқ белгилаш имконини беради. Шу нуктаи назардан фанни ижтимоий онгнинг бошқа шакллари билан диалектик алоқада тадқиқ қилиш, ушбу алоқанинг мураккаб ва кўп даражали хусусияти-томонларини ёритиш зарур.

Бугунги кунда олимнинг илмий изланиш эркинлиги ва масъулияти, фанни тартибиға солиш имкониятлари ва чегаралари, илмий ихтиrolар оқибатларининг хусусияти масалалари ҳам ўта долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бу ерда В.И.Вернадскийнинг қуйидаги фикрларига қўшилмай иложимиз йўқ. У илмий тадқиқот эркинлиги муаммосини ёритар экан, ҳозирги фундаментал тадқиқотлар, коида тариқасида, кўп сонли олимлар жамоасининг баҳамжихат меҳнатини ва анча кўп моддий харажатларни талаб қилишини қайд этади. Шу сабабли чексиз тадқиқот эркинлиги ғояси ҳозирда ушбу эркинлик узвий bogлиқ bўlgan ижтимоий масъулиятни ҳисобга олмасдан идрок этилиши мумкин эмас. «Олимлар ўз илмий изланишлари, илмий тараққиёт келтириб чиқариши мумкин bўlgan оқибатлардан кўз юммасликлари керак, деб таъкидлайди В.И. Вернадский. Улар ўз каашфиётлари келтириб чиқарган оқибатлари учун ўзларини жавобгар деб билишлари лозим»¹.

Илмий изланиш эркинлиги тўғрисида сўз юритар экан, В.И. Вернадский ҳокимият илмий тафаккур эркинлигини (очик ёки яширин тарзда) чекламаслиги, унинг ривожланишига ҳар томонлама имконият яратиши учун давлат ҳокимиияти билан фан ўртасида муросага келиниши кераклигига эътиборни қаратади. Умуман олганда, илмий тафаккур, давлат ўз ишини тўғри олиб борган тақдирда, унинг кучи билан тўқнаш келмаслиги керак, чунки фан ҳалқ бойлигининг асосий манбаи, давлат курдатининг негизи ҳисобланади².

Бу ерда биз ушбу муаммонинг камида уч жиҳатига, чунончи: олимнинг ахлоқий, ижтимоий ва хукуқий масъулияти масалаларига дуч келамиз.

Ушбу муаммони ёритишда олимнинг ҳар бир масъулияти даражасини аниқлаш, бунда солиштириш учун бадий адабиётдаги шундай муаммоларга таяниш мухимдир.

Мисол учун ўтган асрнинг 30-йилларида донг таратган фантаст- ёзувчиси А.Беляевнинг уч бадий асарига мурожаат этамиз.

¹ Вернадский В.И. О науке. с.136.

² Ўша ерда. 405-6.

Улардан бири – «Одам амфибия» романида ўпкаси касал боланинг ҳаётини саклаб қолиш мақсадида унинг организмига балиқ жабрасини ўрнатган, болани куткариш асносида унга ҳавода ҳам, сувда ҳам яшаш имконини берган олим тўғрисида сўз юритилади.

Аммо олим бола келажакда манфаатпарастликка асосланган шафқатсиз дунёда яшашига тўғри келишини ҳисобга олмайди, натижада, ундан ёвуз одамлар денгиз тубидан марварид кидириш учун фойдаланади ва уни ҳаводан нафас олиш имкониятидан маҳрум килиб, ўлимга маҳкум этади.

Иккинчи асар – «Ўз юзини топган одам» романида истеъодди, лекин манфаатпараст олимнинг ижтимоий масъулияти тўғрисида сўз юритилади. Роман қаҳрамони ўзининг ноёб истеъоди – бадбашара ва катта жисмоний нуксонга эга одамларга нормал инсоний қиёфани қайтариш қобилятидан факат бойлик ортириш мақсадида фойдаланади, табиатдан ёки ижтимоий турмуш шароитидан жабр кўрган, аммо катта маблағта эга бўлмаган минглаб одамлар азоб чекаётгани ҳакида ўйламайди.

Нихоят, А.Беляевнинг учинчи асари – «Профессор Доуэлнинг боши» романида ўз устозини хиёнаткорона ўлдириб, унинг билимидан жаҳон фанида доврук таратиш учун фойдаланган Керн исмли олимнинг маккорлиги ва шафқатсизлиги ҳакида ҳикоя қилинади. Бу ерда биз олимнинг ҳуқуқий ва жиноий жавобгарлиги масаласи билан тўкнаш келамиз.

Кўриб турганимиздек, келтирилган ҳолатларнинг ҳар бирида олимлар масъулияти ҳар хил кўринишида намоён бўлади.

Аммо бу олимларнинг ҳаммасини бир нарса бирлаштиради: фанда жоиз ва ножоиз ҳаракатлар чегараси ҳакидаги масалани уларнинг ҳар бир ўзи учун ҳал қилиши талаб этилади ва уларнинг ҳар бири бу масалани ўзича ҳал қиласди. Фанда жоиз ҳаракатлар чегарасини бузган олим амалда бу юксак номдан маҳрум бўлади ва энг яхши ҳолда билим билан савдо килувчига, энг ёмон ҳолда эса – жиноятчига айланади.

Шу муносабат билан таникли рус биологи В.А.Энгельгардтнинг олимнинг роли ва унинг эркинлиги ва масъулияти чегараси ҳакидаги сўзларини келтириш ўринли бўлади деб ўйлаймиз.

«Дунё миқёсида муаммолар, тангликлар рўй берган ҳолларда олимлар ўз виждонига қайта-қайта мурожаат этишига, юзага келаётган хавф-хатарларни енгишнинг тўғри йўлини топиш учун масъулият сезишга чакиришига тўғри келиши шубҳасиз. Ўз-ўзидан равшанки, зарарли оқибатларга олиб келадиган сабабларга қарши ҳар томонлама курашиш, илмий изланишларни фаннинг ўзи охир-оқибатини ўйламасдан у ёки бу глобал муаммоларни келтириб чиқариш оқибатида етказилган зарарни бартараф этишига йўналтириш жаҳон олимларининг бурчидир»¹.

Олимнинг ушбу сўзлари айrim илмий тадқиқот натижаларини олдиндан айтиб бўлмаслиги олимларни жавобгарликдан озод кил-

¹ Энгельгардт В.А. Познание явлений жизни. – М., 1984. с. 87.

маслигини ва улар буни яхши ўзлаштириб олишлари кераклигини англатади.

Шу борада эсда тутган ҳолда тарихий даврнинг ҳар бир босқичида олимнинг маълум тадқиқот чегаралари илмий билишнинг йўл берувчи ахлоқий-хулқий чегараларини бўғиб ўтмай, қулай вақт-соати етгунча кутиши лозим.

Бугунги кунда фавқулодда ва фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган фаолиятга мисоллар жуда кўп. Ядро тадқиқотлари, ирсий инженерия соҳасидаги ҳамда ҳарбий ва фуқаролар аҳамиятга молик бошқа соҳалардаги илмий изланишлар, оммавий кирғин қуролларининг «одатдаги» турлари, шунингдек «ирсий», «плазмали», «психотроп» ва бошқа қуролларнинг янги турлари ишлаб чиқилиши ва такомиллаштирилиши шулар жумласидан.

Шу сабабли бугун ўта оғир ва ҳатто ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган илмий кашфиётларни ишлаб чиқариш фаолиятига жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги масаласи кескин килиб қўйилиши керак. Зоро, бугун Ер юзидағи экологик танглик ўз чўккисига етди, ижтимоий, миллий ва диний адоват ўта кескин тус олди, ҳалкаро терроризм хавфи кучайди.

Ўз-ўзидан равшанки, бу ерда мазкур йўналишда ишлайдиган олимлар илмий фаолиятини чеклаш, уларнинг маънавий ва ижтимоий масъулиятини ошириш, улар биргаликда ҳаракатни кучайтириш зарурлигини англаб етиши кераклиги хақидаги масала кўндаланг бўлади. Бунга мисоллар бисёр.

Ўтган асрнинг 60-йилларида юқорида қайд этилган муаммоларга жамоатчилик эътиборини тортишда экологик ҳаракат катта рол ўйнади. «Рим клуби» атрофида бирлашган олимлар, бошқа ҳалкаро экологик ҳаракатлар («Гринпис» ва х.к.) фаолияти шулар жумласидан.

70-йилларда биокимёвий ва генетик тадқиқотларнинг натижалари ва истиқболларидан қаттиқ ташвишга тушган П.Берг (АҚШ) бошчилигидаги молекуляр биолог ва генетиклар олимлар гурухи ўзларининг баъзи бир хавфли тажрибаларига ихтиёрий мораторий эълон қилишга чакириди.

Ўзаро мунозаралар мавзусига айланган муҳокамаларда йўналтирувчи ва ахлоқий мезонлар хавфли тадқиқотларни тўхтатиб қолишига ўз таъсирини кўрсатди.

Бу мисол шу маънода дикқатга сазоворки, олимлар дунё жамоатчилигига мурожаат этиб, биринчи марта илмий кашфиётлар одамларга келтириши мумкин бўлган фойдага эмас, балки жаҳонга таҳдид солаётган хавф-хатарларга эътиборни қаратишга ҳаракат килдилар.

Шунга ўхшаш мисолларни давом эттириш мумкин. Бу фаннинг ахлоқий муаммолари муайян даражада ривожланганини кўрсатади, аммо юқорида қайд этилган хавф-хатарларни тўхтатишида уларнинг самараадорлиги етарли эмас. Бизнинг назаримизда, экологик ҳаракат XX аср охирига келиб анча сусайгани ва олимлар ўз миллий

хонадонларига тарқалиб кета бошлагани ҳам бунга анча жиддий таъсир кўрсатди.

Хозирги дунёнинг умумий илмий манзарасига салбий таъсир кўрсатаётган яна бир омил XX аср охирида икки кутбли дунёни вайрон килган, аммо кўп кутбли дунёни ҳали яратса олмаган воқеликдир.

Кейинги йилларда бутун дунё миқёсида ва минтақалар даражасида вужудга келаётган ташки муносабатларни танқидий таҳлил килиш, И.А.Каримов таъбири билан айтганда, бизни қуршаб турган олам гоят мураккаб ва муаммоли бўлиб келгани, шундай бўлиб қолаётгани ва якин истиқболда ҳам шундай бўлиб қолишини кўрсатади¹.

Шу сабабли илмий кашфиётлар олиб келиши мумкин бўлган фоъиали оқибатларнинг олдини олиш, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига барҳам беришнинг муҳим омилларидан бири бугунги кунда фақат илмий изланиш эркинлиги ва олимнинг ижтимоий масъулияти масалалари эмас, балки фан ва ҳокимиётнинг ўзаро муносабати масалалари хисобланади. Зотан, давлатни акл-идрок билан бошқариш, буюк мутафаккир Абу Наср Форобий IX асрда сабоқ бериб айтганидек, ҳалқ бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир.

Ҳалқаро муносабатларнинг янги тизими шаклланаётган бугунги кунда фан манфаатлари ва давлат манфаатлари ривожланиши муаммосининг ҳал килиниши айникса муҳимдир. Зоро, ҳозирги тарихий тараққиётда улар, афсуски, кўпинч мос келмайди. Айникса, илмий ижодга давлат ўз сиёсий манфаатларини баҳона қилиб, зўравонлик билан аралашишига йўл қўйиб бўлмайди. Илмий тафаккур, В.Вернадский таъбири билан айтганда, «давлат ўз ишини тўғри олиб борган тақдирда, унинг кучи билан тўқнаш келмаслиги керак, чунки у (илмий тафаккур – муаллифлар) ҳалқ бойлигининг асосий манбаи, давлат курдатининг асосидир»².

Бугунги кунда фан, илмий тафаккур айрим давлатларнинг сиёсий манфаатларига қўшимча бўлиши керак эмас. Аксинча, у ижтимоий ва маданий тараққиёт сари умумбашарий ҳаракатнинг ажралмас таркибий қисмига айланмоғи даркор.

Буни англаб этиш дунёнинг тақдиди ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги барча фикр-мулоҳазаларнинг таянч нуктасига айланishi керак. Зоро, Юргбошимиз таъбири билан айтганда: «Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан саклаш ҳар биримизга боғлиқдир»³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 5-б.

² Вернадский В.И. О науке. с. 405.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Ўзбекистон», 1997. 10-б.

Қисқача хуросалар

1. Инсон пайдо бўлибдики, яхшилик ва ёмонлик муаммоси мавжуд. Аммо фанда, илмий кашфиётлар соҳасида у тут долзарб аҳамият касб этади. Бу ерда ҳам ахлоқий, ҳам фалсафий англаб етишни тақозо этадиган саволлар туғилади: истеъоди ва тафаккури маҳсулидан инсониятга қарши ҳарбий ҳаракатларда фойдаланилаётган олимлар жавобгар бўладими?

2. «Фан этоси» – олим хулқ-атвори қоидалари мажмуи. Шу билан бирга, у фаннинг инсонпарварлашуви, унинг маърифий, маънавий ва фалсафий унсурларни ўзида уйғунлаштирган инсонийлик касб этиши ҳақидаги масала ҳамдир.

3. Илмий тадқикот эркинлиги олимнинг нафақат маънавий, балки ижтимоий масъулияти билан ҳам муштарак бўлиши шарт: олимлар ўз илмий иши келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатлардан кўз юммасликлари керак.

Асосий тушунчалар

Амбивалентлик – икки ёклама сезги; айни бир обьект бир вақтнинг ўзида қарама-қарши сезги уйғотиши: эркинлик ва жавобгарлик, яхшилик ва ёмонлик.

Фаннинг инсонпарварлашуви – фанда маърифий, маънавий ва фалсафий жиҳатларнинг муштараклиги.

Фан этоси – олим хулқ-атворини белгилайдиган ахлоқ қоидалари мажмуи.

Саволлар

1. Ҳозирги жамиятнинг ривожланишида фан қандай рол ўйнайди?
2. «Фан этоси» тушунчаси нимани англатади?
3. Фаннинг янада ривожланиши: фойдалими ёки хавфлими?
4. Ҳозирги замон олими ўз тадқикотини танлаш ёки тұхтатища эркинми?
5. Олим қандай ижтимоий масъулиятга эга?

Адабиётлар

Каримов И.А. Узбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. – Т., «Узбекистон», 1997.

Каримов И.А. Узбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т., «Узбекистон», 1995.

Борн М. Физика в жизни моего поколения. – М., 1963.

Вернадский В.И. О науке. – Дубна, 1997. Т. 1.

Кохановский В.П. Философия и методология науки. – М., 1999.

Основы современной философии: Учебное пособие. – СПб., 2001.

- Скирбекк Г., Гилье Н.* История философии. Учебное пособие. – М., Владос, 2000.
- Философия и методология науки* / Под ред. В.И. Купцова. – М., 1996.
- Хилтон Дж.* Тематический анализ науки. – М., 1981.
- Эйнштейн А.* Физика и реальность. – М., 1965.

Х У Л О С А

«Фаннинг фалсафий масалалари» – Ўзбекистон олий ўкув юртлари магистратураси ўкув режаларига бир неча йил муқаддам киритилган янги фан. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу фан бўйича дарслик ва ўкув қўлланмалари хали етарли эмас. Биз ушбу ўкув қўлланмаси мазкур бўшлиқни бир оз бўлсада тўлдиради ва магистратура тингловчилари, аспирантлар ва қизиқувчиларга ўз илмий билимлари доирасини кенгайтириш, дунёкарашини мустахкамлаш, ҳозирги замон фалсафий ва методологик маданиятини ўзлаштириш, шу тариқа ўз фуқаролик позицияси ва ижтимоий фаоллигини оширишга ёрдам беради деган умиддамиз.

Мазкур ўкув қўлланмасида ҳар бир инсон фалсафий билими ва фалсафий маданиятининг аҳамиятини изчил ўстириб бориш тоғаси ҳар томонлама асосланади. Биз илм йўлидагиларга постиндустрисал жамият, электрон-хисоблаш техникасига асосланган ҳозирги замон ахборотлашган жамияти шароитида ўз илмий салоҳиятини муттасил ошириб бориш зарурлигини асослашга ҳаракат килдик.

Қўлланмада ёшларнинг илмий салоҳиятини ҳар томонлама ошириш зарурлиги масаласига алоҳида эътибор берилди. И.А.Каримов қайд этиб ўтганидек, келажак изланувчи ёшлар қўлидадир. Шунингдек, Ўзбекистон Президенти очик фуқаролик жамиятига аста-секин ўтиш шароитларида очиклик, эркин фикрлаш кундалик хаёт тарзига айланиши керак, деб таъкидлаган фикрини маълум маънода асосладик. Ҳозирги шароитда ҳалқимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири эскича, котиб қолган қарашлардан бутунлай ҳалос бўлишdir. Биз ҳозирги ёшлар эскича қарашларни енгib, танқидий, ижодий фикрлаш тарзини ўзлаштириши, миллий мустақиллик тоғарини қалбига жойлашига ҳаракат киляпмиз.

Ҳозирги таълим тизими, ҳозирги замон жамияти талабларига жавоб берадиган рақобатбардош олий малакали мутахассислар тайёрлаш ҳозирги даврнинг энг долзарб вазифасидир. Мазкур қўлланма ёшларга мураккаб ва серкирра дунёни факат теран фалсафий тушуниш нуқтаи назаридан англаб етиш, фаннинг инсонпарварлашуви жараёнига, унинг технократик йўналишига барҳам беришга, ҳозирги замон фани барча тармоқлари иқтидорли ёшлар олимларининг ижтимоий ва маънавий масъулиятини оширишга, масъулият ҳиссини уйғотишга умид қиламиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., «Ўзбекистон», 2003.

Каримов И.А. Ўзбекистон: миллый истиқол, иқтисод, сиёсат, мағкура. – Т. 1. – Т., «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. – Т. 2. – Т., «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т. 3. – Т., «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. – Т., «Ўзбекистон», 1996.

Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т. 5. – Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., «Ўзбекистон», 1997.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сухбат. «Мулокот» журнали, 5-сон. 1999.

Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., «Ўзбекистон», 1998.

Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси ҳалкни – ҳалқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали Бош мухаррирининг саволларига жавоблар. Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., «Ўзбекистон», 2000.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., «Ўзбекистон», 1999.

Каримов И.А. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., «Ўзбекистон», 2001.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т., 2002.

Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга, ҳалқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т., «Ўзбекистон», 2004.

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. Т., «Ўзбекистон», 2005.

Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, ҳалқимиз учун фаровон турмуш шароити яра-

тиш - асосий вазифамиздир. «Халқ сўзи» газетаси. 2007 йил 13 феврал №31.

Абу Наср Фароби. Философские трактаты. –Т., «Фан», 1970.

Абу Райхан Беруни. Избранные произведения. Т. 1. – Т., 1966.

Алишер Навои. Избранные произведения. –Т., 1987.

Алпомиш: Ўзбек халқ достони. –Т., «Шарқ», 1998.

Темур тузуклари. – Т., Ф.Ҳулом номидаги нашриёт, 1999.

Антисери Д., Реале Д. Западная философия от истоков до наших дней. Античность и Средневековье. М., Пневма. 2001.

Антисери Д., Реале Д. Западная философия от истоков до наших дней. От Возрождения до Канта. М., Пневма. 2002.

Асмус В.Ф. Античная философия. М., Высшая школа, 2003.

Бахадиров Р.М. Из истории классификации наук на средневековом мусульманском Востоке. –Т., 2000.

Бряник Н.В. Введение в современную теорию познания. М., Академический проект, 2003.

Вопросы философии. №8-11, М., 2003.

Всеобщая декларация прав человека. –Т., «Адолат», 1998.

Гегель. Философия права. –М., «Мысль», 1997.

Геополитика и мировое развитие. – М., «Мысль», 1995.

Губин В.Д. Философия. Учебник. –М., 2005.

Егоров В.С. Философия открытого мира. Москва-Воронеж, 2002.

Жильсон Э. Философия в средние века: От истоков патристики до конца XIV века: Пер. с франц. М., Республика, 2004.

Захридин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т., 1989.

Миллий истиқлол гояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар.–Т., 2000.

Канке В.А. История философии: мыслители, концепции, открытия. М., Лотос. 2003.

Канке В.А. Философия: Учебник. М., 2004.

Кириленко Г.Г., Шевцов Е.В. Краткий философский словарь. –М., Эксмо-Пресс. 2004.

Кожеурова Н.С. Философия. Человек и жизнь. –М., ЮНИТИ. 2002.

Конфуций. Уроки мудрости. –М., «Наука», 1998.

Кузнецов В.Н. Немецкая классическая философия. –М., Высшая школа. 2003.

Лавриненко В.Н., Ратников В.П. Философия. Учебник для ВУЗов. 2-е изд. –М., ЮНИТИ. 2001.

Лешкевич Т.Г. Философия. –М., 2004.

Маритен Ж. Избранное: Величие и нищета метафизики: Пер. с француз. –М., РОССПЭН. 2004.

Несмеянов Е.Е. Философия в вопросах и ответах. – М., Гардарики. 2002.

Нижников С.А. История философии: курс лекций. –М., Экзамен. 2004.

Плотников В.И. Онтология: Хрестоматия. – М., Академический проект. 2004.

Рассел Б. История западной философии. Сибирское университетское изд-во. 2003.

Рачков П.А. Общественное сознание: Курс лекций. –М., Тейс. 2002.

Реале Д. и др. Западная философия от истоков до наших дней. От романтизма до наших дней. –М., Петрополис. 1997.

Рычков А.К. и др. Философия: 100 вопросов – 100 ответов. Учебное пособие для студентов ВУЗов. М., Владос. 2004.

Саифназаров и др. Сплоченность народа – решающая сила против терроризма. –Т., «Янги аср авлоди», 2004.

Саифназаров И.С., Никитченко Г.В., Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси. – Т., 2004.

Таранов П.С. 150 мудрецов и философов в 2-х томах. –М., Нарус. 2000.

Томпсон М. Восточная философия. –М., Фаир-пресс. 2001.

Фалсафа. Қомусий лугат. Т., 2004.

Фалсафа асослари. Дарслик. М. Аҳмедова таҳририда. Т., 2005.

Философия. Конспект лекций. Р/Д., 2003.

Философия. Курс лекций (Саифназаров И., Қасумов Б., Мухтаров А.). – Т., 2002.

Фирсов А.В. История философии для студентов вузов. М., Феникс. 2004.

Чанышев А.Н. Философия Древнего мира (история философии). –М., Высшая школа. 2003.

Шарифходжаев М.Ш. Формирование открытого гражданского общества в Узбекистане. – Т., 2002.

Шарифходжаев М., Рахимов Ф. Человек, определивший эпоху. М., изд. книжного дома «Труд», 2004.

Шермуҳамедова Н. Фалсафа ва Фан методологияси. Т., 2005.

Шишков Ю.В. и др. Ноосфера: реальность или красивый миф? Материалы постоянно действующего междисциплинарного семинара Клуба ученых «Глобальный мир»: Вып. 4 (27). – М., Новый век. 2003.

Штеренберг М.И. Вечные вопросы в свете науки, философии и религии: Книга 2. – М., Новый век. 2004.

Ўзбекистон: 13 йил мустакил тараққиёт йўлида. Т., 2004.

Яскевич Я.С. Философия в вопросах и ответах. Минск, 2003.

Чет тилларидаги қўшимча адабиётлар

1. Galbraith J.K. The Good Society. The Human Agenda. – Boston-NY., 1996 (Гэлбрейт Д.К. Одил жамият. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан).

2. Gor A. Earth in the balance. Forging a New Common Purpose. – L., 1992 (Гор А. Ер янги умумий максад йүлида изланишда).
3. Ingerhart R. Culture Shift in Advanced Industrial Society. – NY., 1990 (Ингелегарт К. Етук индустриал жамиятда маданий үзгаришлар).
4. Meadows D.H., Meadows D.L., Randers Y. Beyond the Limits: Global crisis or Sustainable Future? – L., 1992 (Мидоуз Д., Мидоус Д., Й. Рандерс. Жоизлик чегарасидан ташқарида: глобал ҳалокатми ёки баркарор келажакми?)
5. Thurow L.C. The Future of Capitalism. How Todays Economic Forces Shape Tomorrows World. – L., 1996 (Лестер Т. Капитализм келажаги. Ҳозирги кун иқтисодиёти эртанги дүнёни шакллантиради).
6. Toffler A. The Adaptive Corporation. – Alderchot, Gower, 1985 (Тоффлер О. Адаптив корпорация).
7. Toffler A. The Ethird Wave. – NY., 1980 (Тоффлер О. Учинчи түлкін).

ИЛОВА

Үқув күлланмасида акс эттирилган файласуфлар ва олимлар

Ибн Рушд (Аверроэс) (1126–1198) – араб файласуфи ва табиби, етти жилдли комусий тиббий асар «Китоб ал-куллиёт» (тиббиёт бүйича умумий күлланма) муаллифи. Аристотель асарларига шархлар ёзган.

Ибн Сино (Авиценна) (980–1037) – жаҳон фани тараккىётiga улкан ҳисса күшган Марказий осиёлик буюк қомусий олим, файласуф, табиб. Унинг илмий-фалсафий «Китоб аш-шифо» ва «Тиб қонунлари» асарлари жаҳон маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Аристотел (мил. ав. 384–322) – қадимги юонон файласуфи ва қомусий олими. Ўз асарларида ўша даврда маълум бўлган билимнинг барча соҳаларини қамраб олган. Унинг фалсафа, мантиқ, физика, биология, санъат назарияси, риторика, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ҳақидаги фанларга оид гоялари жаҳон фалсафаси ва фанининг ривожланишига улкан таъсир кўрсатган.

Архимед (такм. мил. ав. 287–212) – қадимги юонон олими, математиги. Юза ва ҳажмларни аниклаш, эгри чизикларнинг узунилигини хисоблаб топиш усулларини биринчи марта кўллаган; математик физика пионери; механика асосчиларидан бири; кашифётчи.

Белл Д (1919) – америкалик социолог, ижтимоий тафаккур тарихи, сиёсий оқимлар ва ижтимоий прогноз қилиш соҳаси мутахассиси; постиндустриал жамият концепцияси (1964) муаллифи.

Беркли Ж (1685–1753) – инглиз файласуфи, 1734 й.дан Клон (Ирландия)да епископ, субъектив идеализм концепциясини ривожлантирган; материализмни, И.Ньютоннинг макон ҳақидаги таълимотини ва чексиз кичик катталиклар талқинини қаттиқ танқид килган.

Бернал Ж (1901–1971) – инглиз физиги, фан социологи, жамоат арбоби, фаншунослик асосчиларидан бири.

Беруний (Абу Райдон Мухаммад Ибн Аҳмад) (973–1048) – Марказий Осиёлик буюк қомусий аллома ва машхур мутафаккир. Астрономия, математика, геодезия, жуғрофия, метеорология, физика, минерология, фармокогнозия, тарих, этнография, лингвистика, диншунослик, фалсафа соҳаларида янгидан-янги илмий йўналишларга асос солган тадқиқотчидир.

Бор Н (1885–1962) – даниялик физик, атом квант назариясини яратган, квант механикаси муаллифларидан бири, атом ядроси ва ядро реакциялари назариясининг ривожланишига катта ҳисса күшган, Но-бель мукофоти лауреати (1922); квант механикасининг фалсафий талқинига катта ҳисса күшган; мувофиқлик тамойилини таърифлаб берган (1923). Табиий фанлар фалсафаси бўйича илмий ишлар муаллифи.

Борн М (1882–1970) – немис физиги, квант механикаси асосчиларидан бири, В.Гейзенберг ва П.Иордан билан ҳамкорликда матрициалы квант механикасини ишлаб чиқкан ва уни статик асослаган; фалсафа ва физика методологиясига оид күплөб асарлар муаллифи; тинчлик ва демократия учун кураш ҳаракатининг фаол иштирокчиси; Нобель мүкофоти лауреати (1992).

Браге Т (1546–1601) – даниялик астроном, 20 йилдан ортиқ юлдуз, сайёра ва кометалар устида тадқиқот олиб борган; ушбу кузатувларнинг натижалари асосида И.Кеплер сайдарларнинг ҳаракатланиши конунларини яратган.

Бруно Ж (1548–1600) – итальян файласуфи ва шоири; фалсафанинг мақсади табиатдан устун Худони эмас, балки табиатнинг ўзини билиш деб ҳисблаган, Коперникнинг гелиоцентрик назариясини фаол ҳимоя қилган, табиатнинг чексизлиги ва Оламда дунёларнинг бехисоблиги ҳақидаги гояларни ривожлантирган, дахрийликда айбланиб, гулханда күйдирилган.

Бутлеров А.Н (1828–1886) – рус кимёгар олим, модданинг кимёвий тузилиши назарияси муаллифи, кимёгар олимлар рус мактабининг асосчиси, жамоат арбоби.

Бэкон Ф (1561–1626) – инглиз файласуфи, 1618–1621 йилларда Англия лорд-канцлери; борлиқни талқин қилиш математик анъанасини ривожлантирган; схоластикага қарши фаол курашчи; фан нафақат борлиқни билишда, балки уни инсон манфаатларида ўзgartиришда ҳам катта рол ўйнашини асослаб берган; унинг фан методологияси, у таклиф қилган фанлар таснifi, илмий ҳамжамият ташкил этиш ҳақидаги гоялари француз энциклопедистлари томонидан қабул қилинган; унинг гоялари фалсафанинг, айниқса, фанлар фалсафаси ва методологиясининг ривожланишига кучли таъсир кўрсатган.

Вебер М (1864–1920) – немис социологи, иктисадчиси, тарихчиси, хукуқшуноси, файласуфи, дин социологияси ва ижтимоий ҳаракат назарияси асосчиси; тажрибадан олинган билим билан тахминий мухокамани бир-бирига аралаштириб юбормасликни талаб этган; марксизмга қарши чиқкан.

Верн Ж (1828–1905) – француз ёзувчisi, илмий-фантастик роман жанрининг асосчиларидан бири.

Вернадский В.И (1863–1945) – рус табиатшуноси, минералог ва кристаллографи, геокимё, биокимё, радиогеология, биосфера ва ноосфера ҳақидаги таълимот асосчиларидан бири, фан тарихчиси, жамоат арбоби; унинг Ер геокимёвий эволюциясида жонли нарсалар роли, табиатга инсон таъсирининг ўсиб бориши, инсоннинг ягоналиги ва янги, планетар тафаккурни ривожлантириш зарурлиги ҳақидаги гоялари давримиз дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган.

Винер И.Н (1894–1964) – америкалик математик, кибернетика асосчиси, табиат ҳодисалари, жамият ва инсонни тавсифлаш ва ту-

шуниш учун эҳтимоллик ва ахборотга асосланган ёндашувларни кенг қўллаш ғоясини ривожлантирган; ҳозирги жамиятда фан ва техника ютуқларининг қўлланилиши ҳақидаги асарлар муаллифи; унинг ғоялари XX аср иккинчи ярми дунёқарашига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Витгенштейн Л (1889–1951) – австралийлик файласуф ва мантиқчи, аналитик фалсафа намояндаси, мантикий позитивизм фалсафаси асосчиларидан бири; классик фалсафа муаммолари ўз моҳиятига кўра мантиқсиз ва тилимизнинг мантигини нотўғри тушунишга асосланган деб хисоблаган; унинг таъкидлашича, тилдаги камчилликларни аниқлаш ва бартараф қилиш фалсафанинг вазифасидир; Витгенштейннинг бу қарашлари лингвистик фалсафа тараққиётига таъсир кўрсатди.

Галилей Г (1564–1642) – итальян физиги, механиги, астрономи, мусиқачиси, шоири, филологи ва адабий танқидчиси, ҳозирги замон экспериментал-назарий табиатшунослиги асосчиларидан бири, классик механика асосчиси.

Гедель К (1906–1978) – австрияйлик мантиқчи ва математик; етарли даражада бой формал системалар (шу жумладан, натурал сонлар арифметикаси ва тўпламлар аксиоматик назарияси) мукаммал эмаслигини исботлаган.

Гейгер Х (1882–1945) – немис физиги; инглиз физиги Э.Резерфорд билан ҳамкорликда алоҳида зарядланган зарраларни хисоблаш имконини берадиган асбобни кашф килган, кейинчалик ушбу асбоб Гейгер ва немис физиги В.Мюллер томонидан такомиллаштирилди ва Х.Гейгер-Мюллер хисоблагичи деб номланди.

Гейзенберг В (1901–1976) - немис физиги, квант механикаси асосчиларидан бири; Н.Бор билан ҳамкорликда матрицали механика (1925) – квант механикасининг биринчи вариантини ишлаб чиқкан; ноаниқликлар нисбатини таърифлаб берган (1927); атом ядроининг тузилиши, релятивистик квант механикаси ва майдон ягона назарияси ҳақидаги асарлар муаллифи; Нобель мукофоти лауреати (1932); унинг фан фалсафаси ва методологияси муаммоларига оид кўп сони асарлари ҳозирги дунёқараашга катта таъсир кўрсатди.

Гексли К (1825–1895) – инглиз табиатшуноси, Ч.Дарвин сафдоши ва таълимотининг давомчиси; 1883–1885 йилларда – Лондон кироллик жамияти президенти; инсон ва маймун бир аждоддан келиб чиқкан деган назариянинг фаол тарафдори.

Гоббс Т (1588–1679) - инглиз файласуфи; геометрия ва механика илмий тафаккурнинг идеал намунаси деб билган; табиатни катта-кичклиги, шакли, ўрни ва механик ҳаракати (жойини ўзгартириши) билан фарқланувчи жисмлар мажмуйи деб хисоблаган; ижтимоий шартномага асосланган давлат ҳақидаги таълимотни ривожлантирган.

Гюйгенс В (1629–1695) – нидерландияйлик механик, физик ва математик; ёруғликнинг тўлқин назарияси асосчиси; биринчи бўлиб

маятникли соатни ихтиро қилган, унинг назариясини яратган; Франция Фанлар академиясининг биринчи вакили.

Демокрит (тахм. мил. ав. 460–370) – қадимги юонон файласуфи, атомистик назария асосчиларидан бири; қомусий билимларга эга бўлган; ўз даврида маълум деярли барча фанлар: математика, физика, астрономия, тиббиёт ва б. билан шуғулланган.

Дидро Д (1713–1784) – француз файласуфи, ёзувчиси, маърифатпарвари, французча «Энциклопедия» ташкилотчиси ва муҳаррири (1751–1780); «Фалсафий фикрлар» номли илк фалсафий асари (1746) Франция парламенти қарорига биноан ёқиб юборилган; табиат ҳақидаги материалистик таълимотни ривожлантирган; биологик эволюция ҳақидаги фаразни илгари сурган.

Дильтей В (1883–1911) – немис маданият тарихчиси, файласуф, «ҳаёт фалсафаси» оқимининг намояндаси, «тушунувчи психология» асосчиси; фалсафанинг вазифаси ҳаётни тушуниш деб билган ва шундан келиб чиқиб ҳаётни маданий-тарихий ҳодиса деб талқин қилган.

Евклид (мил. ав. З аср) – қадимги юонон математиги; бизгача етиб келган математикага оид биринчи назарий рисола муаллифи; асосий асари – «Негизлар»да планиметрия, стереометрия ҳамда сонлар назариясига оид бир қанча масалалар ёритилган.

Жолио-Кюри Ф (1900–1958) – француз физиги, жамоат арбоби; хотини И.Жолио-Кюри билан ҳамкорликда сунъий радиоактивлик ҳодисасини аниклаган, бунинг учун 1935 йилда улар Нобель мукофоти билан тақдирланган; нейроннинг бета парчаланишини башорат қилган; атом энергиясидан амалда фойдаланиш соҳасида катта ишларни амалга оширган.

Иоанн Павел II (К.Войтила) (1920–2005) – польшалик католик рухонийси; 1964 йилдан Краков архиепископ-митрополити; 1967 йилдан – кардинал; 1978 йилдан – Рим папаси.

Кант И (1724–1804) – немис олимни файласуфи, немис классик фалсафасининг асосчиси; Қуёш системаси фазода тарқоқ ҳолда жойлашган материя зарраларининг ўзаро яқинлашувидан вужудга келган деган космогоник гипотезани ишлаб чиқкан; кўплаб галактикалар мавжуд деган фаразни илгари сурган; у ривожлантирган таълимотга кўра, инсон «нарса ўзида» (моҳият)ни билишга кодир эмас, у фақат «биз учун нарса»ни, яъни ҳодисаларни билиши мумкин.

Капица П.Л (1894–1984) – совет физиги, Нобель мукофоти лауреати (1978); ўта кучли магнит майдонлари хосил қилишнинг импульсли методини таклиф қилган; суюқ гелийнинг ўта оқувчалигини кашф қилган; бошқариладиган термоядро синтезини амалга ошириш соҳасида янги йўналишга асос солган; катта амалий аҳамиятга эга бўлган гелий ва кислородни камайтириш қурилмасини ишлаб чиқкан.

Карнап Р (1891–1970) – немис-америка файласуфи, мантиксунос, мантикий позитивизмнинг етакчи вакили; фан фалсафаси, ман-

тикий синтаксис ва семантика назарияси, индивидуал мантиққа оид асарлар муаллифи; ҳозирги замон фалсафаси фан тилини мантикий таҳлил килиш билан шугулланиши керак, деган гояни химоя қилган.

Кеплер И (1571–1630) – немис астрономи, сайдаралар ҳаракати конунлари (Кеплер конунлари)ни кашф этган; ўз асарларида Н.Коперникнинг гелиоцентрик таълимотини асослаган ва ривожлантирган; И.Кеплер тадқиқотлари нафақат астрономияга, балки янги давр физикикасига ҳам асос бўлди.

Киндий, ал-Кундий (800–879) – машхур араб файласуфи ва олими, шарқ аристотелизми асосчиларидан.

Колумб Х (1451–1506) – денгизчи сайёх, асли генуялик; унинг кашфиётларидан кейин Америка қитъаси география фанига маълум бўлди ва европаликлар томонидан фаол ўзлаштирила бошланди.

Конт О (1798–1857) – француз файласуфи, позитивизм асосчиларидан бири, социология асосчиси; фан ва фалсафа ҳодисаларнинг сабабларини аниқлашга ҳаракат қиласлиги, балки улар қандай содир бўлишини ўрганиши керак, деб ҳисоблаган; жамият тараққиётини белгиловчи инсоният акл-заковати эволюциясининг уч босқичи (илоҳий, метафизик, позитив ёки илмий) назариясини илгари сурган; фанлар таснифини ишлаб чиқкан.

Коперник Н. (1473–1543) – поляк астрономи, врач, давлат арбоби; дунёнинг гелиоцентрик системаси асосчиси; унинг асарлари янги давр дунёкараши шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Кун Т (1922–1996) – американлик фан тарихчичи ва файласуфи, фан фалсафаси ва методологиясидаги тарихий мактаб етакчиларидан бири; унинг асарлари фан фалсафаси ва методологияси муаммолари доирасининг кенгайишига ва фанлар тарихи билан методологияси ўртасида алоканинг мустаҳкамланишига имконият яратди; «Илмий инқилоблар структураси» (1962) асари билан довруқ таратди, унда фанинг тарихий-мантикий динамикасини кўрсатиб берди.

Лакатос И (1922–1974) – инглиз тарихчиси ва фан файласуфи, илмий билимнинг ривожланиш қонунларини ўрганишига ва фан методологиясига катта ҳисса қўшган.

Лейбниц Г.В (1646–1716) – немис файласуфи, математиги, физиги, хукуқшуноси, тилшуноси, кашфиётчisi; борлик қарама-қаршиликлардан иборат эмас, деб ҳисоблаган; унинг фикрича, реал дунё ўзаро бўлинмас руҳий субстанция – монадалардан иборат.

Лобачевский Н.И (1792–1856) – рус математиги, ноевклид геометрияси асосчиларидан бири; университет таълими ва халқ маорифининг таникли арбоби; Қозон университети ректори (1827–1846).

Ломоносов М.В (1711–1765) – жаҳонга довруқ таратган биринчи рус олими, табиатшуноси, физик кимё асосчиларидан бири, ҳозирги замон рус адабий тили асосчиси, рассом, тарихчи, рус маърифатпарвари; унинг буйруғига биноан 1755 й.да Москва университети ташкил этилган.

Максвелл Ж (1831–1879) – инглиз физиги, классик электродинамика асосчиси; статистик физика асосчиларидан бири; унинг асарлари физик борлиқнинг янги тури – майдон аникланишига олди келди.

Мальтус Т (1766–1834) – инглиз иктисадчиси, рухоний; демография асосчиларидан бири; «Нуфус қонуни тўғрисида тажрибалар» (1798) асарида ахоли ўсиши уни тириклик воситалари билан таъминлашда қийинчилклар ошишига олиб келади, деган фикрни биринчи бўлиб илгари сурди ва тугилишни тартибга солиш зарурлиги масаласини кўтарди.

Мах Э (1838–1916) – австриялик физик ва файласуф, аэродинамика жараёнларини ўрганган (бу соҳада бир қанча қагталиклар ва тушунчалар унинг номи билан аталган – Мах сони, Мах конуси ва бошк.); зарба тўлкинини кашф этган; жисмнинг инерция бўйича харакати унинг Олам бутун моддаси билан ўзаро таъсири натижаси деган тамойил (Мах тамойили)ни таклиф қилган.

Менделеев Д.И (1834–1907) – рус кимёгар олим, кимёвий элементлар даврий системаси (Менделеев даврий жадвали)ни кашф этган, педагог, жамоат арбоби; кимё, кимё технологияси, физика, метрология, метеорология, қишлоқ хўжалиги, иктисад, ҳалқ таълимига оид фундаментал асарлар муаллифи; кимёвий элементлардан бири унинг номи билан аталган.

Мендель Г (1512–1594) – австриялик биолог, генетика асосчиси; монах, 1868 й.дан Брюнн (Австро-Венгрия)даги Августин монастири бошлиғи; ирсият қонунларини аниқ таърифлаб берган, ирсийланиш жараённининг назарий моделини яратган, бу таълимот унинг шарафига менделизм деб аталади.

Мертон Р (1910) – америкалик социолог, социологиядаги структуравий-функционал йўналиш вакили; унинг асарлари структуравий функционализм назарияси ва методологияси, фан ва илмий билиш социологиясига, бюрократияни, жамиятнинг ижтимоий тузилишини ўрганишга бағишиланган; АҚШдаги оммавий аҳборот воситалари (радио, телевидение, кино, матбуот)ни эмпирик тадқиқ қилган.

Мильтон Ж (1806–1873) – инглиз файласуфи, мантиқчisi, иктисадчisi, жамоат арбоби; позитивизм фалсафасини ишлаб чиқкан, Фаннинг феноменалистик талқинини ҳимоя қилган; «Мантиқ системаси» фундаментал асарининг муаллифи, унда мантиқнинг индуктивистик талқини фаннинг умумий методологияси сифатида ривожлантирилган.

Ньютона И (1643–1727) – инглиз физиги ва математиги, механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратган, бутун олам тортишиш қонунини кашф этган, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқкан (Г.Лейбниц билан бир қаторда), кўзгули телескоп ихтиро қилган, оптикага оид муҳим экспериментал асарлар муаллифи; энг муҳим илмий асари – «Натурал фалсафанинг математик негизлари» (1687), унда ер ва осмон механикаси системаси яратилган ва осмон жисмларининг харакат назарияси ишлаб чиқилган.

Павлов И.П (1849–1936) – рус физиологи, одам ва ҳайвонлар олий нерв фаолияти таълимоти асосчиларидан; унинг тадқиқотлари биология, тиббиёт, психология, педагогиканинг ривожланишига, инсон ҳақидаги умумий қарашларга катта таъсир кўрсатган; Нобель мукофоти лауреати (1904).

Пифагор (тахм. мил. ав. 570–500) – қадимги юонон файласуфи, математиги, дин ва сиёсий арбоби; пифагореизм асосчиси, ушбу таълимотга кўра ҳамма нарсанинг замирида сон ётади; геометрияда исботлашнинг жорий этилиши, планиметрияни тузишга илк уринишлар, ўхшашлик ҳақидаги таълимотнинг яратилиши, тўғри бурчакли учбуручак томонларининг нисбати ҳақидаги теореманинг исботи Пифагорга тегишли деб хисобланади.

Полани М (1891–1976) – инглиз кимёгар олими ва файласуфи; фалсафа ва фан социологиясига оид бир қанча асарлар муаллифи, энг машҳур асари – «Шахсий билим».

Пригожин И (1917–2003) – бельгиялик физиохимик; номутаносиб термодинамика соҳасидаги асарлари билан машҳур; синергетика асосчиларидан бири; фанни фалсафий тушунишга оид бир қанча асарлар муаллифи, уларда мураккаб системаларнинг вужудга келиши ва фаолияти, ўз-ўзидан ташкил бўлиш, вақт, тасодиф тушунчалари-нинг ўзига хос талқини берилган; Нобель мукофоти лауреати (1977).

Сен-Симон (1760–1825) – граф, француз файласуфи, социологи; илмий социология фани зарур деган гояни илгари сурган; жамият тараққиёти унда ҳукм сурувчи фалсафий ва илмий гояларнинг алмашши билан боғлиқлигини таъкидлаган; тарихда одамларнинг иқтисодий фаолияти, мулк шакллари ва синфлар ўртасидаги муносабатлар ҳал килувчи аҳамиятга эга, деб қайд этган.

Смит А (1723–1790) – шотланд иқтисодчisi ва файласуфи; унинг тадқиқотлари таъсирида сиёсий иқтисод ишлаб чиқилган иқтисодий билимлар тизимига айланди; бозор иқтисодиёти назариясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган; бозор иқтисодиёти ўз-ўзини тартибга солиш хоссасига эга ва унга ҳар қандай аралашиб жамият учун салбий оқибатларга олиб келади, деб хисоблаган; энг муҳим асари – «Бойлик табиати ва сабаблари ҳақида тадқиқот» (1776).

Сукрот (мил. ав. 470/469–399) – қадимги юонон файласуфи; диалог ҳақиқатнинг тагига этиш усули деб билган; догматизмга қарши чиқкан; ўзини ақл ўргатувчи эмас, балки бошқаларни ҳақиқатга интилишга даъват этишга кодир одам деб хисоблаган.

Спенсер Г (1820–1903) – инглиз файласуфи ва социологи, позитивизм асосчиларидан бири, умумий эволюция ҳақидаги таълимотни ривожлантирган; социология органик мактаби асосчиси.

Спиноза Б (1632–1677) – нидерландиялик файласуф, дунёнинг яхлит манзарасини яратишга интилишида Худо ва табиат бир, деган фикрдан келиб чиқкан, бу ягона субстанция ўз-ўзининг сабабчиси, у ўзининг мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтоҷ эмас, деб хисоблаган.

Тоффлер О (1928) – американский философ и социолог, постиндустриальный мыслитель («постиндустриальная цивилизация») концепции муаллифаридан бири; асосий асарлари: «Келажак билан тұкнашув», «Учинчи тұлқин».

Тулмин С (1922) – американский философ; фанни таддик килиш эволюционистик дастурини ишлаб чықкан; фанга фан тармоқлари ва профессионал институтлар мажмуда деб қарайды; фан тарихи илмий назариялар замырда ётган оқилюналиқ ва тушуниш стандартларининг алмашиши деб хисоблады.

Улугбек (тахаллуси; асли исми Мұхаммат Тарагай) (1394.22.3–1494.27.10) – машхур ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. Амир Темурнинг невараси Мовароуннахрнинг хокими (1409–1449). Ўрта Осиё халқлари илим Фани ва маданиятини ўрта аср шароитида Дунё фанининг олдинги сафига олиб чықкан олимлардан бири.

Фалес (мил. ав. 625–547) – қадимги юон философы, афсоналарга күра, «етти донишманд»дан бири, антик ва Европа фалсафаси ва фанни асосчиларидан бири; юон астрономияси ва геометриясига асос солған; күёш тутилишини башорат күлгән (мил. ав. 585 йил), бир қанча геометрик теоремаларни биринчи марта исботлаган.

Фаргоний Абу Аббос ибн Ахмад (ал Фрач) (IX аср – вафоти 861) – Марказий Осиёлик машхур олим Астрономия соҳасида катор асарлар яратган, нил дарёси үлчагичи – ниломерни кашф этган.

Форобий Абу Наср (870–950) – Шарқ философы ва қомусий олими, Аристотель ва Платон асарларига шархлар ёзған; унинг «Мусиқа ҳақида катта рисола» асари – Шарқ ва қадимги юон мусиқа тизими ҳақидаги мухим манба; Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам фалсафа ва фаннинг ривожланишига катта таъсир күрсатған.

Фома Аквинский (1225–1274) – итальян философы ва илохиётчи; ортодоксал схоластика тизимге солған; доминик мазҳабига мансуб монах; томизм асосчisi; асосий асарлари – «Илохиёт йигиндиси» ва «Даҳрийларга қарши йигинди»да етуқ схоластика рационалистик изланишларига яқун ясаган.

Франк Ф. (1884–1966) – австрийско-американский физик ва философ; неопозитивизм намояндаси; физиканинг асосий тушунчаларини фалсафий таҳлил килиш, физик билимлар соҳасини мантикий таҳлил килиш билан шуғулланған, биологияда витализмни танқид күлгән.

Фрейд З. (1856–1939) – австрийский невропатолог, психиатр ва психолог, психоанализ асосчisi; бош мия физиологияси ва анатомиясини ўрганған, неврозлар муаммоси билан шуғулланған; сексуаллик ривожланишининг психик жиһатларини биринчилардан бўлиб ўргана бошлаган; 1907 й.да онгсизликнинг классик таърифини баён күлгән; «Мен ва у» (1923) асарида шахснинг психологик структуралари ҳақидаги таълимотни ривожлантирған.

Хоразмий Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ал-Маъжусий (783–850) Марказий Осиёлик машхур математик, табиат-

шунос олим «О» (нул-цифр)ни ва алгебра фанини кашф этган. Алгоритмлар назарияси хам Хоразмий номи билан бөгликтөрдөр

Шлик М. (1882–1936) – австриялык файласуф ва физик; Мантикий позитивизм даңталбеки босқичи намояндаси; позитивистик фан фалсафасини фаол ишлаб чиқкан Вена тұғарғы асосчысы; фан фалсафаси муаммолари, замон, макон, сабабият, эхтимоллық таҳлили билан шүгүлланған.

Шпенглер О. (1880–1936) – немис файласуфи, «хаёт фалсафаси» оқимининг вакили, маданият фалсафаси асосчиларидан бири; асосий асари – «Европанинг сұниши» (1918–1922); европоцентризмга, тарих жараёнининг «чизыкли» йұналишига қарши чиқкан, тұлақонлы, лекин хар хил маданияттарнинг күплиги гоясини химоя қилған.

Эйнштейн А. (1879–1955) – хозирги замон физикаси асосчиларидан бири, нисбийлик назарияси мүаллифи, квант назарияси ва статистик физика асосчиларидан бири, Нобель мүкофоти лауреати (1921); замон ва макон, уларнинг үзаро алоқаси, объектнинг замон-макон мұносабатлари унинг ҳаракати тезлигига, тортишиш күчларига бөглиқлиги ҳақидаги янги қарашларни ривожлантирган; М.Планк билан бирга квант физикасига асос солған.

Энгельгардт В.А. (1894–1984) – рус биокимёгар олими; асосий асарлари фосфорлы органик бирикмалар алмашувиға, энергетикада ва хужайраннинг физиологик функцияларыда уларнинг ролига бағищланған; молекуляр биология асосчиларидан бири.

КИРИШ

3

**1-мавзу. «ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ»
КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1.1. Фалсафа, унинг ҳозирги илмий билим тизимидағи ўрни.....	5
1.2. Дунёнинг ҳозирги илмий манзараси	8
1.3. Илмий муаммоларни билишда фалсафанинг роли	10
1.4. Курс предмети ва унинг ҳозирги замон фалсафий билим тизимидағи ўрни.....	13

**2-мавзу. ФАЛСАФА ВА ФАН, УЛАРНИНГ ЎЗАРО
МУНОСАБАТИ**

2.1. Фан ва илмий билимлар келиб чикишининг фалсафий масалалари.....	17
2.2. Фанларни таснифлаш ва даврийлаштириш	21
2.3. Фан билим ривожланишининг умумий шакли сифатида.....	24

**3-мавзу. ФАЛСАФИЙ МУАММОЛАР ТАБИАТИ
ВА УЛАРНИНГ ФАНДА НАМОЁН БЎЛИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

3.1. Фалсафий муаммолар тушунчаси.....	28
3.2. Фалсафа - фанда метод ва методология муаммоси	33
3.3. Фаннинг методологик таҳлили.....	36

**4-мавзу. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ШАРҚ-МУСУЛМОН
РЕНЕССАНСИ ДАВРИДА ИЛМИЙ БИЛИМЛАР ШАКЛ-
ЛАНИШИННИГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ**

4.1. Даврнинг умумий тавсифи.....	40
4.2. Мусулмонлар шарқида ислом илоҳиётининг шаклланиши ва ривожланиши (VII-XI асрлар)	44
4.3. Илк Шарқ Ренессанс даври илмий-фалсафий фикрлари шаклланишининг баъзи бир хусусиятлари.....	45
4.4. Сўнгги шарқ Ренессанси.....	47

5-мавзу. ФАН ФАЛСАФАСИ

5.1. Фан фалсафасининг шаклланиши.....	57
5.2. Фан фалсафаси ва позитивизм.....	60
5.3. XX аср охрии XXI аср бошларида позитивистик билимнинг ривожланиши. Постпозитивизм.....	63
5.4. Фан фалсафаси ва ҳозирги замон.....	68

6-мавзу. ТАБИАТШУНОСЛИКНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

6.1.	Табиат ҳақидаги фан шаклланишининг фалсафий асослари.....	72
6.2.	Фаннинг вужудга келиши. Илмий инқилоблар.....	78
6.3.	Ҳозирги замон табиатшунослигининг ривожланишида фалсафа ролининг ортиб бориши.....	84

7-мавзу. ТЕХНИКА ФАЛСАФАСИ

7.1.	Техника тушунчаси, унинг моҳияти ва ривожланиш босқичлари.....	88
7.2.	Техника ва фан, уларнинг ўзаро алоқаси (фалсафий талқин қилишнинг баъзи бир масалалари).....	90
7.3.	Техника ва ҳозирги замон.....	97

8-мавзу. ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ФАЛСАФАСИ

(фалсафий-экологик жиҳати)

8.1.	Глобал муаммолар фалсафий таҳлил обьекти сифтида.....	102
8.2.	Инсон ва табиат: қарама-қаршиликдан ўзаро алоқа сари	106
8.3.	Мустақил Ўзбекистонда экология масалалари ва уларни ҳал қилиш йўллари.....	109

9-мавзу. ҲОЗИРГИ ДУНЁНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ФАЛСАФИЙ МУАММО СИФАТИДА

9.1.	Глобал муаммолардан дунёning глобаллашуви сари....	115
9.2.	Инсоният тарқокликтан яхлитликка.....	122
9.3.	Дунёning глобаллашуви.....	125

10-мавзу. ИҚТИСОДИЁТ ФАЛСАФАСИ

10.1.	Иқтисодиёт тушунчаси.....	129
10.2.	Фалсафа ва иқтисодиёт – билиш функцияларининг бирлиги ва фарқлари.....	132
10.3.	Иқтисодий глобализация ва ҳозирги замон.....	136

11-мавзу. СОБИҚ ИТТИФОҚ МАМЛАКАТЛАРИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШИ ШАРОИТИДА МУЛКНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

11.1.	Мулк тушунчаси.....	143
11.2.	Мустақиллик ва бозор иқтисодиёти.....	147
11.3.	Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда мулк масаласининг ҳал қилиниши.....	148

*12-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ
АСОСЛАРИ ШАКЛАНТИРИЛИШИНГ
ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ*

12.1. Фуқаролик жамияти – муаммолар ва мулоҳазала.....	156
12.2. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асослари шакллантирилишининг фалсафий масалалари.....	162

*13-мавзу. ФАН ВА ДИН ЎЗАРО НИСБАТИНИНГ
ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ*

13.1. Фан ва дин – дунёни билишнинг икки шакли.....	176
13.2. Дунёнинг ҳозирги илмий ва диний манзараси.....	180
13.3. Билим ва эътиқод: қарама-қаршиликнинг давомими ёки келишувми?.....	185

*14-мавзу. ИЛМИЙ БАШОРАТНИНГ ФАЛСАФИЙ
МАСАЛАЛАРИ*

14.1. Муаммонинг кўйилиши.....	194
14.2. Келажакни билиш шакллари ва методлар.....	199
14.3. Илмий башоратда синергетиканинг роли.....	202

*15-мавзу. ФАННИНГ ИНСОНПАРVARЛАШУВИ
ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ ВА ОЛИМ МАСЪУЛИЯТИ*

15.1. Ҳозирги замон фани: яхшиликми ёки ёмонликми?.....	209
15.2. Фан этоси.....	213
15.3. Олимнинг эркинлиги ва масъулияти.....	215

ХУЛОСА.....	223
--------------------	------------

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	224
--------------------------------------	------------

ИЛОВА.....	228
-------------------	------------

**ИСМОИЛ САЙФНАЗАРОВ, БОТИР ҚОСИМОВ,
АЗАМАТ МУХТОРОВ, ГЕОРГИЙ НИКИТЧЕНКО**

ФАННИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ

Тошкент – « Fan va texnologiya » – 2007

Мұхарріп:

Тех. мұхарріп:

Мусақхих:

**Компьютерда
сағиғаловчы:**

С.Бадалбоева

А.Мойдінов

М.Хайитова

А.Шамедов

Босишига рұхсат этилди 20.04.2007. Бічими 60x84^{1/16}.
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулида босилди.
Шартлы босма табоги 15,25. Нашр табоги 15,0.
Адади 1000. Буюртма №.34.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonası»да чоп этилди.
700003, Тошкент шаҳри, Олмазор, 171.

ISBN 978-9943-10-037-4

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-10-037-4.

9 789943 100374